


ЖАДИЧИЛИК:

ислоҳот, янгиланиш, мустакиллик ва тараккиёт учун кураш

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистоннинг янги тарихи Маркази
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тарих институти

Жадидчилик:
ислоҳот, янгиланиш,
мустақиллик ва тараққиёт
учун кураш

(Туркистон ва Бухоро жадидчилиги
тарихига янги чизгилар)
Даврий тўплам
№ 1



Тошкент
“Университет”
1999

Мазкур тўплам мустақиллик шарофати билан қарор топган, хурфикрлик шароитида ҳаққоний тарихимизни тиклаш ва уни холисона таҳдил этиш давр талабига айланган, бугунги кунда ошкоралик юзини кўришга ва тухмат тамғаларидан холос бўлишга мушарраф бўлган якин ўтмишимиз - XX асрнинг дастлабки чорагидаги энг муҳим ижтиомий-сиёсий, тарихий ҳодиса - жадидчилик ҳаракати ҳакидаги илк ҳакикат садоларини жамлаган дастлабки илмий-тадқиқотdir. Мазкур тўплам тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари, аждодларимизнинг энг илғор вакилларининг салохияти, сиёсий-мъянавий қиёфаси, орзу-умидлари, фидоий фаолиятлари билан танишипиради.

Таҳрир ҳайъати: Д.А.Алимова, С.С.Аъзамхўжаев, М.М.Исҳоқов,
А.С.Сагдуллаев, Ф.Р.Эргашев, Б.Қ.Қосимов,
Ф.Ҳ.Қосимов

Тақризчилар: филология фанлари доктори, профессор
Ҳ.Болтабоев
тарих фанлари доктори Р.Ҳ.Каримов

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори Д.А.Алимова

© Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва
жамият курилиши академияси - 1999
© “Университет” нашриёти - 1999

Истиқлол самараси

Мустақиллик элга, юртга ўзлигини, имону эътиқодини қайтариб берди. Ватан мустақиллик туфайли ўз тақдирини ўз қўлига олди. Адолатнинг қон таначаларига ҳаёт юурди.

Истибдод мағкураси, занжирбанд сиёсат туфайли атайин бузиб кўрсатилган она тарих саҳифаларини холис, ҳалол, бирламчи маъноларида ўрганиш, ёритиш ва тарғиб этиш имкониятига эга бўлдик.

Кўлингиздаги китоб ҳам Истиқлол самарасидир. Бундай тадқиқотнинг (ёки тадқиқотлар мажмуи) пайдо бўлишини жамият салкам бир аср давомида интиқлиқ билан кутди. Лекин бу, жадидчилик ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган, нашр этилмаган экан-да, деган маънони билдирамайди.

Асримизнинг 20-30 йилларида ёк бу ҳакда қатор мақолалар ва, ҳатто, рисолалар ҳам эълон қилинган. Ўша давр Москов илмий журналларида ҳам бу муаммога муносабат билдирилган ишлар чоп этилган. Хориждаги мутахассислар ҳам бу масалага ўқтин-ўқтин мурожаат этиб турдилар. Аммо, бу чикишларнинг аксарияти ўзига хос чекланишларга эга эди.

Шўролар ҳудудидаги ишларда жадидчилик ҳақида бир вақтлар хиёл ижобий фикрлар айтиш кўзга ташланса-да, кейин, бора-бора у шўро тузумига қарши аксилиниклобчи ғоявий ҳаракат, миллатчилик, туркчилик, исломчилик ва ҳоказолар тарзида фақат салбий баҳолаб келинди. Ғарбда бу муаммо хусусида фикр юритилганда эса, асосан, илмийлик ва тарихийликка таяниш сезилса-да, аксар ҳолларда, етакчи мақсад шўроларнинг миллий сиёсатига қарши кураш ва уни фош этиш экани сезилиб туради. Лекин бундан қатъий назар, 90-йилларгача келган 50-60 йил ичida жадидчилик ҳақида тўғри гапни айтганлар асосан ғарб олимлари бўлди. Бу масалани ўзимизда ўрганишда 60-80 йилларда бирмунча силжишдек кўринган жадидларни ўнг ва сўлларга ажратиб баҳолаш эса, аслида, моҳият эътибори билан жадидчиликнинг шўро тузумини ёқлаш ва уни мустаҳкамлаш йўлига ўтган вакилларини оқлаш тадориги-

мустаҳкамлаш йўлига ўтган вакилларини оқлаш тадоригидаги устамонликдан бошқа нарса эмас эди.

Мазкур тўпламдаги мақолалар жадидчиликни мусоир замон ва маконда, бор мураккаблиги билан аниқ тарихий шароитларда туғилиши, шакланиши, баъзан чекиниши, сўнг яна ўсиш ва ривожланиш йўлига ўтиши, мустабид тузум ва жамият туфайли таназзулга йўл тутиши сингари жараёнларнинг баъзи қирраларини ўрганишга бағишлилади. Бу масалаларни, жадидчилик тарихини яхлит, бутун бўй-басти билан ўрганиш эса, келгусининг вазифасидир.

Жадидчилик давлат, тузум, бошқарувни ислоҳ этиш, ва миллатни ривожлантириш орқали, умуман, жамиятни янги тараққиёт босқичига олиб чиқишини мақсад қилиб кўйган ғоялар ва аниқ амалий тадбирларни ўзида мужассамлаштирган тизим экани барчага аён. Шундай экан, бу тизим жаҳон цивилизациясида ниҳоятда катта роль ўйнаган Туркистондек улкан тарихий бир ўлкада, кўп асрлар давом этиб келган ҳаётнинг шарқона тарзини саклаган ҳолда, уни ғарб ва Оврупо тараққиёти натижалари билан бойитишни кўзлаганини ҳамда XX аср тонгидан янгича яшамокни вужудга келтириш усулларини излаганини, истибод шароитида ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида курашга киришганини кўрсатувчи сертармоқ ва мураккаб жараёнларни ўзида истифода этди. Бу жараёнларни ўрганиш, тадқиқ этиш эса осон иш эмас. Тўплам муаллифлари ана шундай оғир ишга қўл урганлар.

Мураккаб жараёнларни таҳлил этувчи тадқиқотларни ҳамма ҳам бирдек, силлиқкина кабул қиласлиги, табиий. Ушбу тўпламдаги мақолалар ҳам шундай бўлиши мумкин. Ҳар бир мақолада ёритилаётган масалада муаллифнинг ўз нуктаси назари ётади, у кези келганда баҳс ва мунозара уйғотар. Масалан, бир тарихий факт ҳақида ўз давридаги матбуот саҳифаларида бир эмас, баъзан икки-уч хил маълумотлар ҳам учраб қолади ва улар турли мақолаларда шу йўсинда акс этади. Бунга кўп ҳам ажабланмаслик керак. Ана шундай баҳсли маълумотлар асосида мунозаралар уйғонади ва уларнинг таҳлили натижасида ҳақиқат туғилади.

Туркистон жадидларида Ғарб ва Оврупо фалсафаси,

айниқса, француз маърифатпарварларидан ўрганилган жойлар кўп. Буни алоҳида таъкидлаш зарур. Бу, дунё ва инсоният яхлитлигига яна бир далилдир. Зеро, бир вактлар ўз тараккӣётига Шарқдан кучли турткilar олган Ғарб ва Оврупо муайян юксалиш босқичида туриб, ижобий самараларини Шарқнинг ўзига яна қайтариб берди. Лекин, айни вақтда, жадидчилик ҳаракатидаги барча илгор нукталарни, фақат Ғарбга, Оврупога боғлаб кўйиш ўринли бўлмас. Жадидчилик ҳаракати ва ғояларининг асосини Туркистоннинг ўзида вужудга келган тарихий, ижтимоий-сиёсий вазият ва шароитлардан изламоқ тўғрирокдир. Биргина мисол: тарақкий эттан Ғарб ва Оврупо мамлакатлари ўзга, босқични мамлакат асоратида эмас эдилар. Туркистон эса, Шўро тўнтарувига қадар ҳам, ундан кейин ҳам ана шундай истибодд остида эди. Бинобарин, жадидларнинг бош ғоялари ҳам ана шу - истибодддан кутилиш ва мустақилликни қўлга киритиш мақсади билан боғланиб кетади. Тўпламда бу масалага алоҳида эътибор беришга ҳаракат килинган.

Жадидларнинг улкан арбоблари, адиллари ўз ижодида, қарашларида баъзан Ғарбга, Оврупога кескин салбий муносабат билдиришларига ҳам тарихан ёндашмоқ керак бўлади. Масалан, шундай муносабат, айниқса, Фитрат ижоди ва қарашларида мўл учрайди. Буни салбий маънодаги милятчиликка йўймаслик керак. Зотан, XX аср бошларида қатор Шарқ мамлакатлари тарақкий эттан Оврупо мамлакатларининг истибододида бўлиб келганини билган киши Фитратни тўғри тушуна олади.

Россия мусулмонлари съездини (1905) чақиришда (бу йигин Нижний Новгороддаги Ока дарёсида турган “Густав Струве” кемасида яширин бўлиб ўтган) жадидларнинг ташаббус кўрсатганлари маълум. Шундай маълумотлардан келиб чиқиб, баъзи тадқиқотларда, жадидчиликнинг келиб чиқиши замирида мусулмончилик ғояларини мустаҳкамлаш ва мусулмонларни бирлаштиришгина ётади, демоқчи бўладилар. Бу фикр нотўғри эканлитигини тарих кўрсатди ва ушбу тўпламдаги қатор мақолаларда бу тарихий ҳақиқат аниқ фактлар, мисоллар асосида очиб берилади. Жадидларни маънавий яқдиллик (“духовная консо-

лидация") бирлаштириб турганлигини очишга алоҳида урғу берилади. Шу нұктай назардан, баъзан турли мақолаларда, бир масалага турлича қарашлар, ҳатто, турлича баҳолар күзга ташланиб қолади. Бундай ҳолларда муаллиф фикрига ўзгартириш киригмаслик маъқул кўрилди. Чунки, мутахассислар бу каби қарашларга ўзларининг мустақил муносабатларини билдира оладилар.

XX аср тонгида Туркистанда инқилобий ҳаракат фаол тус олган эди, деган фикрларга ҳам танқидий қараш керак бўлади. Чунки, Туркистанда шўро мафкураси тиқишигириб келган маънодаги марксистик тўгараг-у, РСДРПлар илгари сурган мазмундаги программа-минимум, программа-максимумга эга инқилобий ҳаракат бўлган эмас. Агар бўлса, бу ўлкага Россиядан қочиб ё кўчиб келганлар орасида маълум даражада бўлган. Ерли халқ вакиллари орасида эса, оммавий тусда бўлмаган. Туркистанда бу даврда муайян йўналишдаги инқилобий тусдаги ҳаракат мавжуд эди, дейиладиган бўлса, илғор вакилларида жадидчилик ғояларини ўзига сингдирган миллий озодлик ва тараккийпарварлик йўсимиидаги инқилобий ҳаракат ҳақида гап бўлиши мумкин.

Мазкур тўплам жадидчиликнинг барча муаммоларини камраб олмайди ва бунга даъво ҳам қилмайди, албатта. Китоб жадидчиликнинг айрим қирралари ёритилган дастлабки коллектив ишдир. Келгусида бу каби тўпламлар, монографиялар кўпилаб яратилиши, шубҳасиз. Ушбу китоб ана шу йўналишдаги ишларнинг бошловчиларидан бири бўлиб қолади.

Айрим ишларни ҳисобга олмаганды, шу вактгача жадидчилик ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар, аксар ҳолларда, адабиётшунослар қаламига мансуб бўлганини ва, асосан, адиблар ижоди тадқиқ этилганини кузатамиз. Қўлингиздаги китобда жамланган мақолаларда жадидчилик муаммолари, асосан, тарих фани нұктай назаридан ёритилади ва у Ўзбекистонда шу йўналишда яратилган дастлабки ишдир. Мақолалардаги маълумотлар, асосан - ўз даври матбуотига, Ўзбекистон Марказий Давлат архиви, Россия Давлат Ҳарбий архиви, СССР Халқ комиссарлари қошидаги маҳсус Давлат Сиёсий бошқармаси архиви сингари бирламчи манбаларга, айрим хорижий нашрлар, шунинг-

дек ХХ асрнинг бошида жадидлар ташкил этиб, чоп эттирган журнал ва газеталарга таяниб ёритилган.

Уларда машхур Исмоилбек Ғаспрали, Аҳмад Заки Валидий, Абдурауф Фиграт, Махмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Асадулла Хўжаев, Файзулла Хўжаев номлари билан бир каторда, кўпчиликка ҳали яхши таниш бўлмаган Носирхон Тўра Сайд Камолхон тўра ўғли, Садриддин Махсум Шарифхўжа, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Тўракул Жонузоқов номлари ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан танишасиз. Энг асосийси, бу мақолаларда жадидчилик ҳаракатининг тарихий асослари ва моҳияти, жадидчилик тизимида миллий давлатчилик ғояларининг туттган ўрни, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, жадидчиликнинг ҳалқаро миқёсдаги энг илгор маърифат ва маданиятнинг Туркистонда ўзлаштирилишида жадидларнинг роли ва уларнинг истиқлол ғояларини ҳётта сингдириш учун олиб борган курашлари сингари муаммоларга эътибор берилади.

Шуниси эътиборлики, биз мазкур китобдаги айрим мақолалардан жадид ватандошларимизнинг накадар буюк ва теран тафаккур эгаси бўлганлигини кузатиш имконига эга бўламиз. В.И.Ленин: "...биз коммунизм қурамиз, Россиядаги мусулмонлар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қиладилар", - деб дунёга айюҳаннос солиб турган бир пайтда, 1920 йил сентябрида, Бокудаги Шарқ ҳалклари курулгойида Т.Норбўтабеков айтган, шўролар, моҳият эътибори билан "коммунизм никоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачилар"дир, деган фикр кимни тўлкинтирмайди, дейсиз?

Ёки яна бир мисол: Маркс асос соглан синфиийлик назариясини рад этиш учун деярли 150 йил ва яна Ленин асос соглан тузумни барбод этиш керак бўлди. Ватандошимиз Мунавваркори Абдурашидхонов эса бу хulosага бундан 70 йил аввал келган экан. Мана унинг фикри: "Бизнинг синфиий дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш (белгилаш муаллифники - Б.Н.) ётади".

Яна муҳими шуки, тўплам муаллифлари бундан 80-90 йил аввалги ҳодисалар ҳақида фикр юрита туриб, факат тарих куршовидагина қолиб кетмайдилар, уларнинг асосий эътибори факт ва маълумотдагина эмас, улар-

нинг таҳлилидан чиқариладиган хулосаларда, бу хулосаларни бугунимиз билан боғлашта ҳаракат килишда, яъни уларнинг замонавийлигига, бизнинг шу кунимиз хизматига, Истиқлолимиз ва Мустақиллигимиз хизматига бўйсиндирилишидадир.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўз маъруза, мақола, сұхбатларида - фидойи жадидларимиз ҳёти бил учун ўрнак, ёшларни истиқлол, ватанпарварлик, миллатпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга, уларнинг босиб ўтган кураш йўлини ўрганиш зарур, деб таъкидлаганлари барчамизга маълум. Мазкур китоб ушбу даъватга имкон қадар жавоб тариқасидаги ҳаракатлардан бири сифатида майдонга келган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамкорлигига тайёрланган ушбу тўплам мутахассислар томонидан ўз муносиб баҳосини топади ва нафақат олимлар, балки кенг жамоатчиликка тарихий билимларини кенгайтириш учун муҳим ва қизиқарли манба бўлиб хизмат киласди.

Бахтиёр Назаров
ЎзФА мухбир аъзоси

Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иктисодий замини (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошлари)

Жадидлар сиёсий фаолиятининг негизи мустакиллик ва озодлик ғоялари билан сугорилган эди. Бу ғоялар аввалом-бор XIX асрнинг 50-70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши жангларида ўз ифодасини топган эди. Улар рус давлатининг Туркистон заминида ҳукмронлиги ўрнатилганидан кейин ҳам халқнинг қалбида жўш уриб турди. Бу ҳамиша ўз халқининг дардига яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг онги ҳамда қалбини чулғаб олди. Чунки рус давлати минтақада миллтий давлат ва қўшинни тутатиб, мустакилликни барбод этди. У ўзининг мағфаатларини таъминлайдиган сиёсий-маъмурий тизимни ташкил этиб, бугун минтақани ягона эгаси бўлиб қолди. Рус хукумати 1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этди ва К.П. Кауфманни биринчи губернатор қилиб тайинлади. У 1868 йил 1 январь куни Тошкент шаҳрининг нуфузли кишилари хузурида нутқ сўзлади. У ўз сўзида рус давлатининг Туркистон заминига бостириб киришини, қонли урушларни оқлаш ва хас-пўшлаш учун кўп найрангбозлик қилди. Зоро, у хонликлар даврида ўлкада адолатсизлик ва зўравонлик ҳукм суреб, халқ оммаси ҳамиша оғир аҳвол ва азоб-уқубатда яшаганлигини таъкидлаб, рус давлатининг Туркистонни босиб олиш сабабини гёёки туб аҳолига озодлик ва фаровон ҳаёт баҳш этиш билан изохлайди. У ўлкада ўзи тузган мустабид сиёсий-маъмурий тизимни мактаб шундай дейди: «Бахт-саодат келтирувчи янги тартиб ва қонунларни, улут императорнинг марҳаматини англашга туб аҳолининг аклидроқи етарлимикин?... Такрор огоҳлантираманки сизларнинг тақдирингиз ўзларингизни кўлларингизда. Агар ўзларингизни фойдангизни ўйлаб ва бизнинг марҳаматимизни ҳис этиб, рус хукуматига хайриҳоҳлик билан муносабатда

бўлсангизлар баҳти ҳаётта эришасизлар, борди-ю, сизлар бошқача иш юритиб хукуматга карши турсангиз, ҳокимият куч ишлатишга ўтади».

Кўриниб турибдики, К.П. Кауфман халкни рус хукумати атрофига онгли равища жисплашишга даъват этди. Акс ҳолда ҳарбий куч ишлатишни билдириб, таҳдид ҳам килади. У рус давлатини адолатли ва инсонпарвар сифатида тасвирлашга имкони борича ҳаракат қилади, ўзини эса мана шундай «салоҳиятли» давлатни Туркистондаги вакили сифатида гавдалантиради. Аммо, кўп ўтмай рус давлатининг ҳам, шахсан унинг ўзининг ҳам ниқоби йиртилиб, ҳақиқий қиёфаси ошкор бўлади. Чунончи, К.П. Кауфман босқинчилик ва талончилик урушини давом эттириб, Бухоро, Хива ва Кўқон хонликларини ваҳшийларча босиб олди. Шундан кейин рус хукумати минтақани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларидан иборат уч қисмга парчаланган ҳолда бошқарди. Рус хукумати генерал-губернатор лавозимига улуғ миллатчилик руҳи билан суғорилган ва қаттиқўлли кимсаларни тайинлайди. Улар ўлкада мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмни изчилилк билан амалга ошириб бойликларни ташда муҳим ўрин эгалладилар. Шу боис, уларни исмашарфларини келтириш ва билиб кўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

К.П. Кауфман (1867-1882);	Н.А. Тевянов (1904-1905);
М.Г. Черняев (1882-1884);	Д.И. Субботич (1905-1906);
Н.О. Розенбах (1884-1888);	Н.И. Гордеков (1907-1908);
А.Б. Вревский (1889-1898);	П.И. Мишенко (1909);
С.М. Духовский (1898-1901);	А.И. Самсонов (1909-1913);
Н.А. Иванов (1901-1904);	А.Н. Куропаткин (1916-1917).

Улардан ташқари, 1914-1916 йиллар орасида Флут, Мартсон ва Ерофеев деган кишилар вактинчалик губернатор бўлиб турганлар. Генерал-губернаторлар ўзларининг ёрдамчилари ва маҳсус кенгаш аъзолари билан иш юритганлар. Генерал-губернаторлик қошида ижроий орган - Идора (канцеляри) бўлиб, уч бўлимни ўз ичига олган. Биринчиси, бошқарув ва маъмурий шахслар, иккинчиси, ер, соликлар, курилиш, алока, ўкув ва санитария, учинчиси, молия ва ер-соликларга доир масалалар билан шугулланган.

Шунингдек, бу бўлим вакф мулклари, статистика ва хорижий фуқароларни назорат қилиб турган. Идора қошида Бухоро ва Хива хонликлари билан алоқани таъминловчи дипломатия бўлими ҳам фаолият кўрсатган. Ўлканинг олий ва ўрта бошқарув лавозимларига рус генераллари ва офицерлари тайинланди. Генерал-губернаторлик таркиби Сирдарё, Фарғона, Самарканд, Еттисув ва Каспий орти вилоятлари киритилиб, Тошкент шаҳри унинг марказига айлантирилди. Вилоят ва унга қарашли уезд бошликларига ҳам ҳарбий кишилар кўйилди.

Вилоят ҳарбий губернаторлари ўз кўл остидаги шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, мустамлакачилик сиёсатини амалга оширгандар. Бу ишда вилоят бошқармаси ижроий орган сифатида муҳим ўрин эгаллади.

Вилоят ҳисобидаги уездларга катта-кичик шаҳарлар, қишлоқ ва овуллардан ташкил топган волостлар кирган.

Ўлкадаги куйи бошқарувга, хусусан, волост, қишлоқ ва овул оқсоқоллик лавозимларига маҳаллий аҳолининг вакиллари «сайлөв» йўли билан тайинланган. Улар рус маъмуриятининг кўрсатмаларини сўзсиз бажарадиган ва ўта итоаткор кишилар ҳисобланган.

Шу тариқа, маҳаллий юқори табака вакиллари олий ва ўрта бошқарув лавозимларидан маҳрум этилиб, сиёсий майдондан суреб ташланди. «Маҳаллий халқнинг орасида, - деб ёзганди Фарғона вилояти губернатори, - хоннинг амалдорлари ва айникса, руҳонийлар сингари душманларимиз кўп. Биз бу ўлкага келганимиздан кейин улар факт собиқ мавқеларини эмас, балки яхши ҳаётни таъминловчи имкониятлардан ҳам айрилдилар. Ўша тоифадаги кишилар ўз жамиятининг руҳи ва заиф томонларини яхши билғанликлари учун аввалги тартибларни тиклаш мақсадида, халқни русларга қарши отлантиришга қодирдирлар».

Дарҳақиқат, хонлик даврида ўз ватани учун хизмат қилган кишилар оз эмас эди. Улар факат даромадлардан айрилганликлари учун эмас, балки она юртни мустакиллигини тиклаш учун курашга тайёр эдилар. Ҳатто улардаги мустакиллик учун кураш ҳаракати XX аср бошларига, яъни кейинги авлодга мерос сифатида ўтиб борди. Бу хусусида,

архив манбаларида шундай дейилган: - «Рус давлатига бўйсундирилганига қадар Фарғона мустақил давлат ҳисобланиб, ўзининг тарихи, хукмрон синфи ва бошқарув тизимиға эга эди. Уларни йўқолганига ҳали чорак аср бўлгани йўқ. Шунингдек, янги шароитга мослашиш учун бир кишининг умри ўттани йўқ. Илгари хукмронлик қилган нуфузли табакаларнинг оддий кишиларга айланиш жараёни жуда қийин ва аламли кечмокда. Шунинг учун тасодифий ҳодисаларни бўлишини назарда туттан ҳолда, маҳалий аҳолини қаттиқ назорат остида саклаб туриш зарур. Чунки улар ўз ҳолича ташлаб кўйилганилиги учун доимий равищда назорат килишни имкони йўқ. Янги тартиб ва қонунлар орқасида уларнинг фақат жамиятдаги мавқеига эмас, балки вақф ерларидан олинадиган даромадларнинг кисқартирилиши туфайли иқтисодий манфаатларига ҳам зиён етказилди»¹.

Рус ҳукумати биринчи навбатда, дин пешволарини энг хавфли душман ҳисоблаб, уларни имкони борича «бурчакка қисиб» кўйишга ҳаракат килди.

Маълумки, рус ҳукумати қозилик судини саклаган бўлса-да, лекин қозилар қаттиқ назорат остида ушлаб турилди. Улар ва қуи маъмурият вакиллари биргаликда «гаҳ деса кўлга кўнадиган» тарзда ишлатилган. Ҳатто арзимаган баҳоналар топиб вахимада ва қўркувда ушлаб турилган. Масалан, Кўқонда 25 нафар қозилар эски қабристонларни бузмасликни сўраб ёзганларида, улардан бир нечтаси лавозимларидан четлатилди. Шундан кейин, бир гуруҳ нуфузли кишилар норозилик хатини ёздилар. «Хонлар вақтида, - дейилган унда, - қозилар шариат қонунларини билганликлари учун мукофотланганлар. Аммо ҳалойик қозиларнинг бекордан бекорга лавозимларидан бўшатилганини билмайди. Чунки улар ҳеч қачон шариатга зид ишларни қилмаганлар»².

Рус маъмуриятининг қозиларга нисбатан кўллаган адолатсизлиги жамоа аҳлини норозилиги ва нафратини янада

¹ Центральный Государственный архив России в Петербурге. Ф.1282, оп.3. Д.412, л.27.

² Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.Ц.-19, рўйхати-1, иш-332, 43 б.

кучайгирди. Шунинг учун вилоят ҳарбий губернатори А.А.Абрамов кўзғолон кўтарилишидан кўркиб, агар тартибсизликлар рўй берса, у вақтда қозиларни Сибирга сургун килинишини маълум қилди.¹ Айни пайтда Кўқон уездининг бошлиғи, агар дин пешволари тартибсизликларда қатнашсалар, мадрасаларнинг ёпилишини ва вақф ерлари тамомила давлат ихтиёрига ўтказилишини билдириди². Шикоятга имзо чеккан қозилардан 10 киши хибсга олинган эди. Шунингдек, уларга хайриҳолик билдирган элликбошилардан 8 таси қамалди. Бу ҳолат оғир ҳаёт гирдобида ҳаёт кечираётган халқнинг норозилигини кучайтириб, оломон тўплана бошлади. Натижада хавфли вазият юзага келиб, кўзғолон кўтарилиши аён бўлиб қолди. Бундан чўчиб кетган ҳарбий губернатор қози ва элликбошиларни қамоқдан озод этишга мажбур бўлди. Қози Мулла Ашур шикоятнинг ташаббусчиси сифатида Сибирга сургун килиниши керак эди, лекин вазиятнинг кескинланиши туфайли бекор килинди.³

Рус давлати ўлкада ўзига мустаҳкам таянч ҳосил қилиш ва ерларни ўзлаштириш мақсадида, рус шаҳарлари ва посёлкаларини бунёд этди. Бу жойларга минглаб руслар жойлаштирилди. XIX асрнинг охирига келиб ўлкадаги русларнинг сони 197.420 кишига етди. 1909 йилда эса, улар 619.320 кишини ташкил этди. Бунинг орқасида ўлкадаги ўтрок ва кўчманчи аҳоли унумдор ерлар ва яйловларнинг талай қисмидан маҳрум бўлиб, оғир аҳволга тушиб қолди. Ўлкада русларнинг тобора кўпайиб бориши сиёсий жиҳатдан ҳам туб аҳолига ўта хавфли эди. Зоро, улар рус давлатининг мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатини мустаҳкамловчи омиллардан бири бўлган.

Шундай қилиб кўрдикки, XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистон заминида мустамлакачилик ва улуғ миллатчиликка асосланган сиёсий-маъмурий тизим ҳукм сурди. Рус ҳукумати ўзбек ва бошқа туб аҳолига сиёсий ва инсоний хуқукларни беришни хаёлига ҳам келтир-

¹ Ўша жойда, 22 б.

² Ўша жойда, 27 б.

³ Ўзбекистон Марказий давлат архиви Ф.Ц-19, рўйхат 1, иш 332, 53-54 б.

мади. Рус матбуотида ва илмий асарларда Туркистан ўлкаси очикдан-очик «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланди. Иш шу даражага бориб етдики, «Русский Туркистан» («Рус Туркистони») атамасини исплатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб халқ ўзбек ва қозоқ сингари асл номлари билан эмас балки «инородец» («бегона зот»), «туземец» («ерли ахоли») деб юритилди. Қозоклар эса «киргизы» («киргизлар») номи билан аталди. Мустакилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳақсизлик ва адолатсизлик бутун жамият аҳлини рус давлатига қарши кучли муҳолифатга айлантириди. Уларнинг орасида маҳаллий юқори табақаларнинг илғор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик ғоялари борган сари куч-кувватга тўлиб борди. Бу ғоялар жадидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил этди. Шунинг учун жадидлар мазлум халқни озодлик курашига даъват этдилар. Зоро, Абдурауф Фитрат шундай ёзган: «Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси. Сенга на бўлди. Дунёни «Урхавалари» билан титратган йўлбарс болаларинг қани. Нечун товушлари чиқмайдир?... Нечун чекиндилар? Нечун кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун кўйдилар»¹.

Россиянинг Ўрта Осиёда ўтказилган мустамлака сиёсати, айникса, иқтисодга катта таъсир кўрсатди. Рус ҳукумати ва капиталистлар биринчи навбатда, пахтачиликни ривожлантириш ва тўқимачилик саноатини арzon хом ашё билан таъминлашга қаттиқ киришдилар.

Маълумки, маҳаллий пахта навлари сифати ва толасининг узунлиги жиҳатидан хунармандчилик саноатига мослашган эди. Шу боис, у рус тўқимачилик саноати эҳтиёжини тўла қондира олмади. Мустамлакачилар буни ҳисобга олиб, ўлкада Америка пахта навларини иклимлаштиришга қаратилган чораларни изчилилк билан кўрдилар. Чунончи, Америкадан уруғлик пахта чигитлари келтирилиб, маҳсус тажриба станция ва плантацияларда экилди. Ҳатто, чигитлар дехқонларга бепул улашилди. Ниҳоят, XIX асрнинг 80-йилларига келиб, Америка пахтасини иклимлаштиришда катта муваффакиятларга эришилди. Бу пахтанинг толаси анча узун, ҳосилдорлиги ва сифати баланд бўлиб, тўқима-

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 5 июнь.

чилик саноатининг талабларига тўла жавоб берди. Унинг энг муҳим афзаликларидан бири, яна шундан иборат эдикси, унинг чаноғи очилар эди. Маҳаллий пахта чаноғининг очилмаслиги орқасида узиб олинар ва кўл билан пахтаси ажратилиар эди.

Ўлкада Америка пахта навларини экиш йил сайин кент кулоч ёйиб бораверди. Натижада пахтачилик тобора ривожланиб, «пахта вассасаси» («хлопковая лихорадка») бутун ўлкани чулғаб олди. Ҳатто мўмай даромад илинжида рус ҳарбий хизматчилари, саноат вакиллари, кўйингчи кимни маблағи бўлса, ўша ўзини пахтага урди. Рус пахта плантациялари пайдо бўлди. Аммо уларнинг деярли ҳаммаси пахтачиликни уddalай олмай, банкротга учрадилар.

Гарчанд, Америка пахта навларини иклимлаштириш ташаббусчилари мустамлака вакиллари бўлсалар-да, лекин уни амалга оширишда ўзбек деҳконлари ҳал килувчи ўринни эгалладилар.

1886 йилда етиштирилган пахтанинг ҳажми 3 млн., 1910 йилда 10,8 млн. ва 1915 йилда 18,5 млн. пудни ташкил этди. Бу пахтанинг деярли ҳаммаси Россияга олиб кетилиб, ўлка унинг хом ашё манбасига айлантирилди. Масаланинг худди мана шу томони халқнинг, шу жумладан, маҳаллий юқори табақа вакилларининг, зиёлиларнинг норозилиги ва нафратини уйғотиши турган гап эди. Бирок шуни ҳисобга олиш керакки, шароит тақозасига кўра, ўзбек савдо-саноати вакиллари, яъни миллий буржуазия Россия билан алоқаларда воситачилик килишга мажбур бўлдилар.

Пахтачиликни ривожланиши билан бир қаторда, пахта тозалаш, ёғ ва совун заводлари юзага келди. Мустамлака даврида пахта тозалаш заводларининг сони 208 тага етиб, уларда пахта тозаланди ва тайёрланди. Уларнинг талай қисми маҳаллий бойларга тегишли эди. Масалан, Фарғона вилоятидаги 157 та пахта тозалаш заводининг 107 таси миллий буржуазиянинг кўлида эди. Аммо, авваломбор заводлар унчалик катта бўлмай, техникавий жиҳатдан анча паст эди. Иккинчи томондан, уларнинг эгалари рус капиталистлари ва фирмаларига қарам бўлиб, улар билан рақобат қилишга қодир эмас эдилар. Бундан айрим бойлар мустаснодир, албатта. Бугун ўлканинг иқтисодий ҳаёти 1912

йилги маълумотта кўра, 7 та давлат ва 40 та турли фирмаларнинг банклари қўлида бўлиб, бекиёс катта даромадларга эга эдилар.

Шунга қарамай, анча заиф бўлса-да, мустамлака даврида милий буржуазия шакланиб, жамият ҳаётида салмоқли ўринни эгаллаб борди. XX аср бошларида унинг вакиллари куйидагилардан иборат бўлган: Миркомил Мўминбаев, Хўжаев, Фузаилов, Ҳакимбаев, aka-ука Вадъявлар, Ариф Ходжинов, Раҳимбаев, Абидов, Алимбаев, Мухамедов, Каримбаев ва бошқалар бор эди.

Рус капиталистлари уларнинг миллий буржуазия сифатида ривожланишларига ва куч-кудратга тўлишига йўл бермади. Буларга Туркистон ўлкаси билан алоқада кўпроқ воситачилар сифатида муносабатда бўлдилар. Натижада, миллий буржуазия «Москов савдо-саноат ширкати», «Акука Шлосберг ширкати», «Вл.Алексеев ширкати», «Бр.Крафт ширкати», «Нева мануфактура ширкати», «Тресугольник ширкати», «Данилов мануфактураси ширкати», «Морозов савдо уйи», «Прохоров мануфактураси» ва бошқа қатор фирмаларнинг исканжасида фаолият кўрсатди. Кўрсатилган фирмаларнинг деярли ҳаммаси, пахта ва бошқа хом ашё маҳсулотларини узлуксиз Россияга олиб кетавердилар. Улар пахтани арzon нархда олишдангиша эмас, балки ундан тайёрланган турли газламаларни сотишдан ҳам катта даромад олдилар. Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган фирмаларнинг пахта тозалаш заводлари ҳам бор эди. Масалан, 1912 йилги маълумотта кўра, фирмалар Фарғона вилоятининг ўзида 50 та пахта тозалаш заводларига эга бўлганлар.

Туркистон замини Россиядан келтирилган тайёр саноат моллари билан тўлдирилиб, рус хукумати ва фирмалари ундан ҳам мўмай даромадларни қўлга киритдилар. Умуман айтганда, рус давлати ярим асрлик вакт ичиди маҳаллий халқларнинг бойликларини имкони борича ўзлаштиришга ҳеч нарсадан тоймади.

«Эллик йилдан бери, - деб ёзган эди Фитрат, - эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди. Тилимиз кесилди. Оғзимиз қопланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди. Инсо-

нийлигимиз оёқ ости қилинди. Тузимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар бир буйрукка бўйсундик. Бутун борлигимиизни бердик»¹.


Хуллас, Туркистонни Россиянинг хом ашё манбаига ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилиши, аёвсиз таланиши ва қашшоқланиши жадидларнинг ҳам, миллий буржуазиянинг ҳам нафратини уйғотди. Бу ҳолат, уларда она юртнинг иқтисодий мустакиллигини тиқлаш ғояси ва курашини шакллантириди.

Мустамлакачилик сиёсати ўлканинг маънавий ҳаётига ҳам зарба берди. Чунончи, у миллий тилни ривожланнишига йўл бермай, рус тилига давлат мақомини берди. XX аср бошларида бир нечта газеталарни чиқаришга рухсат берилди, лекин улар кўп умр кўрмай беркитилиб юборилди. Саводсизликни хукм суриши орқасида газеталар маълум бир тор доиранинг эҳтиёжини қондирди, холос. Рус хукумати халқ маорифини ривожлантиришни хаёлига ҳам келтирмай, мактаб ва мадрасаларни маблағ билан таъминламади. Айрим маълумотларга қараганда, Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг факат бир фоизигина маорифга ажратилган. Унинг 74 фоизи рус мактабларини, 26 фоизи рус-тузем мактабларини таъминлашга сарфланди.

Яхшиямки, миллий буржуазия ва жадидлар бор экан, улар биргалиқда мактаб ва мадрасаларни таъминлаб турдилар. Шунингдек, ота-оналарнинг кўрсатган моддий ёрдами муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рус хукумати мактаб ва мадрасаларни ўрта аср қолоклигига саклашга ҳаракат қилиб, уларни қаттиқ назорат остида ушлаб турди.

Буни сабаби шундан иборат эдики, рус хукумати туб аҳолининг саводини, билимини ва миллий ҳис-туйғуварини ўсишидан жуда чўчиган. У иложи борича, ўлка халқини аста-секин руслаштиришга қаратилган сиёсатни ҳаётта татбиқ этишга ҳаракат қилди. 1870 йилдаёқ Россия халқ маорифи вазирлиги «маорифнинг мақсади пировардида барча маҳаллий аҳолини руслаштиришдан иборат» бўлиши ҳакида қарор қабул қилган. Шунга ўхшаш фикрни Н.О. Остроумов ҳам айтган: «Рус хукумати маҳаллий аҳо-

¹ «Шарқ юлдузи», 1992 йил, 10-сон, 173 б.



лини рус халқи билан аралаштиришга ҳаракат қилиши керак. Шу йўналишда маҳаллий аҳолининг маорифини маълум даражада ривожлантириш лозим».

Рус давлатининг ярим асрдан ортиқ хукмронлиги даврида хукумат томонидан маҳаллий аҳоли учун бирорта замонавий миллий мактаб, ўрта ва олий ўкув юрти очилмади. Натижада, ўзбек ва бошқа туб аҳоли вакиллари қоронғуликда ва қолоқликда, умуман маънавий қашшоқликда ҳаёт кечирди. Бунда, юкоридаги Н.Остроумовнинг «хизмати» катта бўлди. Шу боис ҳам жадид Мирмуҳсин Шермуҳамедов шундай ёзган эди: «Табиийки, Туркистонга маориф инспектори қилиб белгилангач, қарт миссионер Остроумовнинг таъсири ила бизда... мунтазам мактаб мадраса очира олмас эди. Қарт миссионер бунга пичроқ (ифлос) бир қасд ила қарши келадир эди. Зоро, тажрибали бир мактаб ва мадрасада ўқиб чиқкан шогирдларда диний, миллий ҳис-туйғу бўлар эди. Улар миссионернинг пичроқ маслагига хизмат этмасдилар. Энди революциядан сўнг миссионерларнинг уясига таёқ тикилиб тўздирилгач, қарт миссионер Остроумов Туркистондан йўколди. Туркистон 27 йиллик шум маъулинидан қутилганидан кейингина сулу олди».

Ҳақикатан ҳам, Остроумов кўп йиллар мобайнида улуг миллатчилик сиёсатининг илҳомчиларидан ва ижрочиларидан бири эди.

Рус маъмурияти ва зиёлилари орасида агар мактаб ва мадрасаларни фаолиятига имкон яратилса, «гафлатда ётган мусулмонларни үйғониши» ва «нонимиз яримта» бўлиши мумкин, деган хавотирланиш йўқ эмас эди.

Кўрилаётган даврда маънавий ҳаётнинг негизи бўлмиш дин дахлсизлиги сақланган бўлса-да, лекин дин пешволарининг жамиятдаги мавқеига қаттиқ зарба берилшиб, каттиқ таъкиб остига олинди. Вақф ерларининг қисқартирилиши ва уларнинг рус маъмурияти назоратига олиниши ҳам динни иқтисодий заминини анча заифлаштириди. Дин пешволарининг ҳар бир «ножӯя» ҳаракати панисломизм ва пантуркизм сифатида кораланди. Мустамлакачилар халқнинг маънавий ҳаётини тарихий ёдгорликларни харобага айлантириш билан ҳам қашшоқлаштириди.

Босқинчилар ўзбекларни жаҳон тараққиётидан четда колдириб, фан ва маданиятининг ўсишига катта тўсқинлик қилди. Бундай, миллатнинг бу кунинигина эмас, балки келажагини ҳам барбод этувчи миллий зулм жадидларнинг маънавий курашининг асосини шакллантириди.

Улар биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида билимини оширишга киришдилар. Улар ёшларни ўқитиш учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юборишни талаб этдилар. Масалан, бундай таклифлар М.Беҳбудийнинг «Эҳтиёж миллат» (1909), Ҳамзанинг «Муалиф афандиларга улут рижомиз» (1914) ва Чўлпоннинг «Дўхтири Муҳаммадёр» (1915) сингари мақолаларида баён этилди.

Жадидлар матбуотни ривожлантириш билан ҳам халқнинг кўзини очишга ҳаракат қилдилар. Чунончи, улар 1905 йилнинг охирида «Ўрта Осиёнинг умр гулзорлиги» номли газета чиқаришиб, мактаб ислоҳотларига ва бошқа ҳаётий масалаларга оид мақолаларни чоп этдилар. Аммо газета икки ойдан кейин фаолиятини тўхтатишига мажбур бўлди.

1906 йилда жадидларнинг «Тараққий» деган газетаси чиқарилди. Унда маорифда ислоҳотларни ўтказишига даъват этувчи фикр-мулоҳазалар, ўлка сиёсий-маъмурий тизимини танқид қилиш ва мусулмонларнинг бирлигини таъминлашни ўз ичига олган мақолалар чоп этилди. Шунинг учун ҳам газета кўп ўтмай хукумат томонидан тўхтатилиб кўйилди. 1906 йил сентябрида «Хуршид» («Куёш») газетаси чиқа бошлаб, унда эҳтиётлик билан сиёсий-ижтимоий бошқарув тизими танқид қилинди ҳамда халқнинг сиёсий онгини уйғотувчи мақолалар чиқарилди. Бироқ бу газета ҳам ўша йилнинг охирги ойларидан маъмуриятнинг кўрсатмасига биноан тўхтатилди. 1908 йилда «Шухрат» номли жадид газетаси чиқди. Унда босилган М.Беҳбудийнинг мақолаларидан бирида, туб аҳоли вакилларидан инженерлар, конуншунослар, врачлар, иқтисодчилар тайёрлаш учун ёшларни хорижий мамлакатларга юбориш лозимлиги кўрсатилди. Шунингдек, у сиёсий ҳаётга доир мақолаларни ҳам эълон қилди. Бу газета ҳам одатдагидек хукумат томонидан ёпилди.

Демак, рус маъмурияти газеталарни бирин-кетин ёпиб,

жадидларнинг маърифпарварлик фаолиятига тўсқинлик килиб турган. Аммо, жадидлар бўш келмай, 1913-1915 йиллар орасида «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Жонли тил», «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталарини ҳамда «Ал-ислоҳ» ва «Ойна» журналларини чикардилар. Уларда ислоҳотлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ўз аксини топди.

Жадидларнинг сиёсий курашларини тасаввур этишда, 1913 йилда «Туркистон овози» ва «Голос Туркестана» газеталарида кўтарилиган кўйидаги уч масала ҳам дикқатни жалб этади:

1. Сибирь темир йўлидан то Афғонистон ва Эронгача бўлган жойда яшаётган бутун ерли халклар билан руслар орасида хукуқ ва солиқлар соҳасида тенгликни вужудга келтириш;

2. Кўчманчи ҳаёт кечирувчи мусулмонларга қишлоқ ва шаҳарлардан жойлар бўлиб берилганига қадар кўчиб келаётган русларга ер бермаслик;

3. Замонавий маърифатни тарқатиш.

Ушбу масалаларнинг йўналиши рус давлатининг улуг миллатчилик сиёсатига қарши қаратилган эди, албатта.

Жадидларнинг машхур вакилларидан бири Чўлпон ўтмиш замонларда маърифатни ривожланганигини, бирок мустамлакачилик даврида уни инқизозга учраганигини таъкидлаган. «Чор хукумати вақтида, - деб ёзганди у, - ички Россия мусулмонларини чўқинтирмоқ ишида Рустами Зол (Рустам Зол) бўлғон, бизнинг маълум Остроумов тўрамизнинг устози саналган машхур Илминский чўқинтириш сиёсатининг бири бўлғон машхур Поледонаевга ёзган хатида: «Ерлик халқ орасидан бизнинг учун фойдалиқ ва ҳеч бўлмаганда заарсиз кишилар, у рус тилини тутилиб, уялиб гапиртурғон, ўрисча ёзганда бир мунча хато билан ёзатурғон, бизнинг губернаторимиздан эмас, ҳатто устол бошлиғи (Мирзо) миздан ҳам қўрқатурғон кишилардир» - деган эди.

«Бунга қарши - деб сўзини давом эттиради Чўлпон, - биз рус тили билан эмас, ҳатто Оврупо маданияти миллатларининг тили ва билими билан жавоб берсак, одам қатори яшамоққа албатта ҳақ қозонармиз. Энди бу эзгу ҳаракатга тарихимизда қўраолмоғинимизга бир нарса қўшилса,

яъни ўзбекнинг эркин йигитлари эмас, тутқун кизлари ҳам Илминский васиятига қарши исён бошласа, ўзи учун энг тотли бўлғон элидан, ота-онасидан кечиб, минглаб чакирим ерга кетсалар, одам қатори ҳакқини, турткисемасдан, урилмасдан сўкилмасдан, ўз ҳукуқини ортиғи билан қозона оламиз. Эски турмуш ўлим тўшагида, йигитларимизнинг чин билимига қараб, бу интилишлари эски турмушни бироз аввал ерга кўмгусидир».

Гарчанд, ушбу ажойиб ва жўшқин фикрлар 1922 йилда «Қизил байрок» газетасида ёзилган бўлса-да, лекин ундаги ғоялар, шоирнинг ва умуман жадидларнинг фаолияти чор ҳукумати вактида намоён бўлган.

Олдинги саҳифаларда кайд қилинган Миркомил Мирмўминбоев Андижонда шифохона ва мадраса очиш учун кўп ҳаракат қилди, лекин рус маъмурияти унинг мавқеини янада ошиб кетишидан ва халқнинг «ўйғониши»дан қўрқиб, режасини амалга ошишига йўл бермади. Бу хусусда куйидаги хужжат далолат беради:

“Фарғона вилоят бошқармасига

Миркомил Мирмўминбоев Андижон шаҳрида курмоқчи бўлган мадраса масаласи бўйича шуни маълум қила-манки, Фарғона вилоят бошқармасидан мавжуд мадрасаларни кенгайтириш ва янгиларини куришга иложи борича рухсат этмасликни ва факатгина эски мадрасаларни таъмиrlашга рухсат берилишини сўрайман.

Охирги пайтларда баъзи бир шаҳарларда Андижон, Кўкон ва Ўратепа мусулмонларининг баъзи бир мачит ва мадрасаларига ўкувчиларнинг мисли кўрилмаган дара-жадаги катта оқими кела бошлади. Бу давлат манфаатларига зид ҳолдир. Масалан, шундай мадрасаларнинг бирида муллаваччалар сони 160 кишидан бирданига 600 кишига кўпайган. Андижон шаҳрида шундок ҳам мусулмон мактаблари керагидан ортикроғдир».

Туркистон ўлкаси ҳалқ билим юртларининг инспектори имзо чеккан мазкур хужжат рус ҳукумати хошиш-иродасининг ифодасидир, албатта.

Демак, рус давлатининг маориф ва маданий соҳадаги сиёсати ўзбек ва бошқа туб аҳолини саводсизликда ва қолоқликда саклашга, умумжаҳон тараққиётидан маҳрум

этишга қаратилған эди. Шунинг учун ҳам халқ оммаси маънавий жиҳатдан қашшоқлашди. Мана шундай реакциян сиёсатта қарши ўлароқ жадидларнинг маърифий ва маънавий чиқишилари юзага келди.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги шароит жадидларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий қараашларини белгилаган эди. Бу тарихий аҳамиятта молик гоялар миллий буржуазия, рухоний ва умуман маҳаллий юқори табақанинг илғор вакилларини ҳам қамраб олди. Чунки Россия ҳукмронлиги ўлкани хом ашё манбаси ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантириди, мустамлакачилик ва улут миллатчилик сиёсатини авжига миндириди.

Ватанга содиқлик ва унинг мустақилигини тиклаш ҳис-туйғулари ҳам жадидлар етакчилигида жамиятдаги барча табақаларни озодлик курашига чорлади. Жадидлар шароит тақозосига кўра, биринчи навбатда, халқнинг саводини чиқариш, билимини ошириш, миллий ҳис-туйғуларини ва сиёсий онгини ўстириш учун курашдилар. Бошқачароқ айтганда, улар фаолиятининг дастлабки бос-кичида маърифатпарварлик салмоқли ўринни эгаллади. Аммо, бу уларда сиёсий гоялар ва мақсадлар йўқ эди дейиш эмас, албатта. Аксинча, олдинги саҳифаларда кўрса-тилганидек, сиёсий қараашлар мавжуд эди, лекин уни дар-ҳол амалга ошириш учун ҳали шароит етилмаган эди. 1917 йилда Россияда Романовлар сулоласи ағдарилиб, сиёсий курашга имкон туғилиши биланоқ жадидлар, миллий буржуазия ва рухоний вакиллари биргаликда Туркистон мус-тақиличиги учун сиёсий кураш бошладилар.

XX аср бошларидағи тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудда келиши

Туркистанда жадидчилик ҳаракатининг вужудда келишінде шакланиш тарихи үрганила бошлаганига күп вақт бүлганича йўқ. Аммо шунга қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ бу масала юзасидан талайгина ишлар амалга оширилди. Жадидчилик ҳаракатига бўлган кизиқишининг тобора кенг қанот ёзаётганлиги ва бу мавзу билан Германия, Франция, АҚШ, Япония ва Туркия сингари мамлакатлардаги олимларнинг ҳам шұғуланаётганлиги сабабли, Туркистан халқлари тарихининг бу мураккаб даври кенг кўламда үрганилмоқда. Бирок, худди шу хол туфайли айрим масалалар юзасидан бир-бирига зид қараашлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Туркистанда жадидчилик ҳаракатининг бошланышы масаласида яқин вақтларга қадар тарихчи ва адабиётшунос олимлар даврасида яқдиллик бўлган. Улар жадидчиликнинг XX аср бошларида Россия, Туркия ва Эронда рўй берган инқилобий ҳаракатлар таъсирида майдонга келгани ҳакида ягона фикрда бўлганлар. Аммо кейинги йилларда худди шу масалада ўзгача фикрлар ҳам үrtага ташланмоқда.

Ўзбек халқи тарихининг хорижий тадқиқотчиларидан бири Боймирза Ҳайитнинг фикрига кўра, жадидчилик XIX асрнинг охирларида бошланган. У Туркистондаги бу маърифатпарварлик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндадарини санаганда, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон сингари том маънодаги жадидлар билан бирга Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Абай, Мулла Нафас, Зинхорий сингари маърифатпарвар шоирларнинг ҳам номларини тилга олган. Сўнгти йилларда ўзбек олимлари орасида ҳам жадидчилик ҳаракатининг вужудда келиш вақтини бироз олдинга суриш, шунингдек, жадидлар сафини юкоридаги сингари кенгайтиришга уриниш тамойилий йўқ эмас.

Жадидчиликнинг қачон бошланганлиги принципиал ахамиятта молик. Агар биз, бу ҳаракатнинг XIX асрнинг

охирларида бошланганлиги тўғрисидаги фикрга қўшилсақ, у ҳолда унинг кайси омиллар таъсирида пайдо бўлганлиги ва моҳияти масаласига ҳам ойдинлик киритиш лозим бўлади. Колаверса, Комил Хоразмий, Муқимий ва Фурқат билан Беҳбудий, Фитрат ва Чўлпон ўртасидаги жадидона яқинликни ҳам асосслаб бериш зарур.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун, аввало, «жадид» сўзининг қачон ва кимларга нисбатан қўлланилганини яна бир бор эслашимиз лозим.

Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг таникли намояндаларидан бири Абдулла Авлоний ўзининг таржи-маи ҳолида 1900 йилда уйлангани ва оила бошлиғи бўлиб қолганлигини эслаб, бундай ёзган: «Бу вактда бутун оила-ни бокмоқ учун қиши кунларида ишламоқға тўғри келган-лиғидан куввати муҳофазам ўрта даража бўлғон ҳолда мадрасани ташлаб чиқиб кетувға тўғри келди. Шул чоқларда ўзим меҳнат ичида яшаганигимдан бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошладим. Мадрасадан чиқиб кетсам ҳам маориф ишларидан чиқиб кетмадим. Турли газеталар ўкишга тутиндим. Шул замонларда Русиянинг турли шаҳарларида чиккан матбуот-газета ва журнallар билан танишиб, ўкиб маълумотимни орттира бордим. «Таржу-мон» газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлдим. Шул замонда ерли халқлар орасида эскилик-янгилик жанжали бошланди. Газет ўкувчиларни муллалар «жадидчи» номи билан атар эдилар. (Таъкид бизники - Н.К.) Мен ҳам шу жадидчилар категорига кирдим. 1904 йилдан жадидчилар тўдасида ишлай бошладим. «Жадид мактаби» очиб, ўки-тuvчилик кила бошладим».

Агар Абдулла Авлонийнинг 1878 йили туғилгани ва ўзбек жадидчилик ҳаракатининг отаси Маҳмудхўжа Беҳбудийдан бор-йўғи уч ёшга кичик эканлигини эътиборга олсак, унинг жадид ёзувчиларнинг тўнгич бўтинига мансуб эканлиги маълум бўлади. Демак, у 1900-1904 йиллар оралиғида «Таржумон» газетасини ўқиб, замондан хабардор бўлган ва жадидлар тўдасида ишлай бошлаган. Жадидлар билан қадимлар (ёхуд қадимчилар) ўртасидаги кураш ҳам худди шу даврда бошланган.

А. Авлонийдан ўн бир ёш кичик бўлган Ҳамзанинг

«Таржумон» сингари даврнинг тараққийпарвар газеталари билан танишуви эса 1907-1908 йилларда бошланган. Унинг таржимаи ҳолида бу ҳақда қўйидаги сўзларни ўқиймиз: «1907 йили, отам ҳажта кетиши муносабати илан, бирга Каашгаргача узатиш муносабатила саёҳатта бориб, биринчи марта «Вакт», «Боқчасарой» (тўғрироғи -«Таржумон»- Н.К.) газеталарини ўқишига шундан ўрганиб қайтдим. Шундан бошлаб кундан-кун эски хурофотларни, мадраса ўқишиларини, ҳалқ тирикчилигидаги ўзгаришларни, маданият, иқтисод деган масалаларни текширишга кира бошладим». Ҳамза «Йигитлар товуши» деган мақолосида яна шу масалага қайтиб, бундай ёзган: «Кўп узок эмас, 1908 йилларда ҳам мадрасада ўқуб юрган вактимизда газет-журналларни бирорлар номига ёздурууб олуб, кўлтуғимизга ёштурууб, шул мадрасанинг қозон қўядиган қоронгу хужраларинда эшикни ичидан беклаб, ўшандада ҳам кўркуб-кўркуб ўқур эдик».

А.Авлоний ва Ҳамзаларнинг бу сўзларини келтиришдан мақсад, ўзбек жадидларининг «Таржумон» сингари газеталар таъсирида XX асрнинг бошларида пайдо бўлганларини тасдиқлашдир.

Тўғри, Туркистонда бошланган жадидчилик ҳаракатини биргина «Таржумон» газетаси билан боғлаш тўғри эмас. Шу йилларда шаклдана бошлаган маҳаллий зиёлилар «Вакт» ва «Таржумон» газеталари билан бирга Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистон ва Мисрда нашр этилган газета ва журналларга ҳам муштариб бўлиб, уларни мунтазам равища ўқиб турганлар. Садриддин Айнийнинг «Қисқача таржимаи ҳолим» деган ҳасби ҳолида ёзишича, ёшликтаги ўртоқларидан бири Ҳиндистонда форс тилида чиккан «Ҳабл ул-матин», Мисрда форс тилида босилган «Чехранамо» газетасини ҳам «қаерлардандир топиб келган».

Шу тарзда XX аср бошларида Туркистонга етиб келган тараққийпарвар газеталар Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, А.Авлоний, Ҳамза, Фиграт, Чўлпон сингари ёшларни дунёнинг бошқа мамлакатларида яшовчи ҳалклар ҳаёти билан, янги туғилган асрнинг маърифатпарварлик ғоялари билан таништира бошлади. Худди шу йилларда Россия, Туркия ва Эронда содир бўлган инқилоблар ҳаки-

даги хабар ҳам шу нашрлар орқали Туркистонга етиб келди.

Модомики, юкорида номлари тилга олинган газеталар ёш авлоднинг кўзини очиб, унга XX асрнинг - ижтимоий силсилаар ва илмий-техник кашфиётлар асрининг кириб келганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан ошно этган ва унинг дунёқарашида кескин ўзгариш ясаган бўлса, демак, мустамлака шароитида яшаётган Туркистоннинг ўзида бундай газеталар йўқ эди. Шу биргина фактнинг ўзиёқ Туркистонда ўша даврда хукм сурган ижтимоий, маданий ва маърифий муҳит ҳақида озми-кўпми тасаввур беради.

Кичик бир мақолада XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларидаги тарихий вазиятнинг мукаммал манзарасини кўрсатиш мумкин эмас. Бир замонлар ер куррасида энг қудратли бўлган Темур салтанати XIX асрнинг ўрталарига келиб, ўзининг ҳарбий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини мутлақо йўқотган, уч кичик хонликка ажраган ва азбаройи ҳолсизланганлигидан рус қўшинлари томонидан осон-гаров босиб олинган эди. Туркистон ҳалқлари, бир томондан, мустамлакачи чор ҳокимияти, иккинчи томондан, маҳаллий бойлар ва амалдорларнинг каттиқ сиқуви остида яшарди. Ана шу икки томонлама зулм ва икки томонлама сиқув Туркистон ҳалқларининг нафакат иқтисодий, балки ижтимоий, маданий, маърифий ва маънавий ҳаётига мислсиз даражада катта салбий таъсир ўтказди. Нафакат чор ҳокимияти, балки маҳаллий давлат идораси ҳам ҳалқнинг ижтимоий онгининг ошиши, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиши, бошқа ҳалқлар ва мамлакатлар ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлишидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам, бир томондан, чор ҳокимияти, иккинчи томондан, маҳаллий давлат тузуми ҳалқнинг кўзини очиши, ижтимоий ва маданий ҳаётини нурлантириши мумкин бўлган ҳар қандай тадбирларга қарши тиш-тирноғи билан курашди.

Россиянинг Шарқдаги сиёсатига муайян даражада таъсир ўтказган кишилардан бири Н.И.Ильминский маслак доши Победоносцевга ёзган мактубларининг бирида бундай фикрни олға сурган: «Олимлардан ва ўта билимли ўқитувчилардан эҳтиёт бўлинглар. Ўта одобли ва муккаси

билин динга берилган оддий одамларга қараганда уларни жуда қаттиқ кузатув остига олинглар». Ильминскийнинг ана шундай «доно» маслаҳатига амал қилган Россия Ички ишлар полицияси департаменти Туркистондаги ҳар бир маърифатли кишини қаттиқ назорат остига олибгина қолмай, масжид ва мадрасалар, китоб бозорлари ва омборларда тинтуб ўтказиб, сиёсий адабиётнинг, яъни Бокчасарой, Уфа ва бошқа шаҳарларда чоп этилган газета ва журналларнинг бор-йўклиги билан қизиқди, бундай тарақкийпарвар нашрларнинг Туркистонга кириб келмаслиги учун барча чораларни кўрди; бу билангина кифояланмай, маҳаллий зиёлиларни икки қанотга ажратиб юбориб, уламоларни жадидларга, жадидларни эса уламоларга карши қўйди; дин арбобларининг ўта мутаассиблashiшига шарт-шароитлар туғдириб, улар ихтиёридаги масжид ва мадрасаларнинг кўпайиши ва шу орқали таъсир доира-ларининг кенгайишига имконият яратди. Ана шу тарзда «олимлар ва ўта билимли ўқитувчилар» сиёсий назорат остига олиниб, «ўта одобли ва муккаси билан динга берилган оддий одамлар»нинг Туркистоннинг ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи ошиб борди. Айни пайтда чор ҳокимияти маҳаллий маъмуриятнинг ижозати ва уламоларнинг лоқайдлиги (ёхуд фаолсизлиги) туфайли Туркистонда фоҳишаҳоналар ва ичкилик сотувчи дўконларни очди. Бу ҳар иккала разолат ўчоклари аждаҳо сингари маҳаллий халқни секин-аста ўз домига торта бошлади.

Хўш, Кўкон ёхуд Хива хонлиги, ё бўлмаса, Бухоро амирлигидаги давлат арбоблари ўртасида мамлакат ва халқнинг разолат боткоғига ботаётганини кўрган ва бунга карши бош кўтарган кишилар бўлганми?..

Замондошларнинг шаҳодат беришларига кўра, масалан, Бухоро амирининг маишатдан бошқа дарди бўлмаган. Күшбегининг собиқ котибларидан бири Мирзо Ҳикматуллонинг гувоҳлик беришига кўра, амир халқ ишига бутунлай аралашмай яшаган, ҳатто Йилик келим ва кетимни ҳам билмаган. Хива хони эса қари бир одам бўлиб, умри нинг кўп вактини кушлар ва гуллар билан ўйнаб ўтказган. Улар атрофида ҳам халқ ва мамлакат тақдири билан яшаган бирорта амалдор бўлмаган.

Ана шундай тарихий шароитда Марказий Осиёни босиб олган чор ҳокимияти Туркистоннинг ҳақиқий хўжайинларига айланган. Дарвоқе, «Новое время» журналининг 1908 йил сонларининг бирида босилган мақола худди шундай - «Туркистоннинг хўжайинлари» деб номланган. Унда, жумладан, бундай дейилган: «Бизнинг сўнгти икки генералимиз Черняев билан Скобелев иссиқ иклимда, жанубий тоғларнинг этакларида рус қабиласининг ҳукмдорлигини мустаҳкамлаш учун Ўрта Осиёда арслондек курашиди. Улар даҳоси ва жасорати билан, қадимги даврларда айтишганидек, «рус тожининг қимматбаҳо дурдоналаридан бири» - Туркистон ишғол этилди».

Туркистонни рус тожининг қимматбаҳо дурдоналаридан бири деб атаган кимсалар учун биринчи навбатда, олгин керак эди. Улар Туркистонни олтин конларидан иборат ўлка, деб ўйлаганлар. Туркистоннинг факат ер ости бойликларига эмас, балки ер усти бойликларига ҳам эга эканлигини билганларидан кейин улар минглаб мужикларни Ички Россиядан кўчириб келтирганлар. «Келажак мухожир рус қишлоқлари ерли халқ қишиларидан кўра бойроқ бўлиши керак», деган шиор шу даврда рус мустамлакачилик сиёсатининг тамал тошини белгилаб берди. Шу шиорга амал қилган мустамлакачилар маҳаллий халққа тегишли унумли ерларни тортиб олиб, уларни келгинди мужикларга бўлиб бердилар. Ана шу тарзда, 1906-1913 йилларда Туркистонда 116 та рус қишлоғи вужудга келди. Бу қишлоқларни ташкил этган мужикларнинг 36,7 фоизи хеч қандай мол-мулксиз, 60,9 фоизи эса, ҳатто, сарик чақасиз келган эди. Чор ҳокимияти ана шу мужикларнинг бошларини силаб, уларнинг маҳаллий халқни эзиш ва феодал қолоклик шароитида ушлаб турища ҳукуматнинг ишончли суюнчиғи бўлишлари учун барча имкониятларни яратди. Натижада, маҳаллий халқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволи чидаб бўлмас даражада оғирлашди.

Туркистон халқларининг шу даврдаги ҳаёти, савияси, менталитетига хос салбий хислатлари, иллатлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси, Фигратнинг «Мунозара», Чўлпоннинг «Курбони жаҳолат», «Дўхтири Мухаммадёр» хикоялари ва бошқа-

ўнлаб жадид адабиёти намуналарини ўқишининг ўзи ки-
фоядир. Чунончи, европаликлар билан ўзбек халқи ўртаси-
даги фарқни тасвирлашга бағишиланган бир шеърида Та-
валло бундай ёзган:

Ёврупо аҳли, сиз кулоқ солингиз,
Биз хунарлар ёзиб тонуштирамиз.
Келтуринг занбурак, курол неча хил,
Бизни сопқон ила отуштирамиз.
Афтобомобил, аробангиз қайда,
Хўқанд арба билан чопуштирамиз.
Биз билурмиз, сиз тўғри сўзни кули,
Лек биз ялғонлар котуштирамиз.
Дўстни душман эдуб, солиб иғво,
Гап тошуб ўртага чоқуштирамиз.
Кўлда бидъат маромномаси бор,
Ким яқин келса, биз ёпуштирамиз...

Ана шундай сатрларни ўкир экансиз, аср бошларидағи
Туркистон халқлари ҳаёти кўз олдингизда гавдаланади.
Чўлпон «Дўхтур Мұхаммадёр» ҳикоясида шу аянчли ҳаёт-
нинг манзараларини янада аниқ ва ҳаққоний бўёклар
билин тасвирлаб: «Эрта билан соат 8 да истансага чикуб,
поездни кутуб турди. Ниҳоят, XX аср маданияти аждар
каби пишиллаб, ҳар тарафга сув чочуб... Мұхаммадёрни
ватанидан айирмоқчи эди. Истансада бир ғарип манзара
эдики, Мұхаммадёрнинг кўнглини бузмоққа бошлади: бир
мусулмон хуржун йўқотган! Бири бора турғон истансасин
номин билмай, бошқа истансага билет олуб кўйгон... ва
шунга ўхшашиб даҳшатли манзаралар олдида Мұхаммадёр
қотуб қолди. Ниҳоят, иккинчи зуванок урилганда, чикуб,
учинчи классдан жой топуб ўтурди. Ҳалиги кўркунч ман-
заралар бунда андин ҳам зиёда ҳукм сурмоқда эди: бир
мусулмон бириси билан урушуб бурни қонағон, бир му-
сулмонни поезд маъмурлари тутуб олуб урадурлар... Му-
хаммадёр чидаёлмади. Поезднинг ташқарисига чикуб,
тикка туруб, истансани томоша қила бошлади. Бир армани
Қофқознинг қоронгу гўшалариндан келуб, истансада
дўкон очуб, бой бўлуб, икки ўғлини ҳукумат мактабларида
тарбия килмақда... Ва ерли мусулмонлар эса топган пуллар-
ни тўйга, жанозага сарф килуб, факирликда, хорликда

қолмоқда эдилар...» дея ёзади.

Аср бошларидағи турмушнинг бундай манзарапарини кўрган зиёлилар «Таржумон», «Вақт» сингари газеталарни ўқиганларидан кейин уларни бартараф этиш йўлларини кидирдилар. И smoил Гаспрали ўз газетаси орқали Туркистонга янги давр ғояларининг келишига имкон туғдириб-гина қолмай, 1893 йили ўзи ҳам Самарқанд ва Бухорога келиб, Беҳбудий, Шакурий сингари миллатнинг олди кишилари билан танишди, ҳатто Бухорода «усули жадид» мактабини очди. Секин-аста Самарқанд, Кўқон, Тошкент, Андижон сингари шаҳарларда ҳам жадид мактаблари ташкил этила бошланди. Санокли бўлса-да, дастлабки жадидлар пайдо бўлди. Лекин бу мактаблар ва уларни ташкил этган жадидларнинг миллий уйғониш ҳаракати намояндалари сифатида шаклланиши осон кечмади.

Чор Россиясининг хуфяларидан бири, Эрон ва Туркиядаги миллий озодлик ҳаракатлари ҳамда 1905 йил рус инқилобидан кейинги Бухоро аҳли тўғрисида бундай маълумотни берган: «Бухорода мадрасалар кўп бўлса-да, ҳалқ ортиқ нодон, сиёсий фикр деган гаплар ҳеч ҳам йўқ. Русия инқилоби ҳақида ҳеч нарса англамайдурлар. Маълумоти бўлғонлари ҳам Русия инқилобини инқилоб деб билмайдурлар. Нима бўлса ҳам Бухорода ўзгариш эҳтимоли жуда узоқдур». Шу хуфя Бухоро аҳлиниң сиёсий савияси тўғрисида мулоҳаза юритиб, яна бундай ёзган: «Бухоро бозорларида учраша турғон қишлоқлардан дуруст маълумот ололмади. Сабаби эса, улар, биринчидан, шаҳарга иш билангина келганларидан сўзлашиб ўтиришга вактлари йўқдур. Иккинчидан, сиёсатдан гапиришга амирнинг хуфяларидан кўрқадурлар, чунки, амирнинг хуфялари ниҳоятда кўп бўлиб, сиёсий бир гап эшигсалар, ушлаб, дарров зинданга соладирлар».

Сўнгти йилларда айрим тарихчилар ва айниқса журналистлар, XX аср бошларидағи тарихий вазиятнинг ана шундай нохуш манзарага эга бўлишида амир ва хонликларнинг ҳам айби катта эканлигини эътибордан соқит килиб, улар фаолиятига ижобий баҳо бериш ва уларни ҳалқ дарди билан яшаган кишилар қилиб тасвирлашга уринмоқдалар. Бу, мутлақо нотўғри қарашдир. Ўзларига

тегишли тасарруфда мустабид тузумни ўрнатган бу давлат арбоблари халқни мустамлакачилар билан бирга эзib, хур фикрли кишиларни даҳшатли равишда маҳв этиб келгандар. Ана шундай шароитда жадидларнинг ўкув тизимини ислоҳ этиш, янги типдаги мактабларни очиш, халқни маърифатлаштиришга қаратилган дастур билан чиқишлиари, жадид мактаби, жадид матбуоти, жадид адабиёти ва жадид театрига пойдевор қўйишлари уларнинг улкан фуқаролик жасоратларири.

Ана шу тарзда жадидлар XIX асрнинг охиrlарида эмас, балки XX аср бошларида майдонга чиқдилар. Лекин уларнинг тарих саҳнасида пайдо бўлишларида бояги икки омил - тарихий-ижтимоий шароит ва даврнинг янги ғояларини олга сурган газеталари билан бирга, учинчи омил - Муқимиy ва Furқatлар бошлаб берган ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ҳам муҳим роль йўнади. Аммо бу сўз уларнинг ҳам жадид бўлганликларини мутлако англатмайди.

Жадидлар пайдо бўлган илк кунлардан бошлабоқ, улар ҳам чор ҳокимияти, ҳам маҳаллий ҳукмдорларнинг каршиликларига дуч келдилар. Бинобарин, улар халқни шу икки зулм ўчоғидан, шу икки қолоқлик ботқоғидан ҳалос этмоқчи бўлган эдилар. Абдулла Бадрий «Ёш бухороликлар кимлар?» деган рисоласида жадидларни қўзда тутиб, бундай ёзган эди:

«... онларнинг фикру хаёллари ва муддаолари биз, бечора ва қашшоқларни ғурбатдан, яъни амирлар, беклар ва бойларнинг зулмларидан озод килмок (тъкид бизники - Н.К.) ва бизларнинг роҳатимиз ва тинчлигимиз учун ҳаракат ва тараддуд килмоқдир».

Стихияли тарзда пайдо бўлган ва дастлаб, асосан, маърифий вазифаларни амалга ошириш мақсади билангина майдонга келган жадидларнинг бирлашиши ва кенг қанот ёзишида, ўзбек жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Махмудхўжа Беҳбудийнинг хизматлари бекиёсдир. У кела-жакда миллий босмахона ва нашриётни ташкил этиш, кўшни халқлар ҳаёти, жумладан, мактаб ва маорифи билан танишиш, бу мамлакатлардаги тараққийпарвар кучларнинг тажрибаларини ўрганиш ва ўзбек жадидларининг халқаро алокаларини изга солиш учун Россиянинг бир қанча саноат

марказларига ва Яқин Шарқ мамлакатларига борди. Бухорда ташкил этилган «Тарбияи атфол» жамиятининг саъй-харакати билан Фитрат Туркияга таҳсил кўргани борди. Чор хуфяларининг маҳфий хатларига Караганда, у Туркияда бўлганида, «Иттиҳод ва тараққий» ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва ҳатто, Бухорога қайтиб келганидан кейин ҳам бу ташкилот билан алоқасини узмай, унинг тажрибасидан фойдаланди. Фитратнинг Бухоро амирлигидаги сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳитни ўзгартириш зарурлигини англаш қобилияти унинг ўзбек жадидчилик ҳаракатининг дастури бўлиб хизмат қилган «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи баёноти» сингари асарларини ёзишига имконият яратди. Туркияда чоп этилиб, Бухорода яширин равишда тарқатилган бу асарлар бухоролик ёшларнинг дунёқарашида инқилобий ўзгаришларни юзага келтирди. Ана шу тарзда жадидлар тажриба ортириб сафларини тобора кенгайтира бордилар.

Шундай қилиб, жадидчилик XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган фавқулодда қолок иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган ҳалқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётта тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига кўйган ҳаракат сифатида, тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди. Бу ҳаракат ўзининг шаклланиш йўлини босиб ўтар экан, аср бошларидан 1917 йил февраль инқилобига кадар бўлган биринчи босқичида, миллий озодлик ҳаракати сифатида узил-кесил расмийлашди. Февраль инқилобининг рўй бериши ва чор ҳокимиятининг фалажланиши билан у ўзининг пировард сиёсий мақсади - мустақил давлатни барпо этиш ғоясини амалга оширишга киришди. Лекин бу ҳаракатнинг кучли ва бирлашган партия ё ташкилотга эга бўлмаганлиги ҳамда ҳалқ оммасини ҳали уйғота олмаганлиги сабабли, унинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш режаси рўёбга чикмади. Ҳали оёққа туриб улгурмаган ёш Туркистон муҳторият ҳукуматини шўролар давлати гўдаклик пайтидаёқ мажақлаб ташлади.

Жини жадидчилик ҳаракати ва унинг намояндадарини

ёктирмаган большевиклар бу ҳаракатни факат маърифий ҳаракат деб баҳолаган ва уларни сиёсий калтабинликда айблаб келган эдилар. Жадидчилик ҳаракатининг улкан арбоблари ва ташкилотчиларидан бири Мунавварқори Абдурашидхонов 1927 йилда ёзган мақоласида большевиклар кўйган бу айбга: «Чор хукуматини йўқотиш жадидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки, биз жадид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда ўлтириб насия ёзадургон ходимлар етказсан. Бу ишга ақлли одам шу баҳони беришда у ёк, бу ёқни мулоҳаза қилсун» дея жавоб ёзган эди.

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг бу сўзларига таяниб айтиш мумкинки, жадид мактабини тузишдан мақсад, большевиклар айтганидек, савдо ходимларининга тайёрлаш эмас, балки ҳалкнинг умумий савиясини кўтариш, замонавий фанларни эгаллаган инженер, врач, журналист, юристдан тортиб, давлат арбобигача бўлган кишиларни тарбиялаш ва улар ёрдамида давлат идораларини ерлилаштириш, шу тарзда мустамлакачиларни Туркистон тасарруфидан сикиб чиқариш эди. Жадидлар ана шу мақсадни амалга ошириш учун «усули жадид» мактабларини ташкил этибина қолмай, айни пайтда миллтий матбуот, адабиёт ва театрни яратишга ҳам катта эътибор бердилар ва жадидчилик ҳаракатининг бу жабхалари орқали Туркистон ҳалклари ҳаётини тубдан ўзгартириб, мустақил ўзбек давлатини курмокчи бўлдилар.

Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста, 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган хуфяномасида бундай ёзган эди: «Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлок сиёсий куч социал демократлар (большевик ва меньшевиклар) ёки социал инқилобчилар (эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ўзбек жадидларидир».

Ўз олдиларига Туркистон ҳалкларининг тақдири учун муҳим аҳамиятга молик вазифани кўйган жадидлар, 1906 йил январида Петербургда бўлиб ўтган Умумруссия мусулмонлари курултойига ўз вакилларини яширинча юбориб,

Россия тасарруфида яшаган бошқа мусулмон халқлар ва уларнинг пешқадам арбоблари билан алока ўрнатмоқчи бўлганлар. Бу вақтда ўзбек жадидлари, Қозон татарлари каби, ўз милтий дастурларига эга бўлганлар ва келажакда рус истибодига жиддий зарба бериш учун тайёргарлик кўрганлар. Аммо уларнинг бу ниятларидан хабардор бўлган большевиклар Осипов Қўзғолонидан кейин кўплаб жадидларни қириб ташлаганлар. Ўз мустабид давлатининг душмани деб билган Бухоро амири ҳам жадидларни қиришида большевиклардан заррача орқада қолмаган.

Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш ва якунланиш тарихи, шубҳасиз, фақат шу нукталардангина иборат эмас. Ўзбекистоннинг яратилажак янги тарихида халқимиз ҳаётининг бу муҳим даврини тўғри ва ҳар томонлама мукаммал ёритиш учун нафақат, республиканизнинг очик ва ёпик архивлари, балки, биринчи навбатда, Москвада собиқ КГБ ва бошқа архивларда сақланаётган ҳужжатларни пухта ўрганишимиз, уларда мавжуд бўлган факт ва маълумотлардан тўғри хуносаларга келишимиз лозим.

Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури

Ўзбекистоннинг миллий давлат сифатида ривожланиш йўлига ўтиши тарихий хотирани тиклашга, миллий ўзликни англашга мезон яратди. Шу боис, ўзбек халқининг узок муддатли озодлик ва мустақиллик кураши, миллий-озодлик ҳаракати мағкурасининг шаклланиш тарихи жуда кучли ижтимоий қизиқиш уйғотмоқда. Маълумки, 70 йиллик шўролар истибоди даврида ўзбек халқининг ва, умуман, Марказий Осиё халқларининг озодлик кураши саҳифалари коммунистик мағкура тазикини остида онгли равишда соҳталаштирилди. Энди тарихий ҳақиқатни тиклаш вакти келмоқда. XIX-XX асрлардаги шароитда миллий озодлик ҳаракатининг, шу жумладан, унинг алоҳида ижтимоий-сиёсий оқимларининг тарихий жараёндаги ўрни ва ролини холисона ўрганиш, долзарб масала сифатида илмий доирага чиқди. Тарихий тажрибанинг кўрсатишича, миллий ўзликни англашнинг ўсишига муҳим туртки бўлган ва миллий озодлик ғоясини шакллантириб, ўз фаолияти билан уни амалга оширишга уринган кучли прогрессив ҳаракат - жадидчилик бўлган. У жаҳондаги умуминсоний ва миллий Қадриятларга асосланиб, жамиятнинг пишиб етилган ривожланиш талаблари ва ўлка туб ерли аҳолисининг зарур манфаатларига жавоб берарди.

Жадидчилик, маърифатпарварликдан қудратли сиёсий ҳаракатга қадар бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Туркистондаги мустамлака, унинг турли та-наззулга юз тутганлиги, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи, жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларидан иқтисодий жиҳатдан ортда қолиши, маданий қолоқлик, ижтимоий онгдаги турғунлик - жадидларни жаҳон тараққиёти тажрибасидан фойдаланиб, тезликда бу ҳолатдан чиқиш йўлларини излаб топишга чорлади. Етилиб қолган муаммоларни ҳал этишдаги дастлабки йўл сифатида маърифатпарварлик ҳаракати юзага келди.

Нима учун масала айнан шундай қўйилди? Сабаби, жадидларнинг ўзлари талаба ёшлар эди. Улар ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютукларини эгаллашга интидилар, ўқидилар ва ўзгalarни ҳам шунга даъват этдилар. Жадидлар хорижга чиқиб, турли мамлакатлардаги маданият ва таълим тараққиёти даражасини кўра олдилар, уларни солиширидилар ва бу зеҳнли ёшларда жаҳон тараққиёти ютукларини Туркистонга келтириш истаги пайдо бўлди. Натижада, жадидларнинг дикқат марказига биринчи боскичда таълимни ислоҳ этиш вазифаси қўйилди. Улар бундай ислоҳотларни ўтказиш заруратини нафақат, назарий жиҳатдан исботлаб бердилар, балки янги усулдаги мактаблар, кутубхоналар, ўқув заллари очиб, дарсликлар ёзиб, ўзғояларини амалга оширишга катта куч сарфладилар. Сўнгти маълумотларга қараганда, дастлабки жадид мактаблари 1898 йилда Кўқонда Салоҳиддин домла, 1899 йилда Тошкентда Маннон Кори ва шу йили Андижонда Шамсиддин домлалар томонидан очилган. XX аср бошларида бу ҳаракат тезлик билан ривожланиб кетди. Миллий зиёлиларнинг ўзагини ташкил этувчи жадидчilikнинг кўзига кўринган вакиллари - Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Убайдулла Асадуллаҳўжа ўғли, Абдулла Авлоний, Тоштўлат Норбўтаев (Тошкент), Маҳмудхўжа Беҳбудий, Ҳожи Муин Шукрулло, Абдулқодир Шакурий (Самарқанд), Садриддин Айний, Файзула Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Убайдулла Хўжаев (Бухоро), Ашурали Зоҳирий, Пўлат Солиев, Обиджон Маҳмудов (Кўқон), Носирхонтўра Комолхонтўраев, Исҳокхон Ибрат (Наманган) кабилар ҳаракатнинг етакчилари эдилар.

Туркистон жадидларини бирлаштиришда «жадидларнинг раҳбари» деб тан олинган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг хизмати бекиёс бўлди. Жадидлар таркибини ёш жиҳатдан таҳлил қилиш натижасида, жадидларнинг Туркистоннинг бўлғуси давлат қурилиши дастурларида, ҳақиқатдан ҳам, ёшлар дунёкараши ўз аксини топганлигига ишонч ҳосил қиласиз. 1910 йилда жадидлар сафини асосан 13 ёшдан 36 ёшгача бўлғанлар ташкил этган. Жадидчilikнинг раҳбари Беҳбудий ўша пайтда 36 ёшда бўлган бўлса, кейинчалик ёшларнинг севимли шоирига айланган Чўлпон, эндиғина

13 ёшда эди. Уларнинг ҳеч бирлари, сиёсий таъқиблар туфайли кексалик ёшигача етиб яшамаганлар.

Жадидлар мафкурасида ҳозирги кунда жамиятни ташвишга солаётган - диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўғри тушуниш, бозорни шакллантириш жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун муҳим шартлар бўлиб, ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассиблиқдан тозалаш, фан ютуклари ва илғор технологияни эгаллаш муаммоларини ҳал этиш лозим эди. Бироқ бу ғоялар, жадидлар исломнинг бутун таълимотини қайта ёзишга интилганлар, деган хulosага олиб келмаслиги керак. Сабаби улар ўз фаолиятларида Куръонни ҳам, ва умуман, бутун ислом таълимотини ҳам тўғри изоҳлаб беришга интилганлар. Улар ўз асарларида (А. Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи қиссаси», М. Беҳбудийнинг «Мутасари тарихи ислом» («Исломнинг қисқача тарихи») кабилар) айрим руҳонийларнинг ўз манфаатлари йўлида ислом моҳиятини бузиб кўрсатганликларини танқид киладилар ва диндан фойдаланилган сиёсий тадбирлар қанчалар оғир оқибатларга олиб келишини кўрсатиб берадилар. Жадидлар исломнинг тараққийпарвар ролини тушунтириш билан таълим, иқтисод, маданият ва умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш заруратини тушунтиришга интилганлар. Куръон ва унинг тафсирини жуда яхши билган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз мақолаларидан бирида Куръон оятлари ва ҳадислардан намуналар келтириш билан ислом ҳалқ таълими ва барча фанларга, шу жумладан, тарих фанига қай даражада катта аҳамият берганлигини исботлаб берган. У ислом тарихини билмаслиги оқибатида, аксарият ҳолларда, ўнгайсиз вазиятга тушив қоладиган дин пешволарини танқид қиласиди.¹

Жадидлар нафакат Ватанга ва миллий кадриятларга муносабати билан, айни пайтда, умуминсоний тараққиёт ютукларини тушунишда ҳам тарихий намуна бўлишлари

¹ Беҳбудий М. Тарих ва жўтрофия // Ойна. - 1914. - №27. -Б.502-505.

мумкин. Улар ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмаганлар ва уларнинг ғарб цивилизацияси томон интилишларини тушуниш мумкин. Ўша пайтда ғарб, технология ва ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан Шарқка нисбатан анча илгарила б кетган эди. Жадидлар ўзларининг келаҗакдаги давлат тузумини барча миллатларнинг бирлиги асосида тасаввур этардилар. Бу ҳакда Беҳбудий шундай деганди: «Биз жорий этган қонунлар яхудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини химоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргалиқда ислоҳотлар ўтказишини истасак, бизнинг зиёлилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаронлигига хизмат қилишлари керак... Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган эканлар, бунинг сабабчиси, аввало, ўзимизнинг ноиттифоклигимиздир!»¹

Жадидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчилик оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар. 1905-1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Прогрессив кучлар жипслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирилар. Бу факатгина мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларнинг кўплаб вужудга келишида ҳам кўринди. Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидовнинг муҳарриргида «Тараккий», шу йили Мунавварқори муҳарриргида «Хуршид», 1907-1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳарриргида «Шуҳрат», Аҳмаджон Бектемиров муҳарриргида «Осиё» рўзномалари чоп этилди.

Лекин тез орада чор маъмурияти ўзининг эксперти Н.П. Остроумов билдиришномасига асосланиб, бу рўзномаларни ман этди.² Маърифатчиликнинг янги тўлқинида

¹ Беҳбудий М. Баёни ҳакикат // Улут Турсистон. - 1917. - 12 июнь.

² Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX - начало XX вв): Дисс. на соиск... канд. ист. наук. - Ташкент, 1995. - С.109.

1913-1915 йилларда «Самарканд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Эл байроғи», «Кенгаш», «Улуг Туркистон», «Турон» рўзномалари, «Ойина» ойномаси, 1917 йилда эса «Хуррият», «Фарғона саҳифаси» каби оммавий ахборот воситалари ҳам пайдо бўлди.

Жадидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келаётган рус сиёсий партиялари дастурларини ўргандилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварликка, босикликка мойилигидан келиб чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг мурожаатлари, Давлат Думасидаги оммавий баҳслар ва бошқа легал воситалар билан подшо ҳокимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар. Аммо чоризм маъмурияти Давлат Думасида туркистонлик вакиллар бўлишини ман этган. Бу, бир томондан, ўлка халқининг хукуклари ва қадр-кимматини поймол қилиш бўлса, иккинчи томондан, уларнинг сиёсий онгининг ўсиши Россия империяси давлатчилигига хавф туғдирар эди. Ўшандаёқ жадидлар, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» рўзномасида чоп этилган мақоласида ўз аксини топган хулосага, яъни бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутунrossия мусулмонлари иттифоки таркибиға кириш зарурлиги ҳакидаги фикрга келдилар.¹ Шу билан улар Россиядаги барча туркий халқлар орасидаги прогрессив кучларга таянишга интилдилар. Ушбу мақоласида Беҳбудий социал-демократлар партиясига нисбатан ўзининг салбий муносабатини билдиради. У бу партиянинг дастурини мусулмонлар ҳаёти нормаларига мувофиқ келмайдиган хаёлий(утопия)дир, деб ҳисоблаган.

Жадидчилик Столипин реакциясидан сўнг яширин тусга ўтди. Чунончи, Тошкент полицияси департаментига етказилишича, мана шундай гурухлардан бирини ўқитувчи Аҳмаджонов бошқарган ва у, асосан, миллий зиёлилар ҳамда ўкувчи ёшлар вакилларидан таркиб топган. Кўқондаги маҳфий гуруҳ 50 кишидан иборат бўлган. Андижон-

¹ Беҳбудий М. Хайр ул-умури авсалухо // Хуршид. - 1906. - 11 окт.

даги жадидларнинг яширин ташкилоти «Тараққийпарвар» деб аталиб, маҳфий ишлар бўйича полиция бўлими ининг маълумотларига қараганда, унинг раҳбарларидан бири Убайдулла Хўжаев бўлган. Шунингдек, подшо айюқчилари 1909-1916 йиллар давомида мударрис ва мактаб ўқитувчиларининг ўлкани бошқаришда ислоҳотлар ўтказиш кераклиги ҳакида тарғиботлар олиб бораётганликларини бир неча маротаба ҳукуматга етказганлар.

Марказий Осиё жадидчилигига Туркия ва 1905-1911 йиллардаги Эрон инқилоблари сезиларли таъсир кўрсатди. Бу мамлакатлардаги миллий зиёлилар вакиллари монарх ҳокимиятининг конституцион доирада чекланишига, миллий буржуазиянинг иктиносидий қудратини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни қўлга киритишга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бироқ уларнинг тажрибалари Туркистон жадидлари томонидан механик тарзда кўчириб олинмади. Улар Шарқ ва Европа мамлакатларининг мустамлакачиликка қарши кураш ҳамда демократик ҳаракат амалиётидан ўлка шароитларига мувофик келувчиларини танлаб олдилар, шароитга тўғри келмайдиганларидан воз кечдилар ёки бир оз ўзгартириб қабул килдилар.

Россия Февраль демократик инқилоби арафасида, Туркистон жадидчилиги етук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун курашган бўлсалар, Февраль инқилобидан кейин Туркистон жадидларининг «тараққийпарварлар» оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кенг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли ҳукукларини кенгайтириш томон ўлкани бошқариш юзасидан асосли ислоҳотлар ўтказиш, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин бериш, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллий матбуот эркинлигини таъминлаш, чоризмни конституцион тузум билан алмаштириш кабилар киради. Россиядаги Февраль демократик инқилоби Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг Федератив давлат шаклида мухторият олишга умид боғлаган жадидларни рухлантириб юборди. Айни пайтда, миллий сиёсий партиялар ва ташкилотлар,

жумладан, жадидлар томонидан «Шўрои Исломия», «Иттифоқ» каби бир катор ташкилотлар тузилди. Бу пайтга келганда жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар онгида мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлаш, жислаштириш ҳиссини уйғотдилар. Аммо улар тез кунларда тушундиларки, Россиядаги Мувакқат хукумат ҳам, унинг Туркистондаги Мувакқат Кўмитаси ҳам ўлқада аввалгидек мустамлакачилик сиёсатни давом эттириш йўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсат Таъсис мажлисини чақиришга тайёр гарликда яққол намоён бўлди. Шу вактдан жадидлар учун мустақиллик ва муҳторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар хукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқид остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий муҳторият олиш учун астойдил ҳаракат қилишга киришдилар. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида диккат-эътибор миллий-худудий муҳториятнинг асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари - Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига таалукли бўлган масалалар бўйича, қонунлар чиқаришни амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиётининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқиш, ўз давлат тузилишини барпо этишга қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли танлаб олинди. Демократик хуқук ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш - устувор мақсад килиб белгиланди. Туркистон жадидлари давлат мустақиллиги ҳақидаги ўз ғояларини ҳаётта татбиқ этишни мамлакатдаги турли ижтимоий кучлар ўртасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таъсис мажлисини чақириш билан боғлаганликлари ҳам диккатта сазовор. Ўша пайтда, жадидларнинг тараққий-парвар намоёндалари «Шўрои Исломия», консерватив қисми «Шўрои Уламо» ташкилотларига ажralиб кетган эдилар. Аммо Таъсис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимлигини англаш, бу икки жадидчилик оқимининг

кўшилишига ва «Турк Одами марказияти» номи билан аталувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Бирок, Туркистондаги октябрь воқеалари ва большевикларнинг ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар янги большевиклар ҳокимиятининг «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида»ги декларациясида кўрсатилган хукукларидан фойдаланиб, маркази Кўконда бўлган, «Туркистон мухторияти» деб аталган мустақил мухтор республика эълон қилдилар. Уч ойгина яшаган бу мухтор республика тарихи, унинг оқибатида жадидларнинг таъкибга учраши ва амалда, 1937-38 йилларда бутунлай қириб ташланиши, тарихнинг қонли саҳифалариdir.

Жадидчilikning қисқача тарихи ана шундай.

Иккинчи жиҳатдан, жадидчilikning феномени шундаки, кейинги уч аср ичиди бу оқим биринчи бўлиб миллий давлатчилик куришга уринди, ягона мустақил Туркистон учун курашди ва у миллий мустақиллик ғоясига асос солди, уйкудаги Шарқни уйғонишга ва ҳаракатланишга, озодлик, миллий ғурур, ўз буюк аждодлари, бой маданияти ва, умуман, мустамлака тузумнинг тазиики остида унугилган барча қадриятларини хотирлашга унади. Жадидлар таълимоти - ўз замонасининг ҳақиқий таълимоти эди. Чунки у нафакат тараққийпарвар шахслар, балки фикрловчи ёшларни, шунингдек, барча тараққийпарвар зиёлиларни ўз кетидан эргаштира олди. Уларнинг фаолияти ва дастури келажак учун намуна бўлди. Жадидлар томонидан жамиятда пишиб етилган ижтимоий вазифаларни эволюцион-ислоҳотчилик тамойиллари асосида ҳал этиш ишлаб чиқилганлиги, уларнинг формацион-институционал ўзгартиришларни, мустамлака тузумни тубдан йўқотишнинг максимал даражада самарали йўлларини танлай билганиклари, шубҳасиз, уларнинг тарихий хизматлариdir. Жадидларнинг концептуал ғоялари ҳозирги ўзгаришлар амалиётининг маънавий даракчиси, бугунги кундаги стратегия ва кенг камровли ислоҳотлар курсининг генетик асоси бўлиб хизмат қилди.

Тарихдан яхши маълумки, деб ёзади Беҳбудий, «Ҳак олинур, берилмайдур. Ҳар миллат ва мамлакат халки ўзининг хуқуки, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркестон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ»¹.

Жадидчилик ўзидағи қайси белгилари билан фавкулодда ҳодиса эди? Унинг феномени нимада? Уларнинг жамиятдаги инқироз ва мугаассибликни шу даражада аниқ кўришларига, диний, хуқукий ва аҳлоқий нормаларга амалий ёндашишига нима ёрдам берди? Биринчидан, унинг ноёблиги (феномени), аввало, унда ғоятда юқори дараҷадаги ақл-идрокли, ҳам Шарқ, ҳам Европа маданиятига хос билимларга эга бўлган зиёлилар жамланганлиги билан белгиланади. Ўтмишга назар солиб, уни ўрганиб, ўз даврини таҳлил қилган жадидлар ўз Ватанининг келажаги лойиҳасини туза билдилар, унинг ривожланиш йўлларини режалаштирилар. Уларнинг деярли барчаси олий диний таълим олганлари, Жомий, Навоий, Фузулий шеърияти, қадимги Шарқ мутафаккирларининг фалсафий асарлари руҳида тарбияланганлари ҳолда, ўз билимларини чет эл маданияти, жумладан, ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданияти ютуқлари билан бойитдилар².

Ўша йиллари анъанавий осиёча фикрлаш доирасидан чиқиб кетувчи Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Қонуни Оврупо» («Европа қонунлари») мақоласини ёки Абдурауф Фигратнинг «Раҳбари нажот» («Озодлик йўриқномаси») рисолосини ёзишга нима сабаблар чорлади ва шунга йўл очиб берди? Албатта, бу нарса уларнинг бошқа давлатларнинг турмуш тарзи қонуниятларини ўрганишга интилишлари, уларнинг энг яхши зиё уруғларини ўзларининг сермаҳсул ва қадимий маданият тупроғида қўллаш учун ўрганиш ва

¹ Беҳбудий М.Баёни ҳакиқат // Улуғ Туркистон. - 1917. - 12 июнь.

² Жадидларнинг аксарияти ўз билимларини чет элларда давом этирдилар. Масалан, Исҳоқхон Ибрат Жилда, Истанбул, София, Афина, Римда яшаб-ӯкиган. Хиндиистонда ҳам узок вакт яшаган. У француз, инглиз, урду, форс, иврит, араб ва бошқа яна бир катор тилларини ўрганган.

тушунишга уринишлари эди. Жадидлар онгида маданиятнинг юқори даражадаги ютуклари сараланиши ва уйғунлашуви юз бердики, унинг асосида Туркистондаги тарақ-қиётнинг маҳсус шакллари мулоҳаза этилиши ва ишлаб чиқилиши рўй берди. Бу ҳодиса Абдурауф Фитратнинг «Озодлик йўрикномаси» асарида Туркистондаги анъанавий фалсафа ҳакида фикр юритганида, француз тарихчиси Шарль Сеньобоснинг уч жилдлик «Сиёсий тарих»ига таянганлиги мисолида яққол кўзга ташланади.

Биз куйида Туркистон жадидларининг ўтмиш, ҳозирги замон, шунингдек, келажакни ўз ичита қамраб олган тарихий дунёкарашини аникроқ кўрсатиш мақсадида уларнинг бир қатор асарларини тарихийлик нуқтаи назаридан таҳтил этишга уриниб кўрамиз. Келажакни башорат килиш ўтмиш ва ҳозирги замон тажрибасига таянади, деган фалсафий ҳакиқатни жадидлар жуда яхши англашган ва ўз асарларида унга асосланишган. «Мозий - истикболнинг тарозусидир» - деб ёзган эди М.Беҳбудий.

Фақат тарихий асарларнинг ўзини бу ракурсда кўриб чиқиши, назаримизда, етарли бўлмайди. Жадидларнинг карашларини аниқлаш учун, Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли долзарб йўналишларига бағишлиланган бир қатор йиллардаги ишларни комплекс ўрганиб чиқиши зарур. Аммо Туркистон тарихига чукур киришиш, унинг тараққиётининг гуллаб-яшнаган даврларини ҳам, инқизатга учраган босқичларини ҳам ўрганиб чиқиши жадидларнинг амалий, маърифатпарварлик фаолиятининг муҳим кўмакчиси бўлган. Уларнинг тарихий асарларини маҳсус ва синчиклаб ўрганишни талаб этувчи қўп сонли публикациялар ташкил этади. Жадидларнинг ўз Ватани тарихига қизиқишлари кенг ва қўп қиррали эканлитини тушуниш учун эса, Фитратнинг «Тараққий ва танқид», «Истанбул», «Тарихи Муҳаммадий», «Исломнинг муҳтасар тарихи», Мирзо Қорининг «Ўз ҳолларимиз», Ибратнинг «Тарихи Фарғона», «Тарихи маданият», «Мезон ул-замон», Беҳбудийнинг «Мирзо Улутбек», «Бухоро», «Тарих ва жўтрофия», «Хайрул умури Авсатухо», «Сарт сўзи мажхулдир», Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», М.Муҳаммаджоновнинг «Турмуш урунишлари»

(кейингилари жадидчиллик тарихига бағишенганды) каби асарларини санаб ўтишнинг ўзи кифоя. Бунда, ушбу ишлар маълум бир услубиёттга асосланганлигига эътиборни картиш зарур бўлади. Шу муносабат билан, Абдурауф Фитратнинг «Озодлик йўриқномаси» алоҳида эътиборга сазовор. Айни шу маънода, тадқиқотчи Б.Х.Эргашевнинг «бу китоб XX аср бошларида Марказий Осиё халклари ижтимоий-фалсафий онгининг йирик ёдгорлигидир», - деган фикри жуда тўғри. Фитрат унда барча фанларнинг, шу жумладан, тарих фанининг таҳлилини берар экан, тарихни сабоқ берувчи ва ўқитувчи фан, деб атайди. У тарихни икки қисмга бўлади: муқаддас тарих ва жамият тарихи. Биринчиси, дин, пайғамбарлар ва авлиёлар тарихи бўлиб, уларнинг хатти-харакатлари ва фаолиятини тушунтиради.

Жамият тарихини Фитрат уч қисмга бўлади: фан ва адабиёт тарихи (кўриниб турибдики, бу соҳага у инсоният тараққиёти учун муҳим аҳамиятли омил, деб қараган, табиийки, муаллифнинг ўзи ҳам бу муаммони ўргангандан билган), табиий тарих, сиёсий тарих. Фитратнинг умумий тарих дунёнинг пайдо бўлиши, миллат ва давлатнинг шаклланиши, ривожланиши, халкларнинг ижтимоий тузилиши, уларнинг сиёсий ҳақ-хукуқларини ўрганиди, деган фикри ҳам мантикан тўғри. Бир давлатнинг тарихи, бу - хусусий тарих, яъни умумий тарихнинг бир қисми. Энди, таснифнинг биринчи қисмига кайтамиз. Ғарб тарихчилари уни тан олишларига қарамай, яқин ўтмишда ҳам биз «муқаддас тарих» таснифини инкор этардик. Таникли француз тарихчиси Марк Блок, насронийлик мероси бу - тарихий мерос, «замонда, яъни тарихда кенг тарқалган гуноҳлар ва уларни ювишнинг буюк драмаси, бу - черковлар, кишилар ва муқаддасликлар тарихидир»¹, деб айтганди. Шубҳасиз, Фитрат томонидан муқаддас тарихни алоҳида ажратилиб кўрсатилиши, бу - унинг нафакат диндорликни хурматлаши балки, вақтнинг маълум бўлагида бўлиб ўтган конкрет воқеа-ходисаларнинг тарихи, ислом тарихини яхши билишидан далолат беради. Шу ўринда, XX асрнинг буюк мутафаккирларидан бири Маҳмудхўжа

¹ Марк Блок. Апология истории или ремесло историка. - М.: Наука, 1986. - с.6.

Беҳбудийнинг тарихий дунёқараши ҳакида айтиб ўтмаслик ҳам мумкин эмас.

Беҳбудий ижтимоий онг, унинг ривожланиши ва тараққиётида тарихга қандай роль ажраттан? Унинг бу муносабати бир катор муаммоли асарлари жумласига кирувчи «Тарих ва жутрофия»¹ номли мақоласида аниқ ифодаланган. Унда айтилишича, тарих ва жутрофия фанлари ўша пайтгача бидъат, гуноҳдан иборат, деб ҳисоблаб келинган. Беҳбудий эса, бу фанларни ўз замонаси учун зарурлигини исботлайди, айни пайтда, уларни исломнинг мўътабар фанлари соҳасига кўшиб, бу фанлар жадид мактабларининг ихтироси эмас, балки жамият ҳаётида қадимдан мавжуд бўлиб келганлигини таъкидлайди. Табиий ва ижтимоий фанларни Беҳбудий «Ақлли илмлар» тушунчаси остида бирлаштиради. Халқ тарихи, мамлакат тарихи, ислом тарихини билмай туриб оддий мусулмон, давлат арбоби, руҳоний, олимнинг ҳам бўлиши мумкин эмас, дейди Беҳбудий. Унинг фикрича, тарих ҳамма нарсани давлатнинг гуллаб-яшинаши ва инқирозининг сабабларини, одамлар эътиқодининг ҳолатини, мусулмончиликнинг таназзулини, ислом илохий пойдеворининг бузилишини тушунтиради. Комил ва адолатли инсон бўлиш учун, албатта, тарихни билиш керак, бирорта билим тарих илмисиз комил бўлмайди.

Демак, биз катъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, фанларни, айниқса, тарихни услубий билиш жадидларга Ўрта Осиё ҳалклари тарихий тажрабасидан келиб чиқиб, ўз замонасининг ҳолатини ўрганиб, жамиятнинг келажакдаги қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишилари учун имконият яратди. Жадидларнинг тарих соҳасидаги ишлари масаланинг тарихшунослигида муҳим ўрин эгаллайди. Аммо уларнинг ўз замонасига бағишланган публицистик мақолаларидан Туркистондаги сиёсий, ижтимоий вазиятни тўлиқ тасаввур этиш мумкин.

Жадидлар Туркистоннинг сиёсий ҳолатини қандай баҳолаганлар? Масалан, Беҳбудий ўз ҳалқининг тараққиётини нафақат маърифат билан, балки сиёсий ўзгариш-

¹ Беҳбудий М. Тарих ва жутрофия // Ойна. - 1914. - №27. Б.502-505.

лар, мустақилликка эришиш билан боғлаган. Ўзининг аксарият мақолаларида рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатини очиб ташлайди, гўёки булар маҳаллий аҳоли фойдаси учун қабул қилингандай, аслида унинг аҳволини оғирлаштиришга йўналтирилган қонунларни танқид қиласди¹.

Аммо Беҳбудийнинг мустақилликка курашсиз эришиб бўлмаслигига имони комил. У ўзининг «Баёни ҳақиқат» номли мақоласида «Ҳақ олинур, берилмас», - деб таъкидлайди². У «Хуррият берилмас, олинур»³ деб аталувчи ўхшаш номли мақоланинг муаллифи Мунавваркорининг қарашлари билан ҳамфикрдир. Бирок Беҳбудий бошқа кўплаб жадидлар каби мустамлакачиликка қарши кон тўкишларсиз кураш тарафдори бўлиб, ҳар қандай кўринишдаги инқилобларга қарши эди. У Дума ишини мунтазам равишда диккат билан кузатиб борган ва парламент кураши орқали кўп нарсаларга эришиш мумкин деб ҳисоблаган. У Россия федератив тузумини ва унда Туркистоннинг ўрнини қандай тасаввур қилган? Унинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уезддан бир нечтадан вакил сайлаш керак ва Тошкентда Туркистон учун ярокли амалий натижга берадиган солик қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган катта марказ ва мажлис (менинг фикримча, парламент кўзда тутилаяпти. - Д.А.) ташкил этиш керак. Бу мажлис Россия хукумати ва мусулмонлар ўртасида воситачи бўлади. Бу Туркистоннинг фаровонлигига хизмат қилувчи Туркистон учун сайланган маъмурларни мустаҳкамлайди⁴.

Бироқ ҳаққа эришиш учун қайси миллатга мансублигига қарамай, барча аҳоли ижтимоий курашга фаол киришиши керак ва рус аҳолиси билан бирлашиб, ҳар бир уезддан вакил сайланган «Туркистон мусулмонлари шўроси»ни ташкил этиш лозим. Унинг фикрича, мухторият ва мустақилликка бориш йўлидаги биринчи шартлар ана шулардан иборат. Беҳбудийнинг фикрича, Россия

¹ Беҳбудий М. Бизга ислоҳот керак // Нажот. - 1917, 7 ноябрь.

² Беҳбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Хуррият. - 1917. - 13 июль; Ўша муаллиф: Баёни ҳақиқат // Улуг' Туркистон - 1917. - 12 июнь.

³ Мунавваркори. Хуррият берилмас, олинур // Нажот. - 1917. - 26 март.

⁴ Беҳбудий М. Ҳақ олинур, берилмас // Хуррият. - 1917. - 13 июль.

демократик давлати доирасида мухторият сифатида шакланиш - ички қарма-қаршиликлар ва келишмовчиликларни бартараф этишнинг бош шартидир.

Кўриниб турибдики, Беҳбудий милий озодлик ҳарачатидаги тарқолик кайтадан мустамлака бошқарувига олиб келишини жуда яхши тушунган. Агар «бугун Туркистон халки иттифоқ этса, қон тўкилмас. Ер ва амлок ҳам тақсим бўлмай қолур. Они ҳам раво топур. Минг карра доду бедодки, ихтилоф этмоқ учун иттифоқ этканимиз ва ихтилофимиз сабаби ила бадбаҳтиликға дучор бўлурмиз. Бутун Туркистон иттифоқ этса, 15 миллионлик бир кувватли имлоға келурки, мунга ер титрайдур!»¹. Бу сўзлар «Туркистон мухторияти» эълон қилингандан сўнг айтилган эди.

Беҳбудийнинг фикрича, мустақиллик йўлидаги муҳим шартлардан бири бу, ёш ва кекса авлоднинг бирлашувидир. Ёшлар кизиконлик ва бесабрликни ташлашлари, масалага илмий ёндашишлари керак. -Афсуски, - деб тан олади муаллиф, - унинг ўзи ҳам тезкор ҳаракатлар тарафдори, аммо ҳамма нарса режали бўлиши ва кекса авлод ёшларни миллатта хизмат қилиш имкониятидан маҳрум этмаслиги лозим².

Жадидларнинг Туркистондаги давлат қурилиши тўғрисидаги хulosаларга келишида, ўлканинг иқтисодий ривожланишини кузатишлари муҳим аҳамият касб этган. Убайдулла Хўжаевнинг маколаларидан бири (1915), ўлка зиёлиларининг иқтисодий аҳволи ва ҳарактери тўғрисида тўла тасаввур беради. Бу ҳакда объектив тасаввур ҳосил қилиш мақсадини ўз олдига кўйган муаллиф Кўқон, Андижон ва Наманганса бориб, вазиятни ўз кўзи билан кўрган. Иқтисодий соҳада ишнинг ҳолатини ўрганиш уни бугун Туркистонда мусулмонлар ҳаддан ташқари оғир иқтисодий шароитларда яшаётганлиги ҳақидаги қайтули хulosага олиб келди. Айниқса, Кўқон аҳолиси қолоқлиги билан алоҳида ажralиб туради. Заводлар, пахта тозалаш саноати Европа миллатлари вакилларининг кўл остида. Нима учун мусул-

¹ Беҳбудий М. Туркистон мухторияти // 1917. - 22 декабрь.

² Улут Турсистон. - 1917. - 12 мюнъ.

монлар шу ўринда суст, ташаббусиз ва заиф? - деб хитоб килади муаллиф¹. Унинг тасаввурича, бунинг сабаби, улар томонидан тиришқоқлик, фаоллик ва меҳнаттина ҳолатни ўзгартириши мумкин эканлигини тушунмасликдадир. Андижон мусўлмонларининг аҳволи анча яхши. Гарчи, Наманганд, мақола муаллифининг сўзларига қараганда, илмий тафаккур ва умуман, маданият тараққиётининг даражаси жиҳатидан анча ортда қолаётган бўлса ҳам, бу ерда савдо, тадбиркорлик, бизнес, ишлаб чиқариш туб ерли аҳоли кўл остига жамланган ва муваффакиятли ривожланмоқда. Бироқ барча шаҳарларда маданий ҳаётнинг пешсаҳнасига ўз «миллий ва маданий камчиликлари»ни англаётган ва уларни аста-секин ислоҳ этишга уринаётган ёшлар чикмоқда эдилар. Убайдулла Хўжаев, бу шаҳарларнинг ёшларига Тошкентниң, унинг зиёлиларининг салмоқли таъсири бўлаётганлигини кўрсатиб ўтади. Убайдулла Хўжаевнинг маданий ва илмий жиҳатдан қолоклик уларни илм эгаллашга интилиш, маърифатпарварлик фаолияти билан шутууланиш сари бошламоқда, деган фикри билан келишмаслик мумкин эмас. Муаллифнинг бутун Туркистон маърифат билан ёнаётганлигига ва унинг аланталари ўчмаслигига имони комил бўлган. Агар Туркистоннинг ўша давр ҳукукий ҳолатига назар ташламоқчи бўлсан, яна Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ишларига мурожаат қилишимизга тўғри келади.

Беҳбудий ўзининг «Қонуни Оврупо», «Ҳақ олинур, берилмас!», «Лойиҳа», «Қози ва бийлар ҳакида лойиҳа» мақолаларида Туркистонда вужудга келган ҳукуқ соҳасидаги оғир вазият ҳакида ёзади. Шунингдек, ҳукукий масалаларни ҳал қилишни элликбоши ва қозиларнинг ихтиёрига бутунлай топшириб кўйилганлиги оқибатида, улар нафақат диний, балки майший масалаларни ҳам порахўрлик асосида ҳал қилаётганликлари учун рус ҳукуматини танқид қиласди. Беҳбудийнинг шариатда Россия сиёсати ва рус маданиятига мувофиқ келмайдиган, лекин мусулмонлар талабларига жавоб берадиган қонун-қоидалар бор эканлигига имони комил. Ислом қонунчилигига оид чукур

¹Ходжаев У. Турли ўринлар // Садои Туркистон. - 1915. - 2 февраль.

билимларга эга бўлиш, унга қонунбузарликларни, қозилар томонидан шахсий манфаатлари йўлида шариат нормаларини сохталаштириб талкин этишларини аён кўриб туришга имкон берган.

Бу соҳада ишнинг ҳолатини синчилаб таҳлил этиш Беҳбудийни қозилик судлари тизимини бекор килиш зарурлиги, уларнинг ўрнига Туркистондаги 5 та вилоятнинг ҳар бирида аппеляция комиссияси ташкил этилган давлат судларини тузиш, округ судларини назорат килиш учун раис, ўринbosар ва учта суд аъзосидан иборат Олий суд палатаси очиш кераклиги ҳақидаги хulosага олиб келди¹. Волост сайловларида, муаллифнинг фикрича, 20 ёшга етган ҳар бир туркистонлик қатнашиши лозим.

Жадидларнинг дикқат марказида яна, маданий мерос ва ҳалқнинг ўз-ўзини англаши тўғрисидаги муҳим масалалар ҳам турган. Мухиддин Дарсаодат китобхонларга ҳалқ қай даражада улкан маданий ва илмий меросга эга эканлигини эслатиб ўтган эди. Унга қўра, Фаробий, Ибн Сино, Улугбеклар ҳақиқатдан ҳам Ўрта Осиёдаги ижтимоий ва илмий ислоҳотларнинг асосчилариидир. Унинг адолатли фикрича, бу мутафаккирларнинг асарларини ўрганиш ўлка тараққиётини ижобий томонга илгари суради, ҳалқнинг миллий ўзлигини англашини юқори поғонага кўтаради. Шу орада, Петербургда ўтказилган Бутун Россия мусулмонлари съездига (1914), унинг маълумотларига Караганда, Туркистондан атиги иккита вакил иштирок этган. Бу салбий факт,- дейди макола муаллифи, ва ҳалқни ижтимоий онгдаги турғунликни енгиди, фаол ҳаракат қилишга чакиради.²

Жадидларнинг фикрича, Туркистонда тараққиётта эришишнинг бош асоси иқтисодиётни зарур оқимда ривожлантиришдадир. Шунингдек, улар муҳим омиллардан бири деб миллий матбуот ва ҳалқ таълимини ривожлантиришни ҳам ҳисоблаганлар. Тож. Ризобалди «Миллий матбуотсиз миллатнинг ўзи йўқ»³, - деб ёзганида, анча илгарига назар

¹ Беҳбудий М. Қози ва бийлар ҳақида лойиҳа // Ойна. - №5. - Б.106-107.

² Дарсаодат М. Жаҳолат меваси // Садои Туркистон. 1914, № 30, 1-б.

³ Идорага мактублар // Садои Туркистон. - 1915, №64. Б.4.

Состоявшиеся в 1905-1906 гг., впервые в истории империи, всероссийские мусульманские съезды и принятые на этих форумах решения нацелили российских мусульман на реализацию указанных задач. Активизация интеграционных процессов в мусульманском мире, а также практическая работа, направленная на выполнение рекомендаций и предложений, выработанных на первых мусульманских форумах не могли не привести к постепенной трансформации джадидизма в ярко выраженное политическое движение коренных народов Туркестана. Туркестанские прогрессисты-джадиды (Мунаввар Кори, Махмудхұжа Бекбудий, Убайдулла Ходжаев и др.) стоят у истоков формирования первых национальных общественно-политических организаций.

Ими создаются такие общества и организации, как «Тарбия-йи атфол», «Падаркуш», «Умид», «Нашри-Маориф», «Баракат», «Гайрат», «Таракки-Парвар» и другие.

Количество подобных обществ особенно увеличивается в годы первой мировой войны, когда, как известно, резко усиливаются антиколониальные (антитеррористические) наст-

роения в Туркестане. Возникновение национальных организаций в Туркестане, невзирая на их неоднородность, было, несомненно, важнейшим шагом в развитии политического самосознания местных народов.

Первые национальные организации туркестанцев, разумеется, еще не имели своих, достаточно продуманных и отработанных программных документов, им зачастую недоставало политического опыта, а иногда и необходимого профессионализма. Однако этот пробел, как уже отмечалось, восполнялся наличием активных и глубоких связей с сопредельным миром. Естественно, что с первых дней своего существования общества и организации местных прогрессистов находились под постоянным наблюдением.

Для агентов Туркестанского районного охранного отделения резко прибавилось работы, с которой последние не всегда успевали справиться. Все чаще стали звучать предложения о принятии дополнительных мер в связи с крайне сложной обстановкой в регионе.

В одном из таких предложений от 26 мая 1914 года отмечалось: «В виду развивающегося в Туркестанском крае революционного движения, и, в особенности панисламистского, настоятельно необходимым является учреждение в крае Жандармского управления на правах Губернского в России, чины коего, пользуясь представленной им законом властью, могли бы самостоятельно, помимо розыскной деятельности, заниматься и исследованием государственных преступлений..., не обременяя Главного Начальника Края мелкими докладами по вопросам о временном задержании заподозренных в политической неблагонадежности лиц, подписанием постановлений об аресте и проч., имеющими место в данное время, в силу того, что членам Туркестанского Районного Охранного отделения этих прав не предоставлено.

Независимо сего, нахождение помощника начальника Управления в определенном каждому районе, несомненно усилит наблюдение за местным населением и деятельностью преступных элементов, а также в значительной мере освободит уездную администрацию, обремененную

исполнением своих прямых обязанностей, от мало знакомой им деятельности по делу политического розыска»¹.

Эти и другие предложения не оставались без внимания и благодаря принятым мерам (которые включали также и дополнительное ассигнование на агентурную работу, поиск и подготовку квалифицированных фильтров и т.д.) туркестанской охранке удавалось получать своевременную и довольно полную информацию о политической обстановке в крае. За короткий срок охранка подготовила своих агентов из числа представителей местных национальностей и внедрила в политизированную мусульманскую среду.

Уже после февральских событий, в результате работы комиссии по разбору дел Туркестанского охранного отделения, многие имена и псевдонимы секретных сотрудников (несмотря на то, что большинство документов, связанных с их деятельностью, было заблаговременно уничтожено) были преданы огласке².

Стало известно, что среди наиболее отличившихся были сотрудники, носящие псевдонимы: «Кори», «Нозим», «Шахрисябзский», «Кокандский» «Ахмет», «Якшанбай», «Фролов», «Случайный»³. Именно благодаря их доносам охранка почти всегда была в курсе дел, связанных с переменами в настроениях коренного населения, их намерениями, а также с деятельностью формирующихся молодых национальных обществ и организаций.

Так, в одном из донесений секретного сотрудника охранки, носящего псевдоним «Якшанбай», от 10 августа 1914 года, писалось: «Некоторыми бухарскими сановниками и влиятельными купцами, проживавшими и получившими образование в Константинополе, под видом мануфактурного товарищества «Баракат» основан Союз мусульман прогрессистов с целью объединения мусульман и поднятия культуры среди туземцев. Учредителями Союза на устройство товарищества «Баракат» первоначально

¹ ЦГА РУз, Ф.И-461, оп.1, д.1788, л.42.

² Туркестанские ведомости // 1917.- 29 апреля.

³ См: Свободный Самарканد // 1917.- 19 декабря. Также: Щит народа // 1918.- 11 января.

было собрано около 15-ти тысяч рублей, а в дальнейшем же они надеются образовать капитал в несколько сот тысяч рублей... Союз предполагает открыть свои отделения в разных крупных центрах Бухарских владений и кроме этого открыть национальный банк, чтобы не нуждаться помошью других банков. Внутреннюю организацию и управление товарищества предполагается устроить на европейский лад.

Главными членами товарищества «Баракат» являются: Фазлилдин Махзум, Абдул Хаким Махзум, Мирза Изатулла Афанди и Мирза Абдул Вахид...»¹.

Ещё раньше (в 1910 году) Туркестанская охранка получила сведения от агента «Случайного», о создании по инициативе Мунаввара Кори Абдурашидхонова общества «Умид». В агентурном отчете отмечалось: «... Общество «Умид» организовалось с целью захватить в свои руки всю мусульманскую книжную торговлю, прибыли от которой поступают целиком в пользу новометодных школ. Общество это просило разрешение открыть свою деятельность в Ташкенте, но местная администрация категорически отказалась. Теперь оно существует тайно в Коканде, Самарканде, Той-Тюбе, Пскенте и Паркенте. Из членов этого общества известны:

- 1 Абдухаким Мулла Икрамов,
- 2 Абдулла Авлоний,
- 3 Абдусами Коры Хидоятбаев,
- 4 Атахан Назар Ходжаев,
- 5 Карим Коры Азимбаев,
- 6 Мухамадхон Паашаходжаев и
- 7 Низамеддин Коры Хусаинов.

Членами этого общества состоят почти все мусульманские книготорговцы...»².

В 1915-1916 гг в Ферганской области активную роль в местной общественно-политической жизни играли общества: «Падаркуш» и «Таракки-Парвар», что, естественно, также не могло остаться незамеченным работни-

¹ ЦГА РУз, Ф.И-461, оп.1, д.2178, л.23.

² ЦГА РУз, Ф. И-461, оп.1, д.2107, л.44.

ками охранного отделения, в докладных записках которых говорилось о существовании «новометодного» движения в Ферганской области и борьбе, возгоревшейся под флагом этого движения между старым поколением и «народившейся партией туземных прогрессистов»¹. Указывалось, в частности, что в организацию «Падаркуш» входило около 50 человек².

В первых числах октября 1916 года агентура района информировала, что «в помещении редакции Андижанской оппозиционной направления газеты «Туркестанский голос» ежедневно по вечерам, под председательством редактора-издателя А.А. Чайкина, происходят собрания молодых прогрессивного направления сартов в количестве до 20 человек, образовавших в г.Андижане группу «Таракки-Парвар»...

... В состав группы “Таракки-Парвар” входят следующие лица:

1. Сайдулла Ходжаев, торговец, имеет в пассаже Мир-Комиля собственную мануфактурную лавку.

2. Алимжон Ходжа мирза Юнусов, бывший писарь Асакинского волостного управления, ныне без определенных занятий.

3. Мухаммаджон Якуб Саркаров, определенных занятий не имеет.

4. Мириали Умарбаев, городской депутат.

5. Латифжон Мадали Казиев, переводчик пристава 11-й части гор. Андижана.

6. Кочкарбай Мирилиев, приказчик.

7. Атакан Назарбаев, имеет в старой части г.Андижана собственный книжный магазин.

8. Мирхайдар, владелец мануфактурного магазина...

Объединителями деятельности этих лиц являются:

1. Анатолий Афанасьевич Чайкин

2. Убайдулла Асадуллоходжаев

3. Шапиро, корреспондент газ. «Туркестанский голос».

... Целью деятельности этой партии является желание унизить авторитет местной русской власти¹. Кроме того,

¹ ЦГА РУз, Ф. И-461, оп.1, д.1968, л.24.

² Там же.

агентура особо отмечала, что «члены партии «Таракки-Парвар» своими умышленно неправильными толкованиями газетных сведений, смущают население и поселяют среди такового различные слухи о слабости России, возможном отделении от таковой населяющих Россию мусульман и образовании последними самостоятельного государства»².

Такого рода донесения заставляли официальные власти принимать самые решительные меры: производство допросов и обысков, конфискация имущества, депортация и т.д.

Так, одному из руководителей организаций «Падаркуш» и «Таракки-Парвар» Убайдулле Ходжаеву распоряжением Туркестанского генерал-губернатора в начале 1917 года (после произведенного допроса и обыска) было запрещено проживание в гг. Андижане и Ташкенте³.

Идентичные меры принимались и по отношению к членам кокандского общества «Гайрат».

Общество, руководимое редактором-издателем газеты «Туркестанский край» Шоисламом Шоахмедовым, имело в старой части города книжный магазин с капиталом 45 тысяч рублей и ставило в качестве ближайшей цели издание национальной газеты и журнала⁴.

Полученную прибыль от издательской деятельности предполагалось (кроме прочего) направлять в фонд помощи воюющей Турции как к «Охранительнице Ислама..., вокруг которого мусульмане всего мира должны объединяться»⁵. Надо сказать, что члены общества «Гайрат» (и других национальных организаций) особо не скрывали своих симпатий по отношению к Турции и родственным турецким партиям, с которыми поддерживали самые тесные контакты.

Еще в 1913 году агенты охранки предупреждали, что в Коканде (и в других местах) «... происходит сбор денег в

¹ ЦГА РУз, Ф. И-461, оп.1, д.1968, л.25-27.

² Там же, д.1968, л.31.

³ Там же.

⁴ ЦГА РУз, Ф. И-461, оп.1, д.2115, л.91.

⁵ ЦГА РУз, Ф. И-461, оп.1, д.1919, л.9.

пользу Турции, в сентябре прошлого года отправлено было 23000 рублей с паломниками; в настоящее время собрано еще 16000 рублей...»¹.

Сведения о сборе денег, о выезде в Турцию активистов национального движения, о приезде в Туркестан «эмиссаров» из Турции и других сопредельных стран официальные власти получали из всех крупных населенных пунктов края. Все это заставляло последних сочинять и направлять в областные и городские жандармские управления и отделения по охране общественной безопасности различные циркулярные указания. В одном из таких документов от 27 декабря 1916 года, в частности, говорилось: «По имеющимся в Департаменте полиции сведениям, турецкий Комитет партии «Единение и прогресс» предполагает направить в союзные государства агентов с целью вызвать там забастовки. Сообщая об изложенном, Департамент просит Вас принять меры к выяснению в пределах вверенного Вашему наблюдению района лиц турецкого происхождения и установить за ними наблюдения, в видах предупреждения всякой с их стороны возможности агитировать с целью устройства забастовок и о последующем уведомить Департамент»².

Однако контакты продолжались, сопротивление длилось и набухало, и многочисленная армия фильтров Туркестанского охранного отделения продолжала с тревогой сообщать начальству о недовольстве среди населения и сильных центробежных тенденциях.

Туркестанские джадиды и члены первых общественно-политических организаций, в непростых условиях, целенаправленно стремились вывести движение сопротивления на иной, более отвечающий национальным интересам и современным историческим реалиям, уровень. В этот период туркестанскими прогрессистами были выдвинуты идеи, направленные на обновление страны, избавление ее от закостеневших форм быта, освоение нового типа цивилизации, новых для Туркестана технических и науч-

¹ ЦГА РУз, Ф. И-461, оп.1, д.2106, л.59.

² ЦГА РУз, Ф. И.-461, оп.1, д.1919, л.14.

ных ценностей, новой модели поведения.

Невзирая на активное противодействие официальных российских властей, которое особенно усилилось накануне Февральской революции 1917 года, национальные лидеры продолжали поиск оптимальных вариантов политической борьбы и духовной консолидации во имя осознания нацией своего единства и своей силы.

XIX аср охири - XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик

Мамлакатимиз тарихидаги янги шароит унинг ўтмисини баҳолашда янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Бу борада тарихчилар олдида кенг йўл мавжуд. Мустақиллик бундай ишларга эркинлик бағишлаб, барча давр ва замонлар тарихини ҳаққоний ёритишида ҳар қандай мафкуравий назорат ва таҳдиднинг қаттиққўл қолипларидан озод этиш имконини берди. Бироқ матбуотда омма эътиборига ҳавола этилаётган айрим фикрлар ўзининг мантикий асослардан йироклиги жиҳатидан, факат ҳиссиятлар, сохта ватанпарварлик туйғулари асосига курилганлиги сабабли, мулоҳазали ҳолатни тутдирмоқда. Бу хол, Бухоро тарихидаги жадидчиликнинг ролини баҳолашга ҳам тегишилдир. Кейинги пайтларда, Бухородаги амир ҳукмронлиги жадидлар томонидан йўқ қилиб юборилган ва уларнинг фаолияти XX аср бошларида Бухоро иқтисодиёти, маданияти ва диний ишларига улкан талофат етказган, деган фикрни ҳам эшитишга тўғри келмоқда. Бу хилдаги мулоҳазалар ва уларни маъқуллаш ёки рад этиш учун Бухорода XIX - XX аср бошларида, аҳамияти жиҳатидан бутун бир тарихий даврга teng келадиган жараёнлар кечган замонда нималар рўй берганини англаб этиш керак.

Мен, ўз мулоҳазаларимни, биринчи галда, Бухоро тарихий жараёнларига бевосита алокадор бўлган ва уларни ёзиб колдирган кишилар гувоҳлиги асосида баён этмоқчиман. Бухоронинг бу даврдаги тарихи ҳақида сўз юритган тарихчилар, энг аввало, табиий ва аниқ фанлардаги чукур билими учун муҳандис деб аталган, улуғ маърифатчи олим ва шоир Аҳмад Доңиш асарларига суюнишади. Маълумки, у мадраса таълимини олгач, тарих, адабиёт, астрономия, геометрия, тиббиёт, хаттотлик, мусиқий санъат соҳаларини мустақил ўрганган. Ўтган асрнинг 50-йиллари ўрталарида амир Насруллоҳ саройида бош хаттот ва рассом

сифатида иш бошлаган Аҳмад Дониш 1870 йилда адолатли давлат ҳақидаги тасаввурларига мос келмайдиган хизматни ихтиёрий тарк этади. У мазкур воқеа ҳақида шундай ёзади: «... қўшин ва ҳокимларга хизмат қилишдаги тартибнинг йўклиги туфайли саройда хизмат қилиш менга оғир ва натижасиз кўринди, мен таклиф ва эътиrozларга қарамай, бундан кетдим ва мадрасага жойлашиб, қурук нонга қоникиш ҳосил қилдим»¹.

Бухоро амирлари унинг чукур билимларини хисобга олиб, Россияга юборилаётган элчилар сафида уч марта сафарга юборади. Бу сафарлар ундаги ҳукмрон доираларга нисбатан бўлган танқидий муносабатни янада чукурлаштиради.

Аҳмад Дониш 70-йиллардан то амир Музаффар вафотига қадар, узоқ Ҳузар ва Норпай вилоятларида қози бўлиб ишлайди. Бу вазифада ишлаш унинг Бухоро ижтимоий тузилишида социал-иктисодий ўзгаришлар зарурлиги ҳақидаги позициясини янада қатъйлаштирди. У «Наводир ал-вақое» («Нодир воқеалар») асарида мавжуд тузумга ўз муносабатини билдиради ва Бухоро хонлигига давлат бошқаруви ислохотини таклиф этади. Хусусан, унинг «Рисола» номи билан таниш бўлган «Рисолаи тарихи амирон манғит» («Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола») номли машхур асарида мамлакатнинг ёркин тасвири берилган бўлиб, бошқарув тизими баёни, ҳалқларнинг аҳволи, Россия билан уруш масалалари ёритилган². Аҳмад Дониш амир Донийолдан то Абдулаҳадгача бўлган (амир Шоҳмуроддан ташқари) барча Бухоро амирларини давлат ва унинг фуқаролари фаровонлиги йўлида эмас, балки факат ўз шахсий манфаати йўлида қайғурган нўнок ҳукмдорлар сифатида тавсифлайди. «Улар - деб ёзади у, - нима топишса, ўшани олиб қўйишар, бева-бечоралар шамчироғидаги оловдан тортиб, вакф омборидаги ғаллагача ўтирашар, қорин ғами ва кувончу хурсандчиликларига хизмат қилса бўлди эди. Ҳеч ким қаршилик кўрсатишга

¹ Епифанова Л.М. Рукописные источники по истории Средней Азии. Период присоединения ее к России. Бухара. Ташкент. «Наука», 1965, стр. 14.

² Рисола. қўлёзма. Ўз РФА ШИ асрорхонаси, инв. 1887.

журъат этмасди. Амирлар ва ҳокимлар орасида қимор-бозлиқ, майхўрлик ва бузукчилик авж олди, дехқон ва хунармандларда эса шафкатсизлик, эзиш, соликлар, ва аминона, вакилона каби йигимлар сероблигидан на туриш, на юришта ҳол қолди¹. Мана шундай ҳаётдан мисоллар келтириб, у шундай ёзади: «Агар бирор бева бозорга бир тўп иш олиб келиб, уни уч фулусга (маҳаллий танга -Д.А.) сотса, шундан икки фулусини амин олиб кўяди, агар бирор киши бир боғлам ўтинни уч дирҳамта сотса, шундан икки қисми амин улуши бўлади»².

А.Дониш Ғиждувондан Бухорога пилла олиб келган дехқон тилидан кизиқ ҳикояни келтиради: «Бозорга келишим билан молимни бир неча тарози томон тортиб кетиши, 2-3 жойда аминона ва жой ҳақи олиши, ва молимни оғирлигини ярмини тушириб ўлчаб, уни яrim баҳосида белгиланди. Мен ўғрилар тарозисида ўзим ҳам йўқолиб кетмай деб, қўркувда бозордан тезроқ чикиб кетишга интилдим»³. Бундай вазият барча соҳаларда учарди. Бухоро учун ўта муҳим ҳисобланган сугориш соҳасида ҳам ўғирлик кучли эди. Шаҳарга сув келишидан анча олдин мироблар ҳақ ола бошлар, у ҳатто ариқ тозалаганлардан ҳам олинарди. Дехқонлардан одам турмайдиган ерлар учун ҳам солик олинар, тўламаганларни қамоқхона хавфи кутарди. Миршаблар ҳакида гап кетганда, А.Дониш сўзича, улар давлатдан маош олмаган. Уларга ноҳақ аҳоли тўловлари ҳисобидан маош берилган, табиийки, шу боис улар фуқаро манфаатларини муҳофаза қилиш ўрнига, ҳатто, босқинчилар билан келишиб, қароқчилик ҳам қиласиди. Албатта, бу чирик тизимнинг энг қуий қатори эди. Олий қатор эса саройда бўлиб, давлат лавозимига тайинлаш пора шаклида, улкан тухфа ёки даъвогар лавозимига гўзал ёшгина қиз тортиғи билан тайинланган. Амир Музаффар даврида амалдорларнинг сунистемолчиликлари, ҳокимлар ва амирларнинг очкӯзлиги, ўз хатти-ҳаракатларини оқлаш учун диний қонун-қоидалардан фойда-

¹ Елифанова Л.М. Курс. Асар., 19-бет.

² Ўша жойда.

³ Ўша жойда.

ланиши, схоластик хусусият касб этувчи таълимнинг аянчли аҳволи, давлат мустақиллигини саклашга йўналтирилган аник ташки иқтисодий ҳаракатларнинг йўклиги, мингакада янги ерларни босиб олишга йўналтирилган анча тор интилишлар, ҳалқнинг қашшоқ аҳволи Бухоро хонлининг умумий манзарасини ташкил этарди. Бироқ, Аҳмад Дониш шунчаки танқидчи эмас эди, Ватанининг ғариф аҳволини англашдек оғир юк унинг елкасига тушганди. У ривожланган мамлакатлар ҳакида яхлит тасаввурга эга эди, шунинг учун ҳам Ватанини тараққиёт йўлига олиб кирадиган йўллар борлигига ва мугаракқий ишларда қобилиятли инсонлар борлигига ишонган.

У ислоҳотларни муҳим ҳаётий соҳа - суторищдан бошлини таклиф этади. «Рисола» асарида Келиф ва Карки туманида Амударёдан суторищ канали ўтказиш лойиҳасини келтиради. Зарафшоннинг сувлари Рус-Бухоро урушидан сўнг чор ҳокимияти ихтиёрида қолгач, хонликда сув танқислиги, курғоқчилик юзага келди. Солиқ олиш эса бундан камаймади, аҳоли қишлоклардан Казали ва руслар назорати остидаги ерларга кетиб қолди. Бу ҳол қишлоқда социал ўзгаришларга олиб келди. Донишнинг ёзишича, аҳолининг чорак қисми бу таназзулликни яхши англар эди ва бу тартиблардан норози эди. Ҳалқнинг мазкур қисми сепган уйғониш уруғлари туфайли, тараққиёт ва жамиятнинг тўлаконли ривожига чақирган, жадидчilik деб номланган ҳаракат етилиб келаётган эдики, Аҳмад Донишнинг ўзи унга асос солди.

Аҳмад Донишнинг издоши Мирза Мухаммад Абдулазим Сомий Бўстоний ўз даврида фан оламида машҳур бўлган. Ўрта Осиёда тузилган тазкираларда уни таникли тарихчи, адабиётчи, шоир, хаттот ва «нутқ устаси» деб таъкидлашади. У амир Музаффар хизматида бўлади ва амир Абдулҳамид даврида ўн йил мунший вазифасида ишлайди. Ўттан аср охирлари ва асримиз бошларидағи воқеалар гувоҳи сифатида «Тарихи салотини мангитийа дор уссалтанаи Бухорои шариф» («Бухорои шариф салтанатидаги мангит ҳукмдорлари тарихи») асарини ёзади. Ушбу асар, айниқса, Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши тарихи, жанг манзаралари, аҳолининг кайфияти

ва ахволи, Дукчи эшон кўзғолони кабилар ҳақида тўла-
конли тасаввур беради.

Совет манбашунослигида бу қимматли асардан керакли
жойи «юлиб» олиниб фойдаланилди, Сомийнинг ўзи
русларга карши ғоялар тарғиботчиси деб баҳоланди, «кў-
шиб олинишнинг тараккийпарвар аҳамияти»ни тушун-
масликда айбланди. Айни пайтда у, ниҳоятда ватанпарвар
ва Ватаннинг ҳақиқий фарзанди бўлгани учун рус кўшин-
ларининг ҳаракатини босқинчилик ҳаракати сифатида
таърифлайди. Россия билан уруш чоғида «вакеи нигор» -
«вокеаларни кузатувчи» вазифасида ишлаган муаллиф, ўз
асарида мамлакатнинг умумий техник ва ҳарбий колок-
лиги, тасодифий кишилардан иборат, кўпчилиги «ўғри,
киморбоз, пияниста ... курол отишни умрида эшитмаган»
кўшиннинг ахволини ҳаққоний ёритиб берган.

Тарихчилар Сомийнинг ишдан олинипши ва саройдан
ҳайдалиши сабабини атрофидаги мансабдорларга ва бош-
қарув тизимининг ўзига салбий муносабатида кўрадилар.
У шеърий асарларида маишат ва гуноҳ ишларга берилган
сарой аёнлари, амирнинг ўзини ҳам танқид остига олади.
Бир шеърида «Ҳақиқат оҳанглари заминдан самога учди»,
деб ёзади у. Ҳақиқатни воқеликдан топа олмаган шоирнинг
сўзлари эмасми бу?

Тарихчи Сомийнинг фикрича, амир Насруллоҳ (1826-
1860 йиллар) даврида бошланган, Музаффар (1860-1885
йиллар) даврида кучайган давлат инқирози ва халк
қашшоклиги, ҳукмрон тизимнинг бузгунчилик кучи амир
Абдулаҳад (1885-1910 йиллар) даврида Бухорони жуда
оғир ахволга олиб келади. Сомийнинг фикрича, «баъзи
тажрибали оқсоқоллар Бухоро давлати инқирози санасини
ушбу амир Насруллоҳ таҳтга ўтирган пайтдан санай бош-
лайдилар ва улар ўйлагандек бўлиб чиқди - амир Баҳо-
дирхон ўтказ беш йил подшоҳлик қилди ва 1277 (1860(61))
йили дорилғанодан дорилбақога риҳлат этди». Унинг
ўрнига таҳтга ўтирган амир Музаффар Сомийнинг ёзи-
шича, «эзиш ваadolatsizlikda отасидан ҳам ўтиб кетди...
Секин аста иш шариат қоидалари бузилишига қадар бориб
тақалди». Муаллиф Россия билан урушдаги мағлубиятда
Музаффархонни айблайди, чунки у ўз манфаатларидан

бошқасини ўйламай, руслар Тошкентни қамал қилганидан фойдаланиб, Кўқонга хужум уюштиради. Тарихчи куйидаги қизиқарли далилни келтиради: «Авлиё отани куч билан олган носаро қўшинлари (полковник Черняев қўмондонлигига - Д.А.) Тошкентга у ердан хужум қилди ва Шошни ўраб олди. Амирлар ва Тошкентнинг барча аҳолиси қаршилик қўрсатишга бел боғлади ва курашишга карор қилди. Улар амир Музаффарга ёрдам ва бутун Бухоро ҳалкини оёққа кўгариш илтимос қилинган мактубни йўллайди... Айни пайтда носара қўшинлари қальани ҳудди узукдек ўради, ҳаммаёқни ларзага келтирувчи замбарак тўпларидан қизғин ўкка тутди. Тошкент аҳолиси кучли тўп зарбларидан қаршилик қўрсата олмади ва ожизона ёрдам сўраб фарёд қила бошлади. (Бирок) улар қанчалик амир Музаффардан мактуб ва сўз хабари юбориб ожизона ёрдам сўрашмасин, ҳаммаси бефойда бўлиб чиқди, амир қўшинга хужумга ўтиш ҳакида буйрук бермади. Тошкент аҳолиси бухороликлар ёрдамидан умид узиб, қалъа мудофаасида қатъийлик ва мардлик қўрсатиб, ўлимга тик туришга карор қилди... Хўжанддан чикиб, (амир) катта қўшин ва замбараклар билан Кўқонга отланди. Кўқон қўшини эса Тошкентни ташлаб, мудофаага қайтишга мажбур бўлди. Рус қўшини шу туфайли шаҳарни тўрт тарафдан қамал этишга эришди. Кўпгина одамлар қиличдан ўтказилгач, шаҳар таслим бўлди». Бу пайтда, муаллиф ёзганидек, «амир Музаффар эса жангиз ва қаршиликсиз Кўқонга кирди ва кўнгилдаги нияттига этишди¹. Кўринадики, у қаршилик қўрсатиш ташкилотчиси бўлишдан узок бўлиб, Россия қўшинлари хоълик чегараларига шундоккина келиб қолган бўлса ҳам, урушга тайёрланмаганди. Факат Бухоро руҳониятининг бош кўгариштигина уни мұқаддас уруш - жиҳод эълон қилишга мажбур қилди, натижаси мағлубият ва вассал давлатта айланиш билан тугади. Кўшин мағлубияти сабабларини Сомий ва Аҳмад Доңиш Амирда қўшин тузилишига оид бирор бир ўйланган қоида йўқлигига деб ҳисоблашади. Ҳарбий қўмондонлик вазифаларига

¹ Мирза Абдулазим Сомий. Тарихи салтанати мангитийа. М., 1962, 58-59-бетлар.

ҳарбий ишдан мутглақо бехабар одамлар тайинланган эди. Лашкарларга маош тўлаш тартибсизлиги, ҳалок бўлган лашкарлар оиласи таъминланмаганлиги, қўшиннинг рақиб ҳақида маълумотсизлиги якқол кўриниб турарди.

Бироқ Сомийдан фарқли ўлароқ, Дониш руҳонийларнинг фаолиятини ҳам танқидий баҳолайди, улар амир каби рақиб ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаган, улкан оломонни йифиб, қўлига калтак бериб, жиҳод юришига мажбур қилган ва бу билан аниқ ўлимга юборган. Абдулазим Сомий ва Аҳмад Дониш феодал ҳукмдорлари ҳақида ҳам кескин фикр билдириб, халқнинг оғир ахволини ёркин бўёкларда тасвирлашган. Улар амир Абдулаҳад ҳақида янада танқидий мулоҳазалар билдирадилар. Сомийнинг фикрича, унинг ҳукмронлик даврида «темурий ўзбек хонлиги аждодларидан асар ҳам қолмади», А.Донишнинг қайд этишича эса, янги амир даврида ҳеч нарса ўзгармади ва халқнинг ахволи яхшиланмади.

Уларнинг ёш замондоши, таникли бухоролик тарихчи Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим сўнгти учала Бухоро амири даврида ҳам юқори лавозимларда ишлаган. У қолдирган бир қатор кимматли асарлардан бири «Тарихи Салимий» деб номланиб, Чингизхон давридан то 1920 йилги Бухоро воқеаларигача бўлган даврларни камраб олади.

Мирзо Салимбек кўпгина воқеалар гувоҳи бўлган. Аввал Норпай ва Зиёвуддин ҳокими бўлган, кейин күшбеги вазифасига кўтарилган, Остонакулбек девонида 20 ёшида миrzалиқдан иш бошлаган - Мирзо Салимбек Бухоронинг Тошкентдаги вакилидан (Туркистон генерал-губернатори Розенбах даврида) то Бухоро вилоятининг турли вилоятлари ҳокимларигача бўлган юқори мансабларни эгаллаган. Хонликнинг сўнгти йилида у бош закотчи бўлган, инқиlobдан сўнг барча амир мансабдорлари каби қамоққа олиниб, мол-мулки мусодара этилади. Қамоқдан озод этилгач, Бухоро арки тарихини ёзишни мўлжаллаган «тарих жамияти» комиссиясига аъзо бўлган¹. Афтидан, бу иш уни Бухоронинг «ўз» ҳаққоний тарихини ёзиш

¹ Епифанова Л.М., Курс. Асар. 45-46-бетлар.

фикрига унданған. Китобнинг катта қисми ўзи гувоҳ бўлган воқеалар баёнига багишлиланган. Мирзо Салимбек уни бошқа кишилар ўқишига мўлжалламаган, шу боис, шарқшунос А.А.Семёнов тўтри таъкидлаганидек, кўпни кўрган ва кўп воқеаларни бошдан кечирган кишининг ўзига хос, тўлиқ ҳис-туйғулари акс этган, ҳеч нима яширилмаган, ошкора хотиралар ёзилган»¹.

У амир Олимхон ҳукмронлиги даврига (1910-1920) баҳо бериб, Бухоро иқтисодиётида тобора ўсиб бораёттан инқироз ҳақида ёзади. Бу йилларда, унинг маълумотига кўра, Биринчи жаҳон урушидан сўнг озиқ-овқат нархлари кескин ўсади. Агар урушгача 1 ман (8 пуд) дон 200 танга, 1 ман гуруч 700 танга турган бўлса, 1917 йилда - 1 ман дон 1200, гуруч-1400 танга турган². Коғоз пуллар доимо қадрсизланиб борган. Айниқса, Россиядан келтириладиган товарлар нархи ошиб кетган.

Мирзо Салимбек Россиянинг Бухородаги мустам-лакачилик сиёсатини жуда салбий баҳолайди. Унинг қайд этишича, амир Олимхон даврида ўша-ўша маъмурий бошқарув аппарати, фукаролар устидан амирнинг чекланмаган ҳокимияти, Бухоро жамияти ҳукмрон доираларининг текинхўрларча турмуш тарзи, демакки, оддий халқнинг оғир ҳаёти сакланиб қолди. Бироқ Олимхон, аждодларидан фарқли равишда, иродаси суст, унинг ҳатти-харакатлари кўп жиҳатдан атрофидаги мансабдорларга, ким ундан юқори келса, ўшаларга боғлиқ бўлган.

Шунингдек, амирга энг яхши таъриф Садриддин Айний ва Абдурауф Фитрат томонидан берилган. Лекин олдинга кетиб қолмай, шуни таъкидлаш жоизки, Бухородаги XIX аср охири - XX аср бошларидаги воқеаларни ёритган, юкорида тилга олинган уч муаллиф ушбу давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берадилар. Уларнинг тадқиқотлари яна шуниси билан эътиборга лойикки, учаласи ҳам давлат

¹ Семенов А.А. Последний бухарский историк. (Мирза Салимбек) руко-шись, 53 с. Душанбе, Ртадр. Отдел научных фондов архива. Фонд. Семёнова, оп. 1 д. 24 л. 45.

² Тарихи Салими. Фонд ИВАНРУз. Инв. №2016 л.188а.

бошқарувида юкори лавозимларда бўлган, сиёсий воқеалар марказида турган ва шу боис ҳам воқеаларни энг асосли тарзда ёритган. Тарихни шахслар эмас, халқ яратади деган замонлар аллақачон ўтиб кетди. Бу факат кисман тўғри, А.Тойнби, Тарле, М.Блок, Ф.Фукуяма сингари халқаро миқёсли тарихчиларнинг фикрича, тарих ғиддирагини шахслар, йўлбошчилар айлантиради. Уларнинг кенг миқёсдаги фикрлаш қобилияти, билими, рўй берадиган воқеаларни объектив баҳолаш ва қарорлар чиқариш қобилиятига одамлар ҳаётидаги ижобий ва салбий ўзгаришлар боғлик. Шуни назарда тутган ҳолда, тўлиқ маънода олим бўлмаса ҳам, бироқ улкан салоҳиятга, таҳлил ва баҳолаш қобилиятига эга бўлган ва шу билан ўз замонасини тарихчилари бўлган муаллифлар тарих ғиддираги қандай айланаётганлигини ўз кўзлари билан кўрган, натижада тўғри ва холисона хulosалар чиқарганлар. Улар Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши, мамлакатни ўз хузур-халовати ва манфаатига асосланиб бошқараётганлиги, шариат қонунлари ва исломнинг фалсафий асослари бузилаёттани қандай оғир оқибатларга олиб келаётгани ҳакида фикр юритиб, жуда объектив бўлишган. Улардан бири жадидчиликка яқин, бошқа бирлари ундан узокроқ бўлсалар-да, лекин ҳаммалари ҳам ўша даврда Бухородаги аҳвол, ҳаёт кечиришнинг ҳеч бир цивилизация шаклига мос келмаслигини яхши тушунишган. Қанчалик парадокс бўлмасин, чирик мұхитнинг ўзи таракқиёт учун ҳаракатни янгилик ҳакидаги тасаввурлар ва инқирозли аҳволдан чиқиш бўйича изланишларни юзага келтирди. Ислом билан фанни бирлаштириш - исломнинг таракқиёт билан бирикуви - ривожланиш - жадидлар фалсафий изланишларининг дастлабки босқичидаги туташган жой мана шундадир.

Бу ҳаракатнинг бошида турган шахслар Бухоро жамиятига қандай таъриф берганлар, воқеликни қандай баҳолашган ва ислоҳотнинг ўзлари танлаган фалсафий ва амалий гояларини қандай асослашган? Бу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилиб, биз, аввало, ўша давр воқеалари марказида турган ва муайян тарзда унга таъсир ўтказган Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва Файзула Хўжаев

асарларига мурожаат этамиз.

Абдурауф Фитратни ўқувчига алоҳида таништиришига ҳожат йўқ. Бухоро жадидчилигининг кўзга кўринган вакили. Жамоат арбоби, олим, демократ ва ёзувчи - Шарқ миллий-тараккӣ парварлик ҳаракатидаги ёрқин сиймо. Ўзбекистон ва хорижда унинг ижоди ва таржимаи ҳолини батафсил ўрганганди Фитратшунослик юзага келган. Биз Фитрат ва унинг асарлари ҳакида тўлиқ тўхталиб ўтмаймиз, чунки мақсадимиз воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар тилидан Бухоронинг аҳволи ва жадидчиликнинг туттан ўрнини кўрсатишдир. Унинг фақатгина иккита асари: «Баёноти сайёҳи ҳинди» ва «Амир Олимхоннинг хукмронлик ҳаври» га мурожаат этамиз. Улардан дастлабкисида Бухорога келган ҳинд сайёҳи номидан ҳикоя қилинади. Албатта, бухороликлар ҳаёти ҳакида, ташқаридан кузатган сайёҳ номидан Фитрат ўз мулоҳазаларини билдирган. Унинг фикрича, руҳоният вакилларининг қолоқ ва нодонлиги, шариат ва умуман ислом хулқий меъёрларини нотўри талқин қилиши, бухороликлар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатади. Маълумки, Бухоро - бутун жаҳонга буюк илм кишилари ватани, машҳур олимлар, шоирлар, табибларни етказиб берган маскан сифатида машҳур бўлган. Бироқ Бухоро ва умуман, Туркистон «илмларнинг ёрқин юлдзузи, инсоният китобининг нурағшон саҳифаси эди, уни нодонлик ботқоғига ботирдилар». Ва у бунда Куръонни ўз хоҳишича талқин этувчи Бухоро руҳониятини айблайди. Фитрат келтирган бир катор мисоллар - афсунларга асосланган тиббиёт аҳволи, хизматга маош тўлаш тизими бўлмаган, ва ҳамма нарса аҳолидан ноҳақ йиғимлар асосига таянган давлат бошқаруви, адолат, даъвогар чўнтағидан пул билан ўлчанадиган суд ишлари матнни кўркўона ўқиш ва ёдлаш билан белгиланган таълим ва бошқа соҳа вакиллари билан учрашувлари кизиқарли ҳикоя тарзида берилади. Бухоро доимо таълим-тарбия ватани бўлган, вақф тизими унинг қийинчилексиз фаолият юритишини таъминлаган. «Баёни сайёҳи ҳинди» ёзилган 1913 йилга келиб, Бухорода 200 та олий, ўрта ва қуий бўғиндаги мадраса бўлган. Фитрат 3776000 танга ҳисобида вақф маблағи билан таъминланган 72 мадраса номини келти-

ради¹. Бу, ўша замонда улкан маблағ эди, бирок унинг кичик қисмигина тегишли жойига сарфланиб, асосийси уни тақсимловчилар чўнтағига тушган. Хужраларни сотишдан мударрислик ўрнигача - ҳаммаси пул туриши Бухоро учун оддий ҳол эди. «Оlamга тўрт юз олимни ҳадя эттан Бухорои шариф шунчалик мустаҳкам илмий кучга эга бўлиб эди, оҳ. Буюк бадбаҳтилик билан икрор бўламанки, ҳозир бу маданият күёшининг осмони, бу инсоният жаннати, бу фозиллар дунёсининг маъмур хонадони, бу маърифат жаҳонининг дарсхонаси тараккиёт учун барча воситаларга эга бўлса ҳам, жаҳолатнинг асл макони, хорлик занжирининг асирилигича қолмокда. Тирикчилик учун барча воситали бўлишига қарамасдан, ёқасини ажал панжасига топширган», - деб ёзади Ватан дарди билан ёнган Фитрат².

Европа фан ва маориф соҳасида кўп нарсаларни Шарқдан олган, деган фикр А.Фитрат китобидан қизил чизик бўлиб ўтган. Бизда порлаб ўчган нарсаларни, унинг фирича, европаликлар тараккиёт йўлида фойдаланиб, яхши натижаларга эришишди. Энди ишлаб чиқариш, савдо, бошқариш маданияти ва бошқа соҳаларни тиклаш учун улардан ўрганиш ва фан-техникасида фойдаланиш пайти келди. Ахир, Бухорода довруғи дунёга кетган газлама ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, бирок улар машина ва техника воситасида ишлаб чиқарилган хорижий товарлар туфайли бозордан сиқиб чиқарилади. Куръон кўрсатмаларида гидек, буларнинг ҳаммасини Фитрат факат ўзга динга эътиқод қилгани учунгина бошқа халқлар ютукларини инкор этишдан йирок.

А.Фитрат асарлари исломнинг фалсафий моҳиятини янгича ўқиши, унинг дунёни тушунтириш ва инсоннинг бу дунёда тутган ўрнини тўғри тушунишнинг ёрқин на мойиши бўлди. У Куръонда битилтган ўйтіларга шунчаки риоя килиш эмас, балки ўз замини, ўз тақдирининг эгаси бўлиш зарурлигини уқдиради. Фитрат «Ва саххаралакум ма фиссамавати вал-арз - барча ер ва осмондаги нарсаларга

¹ Фитрат А. Ҳинд сафёхининг кисаси. «Шарқ юлдузи», 1991, №8, 15-бет.

² Шу срда.

сизларни хукм этувчи деб буюрдик», - деган оятга асосланиб, агар тоғ, темир, замин инсон бармоғи билан ўзгара пар экан, нега у ўз тақдирини ўзгартиролмайди ва хукмдорлардан хайр-эҳсон кутиб яшashi керак? - деб савол кўяди. У муқаддас китоб оятларини тақдирга мутелик эмас, ўз тақдирини ўзи яратишга чакириқ сифатида талқин этади. Жумладан, «инсон ҳар нима топмасин, ўзининг интилишидан топади, интилмас экансиз, ҳеч нарсага эриша олмайсиз», - дейди муаллиф¹. Фиграт асар давомида замонавий таълим олишга алоҳида аҳамият беради: «Парвардигор бизнинг саломатлик ва саодат йўлимизни тўла кўрсатиб берган. Энг аввало дейди: «Сизларни оламнинг олий маҳлуки қилиб яратдим». Шуни яхши билиш керакки, биз кўз ва қошларимиз эвазига эътиборли маҳлукка айланганимизча йўқ, балким эътиборлигимиз ва устунлигимиз - билимимизнинг эътибори ва иқтидоримизга боғлиқ. Агар биз ўзимизнинг билимимиз ва иқтидоримиздан фойдаланмасак, наинки эътиборли, устун, балки энт ёмон ва паст маҳлуклардан ҳам пастроқ ва ёмонрок бўлиб қолишимиз аниқдир»². Куръонга, тангри таолонинг «Еру осмонда ҳар нима бўлса, сизларнинг буйрукларингизни бажарувчи этиб тайинладик», деган таъкидларга асосланиб, инсоф билан айтинг-чи, ана шу еру осмондаги маҳлуклардан қайси бирини ўзимизга тобе этдик? Агар Сиз, Оврупо мактабларида ўқиганингизда ва овруполиклар телеграф, телефон, темир йўли, ҳаво қемаларини қайси йўл билан ва қандай яратганликларини билсангиз эди, Куръоннинг ана шу оятидан биз, мусулмонлар қанчалик неъматларни оёқ ости килганимизни тушуниб етар эдингиз». - деб ёзади муаллиф³.

Фиграт Куръон талқини асосида мамлакат ривожининг яхлит концепциясини ёритиб беради. Унинг фикрича, тадбиркорлик ва савдонинг ривожи билимлар ва миллатнинг бирлиги, жипслигига асосланиши лозим. Катта даромад учун бир-бири билан рақобатлашиш эмас, фаб-

¹ Фиграт А. Курс. асар. 32-бет.

² Шу ерда.

³ Фиграт А. Курс. асар. 32-бет.

рика каби корхоналар қуриш, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун маблағларни бирлаштириш саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожига қулайлик яратади: «Дини мубийнимиз ислом ҳар хусусда ҳам иттифоқ ва бирликни амр этган. «Бунинг асосий шарт-шароити эса, унинг фикрича, болаларни тадбиркорлик ва бошка фанларга ўргатиш лозим. Зоро, Куръонда айтилгандек, «Билмаганлар билганларга тенглаша олмайдилар».

Фитрат таракқиётдан орқада қолмаслик, акс ҳолда бунинг оқибатлари, келгуси авлодлар олдидағи масъулият ҳакида шундай ёзади: «Агар сиз, бухороликлар... бу худо берган неъматдан фойдаланмасангиз, албатта, хайял ўтмай бегоналар бу бойликларга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирларининг устидан фабрика ва машиналар ўрнатадилар. Дунё-дунё пул ишлаб оладилар. Минглаб хизматчилар бу ишга сафарбар қилинади. У вактда сизларнинг фарзандларингиз чорасиз қолиб, уларнинг хизматларига бўйин эгишлари мукаррар»¹. Фитрат бу билан, иқтисодий қолоқлик мамлакатни Россияга иқтисодий ва сиёсий тобеликка олиб келишини кўзда тутган эди.

А. Фитратнинг иккинчи китоби, нафакат, Бухоро ахолисининг майший ва ижтимоий ахволини тасдиклайди, балки амир Саид Олимхоннинг ўзининг фаолиятини ҳам тавсифлайди. Китобнинг катта қисми манғит амирларнинг қисқача тавсифига бағишлиланган, асосий сиёсий воқеаларга тегилмаган бўлса-да, муаллиф Бухоро инқилоби тарихини ёзишни мақсад қилиб қўймаганligини қайд этади. А. Фитрат амир Саид Олимхон ҳаёт тарзини баён этиб, ўзининг шахсий баҳосини бергандек бўлади. Агар китоб 1930 йилда, тоталитар тузум тўлиқ кучга кирган, жадидчилик эса расмий ҳокимият томонидан, миллий-буржуа, аксилинқилобий ҳаракат сифатида тавсифланаётган даврда ёзилганини ҳисобга олсан, ўйлаймизки, Фитрат шу боис, шахсий тавсиф билан чекланиб қолган, жадидлар ҳакида эса фикр юритмаган. Хусусан, шу боис, унинг баъзи баҳолашлари, масалан, Насрулла күшбеги ўз фаолиятида жадидларга ёндашиши салбий таърифланади. Шунга

¹ Шу ерда. 39-бет.

қарамай, Фитрат асарининг қиммати Бухородаги давлат тузилиши қандайлигини ёритиб берганлигидадир. Муаллифнинг ёзишича, бу давлат тузилишида қушбеги (бош вазир), қозикалон (олий суд), Раис (нарх статистика йўллар бошқармаси ва б.), хазиначи асосий роль йўнаган. Мамлакатнинг бошқарилиши, Фитрат таъбирича, «иродасиз ва ялқов» Олимхон томонидан доимо мансабини алмаштириб ва бир-бири билан урушиб турувчи мана шу кишиларга бериб кўйилган. «Ҳатто амир Абдуллахон ҳам қаттиқкўлиларига қарамай ўз хизматчиларини назорат қилган, улар ўргасидаги фитналарга йўл кўймаган, ўз вазифаларини аниқ бажаришни талаб этган», - деб ёzáди Фитрат. Бу давлат хизматчиларидан ҳеч бири Олимхон даврида давлатдан маош олмаган ва шу боис порахўрлик ва аҳолидан ноҳақ йиғимлар авж олди»¹.

Сайд Олимхон эса, асосан, шахсий ҳузур-ҳаловати ташвишлари билан банд бўлди. Унинг жадидларга нисбатан ҳаракат ривожланиши бошидаги айрим эркинликлари, мактаб очишга рухсатнома, «Фармони ислоҳот» номли ислоҳоти анчагина билимдон ва жадидчilik ҳаракатига илиқ муносабатда бўлган Насрулло қушбеги таъсирида амалга оширилган. Янги қонунга мувоғик, давлат хизматидаги кишиларга пора ва ҳадя олиш ман этилди, солиқлар, хусусан, ер солиги камайтирилди, сарой хизматчилари маоши оширилди. Бироқ, порахўрлик тузатиб бўлмас касалик эди, амирнинг ўзи эса ҳадя олишда давом этарди.

Фитрат ҳарбий соҳа ҳақида анча батафсил тўхталиб ўтади, қўшинга ташқаридан одам жалб этиши ёки тайёргарсизлик мадраса талабаларини олиш ижобий натижалар келтирилмаганлигини қайд этади.

Абдурауф Фитрат ўз асарида Садриддин Айнийнинг «Манғит амирлари тарихи» тадқиқотига кўп ўринда мурожаат этади. Айний ўз навбатида, Аҳмад Дониш асарларидан фойдаланади. Учала муаллиф ҳам Бухоронинг сўнгги амирлари хукмронлиги даврини салбий баҳолашган. С.Айний ҳам Фитрат каби Сайд Олимхонни факат ўз хотиржамлигини ўйлайдиган, бебурд хукмдор деб таърифлайди,

¹ Фитрат А. Амир Олимхоннинг хукмронлик даври. Т., 1992 й. 30-бет.

«ислоҳот ҳакида фармон чиқариб, ўз фармонини тезрок бекор килишга интилди. Вақтли ҳукуматга нисбатан хотиржам бўлиб ва фармон чиқариб, у гўё ўзини жамоатчилик кўз ўнгидаги ҳам оқлагандек бўлди, энди эса фармондан кутилиш учун сабаб керак эди» - деб ёзади ўзининг «Бухорода инқилоб тарихи» китобида¹.

Кўринадики, Бухоро ва бутун Ўрта Осиёning сиёсий ва иқтисодий аҳволи, тарих саҳнасида «жадидчилик» номи билан аталган миллӣ - таракқийпарварлик ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларини белгилаб берди.

Жадидчилик Марказий Осиёда Осиё ва Европадаги илғор ислоҳотлар оқими таъсири остида, XIX аср охири XX аср бошларида вужудга келди ва ижтимоий таракқиётда бурилиш босқичини белгилаб берди. Миллӣ зиёлилар, илғор таракқийпарвар кучлар мустамлака Туркистон, Россияга ярим қарам бўлган Бухоро ва Хива хонликларидаги инқирозли аҳвол, бу ўлкаларнинг умумжаҳон таракқиётидан тобора ортда қолаётгани, маҳаллий аҳолининг эрк учун интилишларининг бостирилиш сабабларини, нафакат иқтисодий соҳада, балки диний, маънавий соҳада ҳам юзага келган турғунликни чуқур англаб етдилар ва бу улар онгидаги жамиятни ислоҳ этиш ғояларини уйғотди, бусиз таракқиётни тасаввур ҳам этиб бўлмас эди.

Ватанимиздаги бу ислоҳотчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. Жадидчилик турли мамлакатлардаги таракқиёт, ислоҳотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасини танлаб олиб, бу тажрибани миллӣ асосда қайта ишлашга интилди, айни пайтда, ижтимоий таракқиёт йўллари ҳакидаги турли қараашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси, ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди, бу ғояни биз бугунги кунда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг ғоявий нишонаси, кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг наслий асоси сифатида баҳолашимиз мумкин.

Марказий Осиёда жадидчилик серқирра бўлиб, унинг асосий йўналиш оқимларидан бири - Бухоро жадидчилиги

¹ Айният С. История революции в Бухаре, Памир, 1986, №4, стр. 85

эди. Бухоро жадидчилити ўз хусусиятлари ва ривожланиш шаклларига эга бўлиб, Бухоро амирлигидаги иқтисодий, сиёсий ва жамиятнинг ахволи билан боғлик эди. Ўзига хос тарзда ажралиб турадиган ва мураккаб шахс бўлган Файзулла Хўжаев, унинг маслакдошлари Бухоро жадидчилигида марказий ўрин тутдилар.

Хўш, Ф. Хўжаев ибораси билан айтганда, «мухолиф зиёлилар тўдаси» саъй-ҳаракати билан бошланган жараён қай тариқа «миллий тараққиёт ҳаракати»га айланди? Бу тарихий саволга Ф.Хўжаев ўз мақолалари ва 1926 йилда чоп этилган «Бухоро инқилоби тарихига доир» номли китобида жавоб беради.

Ф.Хўжаевнинг Бухорода жадидчиликнинг юзага келишига хонликнинг иқтисодий негизи, жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб турган «ғайри табиий ва даҳшатли тартиб-сизликлар» сабаб бўлган, деган фикрини инкор этиш кийин. Айни пайтда, муаллиф Бухоро Ўрта Осиёнинг коқ ўртаси, қадимий савдо йўлларининг марказида жойлашганини, аҳолининг асосий қисми саводсиз бўлса-да юксак араб-форс маданиятининг излари ҳар қадамда учраб турганини яхши тушуниб етган. Ана шу шароит ва қадимдан зулм асосида хукм суриб келган, сиёсий мақсадларни кўзлаб рус найзалари билан қўриклиган Бухоро амирлиги - жадидчилик Ватани бўлди. Ҳар қанча ажабланарли бўлмасин, Ф.Хўжаев фикрича, айнан шу сабаблар билан «Ўрта Осиёни банклар, дехқонлардан хом ашё сотиб олувчи савдо идоралари билан қоплаб олган ва Ўрта Осиёга ўз мануфактураси, бошқа фабриканларни келтираётган рус капитализми «тобора кучайиб, жамиятнинг илғор қисмини ўйлантириб кўйди, жадидчиликка сабаб бўлди». Бухородаги мавжуд бошқарув тизими ва иқтисодда юз берган ўзгаришлар жамиятнинг тадбиркор савдогар қисмини оғир ахволга солиб кўйди. Шу туфайли, «жадидчилик савдогарлар синфининг илғор қисми манфаатини ифода этган». Қишлоқ «қулоқлари», яъни кичик ер эгалари (феодаллар) ислоҳот таъсирига берилмадилар, чунки улар энг серҳосил бўлган «мулк», «мулкхўр», «танҳо» ерларга эга бўлиб, иқтисодий жиҳатдан мустақил ва эркин эди. Уларнинг кўпчилиги моддий жиҳатдан ўрта ва кам таъмин-

ланган зиёлилар ҳамда майда буржуа вакиллари, диний мактаб талабалари, майда амаддорлар, майда дўкондорлар эди, йирик савдогарлар ҳам уларнинг орасида бор эди. Улар камчиликни ташкил этса ҳам, ташкилотда ўзлари фаолият кўрсатмаган бўлсалар-да, моддий жиҳатдан уни таъминлаганлар. Масалан, Мулла Икром (ўша даврда Бухоро аҳволини танқид остига олган рисоласи билан яхши таниш). Бироқ партия асосан шаҳар ўрга ҳоллари партияси эди»,¹ -деб ёзган эди Ф. Хўжаев. Фикримизча, Ф.Хўжаевнинг жадидчиликда тутган роли ҳакидаги хуносалари ниҳоятда тўғри. Савдогарлар савдо капиталини ривожлантириш учун Бухоро тараккётини европалаштириш ва у ердан оддий хукукий нормаларни қарор топтириш зарурлигини тушунар эди. Ўша давр Бухоро амирлигидаги аҳвол бунга имкон берди. Шунинг учун савдогарлар муҳолифиятига мойил бўлиб, жадидлар ҳаракатига қўшилди ва уни моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлади. Улар Колесов воқеаларидан сўнг юз берган катағонлардан чўчиб, амирга қарши ошкора курашмадилар, чунки Ф.Хўжаев ибораси билан айтганда, улар бу курашда бирор нарсага эришишдан кўра, кўпроқ йўқотиши мумкин эди. «Улар оммавий ҳаракатдан чўчирди, бироқ бусиз революция муваффакият қозона олмас эди. Капитал манфаатларига зарар етказадиган умумхалқ қўзғолони улар режаларига киролмасди. Уларга қисман ислоҳотлар етарли бўлиб, инқилоб керак эмас эди. Уларнинг жадидчиликдан кетиши ташкилотни анчагина таянчдан маҳрум килиб, ҳаракатни су сайтирди»².

Ф.Хўжаевнинг фикрича, жадидчилик Туркистонга караганда Бухорода кечрок юзага келган бўлса-да, жамоат ҳаётидаги оғир муҳит унинг тараккётини тезлаштириди ва бу ҳаракат 1915 йилдан бошлаб маданиятдан сиёсатга қараб йўл тутди. Бухоро жадидлари, хусусан, А.Фитрат (масалан, биз айтиб ўтган «Баёни сайёхи хинди») асарларида нафақат маънавий ҳаёт, балки қонунчилик, савдо ва бошқарув усуслари ҳам танқид остига олинди.

¹Хўжаев Ф. Бухоро инқилоби тарихига доир. Тошкент, ЎзГИЗ. 1926. 126-бет.

²Кўрсатилган асар. 33-бет.

Тарихнинг кўрсатишича, жадидчилик ҳаракатида орқага йўл йўқ эди: у маърифатчилик ва тор доирадаги маданийлаштиришдан иш бошлаб, сиёсий ҳаракатта айланди, ўз олдига жамият ва уни бошқаришни кайта куришдек вазифаларни кўйди. Масалан, жадидчилик Татаристонда «Мусулмон иттифоки», Туркистонда «Шўрои Исломия» ва бошқа партиялар, Бухорода «Ёш бухороликлар» - инқилобчилар партиясини юзага келтирди. Бироқ сиёсий талаблар, шу партиялар пайдо бўлгачгина кўйила бошланди, деб ҳисоблаш хато бўлур эди. Бундай талаблар аввал бошданоқ юзага келган эди. 1910 йилдан кейин жадидчилик ташкилий тус олгач, «жадидларнинг энг илғор қисмининг программа максимумида асосий ўрин туттан ғоя, Бухорода гарб намунасидағи капитализм ва демократияни ривожлантириш эди. Ф.Хўжаевнинг ўзи ҳам бу ғояларга хайриҳоҳ эди. Унинг 1926 йилда чоп этилган асарида келтирган фикрларида демократия ва капитализмни биргаликда тасаввур этишига ўша йиллар вазияти ва илдиз отган большевикча тушунчалар халал бера олмаганди.

Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди: биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инкиroz - газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиш ҳоллари, ҳокимиёт жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатта қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга йўл бермаслиги, шунингдек, бусиз жамиятда ҳеч қандай ўзгаришларга эришиб бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорижда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган, ёш куч оқими келиб кўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолмай, аниқ сиёсий вазифалар кўйишни талаб килдилар. Соликларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, дәхқонлар ҳаётини енгиллаштириш - шу талаблар жумласидан эди. Жадидлар бир-бирига зид бўлган иккি оқимга - эскича фикрлайдиган ва Фиграт бошчилиgidаги ёшларга ажралди. Натижада, ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлган бирлик юзага келди. Бу ҳолат эса келишиб олинмаган ҳаракатларга сабаб бўлди. Нати-

жада, амир манифестиини кўллаш учун ўтказилган тинч намойиш кувғин этилди ва жадидларга қарши қатағонлар бошланди. Ф.Хўжаев ана шу сўл ёшлар гуруҳига мансуб бўлиб, кейинчалик ҳам шу позицияда қолади. Жадидлар кекса авлодлардан фарқ килиб, очик чиқишлиар тактикасини хато ҳисобламас эдилар. С.Айнийнинг фикрича, «Фитрат ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги сўл гуруҳ узокни кўра олмаганлиги ва вазиятни нотўри тушунгандиги туфайли жадидлар гурухи тор-мор этилди». Шуни тан олиш лозимки, ёш жадидларнинг вакилларига ҳурмат ва хайри-хоҳлигимиз чексиз бўлса-да, кейинги йилларнинг тарихий воқеалари шуни кўрсатдики, Абдул Воҳид Бурҳонов, Усмон Хўжаев, Муҳиддин Гафаат, Муса Сайджонов, С.Айний ва бошқалар вазиятни тўғри баҳолаганлар, жадидчилар аҳолининг асосий қисми ўртасида таъсирига ва кучга эга эмас эди. Омма руҳонийлар таъсири остида бўлиб, исталган вактда унинг даъвати билан жадидларга қарши кўтарилиши мумкин эди. Шунинг учун, улар ниҳоятда ўйланган, эҳтиёткорона ҳаракатлар, инқилобсиз, айниқса, қонли тўқнашувларсиз, аста-секин, босқичма-боскич ўтказиладиган ислоҳотлар тарафдори эди. Аслида, аввалига манифестация, кейин эса Колесов воқе-ларининг ташаббускорлари ҳам қуролли қўзғолондан кўрқмайдиган, инқилобий кайфиятдаги сўл жадидлар эди. Бироқ бухорочилар қизиқкон бўлсалар-да, ташкилотнинг ажralиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилдилар. Абдул Воҳид Бурҳоновни ташкилот раиси сифатида қолдирдилар. Улар 1917 йил мартаидаги амир қатағонидан сўнг ахвол кескин ўзгарганини яхши англаш етдилар. «Жадидчиликнинг ижтимоий базаси торайди, чунки савдогар вакиллари кетиб қолдилар ва уларнинг моддий ёрдами ҳам тўхтади... Мулкдорлар курашдан четлашдилар. Сўл қанот марказий ўринни эгаллади. Ташкилотнинг бундан кейинги кенгайиши аҳолининг мулксиз табақалари ҳисобига борди... Ташкилот заифлашди, унинг жамиятта маънавий таъсири ҳам заифлашди» - деб ёзган эди, Ф.Хўжаев¹. «Мулкдор синф»нинг жадидчилик тараккиётидаги ролини

¹ Хўжаев Ф. Кўрсатилган асар. 17-бет.

бундай очиқчасига тан олиш, Туркестанскийнинг юкорида қайд этилган тақризидағи танқиднинг асосий мавзуси бўлди.

1910-1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат, саботматонат, қатъийлик натижасида жадидлар Ф.Хўжаев ибораси билан айтганда, «миллий инқилобни бошқаришга» қодир бўлган ёш бухороликларнинг сиёсий партиясиға айланди. Бу пайтда Ф.Хўжаев ва А.Фитрат амирни ағдариш ва инқилобни амалга оширишда партия «Совет Тошкенти» ёрдамидан фойдаланишга самимий ишонар эди. Бу масалада асосий ўринни РКП (б) туттани, Ф.Хўжаев ёш бухороликлар эса Бухорони босиб олишда уларга кўшимча восита бўлганлигини анча кеч тушунди.

У Колесов воқеаларининг фожиали моҳиятини яхши тушунар эди. Мальумки, Туркистон АССР ХКС раиси Колесовнинг Бухорога 1918 йил мартда қилган юриши мағлубият билан тугагач, 1500 та жадидлар ва уларга хайриҳоҳлар кириб ташланди. 3000 та турли миллат вакиллари бўлган бегуноҳ кишилар амир уюштирган қирғин курбони бўлдилар. Ф.Хўжаев рўй-ростлик билан шундай дейди: «Мен Марказий Комитет раҳбарларидан бири сифатида Марказий Комитетнинг Колесов воқеаларида йўл қўйган хатоларига бошқалардан кўра кўпроқ жавобгарман. Мен эндиликда, тушунишмда камтарона ютуқларимизга берилиб кетиб, куролли кўзғолон муваффакиятига умид қилганман»¹. Буни тан олмасликка унинг виждони йўл қўймади.

Орадан саккиз йил ўтгач, Ф.Хўжаев Ўрта Осиёни тўла большевиклаштиришга икки марказ ҳалал берганини тушуниб етди. Бу икки марказ Туркистон мухторияти ва Бухоро амирлиги эди. Ф.Хўжаев РКП (б)нинг бу йўналишдаги сиёсатини иложи борича ошкора шарҳлашга ҳаракат киласи: «1918 йил февралида Туркистонда бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, амир билан курашиб вазифаси Совет ҳокимияти учун биринчи даражали вазифага, кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифага айланиб қолди. Чунки «Совет Тошкентийнинг» бевосита душмани Фарғона мухтор хуку-

¹ Шу ерда. 51-бет.

мати тутатилди». Эндиликда большевикларга қарши мухолифлар түпланган амирликни тутатиш учун бир жойга жамланиш керак эди. Ф.Хўжаев китобида, Колесов шахсига тегишли енгил кинояни цензура сезмаган кўринади. «Кўкон ғалабасидан маст бўлган Колесов Бухоро амрлигини ҳам шундай осонликча тутатмоқчи бўлди, бироқ бунинг акси бўлди... енгил ғалабага ишонган Колесов ички кўзғолонга эътибор бермади. У ёш буҳороликлар ёрдамида ўз кучлари билан Бухорони осонгина эгаллашга ишонган эди».

Ф. Хўжаев ўз макола ва асарларида «Ўрта Осиёда миллий-инкилобий ҳаракатта бошчилик кила оладиган кадрларни тайёрлашда жадидчилик асосий негиз бўлганлигини бир неча бор таъкидлаб ўтади».¹

Ҳамма ҳаракатлар ҳам уларнинг йўлбошчилари хоҳлагандек тутайвермайди. Биз уларнинг хатоларини санаашдан йирокмиз, албатта. Бухоро жадидчилигининг охир-окибатидаги хатоси - жамиятни янгилашнинг ультра-инкилобий йўлини танлаш ва улар ёрдам олган большевик кучлари, бугунлай бошқа, яна тобе ва ярим мустамлака тузумга олиб келишиний кўра олмаслик эди. Шунча кучғайрат, қон ва жонлар сарфланган ҳаракат ўз максадига эриша олмаганилигига фақат афсусланиш мумкин, лекин жадидчилик ғоясининг ўзи мамлакатни тўлақонли ривожлантиришнинг фалсафий концепцияси сифатида ноёб эди.

¹ Ф.Хўжаев. Кўрсатилган асар. 45-бет.

ХХ аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ҳодисалар

ХХ аср Туркистонда ҳам Русияда бўлгани каби йирик сиёсий ҳодисалар билан бошланди. 1900 йиллардан иктисадий бухронга кирган Русияда Япония билан урушдаги (1904-1905) муваффакиятсизликдан сўнг таназзул янада чукурлашди. Натижада мустамлака халқларини эзиш авж олди. Шу жумладан, Туркистоннинг аҳволи оғирлашди. Янги қурилиб битказилган Красноводск (1898) ва Оренбург (1905) темир йўли ўлкани ҳар икки томонидан маҳкам сикиб олиб, ўнгу сўлга қайтарилишига имкон бермас, Туркистоннинг ададсиз табиий бойликлари ортилган кети узитмас вагонлар фақаттинга Русиянинг марказига оқарди. Хусусан, пахтага зўр берилди. Коракўл, ипак, курук мева ҳам четда қолмади. Русия Туркистонни асосий хом ашё манбаига айлантириди.

Русиядан миллионлаб мужикларни кўчириб келтириб, серхосил ерларга жойлаштириш ва маҳаллий халқни эса қувиб чиқариш авж олди. Ўлкани мустамлакачилик тартиблари билан идора эта бошладилар. Маориф ва ижтимоий соҳаларда эса исломни бузиш, ерли халқни руслаштириш - чор ҳукуматининг бош йўли қилиб белгиланди. Ушбу мақсадни кўзда тутувчи давлат қарамоғидаги рус-тузем мактаблари кўпайиб борди. Бу мактаблар туб жой бола-ларга дастлабки таълимни беришни, гўдаклигиданоқ аклу фикрини жиловлаб олишни кўзда тутарди. Ўрта мактабларга улар ўқишга кўйилмас эдилар. Рус-тузем мактабларига муносабат ерли зиёлиларда икки хил эди:

1. Ҳамкорлик қилувчилар (Сайдгани Сайдазимбой ўғли, Сатторхон Абдуғаффоров, Сайдрасул Сайдазизов).

2. Рад этувчилар (И.Гаспринский, З.Валидий, М. Чўкаев).

Маҳаллий мактаблар эса, хусусий бўлиб, уларга кўплаб тўсиклар кўйиларди. Айниқса, Исмоилбек Гаспринский бошлаб берган замонавий усули жадид мактабларига мустамлака ҳукумати қаттиқ турди. Шуларга қарамай, маҳал-

лий зиёлиларнинг жасоратлари туфайли янги мактаблар очилаверди. Маълумотларга қараганда, 1903 йилда Туркистонда 102 та бошланғич, иккита ўрта «Усули жадид» мактаби бўлган.

Чор ҳукумати тил сиёсатига, Рус тили ва маданийтининг нуфузи тобора ортиб, мустаҳкамланиб боришига маҳаллий халқнинг тилдан фойдаланиши доираси узлуксиз ва режали қисқартирилиб боришига алоҳида эътибор берди. Руслар Туркистоннинг бойликларини ўзлаштириш, халқини қул қилиш билан чекланмадилар. Тарихчи Заки Валидий қайд этганидек, унинг кундалик турмушига, маданий-маиший ҳаётига ҳам аралащдилар. Бир сўз билан айтганда, уни ҳар жиҳатдан бузиш, эзиш, сўнг эса ўз таркибиға сингдирив юборищдек мудҳишона бир мақсад билан ишга киришдилар.

Ўз навбатида, зўрлик зўрликни тутдирди. Табиатан куллик билан кўникиб кета олмаган Туркистон халқи ўз норозилигини дастлаб секин-аста, сўнг эса барадла билдира бошлади. Айни пайтда, 1904-1907 йилларда Самарканд вилояти қишлоқларини, умуман, мустабидликка қарши кураш бошлаган Намоз Пиримкул ўғли бош бўлган озодлик ҳаракатлари қамраб олди. Сиёсий ташкилотлар юзага кела бошлади. Абдулла Авлоний (1878-1934) ўз «таржимаи ҳоли»да 1904 йилдан Тошкентда яширин «жадидлар тўдаси» иш бошлаганини маълум қиласди. 1909 йилнинг 12 майида Тошқожи Туёқбоев, Низомкори Мулла Хусанов, Мулла Абдулла Авлонов, Мунавваркори Абдурашидхонов, Башрулла Асатиллахўжаев муассислигига 41 моддалик низомга эга бўлган «Жамияти хайрия» ташкил топади. 1910 йилнинг 2 декабрида Бухорода мударрис Ҳожи Рафиль, Мирзо Абдулвоҳид, Ҳамидхўжа Мехрий, Аҳмаджон Махдум, Усмон Ҳўжа кабилар «Тарбияи атфол» жамиятини туздилар. Тошкентдаги «Жамияти хайрия», айниқса, Бухородаги «Тарбияи атфол» ёшларни ривожланган чет мамлакатларга ўқишга юборища катта ташаббус кўрсатди. 1913 йилда «Тўрон» (Тошкент муассислари: Убайдулла Ҳўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Мунавваркори Абдурашидхонов, Комилбек Норбеков, Мулла Абдулла Авлонов, Муҳаммадхон Подшоҳхўжаев, Каттаҳўжа Бобо-

хўжаев, Башруллахон Асадиллахўжаев, Низомиддин Асомиддинхўжаев, Каримбек Норбеков) жамияти, 1914 йилда «Нашриёт» (Тошкент, муассислари: Абдураҳмонов, Саримсоқов, Абдурашидхонов, Авлонов, Азизхўжаев, Подшоҳўжаев, Умархўжаев, Хўжамёров, Сайдкаримбоев) ширкати қарор топиб, ишга киришди.

Шунингдек, «Умид» (Тошкент), «Зарафшон» (Самарқанд), «Ғайрат» /Қўқон/ ширкатлари, «Беҳбудия» /Самарқанд/ кутубхонаси, «Исоқия» /Наманган/ матбааси иш бошлади. Туркистонликлар Кавказ, Волгабўйи, усмонли турклар ҳаётидаги ўзгаришларни дикқат билан кузатиб бордилар. Русиядаги мусулмонларнинг юқоридаги каби ташкилотларини бир-бири билан боғлаш, ўзаро мувофиқлаштириш, кучларни бирлаштириш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу мақсадда, 1905 йилнинг январида Петербургда Русия мусулмонларининг 1 ва 2 - курултойлари бўлиб ўтди. Хусусан, 2 - курултой расман, «Русия мусулмонларининг иттифоки»ни тузди. Сиёсий қарашлари нуктаи назаридан, Русиядаги конституцион демократик партияни - кадетларни ўзларига яқин билдилар.

1908 йилда подшо фармойиши билан сенатор граф. К.К. Полен бошчилигидаги ҳайъат Туркистон генерал губернаторлигини ўлкада мустамлакачилик сиёсатини янада кучайтириш, моддий бойликларни жадалроқ ўзлаштириш нуктаи назаридан тафтиш килади. «Руслар эгалик қилувчи ер» майдонини «тинч иқтисодий кураш йўли билан» кенгайтиришнинг пухта режаси тузилади. Айни пайтда, 1910 йилдан бир катор районларда дехқончиликдан бехабар «кўчманчи» никоби остида маҳаллий тубжой халқнинг серҳосил ерларини кўчириб келтирилаётган русларга тортиб олиб бериш қонунлаштирилди ва бу билан «Туркистонда рус халқининг сиёсий устунлиги унинг хўжалик соҳасидаги куввати билан ҳам мустаҳкамланади»ган бўлди.

Янги қарашдаги маҳаллий зиёлилар - жадидлар мана шундай шароитда иш кўрдилар. Ва сиёсий мустақилликни кўлга олишни ўзлари учун бош мақсад билдилар. 1913 йилдаги «Турон», 1917 йилда тузилган «Шўрои-Исломия», «Шўрои-Уламо» жамиятлари партия даражасига ўсиб чик-

маган бўлса-да, сиёсий фаол эди.

Ўзбекистон миллий хавфсизлик хизмати архивининг 554335 (Мунавварқори) ва 4269 (Фитрат) ракамлик «иш»ларида тергов материаларида 10-йиллардан Тошкент ва Бухорода «Ёш турклар инқилоби» таъсирида пайдо бўлган «Иттиҳод ва тараққий», инқилобдан кейин эса «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» каби яширин ташкилотлар ҳақида маълумотлар келтирилади. 1917 йил ноябрда Туркистон мухториятининг ташкил топиши, 1920 йилдаги Бухоро ва Хоразм халқ жумхуриятлари жадидларнинг фаолияти самараси сифатида майдонга келган эди.

Улар, биринчи навбатда, очик фикрли янги авлодни тарбиялашга дикқатни қаратдилар. Бунинг учун «усули жадид» мактабларига зўр бердилар. Иккинчидан, маҳаллий миллий матбуотни майдонга келтирдилар. Тошкентда 1970 йилдан чиқа бошлаган «Туркистон вилоятининг газетаси», Туркистонда маҳаллий тилда чиқсан биринчи матбуот намунаси эди. Газетада Ш. Иброҳимов (1872), Ҳ. Чанишев (1881) каби ерли татарлар, И.Худоёрхонов (1885) сингари ўзбеклар маълум муддат муҳаррирлик қилган бўлсаларда, унинг асл эгаси, йўриғчиси Н.Остроумов эди. Шунга кўра, унинг миллий газета бўлиши имкондан ташқарида эди.

Чор хукумати 1905 йил 17 октябрда Русияда юз берган инқилобий воқеалар муносабати билан Манифест эълон қилиб, халққа маълум конституцион-демократик эркинликлар беришга мажбур бўлган эди. Шу жумладан, матбуот Эркинлиги, сиёсий ташкилотлар тузишга ҳам рухсат этилди. Туркистон жадидлари бу имкондан фойдаландилар. Бир катор маданий ўюшмалар туздилар. Газета-журналлар чиқардилар. Шулардан бири, 1906 йилнинг 27 июнида дунё кўрган «Тараққий»¹ газетаси эди.

«Бу газета тез фурсатда шундай шуҳрат қозондиким, - деб ёзади Абдулла Авлоний. - Ҳатто газета муҳаррири бўлган Исмоил Обидийга «Тараққий» исми берилди. Ҳозиргача халқ Исмоил Обидийнинг исмини «Тараққий»

¹ Бу газета ташкил топган кун ҳозир Ўзбекистонда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади.

деб юритадур».¹

Газета маҳаллий ёшларга ўз саҳифасидан кенг ўрин берди. Унинг яқин ҳамкорларидан бири Мунавварқори эди. 1906 йилнинг сентябрида Мунавварқори мұхаррлигига Тошкент жадидларининг иккінчи мұхим газетаси «Хуршид» пайдо бўлди. 1907 йилнинг биринчи декабридан Абдулла Авлоний ўз уйида «Хуршид» газетасини чиқара бошлади. Бу уч газета, шу давр Туркистонининг энг эътиборли нашрлари бўлиб, уларда машхур Беҳбудийдан ҳаваскор шоир Мулла Кўшоқ Мискингача бўлган кенг зиёлилар катлами фаол иштирок этдилар.

Шунингдек, Тошкентда «Тужжор» (1907 йил, мұхаррири Сайдкарим Сайдазимбой ўғли), «Осиё» (1908 йил, мұхаррири Аҳмаджон Бектемиров) каби газеталар ҳам чиқа бошлади. Бу газеталарнинг ҳеч бири узок яшай олмади, айримларі иқтисодий, баъзилари эса, сиёсий сабаблар билан беркитилди.

Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий «Самарқанд» (1913) газетасини ва «Ойна» (1913-15) журналини чиқарди.

Тошкентда 10-йилларда «Садои Туркистан» (1914 й. мұхаррири Убайдуллаҳўжаев), Фарғонада «Садои Фарғона» (1914 й. мұхаррири Обиджон Маҳмудов), «Тирик сўз» (1915 й. мұхаррири Обиджон Маҳмудов), Бухорода «Тўрон» (1913) каби газеталар, «Ал ислоҳ» (Тошкент 1915-1918 йиллар, мұхаррири Абдураҳмон Сайёҳ) журнали чиқиб турди.

Адабий кучлар кўпроқ мана шу газета-журналлар атрофига уюшдилар. Чунончи, Самарқандда «Ойна» Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919), Саидаҳмад Васлий (1869-1925), Сиддиқий-Ажзий (1864-1927), Сайдризо Ализода (1887-1945) каби истеъодларни тўплади. Бухорода Фитрат (1886-1938), Тошкентдан Камий (1865-1922) фаол қатнашиб турдилар.

Тошкентда «Садои Туркистан» газетасида Мунавварқори (1878-1931), Абдулла Авлоний (1878-1934), Тавалло (1882-1939), Хислат (1880-1945), Мирмулла (1886-1923),

¹ Каранг, Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари, Т. «Университет», 1993, 116 бет.

Абдулла Қодирий (1894-1938) фаол иштирок этдилар. Қўқондан Иброҳим Даврон (1874-1922), Ҳамза (1889-1929), Андижондан Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон (1897-1938) нинг шеър ва мақолалари тез-тез босилиб турди.

10-йилларнинг бошлида Туркистонда янги адабиёт шаклланди. Бу борада, 1901 йилдан чоп этила бошлаган Мунавваркорининг «Адиби аввал», «Адиби соний», Сайдрасул Азизий (1866-1933) ни «Устози аввал» (1902), Алиасқар Калининнинг «Муаллим соний» (1903), сўнгроқ Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», Рустамбек Юсуфбеков (1880-1950) нинг «Таълими аввал», «Таълими соний» каби дарслик ва дарслик-мажмуалари, хусусан, улардаги ихчам дидактик шеър ва ҳикоялар янги адабиётнинг шаклланишида илк тажрибалар вазифасини ўтади.

Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (1909), Саидаҳмад Васлийнинг «Миллий шеърлар» (1912), Сидкий Хондайлиқийнинг «Тухфаи Шавкат» (1913), «Савғоти Шавкат» (1914) «Базми ишрат» (1914), Ҳожи Муиннинг «Гулдастай адабиёт» (1914) китоблари янги ўзбек шеъриятининг дастлабки намуналари эди.

Маҳмудхўжа Беҳбутийнинг 1911 йилда ёзилиб, 1913 йилда чоп этилган «Падаркуш» драмаси ўзбек драмачилигини бошлаб берди. «Фалокатзода» (1911 й, муаллифи Абдулрауф Шаҳидий), «Бефарзанд Очилдибой» (1914 й, муаллифи Мирмуҳсин Шермуҳаммедов) каби илк реалистик проза намуналари майдонга келди.

Матбуотнинг майдонга келиши публицистика тараққиётига йўл очди. Бу борада Беҳбутий, Фитрат, Мунавваркориларнинг хизмати катта бўлди.

1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши ва Русиянинг унга қўшилиши Туркистоннинг ўз мустақиллигини қўлга олишига маълум умид ва имкон тутдирди. Бироқ чор ҳукумати қаттиқ турди. Ўлкада «тартиб сакланиши»га алоҳида аҳамият берди. 1914 йил 24 июлда подшонинг шахсий фармони билан, Туркистон ўлкасида «фавкулодда қўриклиданадиган» ҳолат эълон қилинди.¹ Губернатор ва

¹. Каранг, Ўзбекистон ССР тарихи, 4 томлик, 2-том, «ФАН», Т.1971, 534.

уезд бошликларига ахолининг ўй-фикрини кузатиб бориши, «озгина бўлса ҳам душманлик ниятида бош кўтарилигудек бўлса», «тойт шафқатсизлик билан дарҳол бостириш» ҳакида кўрсатма берилди.¹

Николай II туркистонликларни урушга олмади, уларга ишонмади.

Иккинчидан, Русия хукумати улардаги наслий жанговар руҳни сўндириш, минг йиллар оша стиб келган аскарлик тарбиясини издан чиқариш ниятида эди. 1916 йилнинг 25 июнида «Империядаги гайрирус ахолининг эркакларини харакатдаги армия турган районларда мудофаа иншоатларини ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига, ҳудди шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга сафарбар килиш тўғрисида фармон берди. Туркистондан 19 ёшдаи 43 ёшгача бўлган 250 минг ишчи олиниадиган бўлди. Бу мардикорлик эди. Унинг устига бу ишларда ҳар хил суиистъмолликлар, порахўрликлар, зўравонликларга кенг йўл очиб қўйилди. Бир томондан, миллатнинг шаънини ерга урувчи фармон, иккинчи томондан, унинг ижросидаги ноҳақликлар халқнинг норозилигига сабаб бўлди. 1916 йилнинг июлида бутун Туркистонни «Мардикорлик воқсалари» номи билан тарихга кирган миллий-озодлик харакатлари чулғаб олади. «Мардикорлик ари уясига чўп суккандек бўлди. Туркистонда бамисли ер ларзага келди»,² деб ёзди, 1916 йилнинг 9 августида Тошкентта келган «Вақт» мухбири Шаҳид Мұхаммадёров. Лекин бу қўзғолонлар шафқатсиз бостирилди. Масалан, эски Жиззах аҳолиси қатлиом қилиниб, шаҳарга ўт қўйилди. Ўнлаб қишлоқлар хонавайрон қилиниб, халки июль-август жазирамасида Кийли чўлига қувиб чиқарилди.

Қўзғолонлар сентябрнинг бошларида бироз пайсал топди. 18 сентябрдан эса мардикорларни жўнатиш бошланди.

1917 йил февраль инқилоби чор хукуматининг кулаши билан якун топди. Мардикорлар юртларига қайтдилар. Махалий зиёлилар мустакил Туркистон ҳукуматини тузиш

¹ Қаранг, ўша ерда 535- бет.

² «Вақт» Т., 1916 йил 24 август



Мунавварқори
Абдурашидхон ўғли



Убайдулло
Хўжаев



Маҳмудхўжа
Беҳбудий



Исмоилбек
Гаспринский

اسمايل بک غاسپرینسكي
Измайлъ беъзъ Гаспринокӣ.
Собственность издат. „Гаср“



Абдурауф
Фитрат



Мусо
Сайджонов



Файзулла
Хўжаев



“Турон”



“Улуг Түркистон”




Абдулла
Авлоний



“Шўрои-Исломия”
ташкилоти аъзолари

Яңғы усулдаги жадид мактаби





پاشا سوون تۈركىستان مختارىتى!

تۈركىستان سىمانلارى ناڭش دور توچىنى فوقالعا دە قۇرۇتىلما
تۈركىستان اوكلە سىيەد بولغان خلق لار ناڭش خواهش
لرى بويچە بويك رو سىيەن قىلا بى طرفىدىن بېرىلىگان اسماڭ
بىنار فىدىرىتى سىيە ساپىگە قورولغان رو سىيە جىمە بورىتى ايلە
بىرلىك يەقانىنى حالىدە تۈركىستاننى يېرىكى مختارىتىلى بىعىنے
«تىرىتىور يالىنى آفانا نمىيە كە» اعلان قىلادۇر .

بۇ مختارىتى ناڭش نە صورتىدە و جوڭدۇق ئۆلما غىنى ياقن ارادۇ
مېغىنلا دورغان عموم تۈركىستان خلقى ناڭش اچىرىتىلىنى صابز ئەتىم
(تۈركىستان مجلس مۇخسىانى) كەتابشورا دۇر .

شۇ ناڭش يىلە بىر تۈركىستان اوكلە سىيەد اقلەن ئىشىكىلىل قىلغان
ملەت زىڭ حەقىقلەرى ناڭش بېرىجىتىدىن سىقا ئىلما غىنى يېم ئەننى
صورتىدە بىيان اتىش دۇر . «شەر خۇقدى»

بىمەرى ۴ سىزىم اشىر ۲۵ مەئىىت مەيداندا ۱۹۱۷ ۲۷ نوبىتىر



Туркистан Мухторияти мұваққат хукумат
аъзолари Күкөн ахолиси орасыда. 1918йил



Ахмад Закий
Валидий туғон

учун курашни кучайтиридилар. Ўлка мусулмонларининг 1917 йил 4 (16) апрель 1-курултойи федерал мухторият шиорини илгари сурди. Шу йил 18 (30) сентябрь ўлка ишчи ва солдат депутатларининг II съездси Туркистонни Советлар қўлига топширишни талаб қилиб чиқди. Советлар большевиклашиб борди ва ноябрда ҳокимият Советлар қўлига ўтди. Ф.И. Колесов бошчилигидаги қизил рус ҳукумати давлат тепасига келди.

1917 йил 26 ноябрда Кўконда очилган Мусулмонларининг 4-ўлка қурултойи эса, Туркистон мухториятини эълон қилди. Мухторият 72 кун яшади. 1918 йилнинг 19-22 февраляда уни большевиклар хоинона қонга ботирдилар. Шаҳар уч кун тўпга туғилди. Ўн мингта яқин киши ҳалок бўлди.

1920 йилда Бухоро ва Хива ҳам большевиклар назоратига ўтди. Бир муддат ҳар икки хонлик ўрнида «халқ жумхурияти» номи билан кўғирчоқ ҳукуматлар тузилиб иш олиб бордилар. 1924 йилда буларнинг ҳаммаси барҳам топиб, Рус Туркистони совет империясининг узокни кўзлаган сиёсатини кўзда туттан ҳолда, беш бўлакка бўлиб ташланди. Сўнг эса уни большевик дидига мослаб «ўзлаштириш» бошланди. Асрий тартиб ва удумларни йўқка чиқарувчи «Ер-сув ислоҳоти», «Хотин-қизлар озодлиги» никоби остида миллатнинг муқаддас тарбия ўчоғини бузиб ташлаш, ниҳоят «коллективлаштириш» каби «социалистик» тажрибалар ўлка ҳаётини батамом издан чиқарди. Булар етмагандай, социализм ривожлангани сари синфий кураш кучайиб боради, деган сохта сталинча назария тўқиб чиқарилиб, душман излаш авж олди. Шу баҳонада маҳаллий зиёлиларни таъкиб қилиш кучайди. Ҳусусан, жадидчиликни миллатчилик сифатида қоралаш йўлга кўйилди. 1925 йилда ер-сув ислоҳотига озгина эътиroz билдирган кишилар «18лар гурухи» номи билан «фош» этилди. 1926 йилда Ўзбекистон маориф вазири Р.Иноғомов ва унинг бир қатор маслакдошлари эски зиёлилардан фойдаланиш масаласини кўтарғанларида қўлга олиниб, «Иноғомовчилик» деб аталган компания ўтказилди. 1927 йил октябрда шоир Чўлпон бадном этилиб, Ўзбекистон зиёлиларининг Самарқанддаги қурултойидан ҳайдаб чиқарилди.

1929 йилда Ўзбекистон Олий суди раиси Қосимов билан боғлик «қосимовчилик», «Мунавварқори тўдаси» «иши»ларини кўриш бошланди. Булар илк қатағонлар эди. Жумладан, «Мунавварқори тўдаси» «иши» га 87 киши жалб этилди. Тергов материаллари 18 жилдни ташкил қилди. Шулардан - 18 киши отишга, 21 киши 10, 13 киши 5 йилга қамалди, 3 киши 3 йилга қамоқ жазосига, 1 киши Омск-ка сургунга, жами 56 киши жазоланди.

Шу тариқа, 1929 йил совет тарих фани қайд эттанидек, советлар учун «буюк бурилиш» йили бўлди. Ҳар қандай эрқин фикр тутатилиб, коммунистик диктатура мустаҳкам қарор топди.

Туркистоннинг кўзи очиқ зиёлилари оқ империяни ҳам, қизил империяни ҳам қабул қилган эмас. Шу сабабли, Октябрнинг дастлабки кунлариданоқ миллатнинг ватанпарвар фарзандлари истиқлол йўлларини кидирдилар. Архив материаллари ва тарихий шахсларнинг гувоҳликлари, 1917 йилдан ўлқада шу мақсадни кўзда тутувчи «Иттиҳод ва таракқий», «Турк адам марказияти», «Иттиҳоди миллий», «Бирлик» (1919), «Эрк» (1919), «Темур», «Ботир гапчилар» каби яширин ташкилотлар тузилганлигини, 1921 йилда «Туркистон миллий бирлиги» ташкил топганлигини кўрсатади. «Туркистон миллий бирлиги» 20-йилларда тарихга «босмачилик» номи билан кирган миллий озодлик ҳаракатларини ўзаро мувофикалаштириб боришда муҳим роль ўйнади.

Биринчи жаҳон уруши йилларида, сўнг инкилобий ҳаракатлар даврида матбуот ва адабиёт фаоллашди. Тошкентда «Нажот» (мухаррири Мунавварқори), «Шўрои ислом» (А.Баттол), «Турон» (Авлоний), «Кенгаш» (Заки Валидий), «Улуг Туркистон» (Кабир Бакир), «Турк сўзи» (Т. Худоёрхонов), «Халқ дорилфунуни» (Мухтор Бакир); Самарқандда «Ҳуррият» (Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода, Акобир Шоҳмансур, Абдурауф Фитрат), Кўконда «Эл байроги» (Пўлат Солиев), Наманганда «Фарғона нидоси» (Хусайн Макаев) каби кўплаб газеталар, «Кенташ» (Кўкон: Ҳамза, Раҳимжон ҳожи Турсунмуҳаммад ўғли), «Юрг» (Кўкон: Ашурали Зоҳирий), «Ҳуррият» (Кўкон: Маҳмудхўжа Ризоий), «Чаён» (Тошкент: Ҳ.Тўлаков, И.Тоҳирий), «Ишчилар дунёси» (Тошкент), «Из-

ҳорил ҳақ» (Тошкент: Садриддинхўжа муфти ибн Шарифхўжа Эшон) каби ўнлаб номдаги бир кўриниб, ёпилган журналлар кўп бўлди. 1918 йилдан социалистик матбуот изга туша бошлади. Унинг дастлабки намунаси шу йилнинг 20 июнидан чиқа бошлаган «Иштирокион» газетаси (масъул муҳаррирлари: О.Клеблеев, А.Авлоний, Н. Тўракулов, А.Донской, Х.Бурнашев, Мирмуҳсин) бўлди. Газета 1920 йилнинг 19 декабридан «Кизил байроқ», 1922 йилнинг 13 сентябридан «Туркистон» номларида давом этади. «Маориф» (1918, Тошкент), «Болалар йўлдоши» (Самарқанд, 1919), «Таёқ» (Самарқанд, 1920), «Тонг» (Бухоро, 1920), «Кизил тикон» (Наманган, 1920), «Кизил йўл» (Тошкент 1920), «Касабачилик ҳаракати» (Тошкент, 1920) каби умри қисқа журналлар дунё юзини кўрди.

1918 йилда Тошкентда Фитрат ташаббуси билан «Чигатой гурунги» адабий-маданий уюшмаси майдонга келди ва Чўлпон, Боту, Элбек, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Маннон Уйғур, Қаюм Рамазон каби фан ва маданиятимизнинг ёркин истеъододларини ўз атрофига тўплади. Бор-йўти бир ярим йилча фаолият кўрсатган ушбу уюшма-жамият тилимло қоидаларини ишлаб чикишда, адабиёт тарихини ўрганиш, системалаштиришда, театрчиликни юксалтиришда катта ишлар килди. Бироқ, бундай миллий-маданий тикланиш йўллари тобора ёпила борди. Ва маданий-адабий ҳаёт ҳам секин-аста сиёsat измига тушиб қолди.

10- йилларнинг иккинчи ярми - «Ўзбек жадид адабиёти» номи билан тарихга кирган янги адабиётнинг шаклланиб, дастлабки дадил қадамларини ташлаган йиллар бўлди. Миллий матбуотнинг майдонга келиши билан янги адабиётнинг мазмун ва йўналиши, тил ва услуби, жанр ва мавзулари, бадиияти билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилина борди.

Даврнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, социал-ижтимоий мавзуларга, замонавий масалаларга, маърифат ва озодликка катта эътибор берилди. Абдулла Авлоний «Ойинайи ҳар миллат эрур тил-адабиёт» деб ёзади. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов театрни «ибратхона» деб атадилар. Мирмуҳсин Номик Камол изидан бориб, «шоирларимиз замонанинг лисони

(тили)дур», «қани замонаға муносиб миллий шеърлар майдонга чыксын!» деган фикрни илгари суради, анъанавий муаммочиликни, такалтуфу сұханпардозликни рад этади. Тұғридан-тұғри гаппа, жумладан, ижтимоий сатирага - хажвияға зүр беріб, «Очилсун интиқод (танқид) манбалари!» шиорини ўртага ташлайди. Сиддикий-Ажзий маърифатта мұҳаббат зылон қиласы. Маъшуканинг анъанавий сифатларини маърифатта күчиради ва ҳоказо.

Бирок, 10- йиллар шеърияты маърифатни мақсад әмас, восита деб билди. «Кучли» миллиатлар - «жаһон жайхунлари» ҳакида ёзды. «Кучсиз»ларнинг уларға лўқма («туъман тайёр») бўлаётганларига (Авлоний) дикқатни қаратди. Шоир Баҳриддин Азизий очиқдан-очиқ сиёсий ташкилот («жамият»)лар тузиш, ўзаро иттифоқ бўлиш ва «жумхурият» учун «бир тил» бўлиб курашиш лозим деб ҳисоблайди. Сиддикий-Ажзий эса бу борада ўзига хос иқтисодий назарияларни илгари суради.

Бугина әмас, шеърият янги қурилажак давлат ва жамиятнинг сиёсий тузумидан ахлоқий турмушигача, иқтисодидан маданиятигача қизиқди. Хуллас, 10- йиллардаги янги ўзбек шеърияты, бу биринчи навбатда, ижтимоий-сиёсий шеъриятдир.

Айни пайтда, унда қатор поэтик-стилистик ўзгаришлар юз берди. Авлоний ва Ҳамза кўпгина шеърларини қадим шеърий бармок вазнида ёздилар. Ҳамза сарбастда ўз имкониятларини синаб кўрди («Шеъри мансур»). Сиддикий-Ажзий ва Тавалло социал сатиранинг анъанавий аруздаги энг сара намуналарини яратдилар.

Шеърият Биринчи жаһон уруши йилларида, хусусан, мардикорлик воқеалари даврида ғоят жонланди. Чунончи, мардикорлик воқеаларига бағишлиланган ўнга яқин шеърий тўплам чоп этилгани маълум. Булар орасида Муҳиддин Иброҳимов тузган «Лошмон» (Наманган, 1916й), Ҳамзанинг «Миллий ашувлалар учун миллий шеърлар мажмуаси»нинг 7- бўлими - «Сафсар гул» (Кўқон, 1917й), Акбарий Тошкандийнинг «Ватанга хизмат» (Т., 1917й), Сиддикийнинг «Работчилар намойиш» (Т., 1917й), «Работчилар келиши» (Т., 1917й), шунингдек, Баҳриддин Азизийнинг «Янги штуғуфа ёхуд миллий адабиёт» (Т., 1917й),

Сидкий Хондайликийнинг «Русия инқилоби» (Т., 1917) каби асарларида ҳам мардикорлик воқеалари тасвири учрайди. Бу асарлар, бир караганда, маҳаллий халкни мардикорликка бориб, оқ подшо хизматини килиб келишга тарғиб-ташвиқ этайдек бўлса-да, аслида унинг тагсатрларида халкнинг осойишта ҳаётини алғов-далғов килиб юборган, уруш баҳонасида миллатнинг шаъни шукуҳини оёқости эттан ҳукмрон миллатга истеҳзо, ўз она халқини ғафлатдан уйғонишга, қулликдан кутулишга даъват балкиб турад эди.

Туркистондан ишчилар олиш 1917 йилнинг февралига қадар давом этди ва 123 мингдан кўпроқ киши сафарбар килинди. Улар Кора дengиздан Болтик бўйига қадар чўзилган фронт оркасидаги оғир ишларда, Петроград, Москва, Нижний Новгород, Козон, Киев, Харьков каби шаҳарлардаги саноат корхоналарида, Шимолий Кавказдаги мис заводларида ишладилар.

Мардикорларнинг у ерлардаги оғир ва машакқатли ҳаёти Сидкийнинг «Работчилар келиши» (1917) китобида ва Ҳамзанинг «Сафсаргул» (1917)идаги «Ватан ишчиларининг забун ҳолиндан» деб номланган туркум шеърларидан «Софиниб», «Салом айтинг», «Хой, паҳлавон!»ларда акс этди. Шоирларимиз мардикорларнинг қайтиб келишларига бағишлиб ҳам шеърлар ёздилар (Сидкий, «Ситамдийда работчилар келиши», «Сизларга мужда»).

1917 йил февраль воқеаларини Туркистон халқи зўр хурсандчилик билан кутиб олди.... Шоирларимиз унга юзлаб шеърлар бағишлидилар. Шукрий (Хуршид) ва Сидкий қисқа муддат ичida «Хуррият меваси» (1917) ва «Русия инқилоби» (1917) номли достонлар ёзиб чоп эттирдилар.

Ўзбек адабиётида, ўша кезларда Октябрь воқеасига бағишлиб ёзилган бадиий асар учрамайди. Чунки у кенг умумхалқ ҳодисаси сифатида кутиб олинмади. Аксинча, тўнтариш деб қаралди. У ҳақида асар ёзиш 1918-19 йиллардан изга тушди. Аксинча, 1917 йилнинг 27 ноябридаги муҳторият эълони кенг халқ оммасидаги каби адабиёт аҳлида ҳам шавқ-завқ уйғотди. Беҳбудий ва Фигратнинг кизғин, эҳтиросли туркум мақолалари, Чўлпон («Озод турк байрами», «Оллоҳу акбар») ва Ҳамзанинг («Туркис-

тон мухторияти на») ёниқ шеърлари дунёга келди.

Хуллас, янги поэзия 20-йилларга ғоят мураккаб ва зиддиятгли туйғуларни ўзида жо эттан эътироф ва эътироф билан кириб келди.

Асримизнинг дастлабки йигирма йилида шаклланган янги шеърият, анъанавий диний-тасаввуфий шеърият билан ёнма-ён яшади. Мирмаҳмуд Қорий (1834-1904), Юсуф Сарёмий (1840-1912) Усмонхўжа Зорий (1839-1916), Ҳусайнқул Муҳсиний (1860-1917), айниқса Зиёвуддин Ҳазиний (1861-1921) бу йўлда самарали ижод этдилар: «Девони қорий» (Т., 1912), «Девони Юсуф Сарёмий» (Т., 1332 хижр.), «Баёзи Ҳазиний» (Т., 1911), «Девони Муҳсиний» (қўл-лёзма, Ўз ФАШИ инв. №7392) ва ҳакозо.

10- йилларда яратилган наср намуналари у қадар кўп эмас. Анбар Отиннинг «Қаролар фалсафаси», Сайдрасул Азизийнинг 1910 йилдаги «Москва ва Петербург саёҳати» хотиралари каби ижтимоий-фалсафий, саргузашт-автобиографик асарларини назардан сокит қилсак, Беҳбудийнинг «Оқ елпоғичли чинли хотун», Абдурауф Шахидийнинг «Фалокатзада» (1911) ҳикояларини, Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг «Бефарзанд Очилдибой» (1914), Ҳамзанинг «Янги саодат» (1915) сингари «миллий роман» деб номланган қиссаларини, ниҳоят 1915-1916 йилларда эълон қилинган Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» ва «Улокда», Чўлпоннинг «Дўхтир Муҳаммадёр» асарларинигина қайд этиш лозим бўлади.

Драмачилик, 10- йилларнинг иккинчи ярмида қизғин ривож топди. Тошкент, Самарқанд, Қўқонда театр ҳаваскорлар труппалари тузилиб, самарали иш олиб борди. Самарқандда Беҳбудий изидан бориб, Абдулла Бадрий («Жувонмарг», «Аҳмок»), Ҳожи Муин («Эски мактаб, янги мактаб», «Кўкнори», «Мазлума хотин», «Жувонбозлик қурбони», «Бой ила хизматкор», «Қози ила муаллим»), Нусратилла Кудратилла ўғли («Тўй», «Кенгаш мажлиси»), Тошкентда Абдулла Авлоний («Адвокатлик осонми?», «Пинак», «Биз ва Сиз»), Абдулла Қодирий («Бахтсиз куёв»), Ғулом Зафарий («Бахтсиз шогирд»), Фарғона водийсида Ҳамза («Заҳарли ҳаёт», «Илм ҳидояти», «Мулла Нормуҳаммад домланинг куфр ҳатоси»), Хуршид («Безори», «Ориф

ила Маъруф», «Кора хотин»), ниҳоят, Бухорода Абдурауф Фитрат («Бегижон», «Мавлуди шариф», «Або Муслим») каби адибларимиз бир қатор драмалар ёзилар.

1916 йилги мардикорлик воқеаларига бағишиләнган драмалар пайдо бўлди. «Лошмон фожиаси», «Рабочий», мухторият ҳақида «Автономия ёки мухторият» (Хамза) номли драма ёзилди. Фитратнинг машҳур «Темур сағанаси» драмаси Туркистон мухториятининг фожиона қонга ботирилиши таассуротлари асосида майдонга келган эди.

Адабиётимиздаги мазкур янги жанрларнинг дунё юзини кўриш жараёни ғоят оғир кечган. Беҳбудий ўз «Падаркуш»ини 2 йил деганда зўрға нашр қилишга муваффақ бўлди. Саҳнага кўйилиши учун яна бир йил кетди. 1911 йилда ёзилган асар, 1914 йилдагина саҳна юзини кўрди. Вактли матбуот саҳифаларида Мирмуҳсиннинг «Эътизор»лари «миллий роман» («Бефарзанд Очилдибой») муносабати билан мутаассибларнинг каттиқ хужуми остида қолга-нидан далолат беради.

Янги замонавий адабиётшунослик ва танқид шаклланди. Замон ва ижод бадиий адабиёт тили, янги адабий жанрлар билан боғлиқ масалалар матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Иброҳим Даврон кабиларнинг бу борада вактли матбуот саҳифаларида эълон қилган мақолалари янги эстетиканинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Хуллас, 10- йилларда Туркистон маънавий ҳаётида кенг томир отган ўзбек-жадид адабиёти ўзининг чинакам самараларини қийин-қистов 20-йилларда берди. Чўлпон ўз шеърияти билан янги ўзбек шеъриягининг асл пойдерворини яратди. Кодирий ўзбек романчилигига асос солди. Фитрат ўзбек драмачилигининг энг сара намуналари муаллифи ва янги ўзбек адабиётшунослигининг асосчиси бўлиб тарихга кирди.

Жадид маърифатчилиги ва театр

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида Туркестон заминидаги энг илғор фикрли зиёлилар онгига пайдо бўлган миллий уйғониш маърифатчиликда яққол намоён бўлди. Янгича маърифатчиликнинг ilk жарчилари бўлган жадидлар кенг миқёсли амалий фаолиятлари билан ўз ғояларининг жамият ҳаётида мустаҳкамланиб баркарор бўлиши, охир пиравардида миллий озодлик, сиёсий мустакиллик курашларига ўсиб ўтиши учун замин яратса бошладилар. Бу давр Туркестонда ижтимоий-сиёсий тафаккур ривожида янги босқич эди. Ана шу босқичда ерли халқнинг маданий-маърифий ҳаётида шу қадар кўп ўзгаришлар юз бердики, уни ҳеч муболағасиз Ренесанс, яъни Уйғониш ҳодисасигагина қиёслаш мумкин.

Маданий-маърифий ислоҳотларнинг ибтидосида, албатта, мактаб-маориф ишлари туради. Шу қезлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона водийси шаҳарларида ўнлаб «усули жадид» мактаблари очилди. Унинг ташкилотчилари татар маърифатпарварлари билан бирга, ерли зиёлилардан Махмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шакурӣ, Сиддикий Ажзий, Мунавваркори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Ашурали Заҳирий, Абдурауф Фиграт, Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Абдуваҳоб Ибодий, Саидризо Ализода каби ўнлаб атокли зотлар бўлди.

Янги усул мактаблар Туркестонда жадид маърифатчилигининг ilk кўриниши бўлиши билан бирга, то мазкур ҳаракат соғи сиёсий қиёфа касб этгунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади.

Мактаб-маориф ишлари билан бир қаторда, жадид маърифатчилигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, ilk ўзбек миллий матбуоти, бироз ўтиб турли маърифий жамиятлар пайдо бўла бошлади. Жамиятлар бевосита маърифатчиликнинг ҳам маънавий, ҳам моддий давомийлигини таъминлашчи вазифа этиб белгилаган эди. Тижорат ва бошқа маблағ манбаларини яратиб, жадид мактаблари

тўхтаб қолмаслиги, газеталарнинг мунтазам чиқиб туриши, алоҳида истеъодод кўрсатган маҳаллий болаларни хорижга таҳсил учун юбориш каби эзгу ишлар жамиятларнинг асосий мақсади эди. Ана шу мақсад йўлидаги яна бир восита театр бўлди.

Театр жадидлар наздида, аввало, «улутлар мактаби», «ибратхона» бўлиб, худди мактаб ва матбуот каби маърифат, илм олмоқ ғоясини тарғиб этиши кўзда тутилган эди. Иккинчидан эса, маърифий ва кўнгилочар томошалар орқали маблағ топиб, маориф, матбуот эҳтиёжларига сарфламоқ кўзланган эди. Туркистонга татар, озарбайжон, рус сайдер театр жамоаларининг кириб келиши оврупча ўзбек миллий театр санъатининг тутилишига туртки берди.

Туркистоннинг аср бошлари матбуотида Оврупча театр санъатининг тури бизда, 1913 йил расман шаклланмасидан бироз илгарироқ бошланганига оид далиллар учрайди. Ўзбек янги театри тарихини маҳсус ўрганганд Б.О. Пестовский «Инкилоб» журналининг бир неча сонларида эълон килинган катта мақолосида «Коракўл» шахрига якин бир кишлокка 1909 йилда «ўзбек театри ўйналди» деган, хабар борганилигини қайд этган эди. «Туркистон вилоятининг газетаси» 1910 йил январь сонларидан бирида эса «тез фурсатда Тошкент шаҳрида театр, яъни «муқаллид» ўйини ўйналатурғон мусулмон жамияти (труппа) очилур эмиш... Ул жамият мусулмон забонида «муқаллид» ўйнар эканлар», деган хабар босилади. Бу хабардан беш-олти кун ўтиб, яна шу газетада ерли татар ҳаваскорлари доимий театр труппаси тузгани ҳакида ҳам кичик ахборот берилган. Балки аввали хабарда «мусулмон жамияти» деганда мазкур татар ҳаваскорлари назарда тутилгандир? Аммо бундан қатъий назар, ўша жамият спектакллари бевосита маҳаллий зиёлилар иштирокида ўтган. Агар «Ойина» журналидаги «Дохилия хабарлари» деб номланган рукнни кўздан кечирсак, театр ё концерт томошалари ҳакидаги хабарларда, маҳаллий ҳаваскорлар татар театрчилари билан ҳамкорликда спектакллар кўйгани, аксарият, миллий пьесалардан сўнг татар пьесалари ўйналгани, ҳар бир спектаклда татар ва ўзбек актёрларининг биргалашиб иштирок этганидан огоҳ бўламиз.

Ууман, театр масаласига эътибор 10- йилларда жуда кучли бўлган. Чор ҳукуматининг Туркистон ўлкасидағи расмий нашри афкори ҳисобланган «Туркистон вилоятининг газети»дан тортиб, «Садойи Туркистон», «Садоий Фарғона» газеталари, «Ойина» мажаласида шундай қизиқишни ифодаловчи оддий хабарлардан то спектаклларга тақризу, театр тақиғатидаги оид назарий мақолаларгача учратиш мумкин. Масалан, «Ойина» журнали 1913 йилги 8-сонида «Оврупода театру» номли мақола эълон қилиб, унда Ғарбдаги йирик мамлакатлар театрлари, уларнинг миқдори ҳақида батафсил маълумотлар беради. Маданий тараққиёти юксак бўлган Англия, Италия, Испания, Франция, Германия каби давлатларда юзлаб театр томошахоналари борлиги, булар ёнида эндиликда синематографнинг ҳам пайдо бўлиб, ривожланаётгани айтилади. Бундай мақолалар маҳаллий зиёлиларни театрчилек ҳаракатига даъват қиласа, авомни шундай маданият ўчокларидан баҳраманд бўлишга тарғиб этар эди.

1911 йилда Махмудхўжа Беҳбудий «Падаркуш ёхуд ўкумаган боланинг ҳоли» номли «3 парда 4 манзарали миллий, биринчи фожиа»сини ёзади. Асарни чоп қилиш хусусидаги уринишлар икки йилгача муваффакиятсиз кечади. Фақат пьесани 1812 йили рус-француз муҳорабасининг Бородино майдонидаги руслар галабаси билан якунланиши, 100 йиллигига багишлаб, Тифлисдаги цензорга юборилиши нашр учун имкон беради. «Матбуот ишлари Тифлис кўмитаси цензори рухсати билан Кавказ ўлкаси саҳналарида қўйиш мумкин» деган 1913 йил 23 марта 19940-сон қарорига кўра, асар 1913 йил Самарқандда алоҳида китоб ҳолида чоп этилади.

«Падаркуш»нинг нашрдан чиқиши, том маънода, миллий театрнинг туғилишини белгилади. Шу йилнинг ўзидаёқ, Самарқандда Беҳбудий, Тошкентда Мунавваркори ва Абдулла Авлоний раҳбарлигига асарни саҳналаштириш ҳаракатлари бошланади. «Ойина» ёзади: «Самарқанднинг ўзбек ва татар ёш ва тараққийпарварлари бир бўлиб, ўзбекча «Падаркуш» ва татарча - «Олдадук ҳам олдандук» асарларини Самарқанд кироатхонаи исломияси нафъиға 1914 йил 15 январь оқшоминда Самарқандда

қўймоқчи бўлдилар ва ҳам ушбу ғайратли ўзбек ва татарлар бирлашиб, Ҳўқанд ва Бухоро ва ўзга Туркистон шаҳарларинда миллий тиётрлар кўрсатмоқчидурларки, ният ва ғайратлари шоёни шукронадур. Идораға келган мактубларга қараганда, Ҳўқанд ва Тошкантда ҳам «Падаркуш» фожиасини саҳнадо қўймок учун машқ қилмоқда эмишлар. Агарда ғайратли ёшлар миллий тиётрға ривож берсалар, яна бошқа асарларда тартиб нашр қилинур»¹.

Демак, «Падаркуш» пьесасининг эълон қилиниши, бу, Беҳбудий ёки Самарқанд шаҳри зиёлилари учун аҳамиятли бир ҳодиса бўлмай, бутун Туркистонда ижтимоий-маданий ҳаётнинг янада жонланмоғи, театр ҳаваскорлари негизида янги-янги маърифатчи жамоалар майдонга келиши учун туртки бўлган.

«Падаркуш»нинг илк саҳна муваффақияти Самарқанд театр ҳаваскорларининг ижодий жипслашуви ва труппа шаклида ўз фаолиятларини янада ривожлантиришлари учун мадад берди. Труппанинг Туркистон шаҳарларида гастроллари ҳам уларни театрчилик билан мунтазам шугулланишга даъват қилмоқда эди.

1913 декабрдан бошлаб «Тошкентда ҳам «Падаркуш»ни саҳнага кўйиш учун ҳозирлик кетади. Бу тўғрисида Тошкент жадид муаллимлари актив роль ўйнайдилар. Жумладан, профессор Авлоний, Муҳаммаджон қори, Низомхўжаев, Шокир Раҳимий ва бошқалар жиддий киришадилар. Профессор Авлоний айтуви бўйича, ҳозирлик кўрар вақтда Тошкент ҳаваскорларига Муҳаммадёров номли татар зиёли режиссрлик вазифасини кўра боради. Лекин ҳозирликнинг бориши яхши бормай, театру кўйилиши судралиб кетади. 1914 февралда Алиаскар Аскаров Самарқанддан келиб, Тошкент ҳаваскорларига ўзини танита олади ва режиссрлик вазифаси унга топширилади. Бунинг билан оз кунда ҳозирлик битиб, 1914 февралда «Падаркуш» пьесаси - озарча «Хўр-хўр» комедияси билан бирликда саҳнага кўйилмоқчи бўлади»². Демак, режиссурунинг ожизлиги спектаклни самарқандликлар билан

¹ Самарқандда тиётра - «Ойина» журнали, 1913, 10-сон, 234-бет.

² М.Б.Солихов. Ўзбек театри тарихи учун материаллар. Тошкент. 1935 й. 74-бет.

бирга ёки улардан аввалроқ чиқариш имконини бермаган. Алиасқар Асқарнинг Самарқандда спектакль постановкасини якунлашини кутишга мажбур бўлинган.

1914 йил 27 февралда «Тошкент Янги шаҳаридаги «Колизей» театрининг 2000 кишилик томошахонасида кеч соат еттида «мусулмон» жамият имдодияси фойдасига» Тошкент театр ҳаваскорлари расман ўз спектакллари намойишини бошлайдилар. Театр кечаси, Абдулла Авлоний меъмориал музейида сакланаётган «маромнома» (афиша)дан маълум бўлишича, уч бўлимдан ташкил топган. Биринчиси - Махмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси асосидаги спектакль намойиши. Иккинчиси, - озарбайжон актёрларидан Алиасқар Асқаров, Гулузорхоним ва М.Шахбаловлар ижросида бир пардалик озарча «Хўр-хўр» кулгутомошаси (С.Музагайни асари). Учинчи бўлим - «Миллий ўқиши ва жўрлар» бўлиб, бунда саккиз номерлик концерт кўрсатилиши маълум бўлади. Концертда Мулла Тўйчи ҳофиз, машҳур ракқоса Курбонхон, мулла Аҳмаджон тўра кабилар қатнашиши ва сўнгра «Туркистон фарёди» ва «Тўй» номли Абдулла Авлоний қаламига мансуб манзумалар жўрликда айтилишидан огоҳ этилади. Маромнома сўнгида бутун кеча учун мудири масъул Абдулла Хўжа ўғли, режиссёр Алиасқар Асқаров экани қайд қилинади.

Илк парда очилишидан аввал саҳнага Мунавваркори Абдурашидхонов чиқиб, театрнинг «ибратхона» экани, унга енгил-елпи қарамаслик, актёрлар эса «бир табиби ҳозик мисоли» эканликларидан кисқача ваъз сўйлаб, бутун жамоани буюк маданий ҳодиса билан табрик этади.

Спектакль ҳамма жиҳатдан баланд савияда ўтган. Бу фикрни шу воеа муносабати билан «Садойи Туркистон» газетасининг 1914 йил 16-сонли ва, айниқса, «Ойина» журналиниң 22-сонида босилган «Тошкентда миллий театр» номли батафсил ахборот-такризларидан ҳам сезиш мумкин. Хусусан, Тузил Жонбоев имзоси билан «Ойина»да босилган ахборот-такризда спектаклнинг ҳар бир пардаси алоҳида баҳоланиб, биринчи пардада Бой ролини Абдулла Авлоний, Домла ролини Зиёбоев, Зиёлини Асомиддин Хўжаев, Хайруллани Хоний жаноблари; иккинчи пардада - майхона манзараси, Давлатзўр ролини Хоний,

Нор ролини Пошшохўжаев, Тангрикул ролини Шоҳиноятов, Бойваччани - Бадриддин Аъламов; учинчи пардада Бой хотинини А.Зиёбоев, Домла ролини Ҳусайнний жаноблари, Пристав ролини Мирзахоновлар яхши ижро этганлар ва уларнинг сўзлари томошабинларга жуда таъсир кўрсатиб, халқ ўртасида овоза бўлаётгани айтилади.

Тошкентлик ҳаваскорларнинг катта муваффакиятлари, уларнинг шу йўналишдаги фаолиятларининг янада кенгайиши ва ривожланмоғи учун муҳим туртки бўлди.

1914-1915 йилларда «Турон»га татар режиссёри Заки Боязидский ва Мустафо Мансуров ижодий жиҳатдан бошлиқ қилиб турадилар. 1914 йил сўнгларида труппа Ҳожи Муъин ва Нусратулла Кудратулланинг «Тўй» драмасини саҳналаштиради. Спектакль, худди, аввалги «Падаркуш» каби муваффакият қозониб, «Садоий Туркистон» газетаси унга «Миллый театр» сарлавҳали маҳсус мақола бағишлайди. Мақолада пьеса мазмуни ҳикоя қилиниб, сўнг спектаклнинг саҳналаштирилиши, актёрлар ижроси ҳакида мулоҳаза юритилади. Асаддаги қатор персонажлар талқинида А.Зиёбоев, Б.Аъламов, Ш.Шоҳиноятов, М.Миразимов, К.Исматуллаевларнинг яхши ғайрат ва маҳорат кўрсатганлари айтилиб, Абдулла Авлоний талқин этган Олимбой роли алоҳида диққатга сазовор бўлгани кайд этилган.

«Турон» труппаси 1915 йилдан бошлаб таржима асадлари қатори миллый драматургиямизнинг янги-янги намуналарини мунтазам саҳналаштириб боради. 1915-1916 йиллар давомида Абдулла Қодирийнинг «Баҳтсиз куёв», Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?», «Пинак», Ҳожи Муъиннинг «Мазлума хотун» пъсалари труппа репертуаридан жой олади. Шу йиллари ўз миллый режиссёrlаримиз ҳам етища бошлайди. Низомиддин Хўжаев, Абдулла Авлоний, Бадриддий Аъламов кабилар бу соҳанинг илк қалдироғочлари бўлди.

«Турон» труппаси шу йилларда театр санъатининг яна бир жанри - мусиқали драма (айрим манбаларда «опера» деб ҳам юритилади) театрининг ҳам пойдеворини кура бошлайди. Тошкентта Ozарбайжоннинг машҳур трагик актёри, режиссёр, хонанда Сидқий Рухилло бошчилигидаги озар мусиқали театр труппаси гастролларга келади.

Бу труппа озарбайжон мусикий драмасининг асосчиларидан бўлған Узейирбек Ҳожибеков билан ҳамкорликда «Лайли ва Мажнун» (Фузулий достони асосида), «Асли ва Карам» (озар ҳалқ миллий достони бўйича), «У ўлмасун, бу ўлсун» каби қатор мусикий спектакллар яратиб, шуҳрат қозонган эди. Ана шу спектакллар билан улар Туркистоннинг йирик шаҳарларида томошалар, мусикий кечалар ўтказадилар. Айниқса, Тошкентдаги гастроллари катта аҳамият касб этади. Ерли театр намояндадаридан Абдулла Авлоний Сидқий Руҳилло билан ижодий ҳамкорликка киришади. Бу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, 1916 йилнинг 30 декабрида «Колизей» театрида озар ва ўзбек актёрлари иштироки билан «Лайли ва Мажнун» мусикий драма (ёки опера)си намойиш этилади. Либреттони Авлоний озар туркласидан ўзбек туркласига табдил килади. Спектаклни эса С.Руҳилло саҳналаштиради. Асосий ролларни Сидқий Руҳилло (Мажнун), Дурриятхоним (Лайли), А.Авлоний (Малуъ), А.Мухаррамов (Навфал), Н.Хўжаев, Фарид Тоҳирий, Юсуф Алиев кабилар ижро этадилар.

Юқоридаги далиллар шуни кўрсатадики, «Турон» труппаси муңтазам ишловчи жамоа сифатида ижодий ўсиш, янгиликлар излашга ҳаракат қилади. Ҳалқнинг маданий-маърифий савиясини кўтариш йўлида янги шакллар топишга уринди, дадил ташаббускорларга журъат қила олди.

Миллий театр ғояси 10- йилларнинг ўрталарига келиб, бутун Туркистон шаҳарларидағи зиёли ёшларнинг фикри-ёдини қамраб олди. Миллатнинг нажотини маърифатда кўрган жадид тараққийпарварлари ўз қарашларининг кенг миқёс касб этишида, ҳалқ ўртасида оммалашиб, уларнинг «басират кўзлари» очилишида театрнинг беназир аҳамиятини тобора чукурроқ ҳис этмоқда эдилар. Айниқса, «Падаркуш» спектаклининг Самарқанд ва Тошкентда фавқулодда муваффакият қозониши турли шаҳарлардаги ёшларни ғайрат «от»ига миндириди. Ўз театр труппалари, ўз миллий пьесалари ҳақидаги орзу-ўйларни қалбларига жо килди. Қолаверса, спектакль намойишларидан тушадиган маблағ, жойларда моддий қийинчиликдан қийналиб ва ёпилиб қолаётган «усули жадид» мактабларини керакли

Ўқув анжомлари билан таъминлаш учун ҳам зарур эди.

Агар хронологик тартибда оладиган бўлсак, Тошкент, Самарқанд, Кўкондан сўнг Каттакўрғон, Бухоро, Андижон, Наманган шаҳарларида труппалар ташкил топиб, театрчилик ҳаракатининг кейинги тараққиётига замин ҳозирлаб борилди.

Туркистон худудида театр ва драматургия ривожи янада жадалроқ одим отиши ҳам мумкин эди. Афуски, бу жарайёнга жуда қаттиқ қаршилик қилган кучлар пайдо бўлди. Саҳна санъатимизнинг, жадид зиёлилари орзулаганидек, бир неча минг аҳоли сонига тўғри келадиган қатор театр-ибратхоналари вужудга келишида энг катта тўсиқнинг бири мустамлака истибоди бўлса, иккинчиси диний жаҳолат ва мутаассиблик эди. Рус маъмурлари Туркистондаги театрчилик ҳаракатига, миллий драматургия тараққиёти ва тарғиботига ҳам ташкилий-маънавий, ҳам моддий тўсқинлик қилишга уриндилар. «Падаркуш» пьесаси ёзилганидан сўнг, икки йилгача нашрга руҳсат берилмагани ва Туркистон генерал-губернаторлигининг ўз цензорлари бўлгани ҳолда, Тифлисдаги матбуот кўмитаси цензорига мурожаат этилгани бунга яққол намуна. Беҳбудий рус-француз муҳорабасининг юз йилилигига маҳсус бағишлов сўзларини кўлётманинг илк саҳифасига қайд қилиши расмий идораларга таъсир кўрсатиш учун кўллаган чора - «ҳийла» экани сир эмас. Чунки, у асарни тўлалигича рус тилига ўтириб, сўнгра цензорга юбормоғи шарт эди. Нафакат «Падаркуш», айни чоғда ҳар бир янги миллий пьесани расмий хукумат тасдиғидан ўтказиш учун рус тилига ўтириш мажбурий эди.

Пьесаларни саҳналаштиришдаги мураккабликлардан яна бири шунда эдикӣ, цензура руҳсатидан ўтган асар, қайта намойиш этилганда ёки бошқа шаҳар труппалари саҳналаштирганда, яна такроран маҳаллий ҳокимиятдан руҳсат олиши зарур ҳисобланган. Шунингдек, ҳар бир миллий спектакль афишаси «Ҳокимларнинг руҳсати билан» деган ёзувдан бошлинарди. Ҳатто француз ҳётидан олиб ёзилган «Қотили Карима» мелодрамасининг «Турон» труппаси спектакли афишасидаги биринчи жумла ҳам, «Ҳокимларнинг ижозати ила» деган сўзлар билан бош-

ланарди. Шу труппанинг ташкилотчиларидан Абдулла Авлоний «Садои Туркистон» газетасининг 1914 йил 2-сонида «Театр ўйновчи кишилар жаноб губернатордан изожат олуб, бош ҳокимларнинг фармойишлари ила сўзлайдурган сўзларини эълоннома ёзуб чиқаруб, ҳар кимга маълум ошкор қилиб сўзламишлар», деб ёзган эдики, бу ҳам тараққийчи ёшларнинг накадар қаттиқ маънавий исканжада иш тутганларидан гувоҳликдир.

Хулоса қиласиган бўлсак, айтиш жоизки, 10- йиллардан бошлаб Туркистонда миллий драматургия - театр вужудга келди ва маълум маънода ўзбек миллий драмаси бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асари бунда белгиловчи роль ўйнади. «Падаркуш»ни, ўлка ижтимоий-маданий воқелигида тутган ўрни ва аҳамиятига кўра, 10- йиллар Туркистон тарихининг буюк ижтимоий-сиёсий ҳодисаларидан бири, деб баҳоламоқ лозим.

«Падаркуш» таъсирида театр труппалари ташкил топганидек, Ҳоди Муъин, Абдулла Бадрий, Нусратулла Кудратулла, Абдулла Авлоний. Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Хуршид, Ғулом Зафарий каби ўнлаб миллий драматургия намояндалари ҳам бирин-кетин етиша бошладилар. Улар, аксарият, адабий-бадиий ижод жараёнини амалий театрчилик фаолияти билан биргаликда олиб бордилар. Асарларида замонанинг майший-маърифий муаммоларидан то ижтимоий-сиёсий масалаларигача қамраб олдилар.

Жадидлар театрни ибрат мактаби, ибратхона, драматургияни эса «таъзири адабий», деб тушундилар ва факат шу тушунчага қатъий амал қилдилар. Шу мақсадда, сахна асарларида бачкана, нораво қиликлар, бепарда иборалар, тубан манзаралар бўлмаслиги учун курашдилар. Дарҳақиқат, «ибратхона»да беадаб ҳатти-ҳаракат ё сўзлар бўлиши ҳеч бир мантиқка тўғри келмас эди. Буни илк театр арбобларимиз эстетик принцип даражасига кўтарган эдилар. Балки шунинг учун ҳам ҳалқ театрни муқаддас даргоҳ, деб билди. Бу масканга бориш ва ибратли томоша кўриш эса ҳаяжонли бир воқеадек қабул қилинди. Шу таҳлит, илк миллий сахна асари янгича миллий театрнинг туғи-

лишини белгилаганидек, ўз навбатида, театр ҳам драматургиямизнинг шаклланиб равнақ топишида ғоят муҳим бир манба вазифасини ўтади.

Шундай килиб, кўхна Туркистонда янгича театр санъати майдонга келди, драматургия шаклланди. Театр, драматургия жадидчиллик ҳаракатининг ва жадид адабиётининг бағоят муҳим жабҳаларидан бўлгани учун ҳаракатнинг маърифий, ижтимоий ҳамда сиёсий маслаклари томон йўналтирилди, шу билан мутаносиб ривожланди.

Жадидларнинг меросида мусиқа (А.Фитратнинг ижодига оид маълумотлар)

Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»¹ номли рисоласи мусиқага оид энг йирик тадқиқоти бўлиб, дастлаб Бухорода ёзилган, сўнгра 1927 йилда Тошкентда 3053 нусхада чоп этилган эди. Ўи йил ўтгач, китоб муаллифини ўз халқига душманликда айблаб, ҳибсга олдилар.

Мазкур рисоланинг тақдири ҳам муаллифи тақдирига ўхшаш бўлди. Бир томондан, табиийки, рисола ўз ижодкори айбларини баҳам кўрди, «халқ душмани»га айланди. Шу билан бирга, китоб умрига яна бир аянчли воқелик салбий таъсир кўрсатди - араб алифбосида битилган «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» чоп этилгандан кейин араб ёзуви амалиётдан четлаштирилди. Унинг ўрнига лотин алифбоси давлат миқёсида жорий этила бошланди. Бу жараёнга ҳали икки йил тўлар-тўлмас ёзувимиз кирилл алифбосига ўтказилди, натижада, араб ёзувига муносабат янада кескин салбий тус олди. Шу пайтдан бошлаб, араб алифбосида ёзилган ёки чоп этилган барча манбалар йигирманчи ва ундан кейинги йилларда туғилган авлодга ёт бўла бошлади. Араб ёзувини ўқий биладиганларни халққа нисбатан душманликда, «миллатчилик», «исломпарастлик»да айблаш ҳолатлари амалга ошиб, ёзув эса феодал эскилик, амир, хонлар ёхуд буржуа қолдиги, демакки, Шўро даврига мутлақо бегона мазмун ҳокимият мафкурасини белгилади, қатағон баҳоналаридан бири бўлди.

Лекин маданий-маънавий ҳаётнинг ўз конун-коидалари бор экан. Китоб ҳам, унинг муаллифи ҳам чин зиёли инсонлар хотирасида, қалбида пинҳона яшаб келди. Буюк мутасаввуф шоир Жалолиддин Румий бундан қарийб етти юз йил мукаддам айтган фалсафий мисралари XX аср давомида яна бир бор ўз тасдигини топди:

¹ Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи // Самарканд-Тошкент, 1927. (араб ёзувида)

Баъд аз вафот турбати мо дар замин мажӯй,
Дар синаҳои мардуми ориф мазори мост.
Яъни: Вафотимдан сўнг қабримни ер юзида кидирма
Ориф мардлар кўкрагидадир менинг мозорим.
Дарҳакиқат, зиёлилар гарчанд ўз ҳаётлари учун хавфли
бўлса-да, Фитратнинг хотирасига меҳр ила қараб, уни
меросини турли усуслар билан саклашга ҳаракат қилдилар.
Шунингдек, рисола давлат кутубхоналарининг маҳфий
бўлимларида ҳам «жон» саклаб қолди.

Эндиликда, ушбу китоб мақомлар борасидаги илмий
тадқиқот сифатида маълум аҳамиятга эга. Унинг аҳамияти
нафақат илм тарихи бобида, балки ҳозирги умуммаданий
муаммолар ечими жараёнида ҳам ижодкорлар учун
кимматлидир.

Рисоланинг аҳамиятини муайян этиш учун, унга икки
нуқтаи назардан қараш мақсадга мувоғик: бири - про-
фессор А.Фитрат меросида китобнинг ўрни, иккинчиси,
китобнинг мусиқа фанида, жумладан, шарқ мусиқашу-
нослигида тутган илмий аҳамиятидир. Ва кенг маънода -
жадидларнинг ҳаёти ҳамда маънавият соҳасидаги ишларида
муисиқанинг ўрнини билмоқдир.

А.Фитратнинг серқирра ижтимоий ва илмий фаолия-
тида мусиқий масалалар салмоғи хусусида сўз юритар
эканмиз, жадидлар ҳаракатига оид умуммаданий дастур
мазмунини ёдда тутиш лозим. Чунки А.Фитрат санъат
ҳаётида фаол қатнашган. Одамзод тараққиётида маънавият
аҳамияти ва шунга ўхшаш муаммолар инқилобга қадар
унинг бутун ҳаёлини қамраб олган эди. Бунга унинг «Оила»
монографияси далил бўла олади.¹

Садриддин Айний Фитратнинг ёшлигини эслар экан,
«у охиригина йилларда кўп шаҳар-қишлоқларни айланиб, тур-
мушни ўрганди, кўп нарсалардан хабардор бўлди»² - дейди.
Бу маълумотни С.Айний 1920-21-йилларда ёзган. Ўшанда
Фитрат қадимий шарқ кўлёзмаларини йиға бошлаган
бўлса керак. Чунки инқилоб содир бўлиши биланоқ бир
талай эски қадимий - адабий, тарихий, тиббий ва бошқа

¹ Фитрат. Оила//Боку. 1914 й. (араб ёзувида тожик тилида)

² Садриддин Айний. Тарихи инқилоби Бухоро // Душанбе: «Адиб», 1987.
Б.101-103.

соҳадаги қўлёзмаларни, жумладан, Абдураҳмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий Бухорий, Дарвиш Али Чангийнинг мусиқавий рисолаларини шахсий кутубхоналардан топиб, давлат кутубхона хазинасини йига бошлаган эди. Ва, айнан, мусиқага оид қўлёзмалар унинг диккатини тортид. Фитрат ўз китобида айтганидек, мусиқани жуда яхши кўрар эди. Шунинг учун бу рисолаларни тавсиф этиб ўрганар экан, илмий иш жараёнининг ўзи унинг учун лаззатли бўлган. Китобхон шуни сезади.

Ўша пайтда инқилобга хос тўполон, тартибсизликни кўзда тутсак, шу билан бирга, ажнабий ишбилармонлар катор маънавий бойликларимизни арzon-гаровга олиб кеттандарини инобатта олсак, А.Фитратнинг бу соҳада ҳам миллатпарвар, йирокни кўра олган олим эканлигини якъол кўрамиз. Ўзи мероснинг қадрини била туриб ўзгаларда ҳам шу иштиёқни уйғотар эди.

Замона ҳам, давр ҳам гарчи шароит оғир бўлса-да, қадимий китоб, мусиқавий созлар, амалий санъат асаларини қадрлайдиган бўлган.

Бунга ўша давр тараккийпарварлари - жадидлар сабабчи эдилар. Улар ҳар бир шаҳарда яшаган илмга, санъатга, хунарга керакли шахсларнинг тақдиридан боҳбар бўлишган. Ҳар ҳолда, Ғулом Зафарий, Қори Ёқуб, Абдулҳамид Чўлпон, Ғози Юнус, Ҳамза, Абдулла Авлонийларнинг айтилган соҳадаги қизгин хизмати 20-йилларга тўғри келаяпти. А.Фитратнинг бу фаолияти тўғрисидаги китобида айтилганидан ташқари, кўшимча маълумотларни Ўзбекистон Давлат Архивида сакланётган хужжатлардан ва кекса авлод чолғучиларимиз, ашулачиларимиз, маданият арбоблари билан бўлган сұхбатларда топдик¹.

1963 йилда машҳур бастакор, мақомшунос Ҳожи Абдулазиз Расуловнинг шогирди Қори Сирож исмли самарқандлик музикачи билан учрашган эдик². Ўшанда: «Дар-

¹ Фотимахон Бурхонова, Мутаваккил Бурхонов, Андрей Бертельс, А.Н.Болдырев, Вадуд Махмуд, Ф.Кароматов, Ш.Соҳибов, Ф.Шаҳобов, Қ.Абдуқодирова, Ғ.Изомий, Қори Сирож, С.Кароматуллаҳўжаева, Ўлмас Расулов, С.Умаров, О.Матёқубов билан бўлган сұхбатлардан фойдаланди. (Муаллифнинг шахсий архиви.)

² Рашидова Д. Қори Сирож билан сұхбат - Самарқандга бўлган сафар материаллари, 1961г.- қўлёзма. Ҳамза номли санъатшунослик институтининг кутубхонасида сакланмоқда.

веш Алийнинг «Тұхфатус-сурур» номли китобини (XVI аср мусика рисоласининг құләзмаси назарда тутылмокда - Д.Р.) домла Фитрат жуда юксак баҳолаган эдилар. Бу китобни мукаммал нусхасини топған одамга беш минг тиля бераман деб ваъда килган эдилар» - деб эслаганлар.

«Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи»ни нашрға тавсия эттан Илмий қўмита Фитратнинг мусиқада мутахассис эмаслигини таъкидлайди ва шу билан бирга, миллий мусиқашунослар етишиб чикишини кутиб, ҳеч нарса килмай ўтиришни ҳам нодуруст леб билади. Муаллифнинг ўзи ҳам камтаришлик билан бир неча бор мусиқашунос эмаслигини такрорлайди. Аммо Фитратнинг замондоши бўлган машҳур чолғучи Абдуқодир найчининг қизи ракқоса ва драматик актриса Кумрихон опа (ўша кезларда ўн ёшда бўлган) Фитрат домланинг дўстлар мажлисида навозандалик қилганлиги тўғрисида бизга қимматли маълумот берди. «Шердор мадрасасига келиб, дадам, Домла Ҳалим, яна ўша институтда (Самарқанддаги ракс ва мусика институтида - Д.Р.) ишлайдиган музикантчиларни боғларига олиб кетар эдилар, ўшанда Фитратнинг танбур чертгандарни эсимда».

Фитратни қамоққа олишган куни уйидан олиб кетилган нарсалар рўйхатида «иккита ўзбек мусиқавий соз»¹ борлиги қайд этилган. Шу маълумотни ва китобда ёзилган «мен соранг деган созни Ҳиндистондан олиб келтирдим» деган сўзларни назарда тутсак, А.Фитратнинг умуман мусиқий созларни йиғишга иштиёки ҳам маълум бўлади.

Фитратнинг мусиқавий-ижтимоий фаолиятида яна бир муҳим масалани алоҳида айтиш керак. Инқилобдан сўнг рўй берган мураккаб шароитда у ашулачи, созанда, макомчиларни йиғиб, уларга иш топиб берди.

Китобда жуда кўп мусиқий техникумлар очилганлиги тўғрисида айтилган, ҳатто «ҳеч бўлмаганда ҳар мактабда кружок очдик» дейилган. Аммо бу маълумотнинг ҳаётий мазмуни санъаткорларни сақлаб қолиш, уларга майший шароит муҳайё этиш эди. Бу тарихий маънога эга савоб иш эди.

¹ А.Фитратнинг қамоқхонадаги «Дело» сидан олинди.

А.Фитратнинг маданий-ижтимоий фаолиятида, умуман, ҳамма санъатларнинг ривожи кўзда тутилган дейиш мумкин. Бу мусика, театр, кино санъати, ҳам мусикавий фольклор, этнография, ҳалқ амалий санъатларига тегишли бўлиб, асосан, ёш, қобилиятли йигит-қизларни топиб, уларни ўқишига, етук санъаткорларни эса ўқитувчиликка жалб этиш эди.

Бу гапларни ҳозир айтиш осон, у пайтларда эса ҳаётий мураккаб муаммолар кўп эди. Улардан бири: санъат соҳасида хизмат қилиш шарафли иш деб ҳисобланмаганилигида. Бундай муносабатни жамият психологиясида кескин ўзгартириш керак эди.

Кўплаб ташкил этилган экспедицияларда ашула, ўйин, зарбулмасаллар, қўлёзма, амалий санъат асарларини йигиб саклаб қолиш - асосий вазифа қилиб белгиланган эди. Ва шу ҳақда матбуот орқали анжуманга билдирилган. Жумладан, 1921 йилда Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девон ўғлиниң «Хоразм мусика тарихчasi» нашр этилган. 1922 йилга назар ташласак, «Наука и просвещение» («Илм ва маърифат») журналида ёритилган Е.А.Чернявскийнинг маълумотидан, Фулом Зафарийнинг экспедицияларда ҳалқ ашулалари, достон, лапар, қадимий китоблар йиганлигини биламиз¹. Рус мусиқашунос олимлари В.А.Успенский «Ўзбекларнинг классик мусиқаси» (1927й.) «Фарҳод ва Ширин мусиқасини ишлаганим» (1937й.), В.М.Беляевнинг «Ўзбеклар мусиқаси» (1930й.), «Миллий мусиқани ўрганиш масаласига доир» (1933й.) деб номланган изланишлари маълум². Йигирманчи йилларда миллий санъатларга қизикиш авж олган эди. Рус Жўтрофия Жамоати (Русское Географическое Общество) қошида этнография бўлими ташкил этилади. Шу бўлимда ҳалқ мусиқасини ўрганиш Комиссияси (Комиссия по изучению народной музыки) 1925-26 йилнинг ҳисоботида куйидаги илмий маъruzалар акс эттирилган: 10 май - С.Е.Малов ва

¹Чернявский Е. История возникновения, структура и деятельность Государственного Ученого Совета. - «Наука и просвещение», 1922, №2.

²Ҳамза номли Санъатшунослик институтининг кутубхонасида сакланмоқда.

Е.Э.Бертельс: «Уйгур ва Хитой сартларининг мусиқа ва ашулалари»; 22 июнь - С.Д.Бергельсон: «Шарқ мусиқа маданиятининг тарихий босқичлари»; 5 июль - Е.Э.Бертельс: «Турк дарвишларининг ашула ва мусиқалари»; 27 ноябрь - Е.Э.Бертельс: «Хаср араб алломаларининг мусиқавий назариялари»¹.

Домла Фитратнинг мусиқа ва санъатларга бағишлиланган ёзувларидан «Озод Бухоро» газетасида (1926 й.), «Маориф ва ўқигувчи» журналида, «Санъат маншай» (1927 й.), «Аланга» журналидаги, «Ўзбек мусиқаси тұғрисида» (1928 й.) мақолалари монографиянинг ёзилиши ва нашр этилиши жараёнида жамоага манзур бўлган эди. Ҳатто, Бокуда нашр этилган энг биринчى йирик «Оила» номли асарининг «Ибо» бобида мусиқанинг ҳалол ва покиза соҳа эканини исботлайди ва бунинг учун, «Саҳиҳи Бухорий» ҳадисларидан Биби Ойша сўзлаган ҳикояни танлаб олган. Бу ҳадисда Мухаммад пайғамбар ашула айтотган канизакларни Абу Бакр ғазабидан химоя этади. Фитрат танлаган ҳадисларининг яна бир нечтасида пайғамбаримиз оиласи билан бирга рақс томоша қилганлари, мусиқа тинглаганлари ҳақида ҳикоя этилган. Айнан биринчى ҳадисни XVI асрнинг II ярмида ижод этган мусиқашунос, оҳангоз ва шоир Дарвеш Али Чангий ҳам ўз касбини оқлаш учун қўллаган эди. Оралари тўрт юз йил бўлган икки муаллиф бир маңбага мурожаат этишибди. Шу давр мобайнида, мусиқага, ахли санъатга муносабат ўзгармаганлиги дикқатни жалб этаяпти: ҳамон мусиқанинг ислом шахси ҳаётида кераклиги таъкидланади.

Шу каторда, «Шашмақом»ни ноталар воситасида ёзиб олишни ташкил этилиши ҳам, Фитратнинг мусиқа соҳасида бажарган улуғ иши бўлди. Китобда муаллиф бу ишларда ўзининг иштироки ҳақида камтарлик кўрсатиб, айтмай ўтган. Аммо шу ишни бажарган В.А.Успенский, дўсти В.М.Беляевга ёзган бир мактубида: «Шашмақомни нотага ёзиб олиш ғояси ўзбек ёзувчиси ва мусиқа мухлиси Фитратга мансуб», - деган. Шу икки рус олимларининг ўша йилларга доир хатларининг саҳифаларида Фитратнинг ис-

¹ Бу маълумотт. ф.н. В.А.Германовдан олинган.

ми бир неча бор тилга олинади. Жумладан, 1924 йили В.М.Беляевнинг В.А.Успенскийга «Музикага оид қўлёзмаларни кидиргин, топгин, бу ниҳоятда зарур манбалар» деган сўзларига жавобан, В.А.Успенский «Бу қўлёзмаларни кадрловчиси ва билимдони Фитратдир» - деб ёзди¹.

«Шашмақом» Европа ноталари тарзида ёзив олинганда, матнлар ёзилмаган эди. Бу ҳолат, ҳозир баъзи олимлар томонидан катта камчилик деб таъкидланмоқда ва фақат Фитратнинг айби сифатида кўрсатилмоқда. Аммо илмий танқидда сиёсий ишоралар эшитилмоқда. Шунинг учун шу масалада тўхтаб ўтмоқчимиз. Мақомларни ёзив олганда, табиийки, чапдан ўнгта томон ноталар саф тортиган. Араб ёзуви эса ўнгдан чапга ҳаракат қиласи. Шунинг учун ҳозир ҳам, араб ёзуви қабул этилган мамлакатларда оҳанг ноталари шеърий матндан айри нашр этилади.

Иккинчи баҳона, рус мусиқашуноси бўлган В.А.Успенскийнинг ўзига ҳам боғлиқ бўлиши, эҳтимол. Нима учун шундай фикр пайдо бўлади? В.М.Беляев 1936 йилда рус музика фольклорчиси, кўчманчи туркларнинг мусиқа меросини ўргантан йирик олим А.В.Затаевичнинг вафотига таъзиянома эълон қилиб, шундай сўзларни ёзган эди: «Афсуски баъзи материаллар... илмий тадқиқот учун етарли даражада эмас. Халқ ашулалари матнсиз ёзив олинган. Оҳанг ва мусиқавий шакл намоён бўлган ҳолда, матн мазмуни назардан ташқарида қолиб кетган. Бу ... умуман мусиқа этнографларининг кекса авлодига мансуб бир томонлама ёндошиш. Ва ҳали ёш олимларимиз бу камчиликни бартараф қилгани йўқ»². Яъни В.А.Успенскийнинг макомчилар билан ишлаганидан 12 йил ўтгач, В.М.Беляев ҳамон ўша илмий методнинг нуксонини таъкидлайди. «Шашмақом»нинг текстлари ёзив олинмагани масаласини ўргансак шуни ҳам назарда тутмоқ даркор.

Мутаваккил Бурҳонов Фитратдан шеърлар нашр этилмаганининг сабабини сўраганларида, домла биринчи сабаб деб, араб ёзувининг ҳаракати нота ёзувига тўғри келма-

¹ Мактублар Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг кутубхонасида сақланмоқда.

² Беляев В.М. А.В.Затаевич (1869-1936) - «Советская музыка», 1937, №1.

ганини айтган эканлар. Аммо сұхбат давомида ёш композиторнинг эътирозига жавобан: «Соддасиз. Агар Москва «Шашмақом»нинг шеърларини билса эди, умуман нашр бўлмас эди бу китоб» - деган эканлар.

Мусикашунос А.Жумаевнинг «Абдурауф Фитрат ва унинг замондошлари Ўзбекистондаги «Мусиқавий фронт» майдонида (20-30 йиллар)» мақоласи дунё миқёсида тарқаладиган салмокли «Центральная Азия» журналининг учсонида эълон этилган¹. Унда: «Фитрат ўша даврда (1923-24 йиллар назарда тутилмокда - Д.Р.) Туркия кўллаган сиёсий ва маданий тараққиёт моделининг кучли таъсирида эди. Ва ҳайтда маданий туркийлаштириш ғоясини фаол татбиқ этган эди. Жумладан, бадиий ва мусиқавий меросни ҳам эски форс-тожик матнларни (Шашмақомдан - Р.Д.) олиб ташлаш унинг учун шу режаланган мақсадда илк қадам бўлди», - деб тахмин килади А.Жумаев².

Мунозара лозим, чунки бугун бир неча илмий ва сиёсий муаммолар Ўрта Осиёning янги маънавиятини шакланишида тарих илмини жанг майдонига айлантирмасликка, меросимиздан оқилона фойдаланишга даъват этаяпти.

Шундай масалалардан бири: Фитратнинг «Бухоро Шашмақом»ини туркийлаштириш мақсадидир, аммо бу тахмин катор саволларга тортаяпти. Нима учун Фитрат Шашмақомни нотага ёзиб олгандан кейин ўн уч йил давомида (у 1937 йилда қамалган) ўз мақсадини бажармади? Илк қадамидан сўнг форс-тожик шеърларини ўзбектуркий текстлар билан алмаштирмади? Бундай мақсадга Эришиш учун фурсат ҳам, шеърлар ҳам бор эди. Балки мақомчилар қарши бўлгандирлар? Ким, қачон ва қаерда? Ёки Фитратнинг умуман бундай мақсади йўқ эдими.

Иккинчи мулоҳаза - Фитратнинг туркпастлиги. «Чи-

¹ А.Джумасев. Абдурауф Фитрат и его современники на «музыкальном фронте» (20-30 е годы). - «Центральная Азия», №1(7), 1997.

² «Фитрат всё ещё находясь в тот период под сильным влиянием турецкой модели политического и культурного развития, активно проводил в жизнь идею туркизации культурного, в том числе - художественного и музыкального наследия. Удаление старых персидско-таджикских текстов являлось для него первым шагом в проведении задуманной акции».

ғатой гурунги» фаолияти туркийлаштиришга қарши тадбир бўлган эди. Унда Чўлпон ва Фигратнинг ўзбек тилини мажбуран усмонли туркийлаштиришдан сақлаб қолиш бўлган. Қизикарли ҳолат кузатилаяпти. Фигратнинг Туркиядаги ҳаёти унинг она юргидаги ҳаётидан кескин фарқ қиласин. Стамбулни, Анкара, Измирни - Туркияни севиб, ҳатто баъзилари у ерда уйланиб, оиласарини Бухорога олиб келганларнинг ҳаммаси жадид эди. М.Беҳбудий, Мазҳар ва Муаммир Бурхоновлар, Абдуқодир Шакурийнинг хотиралари, ҳаёти бунга гувоҳдир.

Ўрта Осиёдан борган ёшлар учун туркларнинг мусулмон аҳли бўлгани, тили тушунарли экани, у ерда Европа маданиятининг бемалол қабул этилгани, коллежларда француз тилини ўргатилиши, аёлларнинг ҳоли, оиласада эру хотин муносабати, ҳатто кийиниш, дастурхон ёзиши ва бошқа майший одатлари уларнинг Туркияга ошик бўлишига сабаб бўлди ва бутун бизга тушунарли ҳолдир.

Аммо жадидларнинг маънавиятида бошқа юртни севиши хоҳ Германия бўлсин, хоҳ Эрон, Россия, ё Арабистон, ё Туркия - ўз юргидан воз кечиш эмас эди. Жадидларнинг, жумладан, Фигратнинг ҳам мақсади дунё этишган яхшиликлардан фойдаланиб она юртини тараккийлаштириш эди. Бу уларнинг ёзма меросида ўз аксини топган.

Шунинг учун Бухоро Шашмақомини нашр этиш тарихини ўргансак А.Жумаевни шу мавзудаги фикрларига қисман эътиroz билдириб, қисман кўшимча қилиб айтиш лозим: меросни ўзгартириб бўлмайди. Мерос заминида янги нарса иход этиш мумкин. Масалан, ярим аср ўтгандан сўнг Юнус Ражабий Шашмақомнинг асл форс-тоҷик шеърлари ўрнига ўзбек-туркий классик матнларни киргизди. Тошкент-Фарғона мақомлар туркуми, Хоразм мақомлари ўз йўлида ривожланиб, Бухоро Шашмақоми эса ўзича қолди. Бундан ташқари Тожикистонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам тоҷик, ўзбек, яхудий ижрочилари мақомларнинг эстетикасига ўз жиҳатларини кўшдилар.

«Музикамизнинг катта камчиликларидан биттаси унинг тарқоқлигидир», - деб кўрсатган эди А.Фиграт, 1928 йилда эълон қилган мақоласида. - «Бир куй Хевада бошқа, Тошкентда бошқача чалинади. Ҳозирги техникумларимиз ҳам

шул чизғидан чиқолмай юрадилар»¹. Аммо, йиллар ўтгач, хаёт, ижодий фаолият шуни кўсатдики, домланинг мусиқавий ижрочилик услубларининг «бирлашишига» интилгани аслан, бизнинг мусиқавий мафкурамизга ёт экан. Минтақамизнинг ҳар бир шаҳари ўз оҳангидага сўзлади. Фақат биргина Фаргона водийси бўйлаб сайр этсак, Кўқонда, Марғилонда, Андижон ёки Фарғонада сұхбатнинг оҳанги, мусиқавий усули ўзгача, гарчи ҳар бири ўзбек тилини эшитсак буларнинг сўзлашув оҳанги, мусиқавий усули, ижрочилик услубида фарқ бор. Ва шундай ранг-баранглик бойлигимиздир, тингловчи шуни яхши кўради, хоҳлайди. Ҳозирги радио ва телевизор таъсирида шу локал фарқлар рақс ва ашула айтиш услубларида йўқолаётган сари афсусланмоқдамиз. Ва шуни ҳам шоҳиди бўлмоқдамизки, агар уста маҳоратли созандা, туғилган ерининг мусиқавий мафкураси эгаси бўлса, ўзлигини саклаб қола олади ва қадимий ранго-ранг анъаналарга бутун ўз ҳиссасини кўшади. Шу бобда фольклоршунос мусиқашунос олим Файзула Кароматовнинг мулоҳазаларини билмоқ учун савол бердик. Домла жавоб қилдиларки, умуман домла Фитратнинг фикрлари филологларга хос хатодир. Шу билан бирга, тавсия этилаётган китобнинг ёзилиши Фитратнинг мусиқага мойилигини, ҳамда мақомчилар билан бўлган шахсий дўстлигининг самараси бўлиб, айни вақтда, Фитратнинг шарқшуносликка оид меҳнатининг натижаси ҳамдир.

Мусиқа илмининг тарихи, тўтрироғи, ёзма тарихи минг йилга эга. Ёзма тарихи деганимизда сақланиб қолган рисолаларни назарда тутсак, бу фан улуг мутафаккир Абу Наср Форобий китобларидан бошланади. Шу минг йил давомида яратилган энг катта фундаментал асарларнинг муаллифларини эслаб ўтгайлик: IX-X асрларда Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино, XII асрда Умар Хайём, XIII асрда Кутбиддин Шерозий, Сафиуддин Абдулмўмин Урмавий, XIV асрда Абдулқодир Марофий, XV асрда Абду-

¹ Фитрат. Ўзбек мусикаси тўғрисида - «Аланга», 1928, №2.

раҳмон Жомий, ал-Хусайний, XV-XVI асрда Нажмиддин Кавқаби Бухорий, XVI асрнинг II-ярми - XVII асрнинг 20-йилларида ижод этган Дарвеш Али Чангий, чорак асрдан кейин Бокиёйи Ноиний, XVIII асрда Давра Суфрачи Каромий рисолалари бизгача етиб келди. Бу рисолалар шарқ мусиқашунослигида назарий, амалий ва тарихий билимларни мужассам этган Фундаментал тадқиқотлар ҳисобланади. Аммо илмий манба сифатида яна бир қатор асарлар кўлланиб келинган. Булар номаълум (аноним) муаллифлар қаламига мансуб рисолалар, комусий (энциклопедик) асарлардан ўрин олган мусикий бўлимлар, тарихий номалар, хотиралар, лутатлар, адабий шеърий ва настрий бадиий китоблардир. Масалан, Давлатшохнинг «Газрикат-уш-шуаро»си, шу ном билан машҳур Мутрибийнинг тазкираси, «Гиёс-ул-лугот», «Бурҳони қотеъ» фарҳанглари, Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис»и ва баёзлар шулар жумласидандир. А.Фитратнинг китоби мусиқашунослик нуктаи назаридан баҳоланса, мусика илмининг пойдевор асарлари қаторига киради.

А.Фитратнинг китоби ўрта аср шарқ мусиқавий рисолалари тарзида ёзилган, яъни рисолада илми мусиқийнинг ҳамма анъанавий (Форобий давридан буён) қисмлари акс эттирилган¹. Бунда маълум даражада, ҳам ўтмиш, ҳам муаллиф яшаган давридаги мусикий назария амалиёт, ижодий муҳит инъикос бўлган.

Ўтмиш рисолаларни ўқиганда, бир муҳим ва қимматли жиҳат аён бўляяпти. Бу мусика санъакорларининг серкирра фаолияти ва шунга биноан тарбиявий-педагогик анъана-дир. Одатда ҳофиз ҳам созандалик килар, ҳам шеър илмини мукаммал билар эди. Шунингдек, аксарият, ўзи шеър ижод этиб, унга ўзи куй басталар эди. Созанда бир эмас, балки бир неча чолғуни ўзлаштирас эди. Мусиқада ўткир қоби-лиятли бўлганлар эса, гарчанд бошқа бир касб эгаси бўлсалар-да, бўш вактларида мусиқавий ижрочилик билан машғул бўлардилар. Рисолаларнинг варакларида ўнлаб чолғучи, мутриб, оҳангсоз ёки мусикий рисола ёзган жарроҳ, му-

¹ Яъни: мақомлар системаси, усуllар, мусикий асарларнинг жанр ва шакллари, ислохот, чолгулар, мусика ва ислом даври маънавияти.

нажжим, қози, шоир, муаррих, новвой, кулолчи, рассом ва хаттотларнинг исмларини учратамиз. Абдурауф Фитрат ўзи ҳам шундай алломалардан бўлган эди. Шоир, драматург, диншунос, муаррих, араб, форс, туркий тилларини мукаммал билган олим, шарқ мусиқий илмидан яқиндан хабардор бўлгани ҳолда, ушбу китобини ёзишга киришади. Бунга бир неча маңбалар (китобда уларнинг номлари ва муаллифлари ҳамда рисолаларнинг мазмуни ҳақида батафсил айтилган) замин яратган. Аммо Фитратнинг ўзи маҳсус мусиқий таълим олмагани туфайли, шу «камчилигини» қайта-қайта такрорлаб, буни бир ёқлама ҳал қилиш йўлини ахтарган. Бунда биринчидан, ма-комшуносларни йигиб, уларнинг билимидан фойдаланиш назарда тутилган бўлса, иккинчидан, Европа-рус илмининг XX асрда эришилган тадқиқот методикасини кераклигича ўзининг шарқий услубига боғлаш мақсад қилиб кўйилади. Ота Ғиёс ва Ота Жалолдек усталар «Шашма-ком»нинг йирик билимдони эдилар, «Бухоро шашма-коми»нинг асл пойттахтда шаклланган мусиқий мактабининг намояндлари эдилар. Улардан кейинги даврда ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришлар содир бўлди. А.Фитратнинг айтиларидек, «кун сайин ўзгаришлар кириб келди». Радио, граммофон, патефон, пластинкалар, кейин телевизор воситалари маиший турмуш жараёнига сингиб борди. Шу тариқа, янги таассуротлар юзага келди. Шарқ билан ғарб орасида жонли ришгалар кучая борди. Асрлар оша шарқ садолари ила шаклланган Бухоро Шашмақомининг XX аср II нчи ярмида янги матнлар, эстетик тус олиши табиийдир. А.Фитрат ўша эски мактабнинг охирги намояндларидан маълумот олишга интилди ва ултурди.

Стамбулда таълим олган фаслда Фитрат Шарқ ва Ғарб олимларининг ишларидан хабардор бўлади. Масалан, бир талай мақолалари ва китобида усмонли турк олимлари Рауф Яктобей, Куприлизода, француз олими Шарль де Савинюс (китобида шундай нашр этилган, аммо тадқиқотчи Б.Эргашев сўз «Сиёсий тарих» - «Политическая история»нинг муаллифи Шарль Сенюбос (1854-1942) деб аниклади), молдован-турк олими Контемирнинг асалари, фалсафий қарашлари, уларнинг китобларидан

цитаталар учрайди. XX аср илмий тадқиқот усулини ўзлаштиришда А.Фитратта Стамбул билан бирга Боку, Москва, Ленинград илмий мұхитининг таъсири бўлди. Бу таъсир бир хил даражада бўлмади. Чунки Стамбулга 24-25 ёшлик пайтида борган бўлса, Москва ва Ленинградга 37-38 ёшдаги етук олим, шунингдек, катта лавозимларда ишлаб, қаттиқ танқилларга учраган, бу лавозимлардан тушган давлат арбоби сифатида борган эди. Рус шарқшунослигининг энг кучли олимларидан Евгений Эдуардович Бертельс билан А.Фитрат орасида ажойиб дўстлик боғланади. «Отамнинг А.Фитратга муносабати ёдимда, - деди олимнинг ўғли Андрей Бертельс Москвада учрашганимизда. - У ҳамма олимлар орасида Фитратни, айниқса, ҳурмат килар эди. Сабаби, менимча, улар бир хил даражада интелигент (зиёли) эдилар».

Ленинград Университетининг профессори, форсий тиллар адабиёти мутахассиси Александр Николаевич Болдыревнинг гувоҳлигича, «Фитрат кабинетга кирганда, ҳаммамиз ўрнимиздан турар эдик»¹. Рус мусиқий фольклорчилари ва композиторлари В.А.Успенский ва Н.Н.Миронов билан бирга Фитрат Самарқанд ва Бухорода иш олиб боришиган. Москвада эса В.М.Беляев билан (Виктор Михайлович Беляев Чўлпоннинг яқин дўсти ҳам эди) мулокотда бўлиб олимнинг исми Фитратнинг китобида бир неча бор қайд этилган.

А.Фитратнинг китобида маълумотларнинг тузилиши, манбалардан фойдаланиши (цитата, жадвал тузиш, расм ва фотонусхаларнинг далил ёки иллюстрация сифатида келтириш усуллари) бу ҳаммаси, шарқ мусикавий рисолаларида янги XX асрда Ёвропа мамлакатларидан олинган услуби, тарзи бўлди. Янги даврда янги «илмий тил» қўллана бошланди, бу - шарқ мусиқашунослигида тарихий воқеа эди. Бинобарин, бу ҳол Абдурауф Фитрат номи билан (гарчи у мусиқашунос бўлмаса-да) боғлиқдир.

¹ А.Н.Болдырев билан Санкт-Петербург (Ленинград) Университетида махсус сухбат ўюнтирилган эди. Бу хотираварни академик, физик олим, Фитратнинг шогирди, (домла уларга ўзбек адабиётидан лекциялар ўқиган) кейинчалик Тожикистан Фанлар Академиясининг президенти Султон Умаров ҳам тасдиқлаган эдилар.

Бундан ташқари, яна бир қатор муаммолар, хусусан, мусиқавий чолғулар, оҳанг ва шеър муносабати мусиқий истилоҳот, Шарқ ва Ғарб орасидаги ижодий мулокот ва ўзликни саклаб қолиш каби масалаларда Фитратнинг қарашларини ўрганиш лозим.

А.Фитрат мусиқий чолғуларни йигишига қизикканини юкорида айтиб ўтдик. Буни Ғ.Изомий. С.Кароматуллахўжаева, К.Абдуқодирова, Фитратнинг 20-йилларнинг бошида рафиқаси бўлган Фотима Бурҳонова, унинг укаси композитор Мугаваккил Бурҳоновлар ҳам эслашади. Китобда «мен Ҳиндустондан соранг созини олиб келтирдим» дейилганини яна ёдда тутсак, бир неча саволлар пайдо бўлади. Ким шу ишни бажо келтирган экан? Қамок терговидаги «Дело»да Фитрат иккита ҳиндистонлик билан мулокотда бўлгани айтилган: бири Саид-афанди, табиб ва иккинчиси хинд ихтилотчиси Абдурат. «Дело»да шундай ёзилган. Аммо терговчиларнинг саводсизлигини, уларнинг аксари, ўзбек тилини билмаганлигини эсда тутсак, хинд исми балки хато ёзилгандир, деб тахмин қилиш мумкин. Аммо Севар опа билан (оналари Фитратнинг рафиқаси бўлган, опа домла қамалганида етти яшар эди) шу масалада суҳбатлашганимизда: «Домла ўзлари ҳам Ҳиндустонга борган бўлсалар керак, чунки мен, қизчага, жуда кўп ҳикоя қилиб, ҳиндулар кўп сут ичади, мевалар ейди деб айтиб берар эдилар. Ҳиндча кийимлари ҳам бор эди», - дедилар. Бухоро олим Салимий Фитратнинг ёшлигида отаси билан биргалиқда Ҳажта боргани, шу туфайли, Ҳожи Абдурауф унвонига сазовор бўлгани ҳақида «Мажмуада» ёзади. Бу китоб 1914 йилда нашр этилган эди. Ва унда «ҳозир Фитрат Стамбулда таҳсил олмокда», - дейилган. Тахмин қилиш мумкинки, Фитрат ё отаси билан Ҳажта борганида, ё Стамбулга жадидлар билан ўтганида Ҳиндистон орқали жўнаган. Ф.Бурҳонованинг амакилари Мазҳар ва Муаммир Бурҳон 1909 йилда Фитрат билан биргалиқда Стамбулга Бухородан кочишгани¹, ўшанда Ҳиндистонда

¹ С.Айтний. Тарихи инқилоби Бухоро. Душанба, 1987.

Файзулла Киличев. Мустакилликнинг фожиали йўли. - «Шарқ юлдузи», 1992, №7.

амакилари бир неча вақт яшагани ҳакида эслар эдилар. Фитрат билан бирга бўлса, мумкин ўшанда, ҳинд чолғуларига назари тушиб, уларни йигиши мақсади пайдо бўлган.

Ҳинд сози сорангни эса, 1940 йиллар Бухоро музика мактабида ўқиган, бўлажак профессор, шарқ чолғулари тарихи мутахассиси Ф. Кароматов кўрганларини эслайдилар.

Янги услуб сифатида А. Фитрат биринчи бўлиб критик текст (яъни бир неча нусха таққосланган), матн тузишни илмий масала даражасида бошлади. Бу масала Жомийнинг мусиқавий рисоласидан фойдаланиш баҳонаси билан юзага чиқди.

Профессор А. Фитратнинг бу китоби музикага оид ягона китоб бўлиб қолмаслиги керак эди. Умуман, унинг илмий меросига разм солсак, йирик-йирик муаммоларга бағишлиб, албатта, икки тилда ёзар эди. Аруз ҳакидаги тадқиқотлар бунга далилдир. Шеърлар, драмалар ҳам икки тилда яратилган. Ҳатто бир гўзалга бағишлиланган дардли икки шеъри бири ўзбекча, бири тоҷикча ёзилган¹. Ин-қилобдан олдинги жадидият оқими даврида ёзилган энг долзарб муаммоларга бағишлиланган публицистик асарлар ҳам икки тилда ифода этилган. Бунга «Ойна» журналиниң 1913-1914 йиллардаги сонлари гувоҳдир: Фитратнинг Стамбулдан юборилган ҳамма мақолалари тоҷик тилида ёзилган. Бундан ташқари, С. Айний «Тарихи инқилоби Бухоро» асарининг маҳсус Фитратга бағишлиланган бобида ёзадики, Туркияда яшаб ўқиган йилларида (1909-1914) Фитрат илк асарларини ҳаммасини тоҷик тилида яратган ва булар: 1. «Мунозара», 2. «Сайёҳи ҳинди» (иккови ҳам

¹ Каранг: «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993 йил, 8 январь, сон 2, бет 5. Ўзбек тилидаги шеър:

«Гўзалим. бевафо гулистоним,
Боғ умримда тозарайхоним,
Ғаму кайгуларин ҳужуминдан,
Сен эдинг меҳрубон нигаҳбоним»

сўзлари билан бошланади.

Тоҷик тилидаги шеър эса: «Рафт аз барам Ери нозанин!» дан бошланиб, «Хок бар сарам!» сўзлари билан тамом бўлган.

роман тарзида ёзилган); 3. Шеърлар мажмуаси «Сайҳа» (шу тўплам ҳақида Айний «унинг таъсири ўкувчиларга электр кувватидек бўлди» деб ёзган). 4. «Раҳбари нажот», 5. «Оила» - иккала монография ижтимоий ва иқтисодий раҳнамо эди, деб таъкидлайди С.Айний¹.

Бу умуман Ўрта Осиё, яъни Мовароуннахр ва Хурросон заминида шакланган маданиятнинг хислати, хусусияти, анъанаси ва меросидир. Мақсад шуки, Фитратнинг мусиқага бағишлиланган тадқиқотида иккинчи китоби тоҷик тилида ёзилиши керак эди. Ва шундай таҳминга асос бор. «Ўзбек қлассик мусиқаси ва унинг тарихи»нинг бош қаҳрамони Бухоро «Шашмақоми»дир. Иккинчи китобнинг бош қаҳрамони «Дувоздаҳ мақом» - бўлиши керак эди. Кайтариб бўлса-да, эслатамиз - Фитрат, Жомий рисоласининг факат бир нухсада эканлитига афсусланиб, «қўл-ёзманинг яна нусхалари бўлганида бир қанча муаммолар ечилар эди» дейди. Ҳамма Фитрат тадқиқ этган рисолалар, жумладан, Жомийнинг ҳам, Кавкабий ва Дарвеш Али Чангийнинг ҳам қўлёзмалари «Дувоздаҳ мақом»га бағишлиланган бўлиб, тоҷик қлассик мусиқасининг тарихи доира-сига киради. Аммо энг муҳими, совет давридан олдинги минг йиллик тарих Мовароуннахр ва Хурросон маданий меросини ташкил этиб, тор маънода миллий (ўзбек, тоҷик, афғон, усмонли турк, шимолий ҳинд ё эронлик) бўлмай, ҳаммаларига интеллектуал маънавий мерос, озуқа, мулк бўлган. Чунки уч тилда ифода этилган мерос, исломдан олдинги «Авесто» даврида ҳам, кейинчалик ҳам умуммintaқадаги «оилавий» буюк мерос бўлиб келди. Унинг бойлиги ва ранго-ранглиги ҳар бир катта шаҳарнинг ўзига хос усули, оҳангиди эди. Фитрат ҳам шу заминнинг фарзанди. Манбалар етарли даражада бўлмаганлиги сабабли ёзилмай қолган, аммо «Дувоздаҳ мақом» системасига, унинг тарихи, келиб чиқиши, булоклари ва ислом динидан олдинги ва ўрта асрлар даврлари хусусидаги илмий тадқиқот Фитратдек олимнинг ижодий режаларида бўлиши табиийдир. Бутун илмий меросининг мантиқи шунга олиб келаяпти.

¹ С.Айний. Тарихи иккисуби Бухоро. Б.101-102.

Шундай қилиб, хулосада А.Фитратнинг «Ўзбек класик, мусиқаси ва унинг тарихи» рисоласи бир минг саналик тарихни янги, XX аср даври билан туташ этган «кўп-рик» дейиш мумкин. Фитрат, ҳатто, биринчи ўзбек опера сига либретто ҳам ёзган эди. Бу ҳақда бухоролик фитрат шунос Б.Эргашев бизга шахсий мактубда лутфидан билдириди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси 1937 йил 6 октябрдаги сонида Шербек Алиев ва Ҳожи Шораҳмадовларнинг «Буржуазия миллатчиларининг санъат соҳасидаги зиёнчиликлари» номи билан эълон қилган мақолаларида «Тўлқун» операси саҳнага кўйилгани, унга либреттони Фитрат, музикасини Ашрафий ёзганлиги ҳақида маълумот берилган.

А.Фитратнинг исми ва мероси ман этилган қатағон йилларда, баъзи совет олимларининг шахсий ташаббуси ва мардлиги ила назардан четда қолмади. Профессорлар В.М.Беляев, Ф.М.Кароматов, Исҳоқ Ражабов, Т.С.Вызго Фитратнинг китобидан унумли фойдаланишди ва унинг тарихий аҳамиятини китобхонга етказиши. Ҳозирда эса, Отаназар Матёқубов, Александр Жумаевнинг изланишлари катта аҳамиятга эга. Умуман, А.Фитратнинг серкирра фаолияти қайси соҳада бўлмасин - хоҳ театр, хоҳ адабиёт тарихи, хоҳ ижтимоий ишлар соҳасида қай даражада ноҳақ қораланган бўлса-да, факат мусиқашуносликда қоралмай қолди. Шу билан бирга, инглиз олими Хенри Жорж Фармернинг илмий тадқиқотларида бир неча бор Фитратнинг китобига мурожаат этилган¹. Фармер бир мақоласида Фитратнинг умр йилларини 1886-1938 йиллар деб кўрсатган. Айниқса, охирги санани Фармер В.М.Беляевдан олгани тахмин этилади. Чунки бу икки олим ўзаро хат ёзишар эди, В.Беляев эса хавфли йилларда ҳам ёш олимларга Фитратнинг шу китобини тавсия этган эди. Жумладан, шу сатрлар муаллифига: «Агар умуман мусиқавий рисолаларни ўрганмоқчи бўлсангиз, Фитратнинг китобини топиб ўшандан бошланг» - деган эди. Мюнхенда яшаётган ватандошимиз, профессор Темур Ҳўжа ўғли Фитратнинг адабий ва умумий фаолиятига бағишланган тадқиқотларда

¹ H.G.Farmer. Meccan Musical Instruments.- In Journal of the Royal Asiatic Society. London, 1929, part III, p.489-507.

уни мусиқашунос сифатида тилга олади. Америка, Германия, Польша, Япония, Тожикистон, Россияда XX асрни ўрганаётган муаррихлар Фитратнинг мусиқа меросига қизиши билдиришмоқда.

«Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» бир неча тилга таржима бўлиб, нашр этилгани ҳакида Темур Хўжа ўғли лутфан юборган мақоласидан маълум бўлди.¹ Аммо Фитратнинг мусиқага оид ҳамма мақолаларини топа олмадик.

Фитрат кўп ишлар килишга улгурди. Аммо яна кўпига улгурмади. Абдурауф Фитрат атиги 51 йил умр кўрди. Эллик иккинчи ёши эса, қамоқда тирикларча кўмилган даҳшатли йили, ҳисобга кирмайди...

¹ Timur Kocaoglu. Bugune nadar az taninan Harezm turk edebi dili ve ozellirleri. (1920-1924). - Istanbul Turkiyat Arastirma Merkezi, 1987.

Д.Х. Зиёева

Туркистонда халқ ҳаракатлари ва жадидлар

(1916 йил воқеалари мисолида)

Туркистон истиклоли ва тараққиёти ғояси жадид тараққийпарварлари фаолиятининг асосий ва бош мақсади бўлиб, бу йўлда ватанимизда XX аср бошларида, аникроғи, дастлабки чорагида ва, айниқса, 1916-1924 йилларда олиб борилган оммавий халқ ҳаракатларидан уларнинг четда турмаганликлари, шубҳасиздир. Жадидларнинг, дастлаб, маърифатпарварлик йўналишида бошланиб, тобора сиёсий тус олиб борган фаолиятларида Туркистон халқларининг умуммиллий ҳукуқлари учун кураш масалалари тобора аник намоён бўлиб, пировардида, олий мақсадга айланди. Бу жараённи Туркистонда сиёсий, миллий ҳукуклар учун курашлар йил сайин, ой сайин ва кун сайин кескинлашиб борган 1916-1920 йиллардаги воқеалар ҳамда уларда жадид тараққийпарварларининг тутган ўрни ва роли мисолида кузатиш мумкин.

Бу даврда Туркистон мустакиллиги учун олиб борилган курашларнинг дастлабки энг йирик тўлкини - 1916 йил қўзғолонӣ эди. Россия империясининг мустамлакачилик истибодига қарши Туркистон халқларининг энг кескин ва оммавий қаршилиги бўлган бу қўзғолонда, қарийб ярим аср мобайнида эзилиб, хўрланиб, таҳқирланиб келган аҳоли қудратли тўфондек кўтарилиб, бутун ўлкани ларзага келтирди. Мустамлака кишсанлари исканжасида, тинимсиз меҳнат, очлик, қашшоқлик азобида эзилиб келган халқ бор кучини тўплаб қўзғалди. Бутун Туркистонни қамраб олиб, мустамлакачиларни даҳшатта солган, уларнинг илдизига болта урган бу қўзғолон халқ қудратини, унинг нималарга қодир эканлигини намоён этди. Энг чекка қишлоқларда камида 400-500, йирик шаҳарларда эса 2500-5000 қишилик оммавий ғалаёнларга уюшган халқ қаршилиги мустабид ҳукуматни ларзага солиб, саросимада қолдирди. Туркистонни бир неча ҳафта давомида идора этишга қодир

бўлолмай қолган мустабид ҳукумат ўлкада ўз ҳукмронлигини саклаб қолиш учун бу қўзголонни бостиришга жуда катта ҳарбий кучларни жалб этди. Ўлкада ҳарбий ҳолат, яъни уруш даврида жорий этиладиган ҳолат эълон қилди. Дарҳақиқат, бу мустабид ҳукуматга қарши қаратилган, йиллар давомида етилиб келган ва тўсатдан бошланган халқ уруши эди.

Россия императорининг Туркистондаги 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркак аҳлини фронт орти ноҳияларида мудофаа иншоотлари қуриш ишларига ёпласига сафарбар этиш ҳақидаги 1916 йил 25 июнь фармони ижросига каршилик сифатида бошланиб, оммавий халқ урушига айланган бу қўзғолонда мазлум халқ мустабид тузум ва давлатнинг зулм ва зўравонлигидан кутулиш, унга чек қўйиш мақсадини кўзлаганлиги, шубҳасиз. Лекин сиёсий ва марказлашган раҳбарликсиз бошланиб, ниҳоятда тарқоқ, аммо оммавий тарзда кечган бу қўзғолон кучлар нисбати тенг бўлмаганлиги туфайли, шафқатсизлик билан бостирилди. Қўзғолон кўтарган халқдан эса шафқатсиз ўч олинди.

Кудратли тўфондек кўтарилиган бу қўзғолондан халқ манфаатлари йўлида фидойиларча қайғуриб юрган жадидлар четда турмагани, шубҳасиз. Туркистонда 1916 йил қўзғлони ва совет ҳокимиятига қарши курашларда фаол иштирок этган, 20- йиллар бошида мустабид ҳукуматнинг тазиик ва таъқибларидан қочиб, ўлкани тарк этган муҳожир ватандошимиз Абдулла Ражаб Бойсуннинг гувоҳлик беришича, Россия императорининг мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонидан хабар топган жадидлар Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳузурида тўплангандар. Жадидларнинг энг фаол ва таникли вакиллари Мунавварқори Абдурашидхонов, Паҳлавон Ниёз, Усмон Хўжа, Қори Комил ва Обиджон Маҳмуд иштирокида бўлиб ўтган йигилишда аҳолини мардикорликка олишга қаршилик кўрсатиш, қўзғолон уюстириш ва Туркистон учун хуррият талаб этишга қарор қилинган¹.

¹ Abdullah Recep Baysun. Turkistan Milli Mərekətleni. İstanbul. 1945. 18-19 бетлар.

Жадидларнинг 1916 йил қўзғолони давомидаги фаолиятини чукур ўрганиш ушбу муаммо тарихшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигини таъкидлаш билан бирга, совет адабиётларида бу масала мутлақо нотўғри талқин этилганини, жадидлар «хоинлик»да, фармон ижросида мустабид ҳукуматга ёрдамлашганлиқда айбланганигини кўрсатиб ўтиш лозим¹. Ваҳоланки, Туркистоннинг энг фаол ва таникли жадидларининг бу масалага, фармонга ва ҳукумат фаолиятига муносабати ҳакида сақланиб қолган аниқ маълумотлар бундай даъволар асоссиз эканлигини кўрсатади. Туркистон генерал губернатори маҳкамаси фондида сақланиб қолган расмий хужжатларда қайд этилишича, жадидлар ҳакиқатдан ҳам мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармонни бекор қилиш мақсадида саъй-ҳаракатлар олиб борганлар, Россия Давлат Думасига шундай талаб билан мурожаат этиш учун Туркистондан таникли зиёлилар - Мустафо Чўқаев ва Убайдулла Асадуллахўжаев (Тошкентлик жадид) Петербургта ташриф буюрганлар². Бу ташриф билан боғлиқ харажатлар учун зарур пул маблағи эса турли вилоятларда жадидлар ва зиёлилар саъй-ҳаракати билан тўпланган. Расмий хужжатларда қайд этилишича, Тошкентда бу маблағни тўплаш билан Мунавваркори Абдурашидхонов шугулланган³. Петербургга ташриф буюрган Туркистон зиёлилари Давлат Думасига мурожаат этиб, фармонни бекор қилиш, ўлкадаги аҳволни ўрганиш учун маҳсус комиссия юборишни талаб қиласидилар⁴.

1916 йил 17 августда Самарқандга Россия Думаси аъзоси Кутлуг-Муҳаммад Ботиргареев-Тевкелев, 22 августда эса Дума аъзоси Александр Фёдорович Керенский ташриф буюрадилар. Депутатлар М. Чўқаев ҳамкорлигига (у таржимон ҳам эди) 23 августда Жиззахда, 25 августда Андижонда, 26 августда Кўқонда, 27 августда Тошкентда

¹ УзР Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Тошкент 1962, 208-209, 399 бетлар.

² УзР МДА. Туркистон генерал-губернатори Маҳкамаси фонди, 31 рўйхат, 1139 йигма жилд, 3-саҳифа.

³ Уша ерда.

⁴ Уша ерда.

бўлиб, маҳаллий аҳоли билан юзма-юз, полиция ва маъмурият вакиллари иштирокисиз учрашиб, сұхбатлашадилар¹. Бундай сұхбатларда депутатлар Туркистонда содир бўлган галаёнлар ва уларнинг сабаблари, ҳукуматнинг ўлкада олиб бораётган сиёсати, қўзғолонни шафқатсизлик билан бостириш давомидаги жинояткорона фаолиятини энг ишончли манба - халқнинг арзу-доди, шикоят ва кўрсатмалари асосида аниклайдилар, ҳарбий қисмларнинг ваҳшиёна ўч олиш сиёсатининг натижалари - харобалар ҳамда вайроналарни ўз кўзлари билан кўрадилар. Айниқса, Жиззахдаги вайронагарчиликлар уларни даҳшатта солади. Андижон, Тошкент, Кўқон шаҳарларида депутатларнинг халқ вакиллари билан учрашувларида зиёлилар бу муаммо муҳокамасини Россия Давлат Думасининг 5-сессияси мажлисига киритиш масаласини кўядилар. Уларнинг талаб ва илтимослари билан бу масала Давлат Думасининг ўша йили - 1916 йил, 13 ва 15 ноябрь кунларида бўлиб ўтган ёпик мажлисида муҳокама этилади. Мажлисда Дума депутатлари Туркистонга сафар чоғида халқ ва унинг вакиллари берган кўрсатмалар асосида маъруза қилиб, ўлкада юз берган воқеалар ҳакида ахборот берадилар. Ушбу мажлиснинг тўла сақланиб қолган ёзма баёноти² 1916 йил воқеаларига доир энг муҳим манба бўлиб, қўзғолоннинг жуда кўп масалаларини ойдинлаштиришга хизмат қиласди. Ёпик тарзда ўтказилган ушбу мажлисда Россия ҳукуматининг Туркистон маъмурияти ва уни вакиллари томонидан ўлкада амалга оширилган адолатсизликлар, зўравонлик, талончилик, пораҳурлик, шавқатсиз ўч олиш сиёсатига доир маълумотлар рўйи-рост ошкор этилади. Бу маълумотлар бошқа манбаларда, хусусан, ўша давр матбуотида ва расмий ҳужжатларда мутлақо эътироф этилмаган. Чунки маъмурият ўз жиноий фаолиятини ошкор этишдан эмас, балки уни хаспўшлаб, яширишдан манфаатдор эди. Расмий манбаларда - маъмуриятнинг хисобот ва баёнотларида Туркистонда содир бўлган воқеаларда маҳаллий аҳоли айбланганд, ҳукуматнинг фаолияти

¹ ЎзР МДА ТГГМ фонди, 31 рўйхат, 1139 йизма жилд, 1-саҳифа.

² ЎзР МДА ТГГМ фонди, 31 рўйхат, 1100 йизма жилд, 253-379 сахифалар.

эса «мажбурий чора» сифатида кўрсатилган, кўзғолонни бостириш давомида халққа етказилган моддий талофотлар, беҳисоб курбонлар яширилган. Матбуот саҳифаларида эса бутун ўлкани қамраб олган ғалаёнлар ҳатто эътироф ҳам этилмаган, Туркистон аҳолиси гўёки фармон ижросига «бажонидил киришгани» ҳақида сохта хабарлар бериб борилган¹.

Бундай вазиятда, 1916 йил воқеаларининг сабаб ва оқибатлари ҳақидаги ҳакконий маълумотларни аниқлаш амри маҳол эди, албатта. Бундай маълумотларнинг Дума мажлисида ёпиқ тарзда бўлса-да эътироф этилиб, эълон қилиниши ҳамда унинг ёзма баёнотининг сакланиб қолиши эса жадидларнинг хизмати бўлиб, ҳақиқий аҳволни аниқлашда жуда катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Мухим тарихий манба сифатида баҳоланишига лойик ушбу ёзма баёнотдан маълум бўлишича, Дума депутатлари жадидлар саъй-ҳаракати ва раҳбарлигида халқ ҳамда унинг вакиллари билан бўлган учрашувларда мустабид маъмурятнинг порахўрлигини, мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги император фармонининг ноконуний асосда қабул қилингандигини, унинг ижроси ўлка аҳолиси учун жуда оғир иқтисодий ва моддий қийинчиликлар тудришини аниқ мисолларда баён этганлар. Кўзғолон кўтарган халқ ҳукумат қўшинлари томонидан шавқатсиз бостирилиб, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ваҳшийлик билан жазоланганилигини Жиззах ва Еттисувдаги аҳвол мисолида таърифлаб берганлар. Жиззах аҳолиси ва халқ вакиллари, зиёлилар билан бўлган суҳбатларда аниқланган маълумотларига асосланиб, бу ҳақда депутат А.Ф.Керенский куйидагиларни қайд этган: «...Жиззахда ғалаёнлар рўй берганда бу ерга пиёда, артиллерия, кавалериядан иборат жазо отрядлари юборилди ва уларга йўлда учраган маҳаллий аҳолини кириб ташлаш буюрилди... Мен Жиззахда аввал ҳам бўлганман. Унинг вайроналарини ҳам бориб кўрдим... Мен, жаноблар икки фронтда - Ғарбий Фронт ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин буна-

¹Туркестанские ведомости. 1916, июль-август.

қасини кўрмаганман...»¹. Депутатлар нуткида қайд этилган мустабид хукумат ваҳшийлиги ҳакидаги фактлар хукмрон миллат вакилларини ҳам даҳшатга согани мажлис баёнотида қайд этилган луқма (реплика)лардан маълум бўлади. Оддий инсоний ҳис-туйғудан маҳрум бўлмаган ҳар қандай шахсни (миллати, маслагидан қатъий назар) ларзага солувчи бу ваҳшийликларни бевосита бошидан кечирган мазлум халқ - аждодларимизнинг фожиали аҳволини тасаввур этиш кийин эмас.

Ана шундай оғир ва фожиали дамларда халқ билан бирга бўлган, унинг манфаатларини ҳимоя қилган фидойи кишилар орасида жадид тараққийпарварлари алоҳида ажralиб турганлар. Шу пайтга қадар, халқни маърифат орқали уйғотиш, тарбиялаш, тараққиётта етаклаш максадида фаол саъй-ҳаракатлар олиб борган жадидлар 1916 йил кўзғолони мисолида халқ қудратини, унинг иродасини ва кураш лаёқатини англаб этиш билан бирга, бу халқни озодликка олиб чиқиш, хурриятта эришиши учун курашиш зарурлигини тушуниб етдилар. 1916 йил кўзғолонидан кейин бир неча ой ўтгач, Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ушбу тарихий воеага бағишилаб матбуотда чоп этган мақоласида² «Ҳақ олинур.. курашиб, қон тўкиб олинур...» деган холосага келди, хуррият, озодлик ва миллий ҳукуклар учун курашиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, жадидлар хурриятта эришиши учун халқни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва миллий истиқлол учун кураш йўлида уюштириш заруриятини ҳам чукур англаб етдилар. Туркистонда 1917 йилдан бошлиб кескин ривожланиб кетган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, курашлар тўлқинида тобланиб борган жадидларнинг янги мустабид тузум - совет ҳокимиятига қарши ўлқада олиб борилган курашлардаги ўрни ва роли, уларнинг бу йўлдаги фаолияти айнан шу мақсадларга бўйсундирилган эди.

¹ ЎзР МДА. ТГГМ фонди, 31 рўйхат, 1100 йигма жилд, 253-379 саҳифалар.

² Мунавварқори. «Макбул курбонлар» // Нажот. 1917. 26 март.

Туркистон мухторияти - жадидлар миллий-демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси

1917 йилда Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг муҳим масалаларидан бири, бу Туркистонда янги бошқарув усулидаги давлатчиликни ташкил этиш эди. Ўша тарихий шарт-шароитларда миллий давлатчиликка эга бўлиш ғояси турли ташкилот ва партияларнинг ўзаро курашида асосий қуролга айланган эди. Жадидларнинг интилишлари Туркистонда федерация асосида миллий-демократик давлатчиликни барпо этишига қаратилган эди. Жадидларнинг мухторият (автономия), давлатчилик тўғрисидаги ғоялари ўша пайтдаги Россиядан мавжуд сиёсий-ижтимоий ва инқилобий аҳвол билан боғлиқ ҳолда шаклланиб келди. Улар мустамлака халкларнинг Россиядан бутунлай мустакил бўлиб чиқиб кетишларини ҳали кун тартибига қўёлмаган эдилар. Чунки Россиядек қуратли империя чангалидан аста-секинлик билан, оқилона нозик сиёsat юргизиш орқали бутунлай мустақилликка эришиш мумкинligини жадидлар яхши англағанлар.

Бироқ жадидларнинг давлат тизими ҳақидаги қарашларининг ҳаётда амалга ошмай қолишига, большевикларнинг ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллашлари тўсик бўлди.

Туркистон большевиклари ва сўл эсерлари мусулмон аҳолисининг ўлкани бошқаришга бўлган ҳуқуқини инкор килиб, ҳокимият тўғрисидаги масалани келишиб ҳал қилиш имкониятини йўқка чикардилар ва шу билан ўлка сиёсий ҳаётидаги кучларнинг келгусида мухолиф туриб қолишини олдиндан муқаррар қилиб кўйдилар.

Тошкентдаги совет комиссарияти Туркистон мусулмонлари ваколатли съездининг мамлакатни идора этишни ерли ҳалқ қўлига топшириш ҳақидаги қарорни рад этгандан кейин ва ноябрда Тошкентда чакирилган совет съезди инқилобий кўмитасида Туркистон ерли аҳоли вакиллари

киришини истамаганидан кейин, «Марказий Шўрои Исломия» ташкилоти миллий масалани ҳал этишга, мустақил ҳаракатни бошлашга мажбур бўлди. Бироқ Тошкентда мустаҳкам жойлашиб олган совет комиссарияти қизил кўшин кучига таяниб, Миллий марказ деб ҳисобланган (Марказий Шўрои Исломия) нинг ҳаракатига тўскинилик килди. Шундан кейин Миллий Марказ ўз ҳаракатини Кўқондан туриб давом эттиришга қарор қилди.

26 ноябрдан Кўқон шаҳрида Ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди иш бошлади. Унда ўлканинг барча минтақалари ва кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакил ҳозир бўлди.

Кун тартибига ўлкани бошқариш шакли, Туркистон Марказий мусулмонлар шўросини қайта сайлаш, Туркистон Таъсис мажлиси, милиция, молия ва бошқа масалалар қўйилди.

Мандат комиссиясининг аъзоси Т.Норбўтабеков катнашчиларни вакиллар таркиби билан таништирди. Бу пайтда съездда Фарғонадан - 100, Сирдарёдан-22, Самарқанддан- 21, Бухородан - 4 ва Каспий ортидан - 1 вакил катнашаётган эди. Вилоят вакилларидан ташқари съездда, шунингдек, «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», мусулмон ҳарбийлари шўроси, Ўлка яхудийлари жамияти (ПАОЛей Сион), шунингдек, маҳаллий яхудийлар вакиллари қатнашди¹. Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз чикишида съезднинг хукукий жиҳатдан қонунийлиги ҳақида шундай деганди: «Съезд қарорлари шунинг учун ҳам катта мавқега сазоворки, унда Туркистоннинг оврупалик аҳолиси вакиллари ҳам катнашмоқда».

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг таъкидлашича, ҳайъатни ҳам шундай тузиш керакки, унга турли мусулмон гурӯҳлари билан бирга рус, яхудий ва бошқа ҳалқларнинг вакиллари киритилсин. Вакиллар уни қўллаб-кувватлайди. Андижон вакиллари шу фикрга қўшилади, ундан сўнг сўзга чиққан Кўқонлик вакил О.Маҳмудов ҳам «Ҳайъатни сайлашда вилоятлар бўйича эмас, балки алоҳида диний

¹ «Улугъ Туркистон», 1917, 8 декабрь

қарашлар ва миллий гурухларни хисобга олган ҳолда, яъни билимдон, ўкувли ва ғайратли кишиларни танлаб олиш керак», дейди¹.

Мухокамадан кейин 13 кишидан иборат ҳайъат сайлашга келишиб олинди. Очик овоз билан куйидаги тартибда ҳайъат сайланади: М.Чўкаев, У Хўжаев, Ю.Агаев, С.Акаев, С. Герцфельд, О.Махмудов, А.Ўразаев, И.Шоаҳмедов, Кишчинбаев, Камол Қози, Абдул Бадин, Тиллиев, Каримбоев.

Съезднинг уч кунлик фаолияти мобайнида, вакиллар Туркистоннинг бўлғуси сиёсий тузуми тўғрисида қатъий бир фикрга келишди. Деярли яқдил овоз билан (икки киши қарши) 1917 йил 27 ноябр куни кечаси соат 12да қабул этилган қарорда, жумладан, шундай дейилади: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган ҳалкларнинг ўз ҳукукларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Федератив Россия республикаси таркибида худудий жиҳатдан муҳтор деб эълон қиласи, шу билан бирга муҳториятнинг қарор топиш шаклларини Таъсис Мажлисига ҳавола этади». Шундан кейин съезд «Туркистонда яшаб турган миллий озчилик аҳоли ҳукукларининг муттасил ҳимоя килинишини тантанали равишда эълон қиласи».

28 ноября ташкил топаётган мазкур давлатнинг номи аникланиб, «Туркистон Муҳторияти» деб аталадиган бўлди². Ҳокимият таркиби эса куйидагича шаклланиши лозим эди: Таъсис съезди чақирилгунга қадар, ҳокимият тўла равишда Туркистон Мувакқат Кенгаши ва Туркистон Ҳалқ (миллий) Мажлиси қўлида бўлади.

Мувакқат Кенгаш аъзоларидан ҳукumat тузилиши керак эди. Унинг таркибига эса 12 киши таклиф этилди. Ҳалқ Мажлисида белгиланган 54 ўриндан 18 ўрин ўлқадаги турли овруполи ташкилотларнинг вакиллари учун ажратилиди. Бу эса учдан бир ўрин овруполик аҳоли вакил-

¹ «Туркестанский вестник», 1917, 9 декабрь

² «Улуг Туркистон», 1917, 8 декабрь, «Туркестанский вестник», 1917, 1 декабрь.

ларига тегишини билдирад эди.

Демократик руҳдаги миллий зиёлилар съездда қабул қилинган дастурий хужжатларга ўзига хослиги билан ажраби турган демократик ғояларни киришиди. Аммо съездда турли сиёсий гурухларнинг бир фикрга келиши жуда қийин кечди. Матбуотнинг гувоҳлик беришича, съезд кескин тортишувлар билан ўтган. Ҳатто Шерали Лапин бошчилигидаги уламочилар вакиллари ҳайдаб чиқарилган. Умуман, кураш уламочилар билан радикал унсурлар орасида бораёттан эди. Бирок, ўзаро келишувлардан сўнг бир тўхтамга келиниб, Шерали Лапин бошчилигидаги уламочилар съездга қайтарилади.

Ниҳоят, съезд қатнашчилари ўзаро баҳсларга чек кўйиб, сиёсий гурухбозликни тўхтатадилар. Съездда Мувакқат ҳукумат таркиб топгани бунинг яққол далилидир. Унга кўйидаги кишилар киритилган эди¹.

1. Мухаммаджон Тинишкаев - бош вазир, ички ишлар вазири, 2- чакириқ давлат думасининг аъзоси, Туркистон мувакқат ҳукумати комитетининг аъзоси, мухандис.

2. Ислом Султон ўғли Шоаҳмедов (Шагиаҳмедов) - бош вазир ўринбосари, Бутунrossия Мусулмонлар Кенгаши марказий қўмитасининг аъзоси, хукукшунос.

3. Мустафо Чўкаев - Туркистон Мусулмонлар Кенгаши марказий қўмитасининг раиси, хукукшунос.

4. Убайдулла Хўжаев - ҳарбий вазир, Бутунrossия Мусулмонлар Кенгаши МҚ аъзоси, хукукшунос.

5. Юрали Агаев - ер ва сув бойликлари вазири, агроном.

6. Обиджон Махмудов - озиқ-овқат вазири, Кўкон шаҳар думасининг раис ўринбосари, жамоат арбоби.

7. Абдураҳмон Ўразаев - ички ишлар вазириининг ўринбосари, хукукшунос.

8. Соломон Абрамович Гердфельд - молия вазири, хукукшунос.

Шу ўриннда муваққат ҳукумат таркибига нима учун 12 эмас, балки 8 киши кирди, деган савол туғилади. Чунки яна 4 киши - овруполик аҳоли вакиллари ичидан номзодлар кўрсатилгач, қайд этилиши кўзда туғилди.

¹ «Улуг Туркистон», 1917, 13 декабрь

Ўша кунларда мувакқат Ҳукумат Кенгаши - Милли мажлис ҳам сайланди. «Шўрои Уламо»нинг раҳбари Шерали Лапин ҳам кенгаш таркибига раис сифатида кири-тилган эди, аммо унинг ўзи бу таклифни рад этади. Мувакқат Кенгаш таркибига съезд томонидан қўйидагилар сайланади: Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Садриддинхон Шарифхўжаев, Кўнғирхўжа Хожинов, Исматулла Убайдуллин, Саидносир Миржалилов, Саид Жаъ-фарбой Саидов, Ислом Султон ўгли Шоаҳмедов, Абдураҳмонбек Ўразаев, Хидоятбек Юрали Агаев, Носирхонтўра Комолхонтўраев, Миродил Мирзааҳмедов, Тошхўжа Ашурхўжаев, Абдулқодир Кушбегиев, Обиджон Махмудов, Жамшидбой Қорабеков, Соломон Абрамович Герц-фельд (Герцшвельд), Абдусамад Абдусалимов, Убайдулла Дорбисалин, Мусо Акчурин, Мустафо Мансуров, Махмудхўжа Беҳбудий, Иброҳим Долшин, Мухаммаджон Тинишишпаев, Ҳалил Ширинский, Толибжон Мусабоев, Алихонтўра Тўраев, Собиржон Юсупов, Одилжон Умаров¹.

Съезд томонидан Туркистон мухторият деб эълон қилиниб, давлат тузилмалари шакллана бошлади. Бу улкан аҳамиятли воеа «Улуг Туркистон» газетасида, айниқса, одилона баҳоланади. Газета бу воеани шарҳлар экан, шундай ёзади: «Большевиклар ҳукуматининг бошлиги Ленин ҳам сўнгти фармонида Россияда яшаган миллатларда ва шул жумладан, қозоклар ила Туркистон мусулмонларига мухторият эълон қилиниб, ўз ишларини қўлларига олтурға мумкин бўлғанлигини баён этди. Шунликдан бу кун Туркистон съездининг Туркистон Мухториятини эълон қилиши ҳам халқ, ҳам марказ ҳукуматининг тилагига хилоф тутулдир. Зотан, сўнгги вақтда майда миллатлар ҳаммаси мухторият эълон қилиб ёталар. Нуфуслари бошқаларга қараганда юздан етмиш беш бўлғон (75 фоиз) миллатлар ерлик мухторият эълон қилурға ҳакли эдилар. Сўнгги коидаларға кўра юздан олтмиш ташкил қилған (60 фоиз) миллатларда мухторият эълон қилувға ҳаклик санала бошладилар. Ҳол шу ила юзга ташкил қилған (95 фоиз) Туркистон мусулмонларининг Мухторият эълон қили-

¹ «Эл байроғи», 1917, 9 декабрь; «Улуг Туркистон», 1917, 18 декабрь

шиға ҳақлари борлиғин ҳеч ким инкор қила олмаса керак. Биздан вакил чиқарилған эди ва ёхуд биз бу ишни эртарок күрамиз деб күришурда ўринсиз, ҳам мусулмон манфаатига хилофдур. Саккиз ойдан бери ерли Туркистаннинг муҳторияти ҳақинда сўйлаб келиб, келубда бутун муҳториятга қарши чиғалар ва ёхуд тасдиқ этмасдан монеъ бўлувға экан, бу иш мусулмонларнинг бутун орига ва иъмон ва эътиқодлариға қарши болта чопадиган сўз бўла жақдур. Мусумонлар букун муҳторият эълон қиласлар экан, бунинг ила ҳеч кимнинг ҳукуқига тегмаслар, бу билан Туркистан Русяядан асло айрилмай, балки унинг бир мустақил аъзоси бўлиб қолади. Туркистонда яшаган рус, яхудий, армани ва бошқа ҳар миллатга ўзининг ҳаки берилар. Улар ҳам Туркистан Муҳториятининг тенг ҳукукларни бир аъзоси бўлиб яшажаклар.¹

Умуммусулмон съездининг 27 ноябрда қабул этилган қарори Тошкентда анча шов-шуввларга сабаб бўлди. Жумладан, 1917 йилнинг 6 декабря Жомеъ масжидида ўтказилган митинг шундан гувоҳлик беради. Унда жами 60 минг киши қатнашган эди. «Улуғ Туркистан» газетасининг хабарига кўра, «Масжиднинг ички саҳни ва томлари одам билан лик тўлган». Митинг Сайдгани Маҳмуд раислигида ўтган. Мунавварқори, Мулла Одил, Шерали Лапин ва бошқалар унинг ўринбосарлари эди. Газетанинг таъкидлашича, йиғилганлар Муҳториятни бир овоздан маъқулладилар ва бундан бўён Туркистонда ана шу Муваққат ҳукуматдан бошқа ҳеч қандай ҳукуматни тан олмасликка қарор қилди. Шундан кейин 60 минглик митинг «Омин, Оллоҳу акбар!» деб фотиҳа ўқиб, Халқ Кенгашига содик қолишга қасамёл этган.

Митингда сўзга чиқкан кишилар Совет ҳокимияти тўғрисида ҳам ўз фикрларини билдиришиди. «Улуғ Туркистан»нинг ёзишича, Халқ комиссарлари Советининг (ХКС) шаҳар Думасини тарқатиб юбориш ҳақидаги буйруғи «бугунги кунда мутлақо мумкин бўлмаган ҳодиса», деб баҳоланганди. Чунки, «300 минг киши номидан демократик йўл билан тўрт босқичли сайлов ҳақидаги қонунга мувоғик

¹ «Улуғ Туркистан», 1917, 8 декабрь

сайланган Тошкент Думаси аъзолари ўрнига 700-800 солдат ва ишчилар Александров паркида сайлаган 4-5 комиссар билан алмаштирилган, холос".¹

Айни пайтда, митингда сўзлаган нотиклар Туркистон Мухториятига қарши чиққан ва мусулмон бойларида мавжуд бўлган мануфактурани мусодара қилишни талаб қилган мусулмон ишчилари ва уларнинг касаба уюшмасини танқид қилдилар. Уларнинг фикрича, «мусулмон ишчиларининг рус большевиклари билан яқинлашуви мусулмонларнинг манфаатига зиддир».

Митинг якунида бир овоздан ушбу қарор қабул қилинди: «Биз мусулмонлар синф ва даража айирмаларига қарамасдан, Туркистон Мухториятини олқишилаган ҳолда, Кўқондаги фавқулодда съезд тарафидан эълон этилган Туркистонда халқ ҳукумати вужудуга келтирув ҳақидаги карорга бутун вужудумиз бирла қўшилиб, ишонамизки, буюк Русия революцияси тарафидан эълон этилган ҳокимияти асосларининг суюнчи ҳақини Русиянинг бирлашган демократияси Туркистон халқининг тарафидан бир оғиздан баён этилган тилагига қўшилур, ҳам бирга истиклол йўлида қадам босиша ва ўз кунимизни ўзимиз кўра бошлашда ёрдам этар.

Шунга иъмон этган ҳолда, биз ўлкадаги ҳамма мусулмонларни Мухториятли Туркистон ҳукумати атрофида жипсласшиб, ҳозирги ўлка идораси бошида бўлиб турган мувакқат ташкилотлар билан қандай бўлмасин душманларча муомала қилувдан сакланишга даъват қиласиз.

Туркистон Мухторияти амалий суратда тезрок вужудга келиши учун тинч ва тотувликни саклашимиз керак.

Яшасун Мухториятли Туркистон!.²

Туркистон ўлкасининг турли шаҳар ва кишлoқларида Мухториятни олқишилаб, кўп минг кишилик намойишлар бўлиб ўтди.

1 декабрда Наманган уездидаги 100 мингта қадар киши иштирок этган намойиш бўлиб ўтди. Унда намойишчиларнинг байроқларига «Яшасун мухториятли Туркистон

¹ Ўша жойда

² «Улут Турсистон», 1917, 10 декабрь

ва унинг хукумати!» деб ёзилган сўзлари ҳилпираб турар эди.¹

6 декабрда Жалолобод волостига қаравали Хонобод қишлоғида ҳам Мухторият эълон этилиши муносабати билан намойиш ўтказилди. Бир неча мингдан ортиқ киши Фозилхон мозоридан то бозорга қадар йиғилиб турди. Намойишда Абдулла эшон ва Ҳусейн Валидий сўзга чикиб, ҳалққа Мухториятнинг ташкил этилиши, мақсадларини тушунтиришди.

7 декабрда Кўқон шаҳрининг 42 жамоат ташкилотлари номидан йиғилган вакијларнинг кўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда қабул қилинган қарорда қўп миллионли Туркистон ҳалқига табриклар йўлланди.

Самарқандда бўлиб ўтган вилоят Совети съездидаги йиғилганлар Туркистон Мухториятига кўшилишга қарор килдилар ва Ҳалқ Мажлиси таркибига 5 вакил сайладилар.

Каспийорти вилоятида ҳам съезд чақирилиб, унда Туркистон Мухториятига кўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Миллий матбуотда Туркистоннинг таникли маърифатчилари, сиёсий ва жамоат арбоблари ўз мақолаларида мухториятни табрикладилар. Улар орасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғли, Абдулҳамил Чўлпон, Ислом Шоаҳмедов, Мунавварқори ва бошқалар бор эди.

Жумладан, Абдурауф Фитрат «Мухторият» деб номланган мақоласида ички туйғусини қўйидаги сўзларда ифодалайди: «Туркистон мухторияти ... Темур ҳоқонининг чин болалари ёнида, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан угурли, мундан мукаддас, мундан суюнчили бир сўзни борлиғига ишонмайман. Туркистон туркнинг қонини қайнатувчи, иъмонини юксалттувчи бир қувват бор эса ёлғуз шу сўзда бордур: Туркистон Мухторияти!

Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, оғзимиз қопонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, но-

¹ Ўша манба 1917, 13 декабрь.

² Ўша жойда.

мусимиз ғасб қилинди, ҳукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёғлар остига олинди - тузумли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар буйрутга бўйсундик, битун борлиғимизни қўлдан бердик. Ёлғиз бир фикрни бермадик, яшунтурдик, иъмонларимизма авраб сакладик: Туркистон Мухторияти!

Маҳкама эшикларидан йиғлаб қайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртгувчи жандарманинг тепгуси билан йикилғанда, юртларимиз ёндурулғанда, диндошлиримиз осилғанда онгимиз йўқолди, миямиз бузулди, кўзимиз ёруксиз қолди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушгун руҳимизни кўтармак учун шул копкоронғу дунёнинг узоқ бир еринда ойдин бир юлдуз ялқиллаб турар эди. Бирор нарсага ўтмаган кўзимиз шуни кўра эди. Ул нима эди? Туркистон Мухторияти!¹

Туркистон халқининг мухторият учун олиб борган курашида 1917 йил 13 декабря бўлиб ўттан фожеали воқеалар катта аҳамият касб этади. Чунки бу кун Февраль инқилобидан сўнг Туркистон заминида биринчи марта халкнинг кони тўкилди.

Туркистон Мухториятининг Мувакқат ҳукумати Мовтуди шариф байрами куни, яни 13 декабрни «Туркистон Мухториятининг миллий жамғармасига пул йиғиш куни» деб эълон қилди ҳамда бу маблаг мустақилик ва озодликни мустаҳкамлашта хизмат қилишини билдириди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати аъзолари имзо чеккан «Мурожаатнома»да съезд қарорлари ва ҳукуматнинг яқин иш режалари хусусидаги маълумотлар билан бирга, бутун Туркистон ахлига чақириқ ҳам бор эди. Унда, жумладан, қуидагилар қайд этилди: «Туркистоннинг барча фуқаролари - мусулмонлар, руслар, яхудийлар, ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар, ўлқада яшаб турган барча элатлар ва халклар, шаҳар ва земство бошкармалари, сиёсий, ижтимоий ва касаба уюшмалари, барча давлат, жамоат ва хусусий муассасалар Туркистон халқ ҳокимияти атрофида бирлашиб, унинг зиммасига юкланган вазифаларни ҳаётга жорий этишда кўмак беришга чақиради. Кўз кўриб, кулоқ

¹ «Хуррият», 1917, 5 декабрь.

эшитмаган даражада вахимали урушлар гулдураги остида бутун жаҳонга ўт кетай деб турган бир маҳалда дунё халқлари ўз озодликларига замин яратадилар. Инсон қони билан тўйинган ер кўкларга қараб оҳ чекади ва ҳориган инсон кучсизланиб қонли қиличини қуий солади. Одамзоднинг ақлсизлиги илоҳий онг олдида тан беради ва шундай кун яқинлашадирки, бутун ер юзида тинчлик барқарор бўлиб, дунё халқлари мавжуд куч ила бузилган ҳаётни қайта барпо этишга киришадилар... Мана энди, занжирлардан халос бўлган Туркистон ўз ерига ўзи хўжайин бўлиб, тарихини ўзи яратажак вакт келди. Бизнинг олдимиизга қўйилган масалаларнинг ниҳоятда масъулиятли ва улуғворлигини анлаган ҳолда, ўз ишимизнинг ҳақлигига жуда чукур ишонган ҳолда биз оллоҳу таолодан ўз меҳнатларимизга ривож сўраймиз ва ишга киришамиз»¹.

Худди ўша кунлари Тошсоветта Эски шаҳар аҳолиси номидан митинг ва намойиш учун ариза тушди.

Тошсовет қарорига кўра, митинг ва намойиш Тошкентнинг Эски шаҳар кисмida ўтказилиши маъкулланиб, Янги шаҳарда ўтказилишига рухсат берилмади. Туркистон большевикларининг нашрига айланган «Наша газета»нинг ахборотига кўра, «Тошсовет бу билан мусулмон аҳолисининг кенг оммаси рус аксилинқилобчи тўдаларининг найрангларига учиб, кўр-кўrona равища жабрдийда бўлиб қолмаслигининг олдини олган»².

13 декабрь куни эрталаб соат бешда эҳтимолдаги тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида, ҳарбий кисмлар Ўрда яқинида Эски шаҳарга ўтиладиган йўлларни беркитди.

Шу куни эрта тонгдан Эски шаҳар байрам қиёфасида эди. Ҳар тарафдан, кўча ва торкӯчалардан Шайхонтохур масжиди томон гурух-гуруҳ одамлар оқиб кела бошлади. Соат 12ларда кўп минг кишилик йигин тўпланди. Ҳукмрон партияларнинг раҳбарлари ва Халқ Комиссарлари Совети (Совнарком) аъзолари митингта қўшилди³.

¹ ЎзФА тарих музейи архиви.

² «Наша газета», 1917, 15 декабрь.

³ «Улуг Туркистон», 1917, 13 декабрь.

Шаҳарнинг руслар яшайдиган қисми ҳам гавжум эди. Эрта тонгдан бу ердан ҳам жуда катта гуруҳ «Туркистон ўлкасига мухторият!» шиори ёзилган байрок билан кела бошлади. Бу, шаҳардаги рус жамоатчилиги вакиллари эди. Улар Шайхонтохур масжиди томон юриб мусулмонларни табрикламоқчи эди. Ҳарбийлар уларни ўтказиб юборади. Соат 9 дан 30 дақика ўтганда Ўрда кўприги олдида яна бир тўда пайдо бўлади. Уларнинг сони 2-3 минг кишига етарди. Ҳарбийлар қон тўкилмаслиги учун буларни ҳам ўтказиб юборади. Улар ҳам Шайхонтохур масжиди олдидаги митинг сафига кўшилади.

Намойишга мусулмонлардан ташқари руслар, яхудийлар, арманлар, шунингдек, большевиклардан бошка турли ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг вакиллари ҳам чиқишли. Намойишчилар Шайхонтохур масжиди олдида йигилди. Тўпланганларнинг бошлари узра 100 га яқин кизилмовий ва яшил байроклар ҳилпиради. Митингни Мунавваркори очди. У йигилганларни муборак кун билан табриклиди. Бу ерга йигилган муллалар Куръондан суралар ўқишли. Митингда турли ташкилот ва уюшмалар вакиллари нутқ сўзлади. Улар маърузаларида ўзларини халқ комиссарлари деб атаган большевикларнинг хатти-ҳаракатларидан норозиликларини билдиришли¹.

Шу пайтда тўпланганлар орасидан ғаламислар чиқиб, нутқларида йигилганларни қамоқхонага бориб, собик Вактли ҳукумат комиссари Г.И.Доррер ва ҳибсдаги бошка кишиларни озод қилиш, сўнгра ҳокимиятни қўлга олишга чакира бошлади. Ана шу чакириклардан таъсиrlанган бир гуруҳ митинг қатнашчилари умумий оммадан ажralиб чиқиб, Ўрда кўпригидан ўтиб, Москва кўчаси бўйлаб Янги шаҳар томон йўл олиши.

Ҳарбийлар тўқнашув юз бермаслиги учун намойишчиларни ўтказиб юборишга мажбур бўлиши. Бироқ, Янги шаҳарга ўтгач, намойиш тинч юриш ҳолатини тезда йўқота бошлади. Намойишчилар орасидан бир гуруҳ зобит ва амалдорлар шаҳар сокчилари бошлиғи Гудовични гаров учун қўлга олиши. Шундан кейин одамлар тўдаси қамок-

¹ Ўша манба 1917, 16 декабрь.

хона томон юрди, Доррер ва Ивановлар озод этилди. Улар автомобилга ўтказилиб, намойишчилар кузатувида Кауфман боғига (ҳозирги Амир Темур хиёбони) йўл олишди. Аскарлар Доррер ўтирган машинани тўтхатмоқчи бўлганида оломон ичидан ўқ отила бошлади. Кейинчалик аскарлар ўзларини тутиб туролмай, аввал милтиклардан сўнгра пулемётдан ўт очишиган. Эски шаҳарлик 16 киши ана шу тўқнашув курбони бўлган, Доррер ва Иванов бъльшевиклар томонидан ушланиб, отиб ташланган. Мухторият раҳбарлари бу воқеалар юзасидан маҳсус мурожаат билан чиқишиди. Унда куйидагилар таъкидланади: «Биз Халқ Кенгаши ва Туркистон Мухторияти Мувакқат ҳукуматининг аъзолари чин юракдан таассуф билдирамиз ва туркистонлик мусулмонларнинг эзгу ҳис туйғуларини ҳақоратловчи бу воқеаларга қарши чиқамиз. Ана шу муносабат билан, бизлар мамлакатда тартиб ва осойишталик ўрнатилиши учун зарурӣ чоралар кўрилиши йўлида барча кучларимизни ишга соламиз. Ҳозирча эса Туркистон ҳалқидан событлик ва хотиржамлик кўрсатишларини сўраймиз. Бу энг оғир кунларда мусулмонларнинг тинчликни саклаб қолишилари ниҳоятда зарурдир»¹.

Бўлиб ўтган воқеалардан сўнг, ўша заҳотиёқ, Петроградга - Халқ Комиссарлари Советига ўлка Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимини эгаллаб турган Федор Колесовдан куйидаги мазмунда телеграмма юборилади: «Кўконда реакцион буржуазия томонидан тайёрланган мусулмонлар съезди Туркистон Мухториятини эълон қилиди, энди вужудга келган Мухторият ҳукумати Туркистон пролетар оммаси томонидан тан олингани ҳолда, бор кучи билан ўлканинг айрим шаҳарларида мухториятни эълон килишга тайёрланмоқда. Шу йил 13 декабря - Мухаммад пайғамбар туғилган кунда Тошкентда Мухторият эълон қилинди». Марказдан «Жойларда ҳокимият сиз ўзингизсиз, демак сиз ўзингиз буйрукларни ишлаб чикинг», деган мазмунда жавоб келади.

«Наша газета»дан 13 декабрь воқеалари шархига оид

¹ Ўша манба 1917, 20 декабрь.

берилган мақолада, жумладан шундай дейилади: «Қора кучлар айтишича, биз мухториятга қарши эмасмиз, биз фақат қоғозда мухторият тарафдори-ю, уни ҳётта жорий этишга қарши эканмиз. Ахир, биз бир неча бор ўқувчиларимиз эътиборига, асосан, мусулмон аҳолига... бизлар принцип жиҳатидан мухторият тарафдорларимиз, шу боис эзилган ва хўрланган мусулмон аҳолининг нафақат озод бўлишлари, балки мусулмон аҳолининг тездан фикрлари очилмоғи ва миллий иштиёкларининг амалга ошишига чин дилдан ҳаракат қиласмиз». Ана шу муносабат билан «Халқ Комиссарлари Совети маҳсус қарор қабул қилди ва уни Ижроия қўмитаси тасдиклadi. Бу хужжатга асосан, Туркистон Таъсис съезди чакирилади. Фақат унинг ўзигина Туркистон ўлкаси Мухториятини эълон қилишга хукуклидир»¹.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Мухториятга бўлган муносабат хилма-хиллигича қолаёттан эди. Агар Туркистон эсерлари 1918 йилнинг 8-10 январида бўлиб ўтган иккинчи съездларида Туркистон Мухториятининг Мувакқат ҳукуматини қўллаб-куватлабгина қолмай, балки Халқ мажлисига ўз вакили Скомороховни юборишга қарор қилган бўлсалар, Тошкентдаги Жомеъ масжидида бўлиб ўтган митингда маҳаллий уламочилар Мувакқат Мухтор ҳукуматни танқид қилиб, «улар шу вактгача бизнинг манфаатимиз учун ҳеч нарса қилолгани йўқ», дея уни қўллашдан бош тортади. Бу хабар эса, «Улуг Туркистон» рўзномаси мухбирининг ёзишича, мусулмонлар орасида кенг тарқалиб, фикрларнинг бўлинishiiga олиб келган. Баъзилар жуда ҳайрон бўлишарди: «Бу қанақаси?! Аввалига «Уламо» бизни Мухторият учун қасамёд қилдирди, энди эса қарши бўлишга чакирайтими?» Зеро шу митингда, бундан буён Тошкентда алоҳида ўзига хос мухторият эълон қилиниб, унинг номидан иш кўрилишига қарор қилинади².

«Фуқаҳо» (ислом хукукшунослиги) жамияти эса, 8 январь куни ўзининг маҳсус мажлисида уламочиларнинг

¹ «Наша газета», 1917, 15 декабрь.

² «Улуг Туркистон», 1918, 10 январь.

бу хатти-харакатини «ақлга сизмайдиган ва шариатта зид иш» деб эълон этади¹.

Тошкент уламочиларининг Туркистон Мухториятини тан олмасдан, ўзларига бошқа бир «Тошкент уламоси жумхурияти» деб номланган мухториятни ташкил қилишга уринганларидан хабардор бўлган Фарғона уламолари йигилишиб, бу воқеани муҳокама қилишади. Сўнгра, Тошкент «Шўрои Уламо»сига мурожаат этиб, уни умум-туркистон иттифоқидан айрилмасликка чакиришади. Бу мурожаатномани Тошкентта машҳур уламочи Қўқонлик Мулло Камол Қози билан Марғилонлик домулло Қосим-хон қози етказишади. Мурожаатномада, жумладан, шундай дейилади: «Рус золимларидан халос бўлмак учун Туркистон ахли ва унинг вакиллари Мухторият эълон қилдилар. Шундай муҳим ва масъулиятли вазиятда биз ихтилоф ҳолатида бўлишимиз яхши эмасдур. Муборак Ватанимизни ва динимизни саломатлиги иттифоқ ва иттиҳоддадир»².

Фарғона уламолари «Ҳадис»дан мусулмон уммати бирлиги тўғрисида айтилган сўзларни мисол келтириб, тошкентликларни Қўқонда ташкил топган Мухториятдан айрилмасликка, аксинча, иттифоқ ва бирликка чакирдилар.

Туркистон Мухториятига муносабат тўғрисидаги масала 25 декабрь куни Қўқонда ўз ишини бошлаган мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съездининг дикқат марказида турди.

«Улуғ Туркистон» газетаси хабарига кўра: «Большевилар бунга қадар Қўқонда бўлғон 4 - фавқулодда мусулмон съездини бойлар ила муллалар (буржуйлар) съезди деб қарадилар ва шул баҳона ила идорани Мухторият хукуматига бермийлар эди. Энди бу баҳонага жой қолмоғон бўлса керак. Чунки ҳозир Туркистон Мухторияти рабочий, деҳқон ва улар тарафидан буюк бир миқдорда вакиллар сайланиб, мухторият идораси тамомила демократия асосина кўйилди. Бундан сўнг большевилар қандай бир

¹ Ўша манба, 1918, 11 январь.

² Ўша манба, 1918, 26 январь.

³ Ўша манба, 1918, 4 январь.

баҳона топиб Мухториятта қарши туралар экан?»³

Бир неча кунлик баҳслардан сўнг, съезд 1917 йил ноябрь ойида Умуммусулмон съездидаги тузилган Туркистон Мухторияти Вакъли хукуматини кўллаб-куватлашга ва унинг таркибига Мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлар съезди вакилларини киритишга карор килди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўша кунларда съездда В.И.Ленин ҳузурига маҳсус вакиллар юбориш масаласи ҳам муҳокама этилди. Зотан, совет ҳокимиятнинг раҳбари шахсан ўзи туркистонликларга мухторият қандай бўлишини тушунтириб бериши умид қилинди. Бироқ съезд, сўнгти қарорига кўра, Петроградга Халқ Комиссарлари Советига телеграмма йўллайдиган бўлди.

1917 йилнинг 27 декабрь куни юборилган телеграммада шундай дейилади: «Халқ Комиссарлари Совети эълон килган шиорлар Туркистонда жорий этилмоқда. Бугун Туркистон халқи иккала съездда Туркистон Мухториятини бир овоздан эълон килди ва Туркистон Таъсис мажлисига ўлкани бошқаришнинг сўнгти шаклини ишлаб чикиш таклиф этилди. Барча шаҳарлар ва қишлоқларнинг турли ташкилотлари намойишлар ва қарорларида Мухториятнинг эълон қилинишини кўллаб-куватлаяптилар. Сайланган Халқ Советида руслар ва овруполиклар шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг 2 фоизини ташкил этса-да, биз томонимиздан 33 фоиз ўрин ажратилган, халқларнинг урушига чек қўйилиши, анексия ва контрибуциясиз сулҳ тузилишига бир овоздан қўшиламиз.

Мусулмон пролетариатининг фавқулодда съезди Халқ Комиссарлари Совети томонидан Туркистон Мухториятнинг мустаҳкамланиши учун ҳакиқий чоралар кўрилади, шу билан халқларнинг ўз хукукларини ўзлари белгилаш тўғрисидаги шиорнинг катъийлиги ва бунга чин дилдан интилаётганилигини намойиш этади, деб ишонади. Туркистон мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатларининг I фавқулодда съездидаги кабул этилган карор ҳакида маълумот бераб, сизлардан Россия Демократик Республикасининг олий ҳокимияти сифатида Тошкент Халқ Комиссарлари Советига ҳокимиятни Туркистон Мувакқат хукуматига топшириш тўғрисида фармойиш беришингизни

сўраймиз. Бу билан сиз Туркистонни жуда катта фалокатга олиб келувчи анархия ва қўш ҳокимиятчиликдан кутқарган бўлурдингиз»¹.

Мухториятчиларнинг эътироф ҳакидаги талабларини Бутунrossия мусулмонлари Миллий Шўроси қўллаб-куватлади.

Совет ҳукуматида миллатлар ишлари бўйича комиссар бўлган И.В.Сталин, 1918 йил 5 январда бу талаб хатига Кўқондаги Туркистон ҳукуматига берган жавобида: «Тошкентдаги Совет комиссариятини йўқ этиш ҳакида Петроградга мурожаат қилишнинг эҳтиёжи йўқ, агар комиссариатни истамасангиз, уни куч билан йўқота биласиз», - деб ёзди. Сталин Туркистон Мухториятининг қўлида куч йўклигини яхши биларди. Тошкентдаги Совет ҳукумати эса Туркистон Мухторияти ҳукуматини ўзи учун хавфли деб билди ва қандай бўлмасин уни йўқотишга тайёргарликни бошлади.

Тошкентдаги Совет ҳокимияти вакиллари Кўқондаги воқеаларни дикқат билан кузатибгина қолмай, балки унинг ривожига ўз таъсирини ўтказишга урина бошлади. Жумладан, Совет комиссари большевик П.Г.Полторацкий шу съездда сўзга чикиб, Туркистон ўлкаси Советларининг келгуси съезди ҳакида маълумот берар экан, унда Туркистон Мухторияти масаласи кўрилишини маълум килади ҳамда ўз фикрини шундай давом эттиради: «биз камбағалларнинг мухториятига карши эмасмиз, аммо биз бойларнинг мухториятига қаршимиз. Биз мухторият учун Курашар эканмиз, буржуазия қўлидаги ҳокимиятни ўзимиз учун тортиб олганимиз йўқ, биз ишчи синфи ва камбағаллар учун тортиб олдик. Биз ҳокимиятни рус буржуазияси қўлидан мусулмон буржуазияси қўлига топшириш учун тортиб олганимиз йўқ. Ҳокимиятни биз ишчи ва солдат депутатлари Совети учун олдик. Биз мусулмон меҳнаткашларини ўз тарафимизга кўшилишлари учун ишлаб келдик ва ишлайверамиз»².

П.Г.Полторацкий нутқидан сўнг, съезд томонидан мах-

¹ «Ишчилар дунёси», 1918, №2, 22-23-бетлар.

² История гражданской войны в Узбекистане. Т.1. с.126-127.

сус қарор қабул қилинди. Үнда шулар таъкидланди: «27 ноябрда бўлиб ўтган Умуммусулмон съездиде Туркистоннинг Мухторият деб эълон қилиниши муносабати билан ўлкада вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб, ўлка съезди шуни баён қиладики, бу съезд буржуазия съезди бўлди деган гапларни баъзи гурухлар томонидан тарқалиши ҳакикатга тўғри келмайди, зеро, 27 ноябрдаги Умуммусулмонлар съезди бўлиб, унда бутун аҳоли вакиллари қатнашди.

Мазкур съезд, мавжуд Кенгашга ва Туркистон Мухторияти хукуматига тўла ишончладир, унинг таркиби - ишчи ва деҳқонлар манфаати учун хизмат қилувчи тараққийпарвар зиёлиларимиз ҳамда диний тарбиячиларимиз - Куръони шарифни ўргатувчи инқилобий домлаларимиздан иборат». «Ички ишларга» аралашиниларни номақбул деб билган съезд «рус демократларини» «Шарқ ҳалқларига мурожаатнома»даги шиорларни амалда кўрсатиш ва унга ўйла этишга чакиради»¹.

Шу ўринда, яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш керак. Бу ўлка Совет ҳалқ комиссариятининг Туркистон Мухториятига муносабати, Ўлканинг совет органлари мухтор мувакқат хукуматини тан олмасликларини биринчи кунлардан бошлабоқ маълум қилдилар ва бу хукуматга аксилинқилобий, миллатчи, буржуа хукумати дея баҳо беришди. Ўша кунларда «Наша газета» мусулмонларнинг кўп минг кишилик митинги тўғрисида хабар бериб, қабул қилинган қарорда «йигилганлар қаллоб Мувакқат хукуматни тан олмайдилар, дея эълон қилганлар» хусусида тухмат сўзларни ёзди. Бу газета Мухториятга қарши чиккан мусулмон ишчилари айрим вакилларининг хатларини чоп этишни уюштиради ва уларни барча мусулмон меҳнаткашларининг фикри, дея даъво қиласди.

Вазият мухториятчилар фойдасига ўзгараётганини сезган большевиклар Мухториятнинг, шунингдек, уни кўллаб-куватлаган кишиларнинг шахсий ҳисобларидағи барча маблагни мусодара қилиш тўғрисида қарор чикарди. 29 декабрда эса бутун ўлка бўйлаб камал ҳолати эълон

¹ «Ишчилар дунёси», 1918, №1.

килинди. Тошкент Совети ва бошқа жойлардан Күкон Советига тинимсиз равишда ҳарбий мадад юборила бошлади. Мухториятчилар билан большевиклар ўртасидаги кураш тобора кескин ва муттасил тус ола бошлади.

Тошсовет мухтор ҳукуматни яккалаб, унинг имкониятларини чеклаб кўйишга қаратилган бир нечта тадбирларни амалга оширади, шу жумладан, Тошкент шаҳар думасини тарқатиб юборади, «Туркестанский вестник» газетасини ёпади ва ҳоказо. Бу хатти-харакатлар эса, ўз навбатида, уларнинг бир-бирига муҳолифлигини янада кучайтиргди.

Иккала ҳокимият ўртасидаги муносабатлар жиддийлашиб бориб, зиддиятли шаклга кира бошлади. Жумладан, туркистонлик большевикларни раҳбарларидан бири И.О.Тоболин 1918 йилнинг 19-26 январида бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси Советларининг IV ўлка съездидаги шуғида шундай лейди: «Биз нафакат Россия ҳакида, балки меҳнаткашлар тўғрисида, пролетариат СИНФИ Тўғрисида Қайгураяпмиз, агар ҳалқ ҳоҳиш-иродаси бу ўлканинг Россиядан ажralиб чиқишини референдум орқали ҳал этишни истаса, унинг ажralиб чиқиш ҳукукини саклаб қоламиз». У мухториятга очиқдан-очиқ қарши чиқади: «Бироқ мухториятни ҳозир, зудлик билан амалга ошириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Зоро, мухториятнинг энг биринчи шартита кўра, бу ўлкада ҳарбий Қўшиллар олиб чиқиб кетилиши керак. Агар биз мухторият тушунчасидан келиб чиқадиган ана шу асосий ҳолатни амалга оширасак, унда инкилоб бикинига зарба берган бўлур эдик, ўлкада эса аксилинқилобчилар ҳокимияти карор топар эди. Шунинг учун «Мамлакатнинг уруш ҳолатида эканлигини назарга олган ҳолда, бизлар мухторият ҳолатидаги ва ҳатто мустақил давлатни ташкил этиш учун тайёргарлик ишларини бошлаб юборамиз».

Охирида Тоболин Советларининг IV ўлка съезди большевиклар фракцияси номидан қарорнинг куйидаги матнини таклиф килди: «Инқилобчи социал-демократлар партияси пролетариат мухториятини ташкил этиш учун ҳаракат қиласи», шу боис «депутатларнинг касаба Совет (союз)ларига жалб этиб, мусулмон пролетариатининг синфиий

онгини кўтариш» бўйича пролетариат оммасини тайёрлаш асосий масала этиб эълон қилинади. Мухториятни эълон килиш масаласи эса ноаниқ муддатта кечиктириб қолдирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Советларнинг IV ўлка съезди ўтаётган кунларда Туркистон Мухторияти ҳукумати унинг номига телеграмма юборади. Унда 1918 йилнинг 20 марта «умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида» Туркистонда Таъсис мажлиси чакириш тадориги борлиги маълум қилинади. Бу мажлисда ному-сулмон ахолига 1/3 ўрин берилиши назарда тутиләди. Телеграммада таъкидланишича, «Туркистон Таъсис мажлиси халқларнинг барча орзу-истакларини амалга оширишга даъват этилган бўлиб, Туркистон Мухториятида ўлканинг оз сонли ахолиси ва меҳнаткаш халқ ҳукукларини ҳимоя қилиб, Россия инқилоби томонидан олдинга сурилган демократик қонун-қоидалар билан тўла келишган ҳолда демократияни ташкил этади». Ана шу муносабат билан Мухтор Туркестоннинг Халқ Мажлиси (миллий мажлис) яна бир марта Туркистон халқларига «Халқ мажлиси томонидан мазкур ҳолатнинг (модданинг) ишлаб чиқи-лаёттани, хаётта тадбиқ этилиши юзасидан чоралар кўрилаёттанини баралла маълум қилишни ўз вазифаси деб билади».

Бирор Туркистон ўлкасининг IV Советлар съезди Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини конундан ташкари ҳолатда деб ҳисоблади, ҳатто, уларнинг бошликларини қамоққа олишга азму қарор қилди.

Кўконда эса иш қизғин борарди. Халқ Мажлиси томонидан тасдикланган Асосий Қонунлар лойиҳаси тайёрланди, шунингдек, ўзбек, қозок, рус тилида бир неча оммавий нашрлар чоп этила бошлади. «Эл байроби», «Свободный Туркестан» ва 1917 йил 13 декабрида рус тилида чиқа бошлаган «Известия Временного Правительства Автономного Туркестана», шу жумладандир. Обиджон Маҳмудовнинг босмахонаси ҳам Мухторият ҳукумати ҳисобига ўтди.

Ҳукумат ҳаражатлари учун йирик маблағлар зарур эди. Йирик сармоядор Потеляховнинг сўзига кўра, яхудийлар

ярим миллион сўм беришган. Бундан ташқари, Наманган ва Андижон банклари 500000 сўмдан пул ажратган. «Улут Туркистон» газетаси хабар беришича, бунга эришиш осон бўлмаган. М.Чўкаев бу шаҳарларга махсус келиб, миллий заёмни сотиб олишни тарғиб қилган. Ва, ниҳоят, большевиклар хукумати Туркистон банкларига кўйилган пулларни мусодара эта бошлагач, хусусий банк эгалари ўз пулларини Мувакқат хукуматга бериш ва заём сотиб олиш тұгрисида ўйлай бошлишган. Ана ўша пайтда «Улут Туркистон миллий банки»ни ташкил этиш лойиҳаси юзага келган¹.

Бинобарин, хукуматни кўллаб-куватлаш мақсадида хайрия маблағлари ҳам туша бошлади. Тұғри, уларнинг миқдори кўп эмасди. Жумладан, Жалолобод волости, Хонобод қишлоғининг Фозилхон макбараси олдида бўлиб ўтган минг кишилик митинг қатнашчилари жами 500 сўм йиғишган.

Хукуматнинг молиявий жиҳатдан қийналғанлиги яна бир нарсада аён бўлади. Жумладан, «Бирлик туғи» газетасини молиявий кўллаб туриш учун 5000 сўм, «Свободный Туркестан» учун эса 50000 сўм сарфланган. Кўшинни таъминлаш учун ҳам кўп маблағ кетган. «Улут Туркистон»нинг ёзишича, январь ойининг бошларида аскарлар сони 1000 кишини ташкил этган. Шу ойнинг ўзида ҳарбий вазир Убайдулла Хўжаев раҳбарлигига ҳарбий кўрик ўтказилган, шунингдек, миллий қўшиннинг аскарлари сафи 2000 кишига етган.

Умуман, бу вазиятда юзага келган можарони бартараф этишга бўлган уринишларга қарамай, Кўкон Тошкентга бўйсунмади ва иккала ҳокимият, айни пайтда, бир-бирини рад этувчи қонунлар қабул қилди ва бажарилишини талаб этди. Туркистонда икки ҳокимиятчилик юзага келди.

Мухториятчилар 11 февралдан 12 февралга ўтар кечаси оқ гвардиячилар ёрдамида Кўкон кўрғонига хужум уюштиреди. Уларнинг бошқа бир куролланган қисми телефон станциясини эгаллаб олди. Аммо Кўкон ҳарбий инқилобий қўмитаси телеграф ва телефон алоқаси узил-

¹ «Улут Туркистон», 1918, 4 январь.

гунга қадар содир бўлаётган воқеа тўғрисида Тошкентта хабар бериш ва ҳарбий ёрдам сўрашга ултурган эди. 13 февраль кечаси соат учда Фарғонадан тўртта замбарак ва тўртта пулемёт билан куролланган 120 (айрим маълумотларга қараганда 146) кишилик ҳарбий қисм етиб келди. Шу туннинг ўзидаёқ, инқилобий қўмита Мухторият ҳукуматига талабнома йўллаб, кундузги соат учга қадар куролярогни топшириш, ваколатларидан воз кечиб, Совет ҳукуматини тан олиш шартини қўйди. Мухторият ҳукумати аъзолари большевиклар талабини жавобсиз қолдирдилар. Шундан кейин инқилобий қўмита Мухторият ҳукумати аъзоларини ҳисбга олиш тўғрисида қарор чиқарди.

18 февралда «Уламо» жамияти ташабbusи билан Мухториятда тўнтариш юз берди. Мустафо Чўқай ўғли бошчилигидаги ҳукумат маҳкамаси ағдарилиб, Эргаш Кўрбоши Кўкон хони деб эълон килинди.

18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Тошкентдан ўлка ҳарбий комиссари Е.Л.Перфильев бошчилигидаги замбараклар билан куролланган қўшин етиб келди. Перфильев шаҳарни уч тарафдан ўраб олиб, 19 февраль куни эрталаб соат ўндан ўн беш дақика ўтганда Эргашга талабнома йўллади. Эргаш унинг талабларини бажаришдан бош тортгач, Перфильев Кўконни 12 замбаракдан ўққа тутди. Кундуз соат бирда бошланган ўқ ёмғири шомгача шаҳарни вайрон этиб ташлади. Аммо шунга қарамай, мухториятчилар таслим бўлмай, ҳар бир бинони, ҳар бир дўконни, ҳар бир карвонсаройни мардларча ҳимоя қиласидилар.

Қизил гвардиячилар, австро-венгер ҳарбий асиirlари ва арман бирлашмалари (дашиюклар)дан ташкил этилган ҳарбий қисмлар Кўкон томон юборилди.

Тинч ўйлабилан ҳокимиятни олишга ишонган Туркистон мухторияти ўзини ҳимоя қилишга етарли тайёр эмас эди. Шунга қарамай, мухториятчилар совет қўшиллари ҳужумини уч кун қайтарди. Улар қўлларига тушган нарса билан куролланган эди. Қўлларида таёқ, болта, кетмон, ошпичоқ тутган эдилар.

«Туркистон - туркистонликлар учун» шиори билан чиққан мухториятчилар муқаддас уруш - ғазавот эълон килишди ва вилоятлардан ёрдам кутишди. Бироқ, афсуски,

мухториятчилар бошқа жойлардан етарли ҳарбий ёрдам олишмади.

Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни ташлаб кета бошлади. «Кўқонда даҳшатли манзара ҳосил бўлганди. Эски шаҳарнинг учдан бири тўлик вайрон этилди. Ҳамма ёқда ўликлар. Уларнинг бир қисми қутиб кетган. «Баъзи маълумотларга кўра, шаҳар портловчи моддалар билан бутунлай бузиб юборилган».

Қадимги маданий ва бой савдо шаҳри бўлган Кўкон таг-туғи билан вайрон килипди ва кўп йиллар шу ҳолда қолди. Кўкондаги Мухторият ҳукумати тор-мор этилди, бироқ бу ёнғини, бу оловлар қаъридан ҳалқ қаҳр-ғазаби босқинчиларга нафрати, кўнгилга тутилган ўчи сифатида тарих илмида «босмачилик» деб аталган ҳаракат Қакнус күш каби ёриб чиқди... Ҳар бир ҳодисанинг сабаб ва натижаси бўлганидек, бу қонли воқеа ҳам ўзининг кейинги оқибатларига эга бўлди.

Шундай килиб, маҳаллий аҳолининг асосий талаби - миллий давлатчиликни барпо этиш эди. Туркистонликлар яна ўз тақдирларининг эгаси бўлмоқ учун демократик асосдаги мустақил давлатларини тиклаш бўйича илк амалий қадам кўйишга уриндилар.

Бироқ... 1918 йил февралида большевиклар қарори билан икки ярим ойлик фаолиятидан сўнг «паралел мусулмон ҳукумати» сифатида тутатиленди. Совет тузуми бу ваҳшийликни кўрқитиш учун амалга ошириди: Туркистонда ҳеч ким ва ҳеч қачон ўзбошимчалик билан мухторият барпо этмасин.

Туркистон Мухторияти миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини демократик йўл билан ҳал этишга бел боғлаган ҳалқ иродаси ва илғор зиёлиларнинг кўтаринки хатти-ҳаракатлари заминида вужудга келди. Табиийки, зўравонлик, шовинизм билан куролланган янги мустабид большевиклар миллий мустақиликка интилишнинг ҳар қандай кўринишига тиши-тирноғи билан қарши эдилар. Синовдан ўтган эски усул - ҳалқни алдаш, шафқатсиз қириш, талаш усули бу гал ҳам ишга солинди ва эзгу ниятлар, катта мақсадлар билан юзага келган ҳаёт-бахш ғоялар куртаклигига ёқ эзиз ташланди.

Жадидлар - истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари

Жадидлар билан Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмаган, деган фикрлар ҳатто ҳозир ҳам тез-тез айтилмоқда. Тўгри, Туркистон Мухторияти ҳукумати тор-мор этилганидан кейин унинг тирик қолган ва большевиклар қўлига тушмай қолган аъзолари бу ҳаракатни ташкил қилиш ва уюштиришда дастлаб қатнаша олмадилар. Лекин олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, жадидлар нафакат ушбу ҳаракатда иштирок қилдилар, балки истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари сифатида тарих саҳнасига чиқдилар. Мазкур мақолада биз жадидлар билан истиқлолчилик ҳаракати ўртасидаги ўзаро алокадорликни, жадид мунаварларининг юрт озодлиги ва Ватан мустақилиги йўлида совет режими ва қизил армияга қарши олиб борган ҳаёт-мамот курашларини баҳоли қурдат кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Маълумки, 1918 йил февралда Кўкон шаҳрида фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан тор-мор қилинган эди. «Туркистоннинг энг тарихий ва буюк савдо шаҳри», асосан, шоирлар, хунарманд ва савдогарлар юрти ҳамда собиқ хонлик пойтахти бўлган Ҳўқанди латифда куйиб кул бўлган ҳаробаларнинг мунғайиб туриши, ўн мингта яқин кишининг уч кун давомида ўлдирилиши, боз устига яна ўн минглаб одамларнинг бошпанасиз, озиқ-овқат ва кийим-кечаксиз қолиши, тинч аҳоли устига ўша 1918 йил февралида ёндирувчи снарядларнинг отилиши - коммунистлар партияси томонидан собиқ Россия империясининг чекка ўлкаларида ленинча-сталинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши, қизил империянинг дастлабки хуружи эди.

Туркистон мухторияти ҳукуматининг раиси Мустафо Чўқай ўғли ўз хотираларида ёзганидек, ҳукумат аъзоларидан «Носирхон Тўра Наманганда, Герцфельд Самар-

қандда, Убайдуллахўжа Ашхобод-Самарқанд йўлида, Обиджон Бухорода, Шоаҳмадбек эса Кўкон кўргони ичидан экан, большевиклар кўлига тушиб қолган эдилар¹. Ҳарбий ишлар вазири Маъди Чанишев 1918 йил февралнинг охирида Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида кизил аскарлар томонидан отиб ташланди,² хукумат раиси Мустафо Чўқаевнинг ўзи аввал Фарғонадан Оренбург орқали Боку ва Тифлисга, сўнгра эса Туркияга жўнаб кетишга мажбур бўлган эди. Бу орада Туркистон ўлкаси ХКС Туркистон муҳториятининг бутун раҳбарларини қонундан ташкари, деб эълон қилди ва уларга тегишли мол-мулк мусодара килинди.

Лекин орадан кўп ўтмай, Туркистон муҳторияти хукуматининг халқ маорифи вазири, Намангандаги «Шўрои Исломия» ташкилотининг раҳбари Носирхон Тўра Камолхонтўраев, хукумат хазиначиси Сайдносир Миржалилов, Туркистон Миллат Мажлиси аъзоларидан Олимхон Тўра Шокирхонтўраев, Обиджон Умаров ва Тошкент муфтиси Садриддин Шарифхўжаев кабилар истиклолчилар билан алока ўрнатишиди. Улар Фарғона водийсидаги аҳоли орасида ва кўрбошилардан Шермуҳаммадбек, Раҳмонкул, Парпи йигитлари ичидаги бўлиб, мужоҳидларни совет ҳокимиятига қарши курашга сафарбар қилишда муҳим роль ўйнайдилар³.

Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоларидан бири Носирхон Тўра Сайд Камолхон Тўра ўғли эди. Носирхон Тўра (1871-1938) Наманган шаҳрида мударрис оиласида туғилади. У отасининг мадрасаси ва Бухоро шаҳрида таҳсил олади. Носирхон Тўра Наманганда бош мударрис бўлгач, бутун Фарғона водийсида унинг шуҳрати тарқалади.

Туркиялик тадқиқотчи М.Х.Эрктуркнинг ёзишича, Носирхон Тўра чет мамлакатларга бориб, Бағдод, Дехли, Ҳижоз ва Кобул шаҳарларида ҳам таҳсил кўрди ва улардаги

¹ Мустафо Чўқай ўғли. Истиклол жалолдари (1917 йил хотиралари). Тошкент, 1992, 49-бет.

² Қаранг: Война в песках. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. М, 1935, с.201.

³ Бу ҳақда қаранг: Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 201-ниш, 2-варақ.

ҳаёт жараёнларини, ислом асосларини янада чукурроқ ўрганиб, 1912 йилда Туркистонга қайтди. Чет мамлақатларда яшаган вактида мамлакатнинг тараққиёти учун унда туганмас қизиқишилар бошлианди. Айниқса, унга Қоҳира ва Техрондаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, Ҳижоздаги тараққийпарвар оқимлар кўпроқ таъсир этган эди. Шунингдек, у Туркиядаги ёш турклар ҳаракатини яқиндан кузатиб борган эди¹.

Носирхон Тўра - Намангандаги «Шўрои Исломия» ташкilotининг раҳбари эди. У 1917 йил Наманган шаҳар Думасига сайланди. Фарғонадаги жадидчилик ҳаракатининг бошликларидан бири Ашурали Зоҳирийнинг маълумот берисича, агар Носирхон Тўра Туркистон мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойини чакириш устида жон куйдирмаганда эди, балким бу қурултой чакирилмай қолиши мумкин эди. Носирхон Тўра муҳторият ҳукуматининг маориф вазири сифатида мамлакатда маориф ва маданий-оқартирув ишларига асос солди ҳамда бу йўлда миллий зиёлиларнинг фаоллигини кучайтира бошлади. Афсуски, унинг ҳаракати қўлга чўзилмади.

Муҳторият большевиклар томонидан қонга белангач, бир йил давомида яширин ҳаёт кечирди. У маҳфий равишида Омон Пахлавон, Мухитдинбек, Жонибек қози ва Раҳмонкул қўрбоши каби миллий мужодала қўмандонларига маслаҳатлар берар ва уларнинг ҳаракатларини марказлаштириш ташвишида бўлар эди. Носирхон Тўра тез орада Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракатининг гоявий раҳнамоларидан бири сифатида муҳоҳидлар ўртасида танилди. ОГПУ маълумотида ёзилишича, Носирхон Тўра «Миллий иттиҳод» ташкilotининг Наманган филиалига аъзо бўлиб, бу ташкilotнинг ячейкасини Косонсой шаҳрида ташкил қиласди. Шермуҳаммадбек Носирхон Тўрани ўзига пир деб эълон қилган ва ушбу марказдан доимо Фарғонадаги совет қўшинларининг аҳволи тўғрисида маълумотлар олиб турган.

Лекин Носирхон Тўранинг бу фаолияти фақат 1919

¹ Эрктурк М.Х. Сайд Носирхон Тўра // Турон тарихи. Илмий тўплам. №3.Т., 1994, 21-б.

Йил охиригача давом этади. Большевиклар уни қамокқа оладилар ва у 1924 йилда қамоқдан қайтиб келади. Орадан кўп ўтмай, Носирхон Тўра Советларга қарши фаолияти учун яна қамоққа олинади ва Туркистондан бадарға килинади. У Оренбургда сургунликда беш йил яшайди ва ўзининг кўрган-билганларини «Оренбург мактублари» эсдалигида баён қиласди. Носирхон Тўра 1929 йил бошида сургундан қайтиб, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозогистоннинг кўплаб шаҳарларида бўлади. Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, 1929 йилнинг охирида қайтадан истиклолчилик гурухларини тузишга урингани ва мавжуд тузумга қарши курашгани учун совет ҳокимияти томонидан ҳисбса олindi. Носирхон Тўра 1938 йил 3 сентябрда қамоқда жон берди. Миллат фидойиси, Туркистон озодлиги ва мустақиллиги учун толмас курашчи, жадид мунаввари ва муборизи - Носирхон Тўра Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришишидан роппа-роса 53 йил олдин totallitar тузум курбони бўлган эди.

Носирхон Тўра фаолиятига баҳо бериб, хориждаги ватандошимиз Шаҳобиддин Яссавий кўйидагиларни ёзган эди: «Мужоҳид олим ва нуфузли бир кўмондон, Кўкон муҳторият давлатининг узвларидан эди».¹

Туркистон Миллат Мажлисининг бошқа бир аъзоси, муфтий Садриддин афанди ҳам Фарғона водийсидаги кўрбошилар ўртасида жуда катта гоявий ташвиқот ишларини олиб борди. Унинг тўлиқ исм-шарифи Садриддин Махсум Шарифхўжа қози ўғли, асли тошкентлик ўзбеклардан, у Туркистон Миллий Бирлиги уюшмасининг Тошкент Комитети раиси ҳисобланган. Уюшманинг қарорига кўра, Фарғона кўрбошилари орасига юборилган Садриддинхон Махсум Ашт туманидаги Раҳмонқул гурухининг сиёсий раҳнамоси сифатида истиклолчилар ўртасида мустақилликка ишонч руҳини кўтаради, кўрбошиларни Туркистондаги мавжуд аҳвол билан таништиради.² Мусулмонларни «коғирларга қарши муқаддас жиҳодга чорла-

¹ Шаҳобиддин Яссавий. Туркистон аччиқ ҳақиқатлари (араб имлосида ўзбек тилида) Истанбул, 1984.

² Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 209-иши, 2-варақнинг орқаси.

ган»¹ Садриддинхон, кейинчалик Афғонистонга мухожир бўлиб жўнаб кетади. Мухожирликда Афғонистон садр аъзами Сардор Муҳаммад Ҳошим амрига кўра, у Қандоҳорга сургун қилинган ва СССРнинг буйруғига кўра, маҳаллий ноиб Маҳмуд Ой Корали буйруғи билан 30- йилларнинг ўртасида қатл қилинган.

Туркистон республикаси ва Бухоро халқ жумхуриятидаги жадидларнинг бир кисми бу пайтда совет ташкилотларида фаолият кўрсатишса-да, миллий мустақиллик тўғрисидаги ўз ғояларидан воз кечишмаган эди.

«Тошкент жадидларининг отаси» ҳисобланган Мунавваркори Абдурашидхон ўғли кейинчалик ўзининг хотираларида ёзишича, 1917 йил августнинг охирида, унинг уйида Туркиядан келган Усмонбек ва Ҳайдар Афанди иштирокида «Иттиҳоди тараққийпарвар» (кейинчалик «Иттиҳоди тараққий») ташкилоти тузилади. Тошкентдаги Осипов исёнидан (1919 йил январь) кейин ушбу ташкилот тарқатилиб, унинг аъзолари «Бирлик» уюшмасини ташкил килишади. Туркиядан келган Мустафо Субҳий бошчилигида бу жамият 2-3 йил яшайди, холос.² Бироқ, ушбу киска фурсатда ушбу жамият аъзолари Фарғона муҳоҳидлари билан махфий равишда алоқа боғлашга ҳаракат килишган. Баъзи маълумотларга қараганда, Мунаввар Кори, Миёнбузрук Солиҳов, Ашурали Зоҳирий Фарғонада бўлиб, кўрбошиларнинг курултойида қатнашишади.

Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракатини ғоявий жиҳатдан бирлаштиришда машҳур кирғиз ватанпарвари, Туркистон МИКнинг собиқ аъзоси, асли еттисувлик Т.Рисқуловнинг ҳамюрти ва маслакдоши бўлган Тўракул Жонузоков мухим роль ўйнади.

Бокуда, 1920 йил 1-8 сентябрда бўлиб ўтган Шарқ халклари курултойининг иштирокчиси Т.Жонузоков ушбу анжумандан сўнг, туркистонлик 40 та мусулмон делегатларининг ўзаро кенгашида ҳам қатнашди. Курултойда қабул қилинган қарорлар Туркистон халкларининг кейинги

¹ Россия давлат ҳарбий архиви (РДХА), 278-фонд, 4-рўйхат, 531-иш, 66-варак.

² Мунавваркори. Хотираларим./Гурон тарихи. Илмий тўплам. №1, Т, 1992, 17-20-бетлар.

такдирида муҳим роль ўйнади. Бокудаги ушбу қуруттойда Турор Рисқулов, Мунавварқори, Чўлпон, Салимхон Тиллахонов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Тўракул Жонузоков, Зайниддин Кори Насриддинов, Ҳожи Сафо Жўрабеков каби туркистонлик миллат фидойилари қатнашдилар. Куруттой ишида Туркиядан келган Анвар Пошо (уни Москвадан шахсан Лениннинг ўзи юборган эди) ҳам иштирок этади ва маъруза тайёрлайди (куруттойда Анвар Пошо маърузаси ўқиб берилади). Куруттой фаолиятига раҳбарлик қилган Коминтерн раиси К.Е.Зиновьев бўлса, Бошқирдистон миллий хукуматининг собиқ раиси, машҳур жадид мунаввари ва муборизи Аҳмад Закий Валидийга бу анжуманга қатнашиш учун рухсат бермайди.

Т.Норбўтабеков Куруттойда сермазмун нутқ сўзлади. У совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсатини ўз нутқида куйидагича фош қилди: «Биз озодлик, тенглик ва биродарлик шиорлари факат қоғозда эмас, балки ҳаётда ҳам амалга ошишини талаб қиласиз... Мусулмон дунёсининг бошқа кисмларида Туркистонда бўлган ҳодисалар қайтарилмаслиги учун мен ўзимизнинг ҳокимиятни огоҳлантириб қўймоқчиман. Биз уч йил ичида олиб борган сиёсатни, ундаги хатоликларни биламиш ва шундай деймиз: «Ўз ичларингиздаги аксилиңқилобчиларни йўқ қилинг, миллий келишмовчилик уруғини сочаётган келгинди унсурларни йўқ қилинг, коммунизм никоби остида ишлаётган замонавий мустамлакачиларни йўқ қилинг»¹.

Бокудаги куруттой ва кенгашда туркистонлик вакиллар, уларнинг аксарияти собиқ жадидлар эди, «совет ҳокимияти фаолиятидан норози» эканликларини Т.Норбўтабеков сингари ошкора баён қилдилар. Улар «Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши тарғибот» ишларини авж олдиришга ва «Октябрь инқилобининг уч йиллиги кунида умумхалқ қўзғолони кўтаришга» чақирдилар.² Бахтта қарши, уларнинг бу режаси тўлиқ амалга ошмади.

¹ I съезд народов Востока. Боку, 1-8 сентября 1920 г. Стенографический отчёт. Петроград, 1920. С.87-89.

² РДҲА, 278-фонд, 4-рўйхат, 94-иш, 5-варақ - 6-варақнинг орқаси.

Кейинчалик Валидийнинг Туркистондаги энг яқин ёрдамчисига айланган Т.Жонузоқов 1920 йил кузида Фарғона водийси кўрбошилари орасига жўнаб кетди. 1920 йил 15 декабрда Шохимардондаги Парпи кўрбошининг қароргоҳида бўлган кенгашда С.Тўхтабеков билан бирга Тошкентдан келган 4 киши иштирок этди. Султонбек Тўхтабеков Туркистон МИК аъзоси бўлиб, у 1919 йил Андижон уезди ревкомининг бошлиғи бўлган. Большевикларнинг мустамлакачилик сиёсати ва қизил аскарларнинг боскинчиликларини ўз қўзи билан кўрган С.Тўхтабеков, 1920 йил октябрда Охунжон кўрбоши билан бирга (Охунжон сал олдин советларга таслим бўлган эди) истиклолчилар томонига ўтган эди.¹ Тошкентдан келган 4 кишининг биринчиси, архив ҳужжатида келтирилишича, «коракирғиз Тўракул; иккинчиси, Башкирдистонлик вакил Элдорхон Мутин; учинчиси, Уфа татарларининг вакили, у ҳақда маҳфий ҳужжатда «жуда билимдон» деб таърифланган; тўртинчиси, ёш кирғиз эди².

Фарғонадаги қизил армия қўшинлари қўмандонлиги номига юборилган 1920 йил 17 декабрдаги «мутлако маҳфий» маълумотда айтилишича, ушбу кенгашда Тўракул Жонузоқов Фарғона водийсидаги кўрбошиларни большевикларга қарши янада фаолроқ кураш олиб боришга чакирди. У Парпи кўрбоши билан бўлган шахсий мулоқотларида Т.Рисқулов тез орада Москвадан келишини (бу пайтда Т.Рисқулов Туркистондан Москвага чакириб олинган эди), улар Шермуҳаммадбекдан кўра, кўпроқ Парпи кўрбошига таянишларини маълум қилди.³ Т.Жонузоқов кейинчалик Шермуҳаммадбек қароргоҳида (1920 йил охира) ва Андижон уездидаги Истроил кўрбоши йигитлари орасида ҳам (1921 йил июнда) бўлиб, советларга қарши фаол кураш олиб боришга ундади⁴.

Туркистон Миллий Бирлигининг 1921 йил сентябрь

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 701-иш, 28-варақ.

² Қаранг: РДҲА, 278-фонд, 4-рўйхат, 14-иш, 6-варақ.

³ Фарғона ВДА, 435-фонд, 1-рўйхат, 61-иш, 25-варақ.

⁴ РХДА, 278-фонд, 4-рўйхат, 493-иш, 6-варақ.

ойида Самарқанд шаҳрида бўлган олтинчи конгрессидан кейин, яна Фарғона водийсидаги қўрбошилар орасига жўнаган Тўрақул Жонузоқов (таяхалтуси Канаев), истиқлолчилик ҳаракатига «ғоявий тус бера олди, қизил армия жангчилари ва маҳаллий» аҳоли ўртасида мурожаат йўли билан кучайтирилган ташвиқот олиб бориб, бор кучи билан босмачилар (истиклолчилар - К.Р.) сафига рус офицерларини ҳамкорлик учун жалб эта билди». У Фарғонадаги истиқлолчиларнинг етакчи мафкурачиларидан бири ҳам эди. Хусусан, Исроил қўрбошига катта ҳажмдаги ташкилий ишларни йўлга қўйишда катта ёрдам берган Тўрақул Жонузоқ ўғли «1921 йилнинг охиридаги тўкнашувларнинг бирида ҳалок бўлди»¹.

Хорижий мамлакатларда нашр қилинган Закий Валидий ва Боймирза Ҳайитнинг айрим китобларида ҳамда ҳозир республикамиз матбуотида чиқсан баъзи мақолаларда ёзилишича, 1920 йилнинг кузидаёқ, бир гурӯҳ собиқ ёш буҳоролик жадидлар Файзулла Ҳўжаев бошчилигига Буҳоро шаҳрида «Миллий итиҳод» ташкилотини тузган эдилар. Бу ташкилот ярим яширин ҳолатда иш олиб борган. 1920 йил декабрь ойида, Буҳоро шаҳрида Закий Валидийнинг келиши билан ташкилот ўз фаолиятини кенгайтириди, унинг аъзолари Буҳоро жумҳурияти доирасидан чиқиб, бутун Туркистон тупроғи бўйича ҳаракат қилдилар. Ташкилотнинг асосий мақсади Буҳоро жумҳурияти ва умуман, Туркистонни «советлаштириш - руслаштириш» таъсиридан саклаб колиш, чин маънодаги мустақиллик ва истиқлолга эришиш эди. Бунинг учун курашнинг ошкора ва яширин усулларидан фойдаланиш кўзда тутилди. Ташкилотда Ф.Хўжаев, Отаулла Ҳўжаев, Фитрат, Муинжон Аминов, Мукомил Бурхонов, Ибод Ҳўжаев ва бошқалар фаол иш юритганлар.²

¹ Краткий очерк возникновения и развития босмачества в Фергане по данным к 1-му марта 1922 г. М., 1922. С.24-25.

² 1922 йил Тошкентда Акмал Икромов бошчилигига маҳфий иш олиб борувчи «Миллий истиқлол» фирқаси тузилди. «Миллий истиқлол» ва «Миллий итиҳод» фирқаларини биргаликда яширин равишда истиқлолчиларни қўллаб-куватлашади, бу фирмалар истиқлолчилик ҳаракатининг кейинги ривожланшишида муҳим ўрин тутади. Демак, истиқлолчилик ҳаракати ўша 1919-1922 йиллардаёқ миллий истиқлол ғоялари билан маълум даражада куролланган эди.

Туркистонда ўша даврдаги сиёсий курашнинг марказида турган сиймолардан бири, ҳозиргина исми зикр этиб ўтилган Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) эди. Валидий 1920 йил декабрдан то 1921 йил ноябригача Бухоро шаҳрида яшаб, Туркистон, Бухоро ва Хоразмдаги истиклолчилик ҳаракатини ягна марказга уюштириш учун катта ишларни қилди. У Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Ф.Хўжаев, Усмон Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов билан ўз режаларини маслаҳатлашади. Закий Валидий кейинчалик ўзининг машҳур «Хотиралар» китобида эсласича, Туркиядан келган Анвар Пошо (1881-1922) ва Ф.Хўжаев, Валидий ўртасида 1921 йил октябрь-ноябрь ойларида Бухоро шаҳрида қизғин сұхбат-мунозарапар бўлган.¹ Бу мунозараларнинг асосий мавзуи бутун Туркистон минтақасида бўлгани сингари, Бухоро жумхуриятида ҳам авж олиб бораётган истиклолчилик ҳаракатига («босмачилик»ка) нисбатан ўтказиладиган сиёсий йўлни аниглаш эди. Шуниси ҳарактерлики, туркий халқларнинг бу уч буюк сиймоси Туркистон озодлиги ва бирлиги учун курашнинг уч қутбида туриб, бир-бирларидан фарқ қиласидиган вазиятда ва алоҳида шароитларда фаолият олиб боришиларига тўғри келди. Уларнинг ҳаёт шами ҳам дунёning турли манзилларида турлича тарзда сўнди. Лекин бу катта учлик фаолиятини ягона нуқтага бирлаштириб турган ғоя, бу - ота юрт ТУРКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ ғояси эди.

Закий Валидий Бухорода яшар экан, жадидчилик ғоялари билан суғорилган сиёсий партиялар ташкил қилиш, уларнинг дастури ва режасини тузиш билан астойдил шуғулланди. Валидий томонидан 1921 йилда «Эрк» партиясининг 9 банддан иборат ва жадид тараққийпарварлари партиясининг 19 бандлик дастурлари ишлаб чиқилди. Дастурдаги фикрларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Валидийнинг ёзишича, жадид тараққийпарварлари партиясининг дастурида куйидаги фикрлар устувор эди:

¹ Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганин бўри ер. Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан хотиралар. Бонгирд тилидан Ш.Турдиев таржимаси. Тошкент, «Адолат», 1997. 125-134-бетлар.

1. Ўз миллий маданиятига эга бўлиб, мустақил миллат сифатида ящаш - ҳаётнинг асоси бўлмоғи керак. Бу эса барча миллатларнинг орзусидир. Мақсадимиз Туркистонни мустақил қилиб, миллий хукумат тузишдан иборат. Миллат тил, дин, маданият, адабиёт, урф-одатлар бирлигига асосланади.

2. Озод Туркистонда давлат тузилиши ва идораси жумхурият шаклида бўлиб, ҳокимият асосини демократия йўли билан сайланган Миллат мажлиси ёки вилоят ва шаҳарларда вилоят ҳамда шаҳар мажлислари (земство) ташкил қиласди.

3. Марказий хукумат аъзолари Миллат мажлисининг розилиги билан Жумхурият раиси (Президент) томонидан, вилоятлардаги бошликлар эса марказий хукумат тарафидан тайинланажак. Вилоят ва шаҳар идора мажлисларининг раислари шу мажлиснинг ўзида сайланниб кўйилажак. Миллат мажлиси, Жумхурият раиси, вилоят мажлисларини сайлаш тартиби мустақил Туркистоннинг биринчи курултойи томонидан белгиланажак.

4. Туркистонда турк бўлмаган озчилик ҳам маданий хукуклардан фойдаланажак: Туркий халқлар Туркистон маданиятини кучли равишда яшнатиш учун яқдиллик билан фаоллик кўрсатишлари керак.

5. Туркистон миллий хукумати Туркистон миллий аскарига таянажак: ҳарбий хизмат мажбурий.

7. Мамлакатда виждон эркинлиги тўла таъминланажак. Диний ибодат ва урф-одатларни эркин равишда бошカリш йўли билан таъминланажак. Мамлакатда бошка дин миссионерларининг иш олиб боришларига рухсат берилмайди.

8. Матбуот ва нашриёт хуррияти ҳамда шахс эркинлиги давлатнинг асосий қонунлари тарафидан таъмин этилажак.

10. Ер масаласида ер ости ва ер усти бойликлари, ўрмонлари, ҳавзалари давлат мулкига ўтиши негиз ҳисобланади. Ер дехқонларга (қишлоқ дехқонларига) хусусий мулк қилиб берилажак.

12. Туркистоннинг озодлиги иқтисодий мустақиллик асосидагина амалга оширилтур. Шунинг учун Туркистон бошка қўшни давлатлар билан иқтисодий муносабатлар-

нинг замонавий тузилиши асосида оёкка туриб, тобора ри-
вожланиб боришини таъмин килишга ҳаракат қилинажак.

18. Туркистонда энг аввало хунар мактаблари йўлта
кўйилажак. Оврупога ўкувчилар юборишга аҳамият бери-
лажак...»¹

Бухорода 1921 йил 2-5 августда бўлган Миллий Бирлик
конгрессида (бу Москва конгрессидан кейинги 5 - кон-
гресс эди) Закий Валидий раислигида «Ўрта Осиё Миллий
Мусулмон Жамиятлари Федерацияси» (кейинчалик ТУР-
КИСТОН МИЛЛИЙ БИРЛИГИ номи билан машҳур бўлган)
уюшма тузилади. Миллий бирликнинг программаси
Валидий раҳбарлигида ҳали 1921 йилнинг бошларидаёқ
ишлаб чиқилган эди.

Туркистон Миллий Бирлигининг олтинчи ва етгинчи
конгресслари Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида, 1921
ва 1922 йилларнинг сентябрь ойида чакирилади. Самар-
қанддаги конгрессда жамиятнинг 24 банддан иборат Устави
ва Туркистон байроғи қабул қилинади. 1921 йил 6 сен-
тябрда қабул қилинган Туркистоннинг Миллий байроғи
бинафша рангда бўлиб, унинг асоси қилиб X асрдаги сал-
жукий ва қорахонийлар давридаги байрок танланган эди.
Альон рангдаги бу миллий байрокқа Маҳмуд Кошгарий
китобида тасвирлаб берилган байроқ асос қилиб олиниб,
уни Темур ва темурийлар замонида ёзилган кўлёзма
асарларидағи миниатюраларга сунниб яратишган эди.
Байроқни тайёрлаш ишида Закий Валидий билан бирга
Мунавварқори ва Тўракул Жонузок ўғли иштирок
этишади.

Самарқанд конгресси Фарғона водийсидаги истиклол-
чилик ҳаракатини ғоявий жиҳатдан жипслашувига анча
хизмат қилди. Фарғонадаги кўрбошилар ҳузурида бир
йилча бўлган Т.Жонузоков ўз фаолияти ҳақида конгрессда
ахборот берди. Анжуманда бутун Туркистондаги кўрбоши
гуруҳлари билан алоқа ўрнатиш ва ҳар бир кўрбошининг
хузурига сиёсий маслаҳатчилар юбориш тўғрисида қарор
қабул қилинди. Масалан, Самарқанд вилоятининг бош
кўрбошиси, найманлардан бўлган Очилбой ёнига ўзбек

¹ Тўғон. Хотиралар... 111-113-бетлар.

зиёлиларидан Қори Комил исмли бир обрўли киши жўнатилди. Валидийнинг эътироф қилишича, бу конгресс Туркистонда тўпланган конгрессларнинг энг муваффақиятлиси бўлди ва хурсандчилик вазиятида ўтди¹.

Валидий Фарғона мужоҳидлари билан алоқани мустаҳкамлаш учун 1920 йилдаёқ, Шермуҳаммадбек хузурига Бошқирдистон ҳукуматининг Элдорхон Мутин деган зиёли кишисини жўнатган эди. Элдорхон бекнинг қўшинида ҳарбий ишлардан сабоқ берди, ўрни келганда кўрбошиларга рус тилини ўргатди. «Элдорхонни менинг олдимга юбориб, жуда яхши қилган эдингиз. Ҳозир Қобулда учратиш насиб қилди», деб Шермуҳаммадбек билдирган миннатдорчилликни кейинчалик Валидий ўзининг хотиралирида эслайди.

Бундан ташқари, Валидий Шермуҳаммадбек олдига яна Хорис Игликовни, Раҳмонкул хузурига Мустафо Шоҳкулини юборади. Фарғонадаги Ўзган тоғларига - кирғизларнинг бош мужоҳиди Парпидек хузурига эса, 1921 йил октябрда бошқирд Минҳож чолни маҳсус мактуб билан юборди. Бу мактубда Валидий Парпидекка Қашғар томонга кетишни маслаҳат беради. Туркияда кейинчалик Валидий Парпи ҳожи билан учрашади. Парпи ҳожи Туркияга Хўтан, Тибет, Хиндистон йўли билан борганди. «Кечган умри ақлли бир қаҳрамон тўғрисида достон бўларлик даражада мазмундор», - деб таъкидлайди у ҳақда Валидий.

Валидийнинг шахсан ўзи Бухоро, Самарқанд ва Хоразмда ҳаракат қилаётган бир қатор кўрбошиларнинг қароргоҳида бўлади, уларни умумий душманга қарши аёвсиз кураш олиб боришга чакиради, ўзаро тотувликка ундаиди. Валидий шароит мажбур қилганда қизил аскарлар билан жангта киради, ўз қўли билан бир нечта босқинчини ўлдиради. Валидий Самарқанд вилоятида ҳаракат қилаётган Баҳромбек, Очилбек ва Қоракулбек ҳақида куйидаги фикрларни ёзган эди:

«Очилбек Самарқанднинг кунчикар томонидаги бир қишлоқдан. Найман уруғидан. Йирик гавдали, жуда меҳрмуҳаббатли киши... Очилбек найман ўзбекларининг

¹ Тўғон. Хотиралар... 121-123-бетлар.

Кўштамғали деган жойида туғилиб ўсган, ўттиз саккиз ёшида, ниҳоятда жасур, ахлок-одобли, меҳр-оқибатли, аввалдан ўйлаб иш юритадиган, ҳалол бир инсон. Россия ва дунё сиёсати тўғрисидаги газеталарни ўқиб, фикр қиласи. Даврон Очил деган ғайратли, ишнинг кўзини биладиган укаси ҳам ёнида эди»¹.

«Баҳромбек Самарқанд ёнидаги Дехнов қишлоғидан, тожиклашган мӯғул-баҳрин уруғидан. Русчани ўқиб-ёзадиган даражада яхши билади. Очилбек билан бирга Бухоро амирининг амакиси Сайд Акром Тўра ёнида ғузорда бир мунча вакт хизмат этган. Иккови ҳам гуруҳларини жамиятнинг буйруги билан ташкил қилдилар... Баҳромбекка Самарқанд ёнидаги Пастқишлоқдан Ҳамроқулбек исмли бир киши ёрдамчи бўлди. У ҳам Очилбек сингари ориятли, қаҳрамон, ўқимишли, Самарқанд жадидларининг муаллимларидан бири Шокирийнинг ўқувчисидир... Баҳром ёнида Самарқанд зиёлиларидан Ҳамроқулбек, Абдулҳамил, Кори Муҳаммад ва озарбайжон Озодбек бўлди. Баҳромбек тожиклар ўртасида шуҳрат қозонди... Баҳромбек сиёсатнинг моҳиятини тушунган одам эди»².

Кейинчалик, Туркистон тарихининг теран тадқиқотчисига айланган Валидийнинг гувоҳлик беришича, Самарқанд ва Фарғона ўртасидаги Ўратепа атрофидаги тоғлар Холбўтабек деган бир кўрбошининг қўлида бўлди. Унинг беш юзга якин йигити бор эди. Ҳақиқий ботир, рус босқинчиларига карши бўлган бир ватанпарвар бўлган. Йигитлари ва яқинлари уни жуда яхши кўришарди. Ёнида Мустафоқул деган жуда аклли, тадбиркор, истикболни кўриб иш қиласидиган, дунё аҳволини тушунадиган ёрдамчиси бўлиб, у молиявий ишлар билан шутууланаарди, ўзбекларнинг юз уруғидан эди.

Валидий ўз хотираларида истиклолчилар ва уларнинг раҳбарлари «элни таловчи, босқинчи» эмасликларини, балки ўз Ватанига содик, фидойи, дунё аҳволидан воқиф кишилар»³ эканликларини биргина Самарқанд вилояти кўрбошилари мисолида якъол кўрсатади.

¹ Тўғон. Хотиралар... 138-150-бетлар.

² Тўғон. Хотиралар... 138, 150-151-бетлар.

³ Тўғон. Хотиралар... 138, 150-151-бетлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳбарлик қилиш борасида жадидлар билан ислом уламочилари ўртасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Истиқлолчиларнинг йўлбошчиларига дастлабки пайтларда жадид мунаvvарларининг («Шўрои Исломия», «Иттиҳод ва тараққий», «Миллий иттиҳод», «Миллий истиқлол» аъзоларининг) таъсири кучли бўлган бўлса, кураш жараёнида устунлик уломачилар қўлига ўтди. Буни муҳоҳид раҳбарларининг «жиҳод ва ғазот» ҳақидаги шиорларидан ҳам билиб олса бўлади. Натижада, миллий озодлик ҳаракатининг ҳарактери айрим мутаассиси руҳонийларнинг амаллари оқибатида кўпинча, фақат ислом ғоялари билан чекланиб қолди. Шуниси таассуфланарлики, эшон ва қозиларнинг катта кисми кейинчалик советлар хизматига ўтишди. Истиқлолчилик ҳаракатининг бош мақсади - бутун туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғояси ўзгармаган бўлса-да, кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг янада кенгайишига тўсқинлик килди.

Хайриятки, юртимиз истиқлолга эришди. Мустамлакачилик кишанлари парчалаб ташланди. Дунё узра Ўзбекистон номи ва ўзбекнинг овози мағрур янграй бошлади. Бугунги мустақиллик кунларида, Ўзбекистон истиқлоли ҳақида фахр билан сўзлар эканмиз, байрам кунларида республикамиз шаҳар ва қишлокларидағи бош майдонларни тўлдирган баҳтиёр чеҳраларга боқар эканмиз, бу кунларга етказгандиги учун яраттанинг ўзига имон келтирамиз. Аллоҳга шукрки, турмушимиизда иқтисодий жиҳатдан бир оз етишмовчиликлар бўлса-да, юртимиз тинч, чегараларимизда осойишталик. Мехнатсевар халқимиз тиним билмай ишламоқда. У яратувчилик ва бунёдкорлик меҳнати билан мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамламоқда.

О. Шарафиддинов

20-30 йиллардаги хукмрон “мафкура” ва жадид адабиёти

1956 йилда шахсга сиғиниш фош қилингач, қатағон қилинган күргина одамлар оқланди. Улар қаторида атоқли адіб Абдулла Қодирий ҳам бор эди. Орадан күп вакт ўтмай, унинг «Ўтган кунлар» ва «Мехробдан чаён» романлари қайта нашр қилинди. Кейин одатдагидек, романларга тақризлар битилди, адіб тұғрисида мақолалар әълон қилинди, китоблар ёзилди, диссертациялар химоя қилинди. Ишлар бир маромда кетаётганида бир масала күндаланғ бўлди-ю, унинг атрофида кизғин баҳс қўзғалди - Абдулла Қодирий романлари қайси ижодий метод асосида ёзилган? Уларни социалистик реализм методига мансуб деб бўладими? Савол қалтис эди - чунки «Йўқ» деб жавоб берса, яқиндагина оқланиб, душманлик белгиларидан ҳалос бўлиб келаётган адібни тўлақонли совет ёзувчилари қаторига киритиб бўлмай қоларди. «Ҳа» деб жавоб берса, романларида социалистик реализм белгиларини топиш амри маҳол. Ўшанда айрим адабиётшунослар тузукроқ далил исботсиз Абдулла Қодирий асарларини социалистик реализм намунаси деб әълон қилдилар-да, шу билан баҳсга чек кўйилди. Чек кўйилди-ю, лекин барибир масала ҳал бўлмай қолаверди. Бу албатта, зўрма-зўраки хукм эди - ўшандан кейин биронта адабиётшунос бу муаммони қайта қўзғагани йўқ.

Аслида эса, тузукроқ ўйлаб кўрилса, «Ўтган кунлар» ҳам, «Мехробдан чаён» ҳам, ва ҳатто «Обид кетмон» ҳам жадид адабиётига мансуб асарлар деган хulosага келиш мумкин эди. Аммо шўро замонида бундай хulosага келинса ҳам уни ошкора айтиб бўлмас эди, ошкора айтган одам балога қолар эди, чунки бундай хulosaga хукмрон мафкура ақидаларига мутлақо зид бўларди, бинобарин, унинг яшашга ҳаки йўқ эди.

Маълумки, шўролар замонида ҳамма нарсага коммунистик кўз билан қараларди. Йўкимоий фанлар ҳам шу

мафкура чилдирмасига ўйнашга мажбур эдилар - бу соҳадаги тадқиқотлар холислик ва ҳаққонийликдан маҳрум бўлиб, хукмрон «мафкура» пролетар манфаатидан келиб чишиб яратган схемаларни тасдиқлашга хизмат қилмоғи лозим эди.

Жадиллар масаласида ҳам ана шундай ғайри илмий ва ўта субъектив концепция мавжуд эди. Унга кўра, жадиллар миллий буржуазия манфаатларига хизмат қилган реакцион оқим бўлган. Инкилобдан кейин улар уч гурухга бўлиниб кетган. Большевикларнинг марказий органи бўлмиш, «Коммунист» журналида (1928 йил, 10-сон) «Октябрь ҳам жадиллар» деган мақола эълон қилинган. М.Ғиёсов бу гурухларни қўйидагича белгилайди: 1) тугал аксил ҳаркатчилик лагерида қолувчилар; 2) Эски мақсадларидан қайтиб, фирмка ва шўроларга кириб ишлаб кетувчи сўллар; 3) бетараф қолувчилар - буларнинг кўплари эски жадид муаллимлари бўлиб, булар шўролар ҳукуматининг мустахкамланганини кўрган сари унга яқинлашадилар».

Бу таснифдан кўриниб турибдики, шўро ҳокимиятий ийларida, айниқса, 20- йилларда маориф ва маданият соҳасида жадиллар фаолият кўрсатишда давом этганлар. Аммо бу гал ҳам ўзларининг ақидаларига содик қолганлар. Большевиклар айрим жадилларнинг шўролар томонига ўтганини оғизда тан олсалар-да, амалда уларнинг ҳаммасига ашаддий душман сифатида муносабатда бўлганлар. Натижада, 20- йилларнинг бошиданоқ уларни кескин коралай бошлаганлар. «Синфий кураш» ҳадисини олган большевиклар уларга қарши «даҳанаки» жанг билан чекланмаган, 20- йилларнинг ўрталаридан жадилларга қарши репрессив тадбирларни кўллашга киришганлар. Бу кураш 30-йилларда ҳам шиддат билан давом этди ва 40- йилларга келиб жадилларнинг деярли ҳаммасини жисмонан маҳв этиш билан якунланди. Аммо бундан кейин ҳам жадиллар ҳақида бирон илиқ гап айтиш имкони бўлмади. Аксинча, авваллари бирда-ярим мақолаларда жадилларнинг маърифатпарварлик соҳасида жиндай ижобий роль ўйнагани ҳақида ўқиши мумкин эди. 60- йиллардан кейин эса, улар фақат кора бўёқларда тилга олинди. Шундай қилиб, хукмрон мафкура ўзбек совет адабиётининг пайдо бўлиши ва

ривожланиши тўғрисидаги концепцияни ишлаб чикди. Бу концепцияга кўра, янги адабиёт октябрь инқилоби билан бирга тутилган; у биринчи қадамлариданоқ «Яша шўро» деб ҳайқирган, большевикларнинг ҳамма ишини қўллаб-куватлаган, коммунизм ишига сидқидилдан хизмат килган. Бу адабиёт, табиийки, мафкуравий соғлом бўлган, ҳар қандай ёт мафкураларга қарши курашган ва шакшубҳасиз биринчи қадамлариданоқ социалистик реализм адабиёти сифатида кўринган. Албатта, бундай адабиёт сафида жадидларга ҳам, жадидчилик гояларига ҳам ўрин йўқ эди.

Афсуски, биз - ўзбек адабиётшунослари кўп йиллар мобайнида шу ёлғон «ҳақиқат»га ишониб яшадик, ишондикгина эмас, уни фаол тарғиб қилиб, ҳалқни ҳам шунга ишонтиришга уриндик. Ҳолбуки, ҳақиқий аҳвол бутунлай бошқача эди. Аслини олганда, «совет адабиёти» деб аталмиш адабиёт октябрь тўнтаришининг эртасига ёк, дастлабки ойларда ёк бирдан пайдо бўлиб қолган эмас - бунинг учун ҳаётда реал асос ёхуд бирор ишончли замин йўқ эди. Тўғри, айрим тадқиқотчилар Ўзбекистонда 1905 йилдан кейин ноктанинг инқилобий адабиёт шаклана бошлаганини тъқидлашади, бирок бу фикрнинг исботи учун келтириладиган фактлар моҳият эътибори билан жадид адабиётининг намуналари дидир. Аслини олганда эса ўзбек совет адабиёти 20- йилларнинг ўргаларида гина - Гайратий,Faфур Ғулом, Ойбек, Боту, Миртемир, Шокир Сулаймон каби ижодкорларнинг майдонга чикиши билан боғлиқ тарзда шаклана бошлаган. Тўғри, ундан аввал Октябрни кутланган, шўроларни мактаган айрим шеърлар, маршлар, ғазаллар ёхуд бошқа жанрлардаги айрим асарлар бўлган. Бирок улар бадиий савиёси ғоятда ночор бўлиши билан бирга, сон жиҳатидан ҳам кам бўлган. Шунинг учун улар бирлашиб, яхлит бир адабиётни ташкил этадиган кувватга эга бўлган эмас.

Амалда эса, 20- йилларда жадид адабиёти яхлит адабиёт сифатида фаолият кўрсатган. Қолаверса, бу адабиёт ўзининг аср бошидан 20 йиллик ривожланиш тажрибасига таянган ҳолда тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган, ҳам шаклан, ҳам мазмунан баркамоллик касб этган ва

миллатнинг маънавий ҳаётида жуда чукур из колдирган. Бинобарин, кейинчалик, яъни 30-йилларда айрим «марксист» адабиётшуносларнинг «жадидлар бирор салмоқка эга бўлган адабиётларни яратса олмай, тарих соҳасидан ғойиб бўлдилар» деган даъволари ҳам мутлақо асоссиз бўлиб чиқади. Куйироқда буни биз конкрет далиллар билан исботлашга ҳаракат қиласиз.

Ҳозир эса, шуни таъкидлаш жоизки, октябрь тўнта-ришидан кейинги кунларданоқ Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Сидқий Ажзий, Сидқий Хондайликий, Тавалло ва бошқа кўплаб атоқли жадидлар Октябрь инқилобига қандай муносабатда эканларидан катъий назар, маданият ва маориф соҳасида самарали фаолиятларини давом эттирганлар. 20- йилларнинг биринчи ярмида улар ўнлаб янги мактаблар очадилар, бу мактаблар учун турли-туман қўлланмалар ва дарсликлар яратадилар, нашриётлар ташкил этадилар, газета ва журналлар нашр этадилар, театр санъатини ривожлантириш борасида жонбозлик кўрсатадилар, турли-туман маърифий-маданий тўгараклар уюштирадилар. Албатта, зиёлиларнинг бундай фаоллиги мутлақо большевикларнинг рағбатига сазовор бўлган эмас, аксинча, улар жадидларнинг ҳар бир қадамини синчиклаб кузатишган, тўгараклар ва жамиятлар ишини таъқиб остига олишган, нашр ишлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Абдурауф Фитрат «Чигатой гурунги»нинг айрим мажлислари қуролли қизил гвардиячиларнинг назорати остида ўтганини ёзди. Ёхуд Заки Валидий хотираларида, 20- йилларнинг бошида зиёлилар устидан қаттиқ назорат ўрнатилгани важидан Бухорода Чўлпон билан учраша олмаганини эслайди. Аммо бундай таъқиб ва тазийклар жидидларни фаолиятидан тўхтата олмайди - улар матонат билан ишларини давом эттириб, 20- йилларда ёқ маориф ва маданият соҳасида анча салмоқли ютуқларга эришганлар.

Энди бевосита жадид адабиётига ўтадиган бўлсак, унинг кўзга яққол ташланадиган биринчи хусусияти шундаки, у инқилобдан кейин бирданига кўп жанрли адабиёт

тарзида ривожлана бошлади - жадид ёзувчилари шеъриятда ҳам, драматургияда ҳам, прозада ҳам, публицистикада ҳам бирдай муваффакият билан қалам тебратдилар. Мана, масалан, публицистикани олайлик. Айтиш керакки, публицистика, умуман, ўзбек адабиёти учун батамом янги жанр бўлиб, унинг илк намуналари ўзбек матбуотида 1900 йилдан кейингина пайдо бўлган эди. Лекин бу соҳадаги тажрибаларнинг ғоят камбағалилигига қарамай, янги ўзбек публицистикаси 20- йилларнинг бошида ўз ривожининг энг юксак чўққиларига кўтарилди. Бу даврда публицистиканинг ўсиши, биринчи навбатда, Абдурауф Фитрат ва Абдулҳамид Сулаймон номлари билан боғлиқ. Улар вактли матбуотда ўнлаб мақолалар эълон килдилар ва уларда бениҳоя ўткир эҳтирос билан, сўнмас бир жўш-кинлик билан миллат ҳаётининг энг мухим масалаларини кўтариб чиқдилар. Бу масала, албатта, биринчи навбатда миллий озодлик масаласи эди. Фитрат мақолаларида халкнинг миллий онгини уйғотишни истайди, унга ўзлигини танитмоқни орзу қиласди. Шу ниятда, у бевосита миллатга мурожаат қиласди, унинг ўтмиши буюклиги ҳакида гапиради ва бу миллий қадриятлардан ифтихор қилиш лозимлигини уқтиради. Буларнинг бари 18-19 йилларда ёзилганини, яъни ҳали Кўқон жароҳатлари эскирмай туриб, унинг фожиалари хира тортмай ёзилганини ҳисобга олсак, уларнинг қиммати янада ошади.

Жадид публицистикасининг ривожини яна шу факт билан тасдиқлаш мумкинки, инқилобдан аввал унда кўтарилиган масалалар фақат миллатнинг ички ҳаёти билангина чегараланиб қолганди, энди эса тематика кенгаяди, мазмун чукурлашади, муаллифлар дадиллик билан халқаро сиёсий ҳаёт ҳодисаларига мурожаат қила бошлайдилар. Бироқ, бунда ҳам улар ўзларининг бош мақсадларини унугмадилар - йирик давлатларнинг шовинистик сиёсатларини фош қилиб, мустамлакачиликни кескин рад қилиш йўлидан борадилар. Бу жиҳатдан, яна Фитрат фаолияти диккатта сазовор. У бу йилларда - «Инглиз ўйинлари» («Хуррият», 1918й. 64-сон), «Инглиз ва Туркистон» (Хуррият, 1918й. 32-сон), «Афғонистон ишлари» («Иштирокион», 1919й. 30-апрель), «Афғон ва инглиз сұлҳи» («Иштирокион», 1919й.

13-сентябрь), «Шарқ сиёсати» («Иштирокион», 1919й. 25-26-сентябрь) каби маколаларини эълон қилди, уларда империалистик кучларнинг мустамлакачилик сиёсатларини кескин фош қилди. Масалан, «Шарқ сиёсати» маколасида ёзди:

«Уларнинг тилаклари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараққий эттириш эмас, фоҳишаҳоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб этмоқ ва уруғимизни куритиб, бизни ишдан чиқармоқ ва кўлларига муҳтоҷ қилиб қўймоқдир. Улар шарқ ҳалқини бугун йўқ қилиб, Шарқни ўзларига моя қилмоқчи эдурлар».

Бу парча ҳеч қандай изоҳга муҳтоҷ эмас - унинг салмоги ва теранлиги бугун ҳам яққол кўриниб турибди.

Чўлпон ҳам ўзининг 20- йиллардаги публицистикасида ички муаммолар ҳақида ёзиш билан бирга, ҳалқаро долзарб сиёсий мавзуларда ҳам қалам тебратиб, мустамлакачилик сиёсатини фош қилишга катта ҳисса қўши. Фақат унинг ўзига хослиги шунда эди, у Фитратга ўхшаб умуман шарқ ҳақида эмас, балки муайян мамлакатлар, муайян ҳалқларнинг кураши ҳақида ёзди, жумладан, унинг 20 - йиллардаги анча-мунча мақоласи бевосита турк ҳалқининг миллий-озодлик ҳаракатига бағишлиланган. Чўлпон туркларнинг чет-эллик босқинчиларга қарши кураши ҳақида ёзар экан, унинг «истиклол эрларига» самимий муҳаббати ҳар бир сатрдан мана мен деб кўриниб туради.

Жадидларнинг ана шу ва шуларга ўхшаш яна бошқа ўнлаб публицистик асарлари ўша қезларда ўзбек ҳалқининг миллий онгини ўйғотищда катта роль ўйнади ва унинг қалбида миллий ифтихор туйғуларини жўш олдирди.

20- йиллар бошидаги жадид публицистикасининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у жадид адабиётининг мазмуни янгиланиб бораётганидан далолат беради. Масалан, аввалги даврларда асарлар мавзуининг торлиги сезиларди, кўп ҳолларда бевосита тасвир ўрнини дидактизм, куруқ насиҳат эгалларди, айтилмоқчи бўлган фикрни китобхоннинг оғзига чайнаб солиб қўйишга интилиш кучли эди. Энди бўлса, улар камаяди, бадиият кучаяди ва мазмундаги ҳаётийлик янги босқичга кўтарилади.

Бу хусусият нафакат публицистикада, айниқса, янги жадид шеъриятида ҳам яккол кўзга ташланади. Тўғри, 20-йилларда ҳам айрим шеърларда асрий уйқудан уйғонишга, янги тонг ҳавосидан тўйиб нафас олишга чакириқ мавжуд. Масалан, Садриддин Айний шеърларида биз шу ҳолни кўришимиз мумкин:

Баҳор келди, ётма тур,
Эшит, бу саслари надир!
Баҳор кўшлари ўқир
Баҳорнинг ҳаволари.

(«Мехнаткашлар товуши», 1919 й. 22март)

Ёхуд шу 1919 йилда ёзилган «Турон марши» шеърида шоирнинг анъанавий тарзда Туронни уйғотишга чорлаганини кўрамиз:

Уён! Турон эли, уён!
Тўлқинланди бутун жаҳон!
Бошқаланди бутун даврон,
Бошқа даврон, бошқа замон!
Ухлама, юр, сайра жаҳон!
Ётасанми, жоҳил нодон?

(«Мехнаткашлар товуши», 1919 йил, 1 октябрь).

Шўро замонида баъзи бир адабиётшунослар бу шеърларни совет поэзиясининг намунаси сифатида талқин килиб келдилар. Бироқ унинг мазмунидан кўриниб турибдики, унда шўровий белгилар эмас, жадидлар қарашларига якин масалалар, яъни жаҳолат ва нодонликни рад этиш, асрий уйқудан уйғониб, «бошқа даврон, бошқа замон»да жавлон уришга чакириқ мавжуд.

Ҳамза Ҳакимзода шеърларида эса биз бошқача аҳволга дуч келамиз - энди шоир, аввалгидек, фақат маърифатта чакириш билан чекланмади, энди у қадимиј Туркистоннинг сиёсий-ижтимоий аҳволини ўйлади, мухторият ғояларини улуғлайди, масалан, Ҳамза «Туркистон мухториятига» деган шеърида «ислом давлати»ни бир санжок остида бирлашишга чакиради, «араб, турк, қобил, хиндистон» каби ҳалклардан ташкил топган «ислом миллатини аҳилликка, иттифоқ бўлиб иш юритишга ундайди. Шоир наздида Туркистон мухторияти бу қўхна ўлка учун янги истиқбол эшигини очади, шунинг учун у шеърнинг

накоратида «Кутлуг бўлсин Туркистон мухторияти!!», дея ҳайқиради ва «янги муборак замон»ни ардоклашга чорлайди:

Келди муборак бизга янги бир замон
Янги давр кечирманг энди фил омон,
Ёд этмаки исмимиз тарихи жаҳон.

Мухторият ғояларини тараннум этган бу шеър, «Улуг Туркистон» газетасида 1918 йил 11 январ куни чоп этилган. Бинобарин, бу шеър Ҳамза Ҳакимзода ўзбек совет адабиётининг асосчиси бўлгани ҳақидаги фикрга бироз шубҳа билан қараашга имкон беради. У Октябрь инқилобининг эртасига ёқ бирдан «Яша Шўро» деб ҳайқирган эмас, балки ижодида жадидчилик майлларига содик қолган. (Куйироқла бу фикримизни тасдиқлаш учун яна баъзи бир далиллар келтирамиз).

Янги шеъриятда бадиий шакл соҳасида ҳам жиддий изланишлар давом этган. Унда анъанавий шакллар - ғазал, мурабба, мухаммаслардан кенг фойдаланилган бўлса-да, улар билан бир қаторда, бармоқ вазнидаги жанрларга ҳам кенг мурожаат килинган. Айни чоғда, айрим шоирлар аруз имкониятларини кенгайтириш йўлларини ҳам излаганлар. Бунда улар шеърга ярим мутойиба оҳангларини ҳам олиб кирганлар. Бу ўринда шоир Таваллонинг бир тажрибаси дикқатни жалб қиласи. Тавалло - инқилобдан аввал маданий-маиший ҳаётни тубдан янгилаш тарафдори сифатида кўринган ва «Равнак-ул-ислом» каби бақувват шеърий тўпламларнинг муаллифи тарзида танилган эди. Инқилобдан кейин у янги матбуот органларида хизмат килди, лекин ижодининг моҳиятига кўра жадидлик мавқенини саклаб қолди. У кўпроқ ҳажвий характердаги шеърлар битди, айрим шеърларида эса жуда зўр муваффакият билан янги тасвирий имкониятлар излади. Масалан, класик адабиётда ширу шакар деган жанр мавжуд. Бунда шеър бир вактнинг ўзида икки тилда - кўпинча форсча ва ўзбекча ёзилади. Тавалло кўллаган янгилик шундаки, у бир газалини ўзбек ва рус тилида ёзади. Бунинг қийинчилиги шундаки, рус тили ўзининг фонетик хусусиятларига кўра аруз конунларига бўйсунмайдиган тиллардан. Аммо Тавалло бу қийинчиликнинг улдасидан чиқа олган. Таваллонинг «Вот

шеър» деб аталган ҳазил шеъри «Муштум» журналига мурожаат шаклида ёзилган бўлиб, шу журналнинг 1928 йил 3- сонида босилган:

«Муштум чирогим, сўйлачи: как ты пожи-
ваешь?

Ҳар кимни сўкиб сам себе душман наживаешь.
Текканга тегиб, тегмаса шугиши, почему так?
Хуллас, жим ўтири, мунча всегда задеваешь.
Если попадет сенга бирор мулла килурсан,
Ҳар қандай асов бўлсада узда надеваешь.
Бир кун чиқасан чёрний кийиб, эртага бошқа,
Откуда чопон ҳафтада надеваешь?
Ҳеч бир сожалет этма, ёзиб тур нима кўрсанг,
Иначе бугун вакти ғаниматни теряешь.
Майли хорошо, разный қиликларни ёзиб тур,
Бизлар биламиз, везде всюду биваешь.
Вот энди бугун ман ёзаман, сан смотри,
Сен дема мени «Мағзава» тездан забиваешь.

Албатта, бундай шеърлар адабиёт ривожининг катта йўлига унча дахлдор бўлмаса-да, адабиёт рангларини турфа хил қилиши, жилолаларини кўпайтириш, жозибасини ошириш билан характерлидир.

Жадид поэзиясининг 20- йиллардаги равнаки, албатта, Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон номи билан боғлиқдир. 20- йилларда у «Уйғониш», «Булоқлар», «Тонг сирлари» деган китобларини эълон қилди. Унинг кўпгина шеърлари «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламида, «Адабий парчалар», «Гўзал ёзчиғлар» каби китобларда чоп этилди ва улар ўзбек шеъриятининг гултожи бўлиб қолди. Лекин бу шеърлар совет руҳидан мутлақо узок эди, аксинча, жуда ошкора тарзда аксил шўровий оҳанглар билан суғорилган шеърлар эди. Чўлпоннинг 20 - йилларда яратган шеърлари инқилобдан аввалги жадид шеъриятидан тубдан фарқ қиласди. Бу шеърият курук насиҳатдан, яланғоч дидактикадан бутунлай узок, энди унда инсон ҳаётининг энг асосий муаммолари - ҳаёт-мамот масалалари кўтарилади. 20- йиллардаги шеъриятнинг бош масаласи - инсон эрки, миллатнинг озодлиги масаласидир. Шоир эҳтиросли ёник қалб билан мустамлака кишанларига карши бош кўтаради. Инсонни

таҳқирловчи, оёқ остида кўрувчи «афандиларни» қоралайди. Унинг шеърларида жуда зўр ғууррга эга бўлган, қамчилар ва кишанлар зулми остида иродасини, эркка ташналигини йўқотмаган инсоннинг қалби уриб туради. Шоир кишанлар билан дўстлашишга ва шунинг учун сустлашган юракка мурожаат қиласиди, уни мағур бўлишга, киshan киймацликка, бўйин эгмасликка чакиради, чунки шоир ҳар ҳаёндай инсонийликнинг бирламчи шарти деб эркинликни билади:

Бўйин эгма, киshan кийма!

Ки сен ҳам хур туғилғонсан.

Чўлпоннинг 20- йиллардаги шеърияти том маънода, озодлик қўшиқлари даражасига кўтарили - бу қўшиқлар миллат қалбida милгираб ётган эркинлик чўларини алан-галантирди, миллат бўйининг анча ўсишига, қадди-коматини ростлашига ёрдам берди. Шунинг учун ҳам шўролар хукумати бу шоирни кўраолмади, унинг атрофида мафкуравий ур-йикитлар ўюштириб, унинг овозини ўчиришга харакат қиласиди. Шу тарзда, 20- йилларда Чўлпон яратган шеъриятни ҳеч иккilanмай, янги босқичдаги жадид шеъриятги деб атаса бўлади.

20- йилларда жадид драматургияси ҳам жуда самарали тарзда дадил қадамлар билан ривожланди. Янги пайдо бўлган ўнлаб драматик асарлар миллий театрнинг мислсиз ривожини вужудга келтирди ва бу икки ҳолат бирлашиб, 20- йиллардаги маънавий ҳаётнинг узвий қисмига айланди.

20- йилларда жадид драматургиясининг энг фаол, энг атоқли намояндлари Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Ҳамза Ҳакимзодалар бўлган эди.

Абдурауф Фитрат киска муддат ичидаги «Темур соғонаси», «Абулфайзхон», «Чин севиши», «Ҳинд ихтилочилари», «Арслон», «Зоҳоки морон» каби фожеа ва драмалар яратди. Буларнинг ҳаммаси ўша йилларда ўзбек саҳнасида муваффакият билан қўйилди. Табиийки, бу асарлар ҳам Фитратнинг публицистикаси каби, биринчи навбатда, аксил мустамлакачилик руҳи билан сугорилган эди. Фитрат ўтмишга мурожаат қиласиди, буюк соҳибкирон Амир Темур образини яратади, уни ўз юртининг фаровонлиги, мустакиллиги, яхлитлиги учун курашган, маданият ва маънавий

виятни юксалтиришга, адабиёт ва санъат ривожига катта аҳамият берган давлат арбоби сифатида кўрсатади.

20- йилларнинг бошидаёқ саҳнага кўйилган «Чин севиши» драмасида ва кейинроқ яратилган, «Хинд ихти-лолчилари» драмасида кўшни ҳинд халкининг тақдири тимсолида мустамлака сиёсатининг даҳшатини очади ва эрк учун, мустақиллик учун курашган одамларни том маънода идеал қаҳрамонлар тарзида кўрсатади. Фигратнинг бу асарлари айрим бадиий қусурлардан ҳоли бўлмаса-да, миллат тақдири учун куйиб-ёниб ёзилган асарлар сифатида донг қозонди. Худди шу сифатлари учун бу асарларни шўро мағкураси қабул қилмади ва биринчи қадамлариданоқ уларни муттасил қоралаш билан шугууланди.

Жадид драматургиясининг ривожига Чўлпон ҳам салмоқли ҳисса кўшди. Бу жиҳатдан, айниқса, унинг 20- йиллардаёқ саҳнага кўйилган “Ёрқиной” драмаси диққатга сазовор. Бунда ҳам Чўлпон ўзининг шу йиллардаги эътиқодидан келиб чиқади - у инсон ҳаётининг моҳияти ҳакида ўйлар экан, инсон учун энг ардокли қадрият сифатида эрк ва адолатни тасдиклайди. Драма қаҳрамони Пўлат вазирнинг қизи Ёрқинойни севади, лекин зарур бўлса, адолат учун кураш йўлида у ҳузур-ҳаловатидан, фароғатдан, муҳаббатдан ҳам воз кечади. Ҳаётдаги адолатсизликка, зулмга қарши кураш, адолат, инсоф ва диёнатни тасдиклаш Пўлат учун энг улут аъмол. Ёрқиной драмаси саҳнага кўйилган кезларда Туркистонда, Фарғона водийсида ва ўлкамизнинг яна бошқа кўпгина жойларида фукаролар уруши давом этмоқда эди ва бу жараёнда ҳар қадамда, ҳар сонияда юзлаб, минглаб зўровонликлар, адолатсизликлар, қатлиомлар содир бўлмоқда эди. Бошкacha айтганда, зулм олови гуриллаб ёнмоқда эди. Шундай шароитда «Ёрқиной» драмаси катта аҳамиятга эга бўлди.

20- йилларда Ҳамза ҳам жадидона руҳдаги драмалар яратди. Булар «Қаҳрамон Ўғиз», «Фарғона фожеалари», «Мухторият» каби асарлариидир. Улар мазмунан шўро адабиётининг қолипларига тўғри келмайди, шунинг учун шўро адабиётшунослиги бу асарларга кам аҳамият берди, уларни ғоявий чалкашлиқда, ўтмишни идеаллаштиришда айблаб, шу билан таҳлилни мухтасар қилиб кетаверди.

Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди, негаки объектив таҳлил давом эттирилса, Ҳамзанинг совет адабиётининг асосчиси тарзидаги образига дод тушиб қоларди.

Бу ўринда яна шуни таъкидлаш керакки, Ҳамзанинг «Тухматчилар жазоси», «Ким тўғри», «Майсаранинг иши», «Холисхон» каби машхур асарларини ҳам совет драматургиясининг эмас, жадид драматургиясининг намуналари деб қараган маъқул, чунки унда ҳам социалистик реализмни ташкил қилувчи бирон белгини кўрмаймиз - драматург ҳаёт ҳодисаларини холислик билан атрофлича тасвирлайди, зўрма-зўраки ва сунъий характерлар яратмайди, инсонни инсоний жозибадан маҳрум қилувчи синфий сифатларга ва характеристикаларга мурожаат қилмайди.

Қўринадики, 20- йилларда жадид драматургияси кенг кўламда катта қадамлар билан ривож топди. Энди вазифа публицистика, шеърият каби унинг ҳам жамики хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилишdir.

Энди жадид прозаси масаласини кўриб чиқайлик. 20-йилларда жадид прозаси ҳам жуда тез суръатлар билан ўсли ва жаҳон миқёсидаги етук проза даражасига кўтарилиди. Юқорида эслатганимиздек, унинг ривожи адиб Абдулла Қодирийнинг номи билан боғлиқ. 1920 йилдан бошлаб у “Ўтган кунлар” романини эълон кила бошлади. 20- йиллар ўртасига келганда роман алоҳида китоб бўлиб чиқди. Кейин кўп ўтмай «Мехробдан чаён» эълон қилинди. Бу икки роман ўзбекларнинг маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди ва ҳалқ маънавиятининг ривожига катта ҳисса кўшди. Савол туғилиши мумкин, нега сиз «Ўтган кунлар»ни совет адабиёти намуналарига кўшмаяпсиз? Умуман, асарларни жадид ёхуд совет адабиёти намуналарига ажратганда қандай меъёрга асосланяпсиз? Асарларнинг қайси сифатларига таяняпсиз? Бу ўринда факат, битта меъёр бор - совет адабиётига мансуб муаллиф воқеани акс эттирища синфий нуқтай назарга асосланади, у нимани тасвирламасин, ҳар гал, албатта, воқеаларни, одамларни «пролетар синфи»нинг манфаатларидан келиб чиқиб баҳолайди. Бунинг оқибатида тасвирда торлик пайдо бўлади, асарда факат икки хил ранг - оқ ва кора устун бўлиб қолади, бошқа рангларнинг роли йўқолади, асарда инсоний жозиба су-

саяди, схематизм биринчи ўринга чика бошлайди. Жадид адабиётида эса ундей эмас. Бу адабиёт вакиллари қайси жанрда ижод килишларидан қатъий назар, вокеаликка умумбашарий категориялар нуктаи назаридан ёндашади, бу эса маънавий ва бадиий жиҳатдан етук асарлар яратишга имкон беради. Шунинг учун ҳам китобхон «Ўтган кунлар»ни ўқир экан, Отабекнинг савдогар бўлганидан эмас, умумбашарий идеалларни ўзида мужассам этганидан завқ олади.

Энди юқорида айтилганлардан баъзи холосалар чиқарайларик.

1. XX аср бошида майдонга келган жадид адабиёти ок-тябрь тўнтаришидан кейин ўз-ўзидан ғойиб бўлиб кеттани йўқ, аксинча, у янги тарихий шароитда таъқиб ва тазийкга қарамай ўсишда давом этди.

2. Жадид адабиёти 20- йилларда ўз ривожининг анча баркамол даражасига етди. Бу адабиёт - кўп жанрли, мазмунан янгилangan, умуминсоний хусусиятларни тараннум этувчи, эрк ва озодлик,adolat ва виждонийлик ғояларини олға сурувчи адабиёт бўлди. 20- йиллар сўнггида большевиклар амалга оширган мафкура соҳасидаги кескин кураш, пролетар адабиётининг гегемонлиги учун кураш, но-пролетар ёзувчиларга нисбатан кўлланган репрессив чоралар жадид адабиётининг бемалол ривожи учун ҳамма имкониятга барҳам берган эди. Шунинг учун 30- йилларда Абдулла Қодирийнинг «Мехробдан чаён» ва Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидан бошқа жадид адабиёти на-мунаси деб кўрсатишга арзийдиган асар майдонга келмади.

3. 20- йиллардаги жадид адабиёти изсиз йўқ бўлиб кетмади. Масаланинг парадоксал томони шундаки, шўролар томонидан қоралangan ва таъқиб қилинган жадид адабиёти 20- йилларнинг ўрталарида янги пайдо бўлаётган ўзбек совет адабиёти учун замин бўлиб хизмат килди.Faфур Ғулом, Ойбек, Ғайратий, Миртемир, Абдулла Қаҳхор, Ҳамид Олимжон каби навқирон авлодга мансуб ёзувчилар жадидларни мафкура жиҳатидан ошкора ёқтирасалар-да, улардан санъатнинг моҳиятини тушунишда, маҳорат сирларини эгаллашда кўп нарса ўргандилар.

Жадидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва тақдири (1917-1930 йй)

Маълумки, шўро тарихшунослиги жадидчилик харатининг кариб ярим асрга яқин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мағкуравий, миллий озодлик ва истиклол жабҳасида юритган кўп қиррали унумли фаолиятини нотўри кўрсатиб келди. Шунингдек, у юқоридан, комфирқа марказий органлари томонидан белгилаб берилган кўрсатма асосида жадидчилик харакатининг мазмун ва моҳиятини ҳар томонлама бузиб талқин қилди.

Аниқки, шўро ҳокимиятинг дастлабки ўн йиллиги ва ундан кейинги даврига бағишланган тарихий-оммабоп ва илмий-монографик китобларда жадидчиликнинг «моҳияти» қаттиқ танқид остига олинди. Лекин, унинг бу даврдаги харакати тўғрисида ҳеч нима аниқрок кўрсатилмади. Бу эса ўз-ўзидан шўро даврида жадидчилик харакати бўлмаган, «улут октябр»дан сўнг у каршилик кўрсатмасдан, тезгина инқирозга учради, деган сунъий фикрнинг карор тошишига олиб келди.

Биз ўз илмий тадқиқотимизнинг бир йўналишини мана шулар билан боғлик, ушбу икки масалага қаратдик: 1. Ҳакикатан ҳам жадидчилик ўқтабр тўнтаришидан кейинги ҳаракат сифатида ўз фаолиятини тўхтатганми? 2. У чиндан ҳам шўро тарихида таъкидланганидек, «савдо буржуазияси»нинг мағкураси бўлганми?

Муборак истиклол туфайли архив ва кутубхоналарнинг маҳсус фондларида «махфий» ва «мутлақо маҳфий»ликда сакланиб келинган тарихий хужжат ва китобларнинг «юзи очилиши», бу масала ечимига яқиндан ёрдам бериши имконини яратди.

Илмий муомалага киригилган янги манбалар шуни билдирадики, жадидчилик умумхалқ ва умуммиллат, яъни умуминсоний манбаатни ҳамда тараққиётни химоя қилган. Жадидчилик бир синфнинг эмас, аксинча, миллат ва Ва-

танин рус босқинидан озод қилувчи, халклар тенглигини қарор топтирувчи ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, маънавий-мағкуравий куч сифатида тарих майдонига келди ва то 20-йилларнинг охиригача фаолият кўрсатди. Мана шунинг учун ҳам у ҳаракат сифатида коммунистик ҳаракатдан ҳар томонлама устун туради. У Туркистанда мустамлакачи рус коммунистлари сиртдан, сунъий равишда тикиштирган синфий курашга қарама-қарши бўлган миллий-озодлик ва истиклол курашининг ғоявий мағкуравий асосини ташкил этди. Туркистандаги синфлар кураши ҳакида жадидчилликнинг маънавий отаси Мунавваркори Абдурашидхонов ўзининг шўро қамоқхонасида ёзган «Хотираларимдан» асарида шундай дейди: «Бизларнинг синфий дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб ҳисобланётган катта ер эгалари ва савдогарларнинг жуда озгина гурӯҳи ҳисобга олинмаса, бизларнинг кўз ўнгимизда ҳамма teng эди. Буржуазия тўғрисида гапирганда бизлар йирик савдогар ва катта ер эгалари нигина назарда тутар эдик. Бизлар шўро ҳукуматининг мана шуларга эмас, балки майда ва ўрта ҳол буржуазияга нисбатан олиб борган тадбирларига қарши бўлдик. Бинобарин, бизлар асосан майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилдик: мана шундан бизларнинг ўқтабр инқилобидан кейин мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ролимиз, шўро ҳукумати, йўқсил диктатурасига қарши олиб борган курашимиз тушунарли бўлса керак. Бизларнинг мустақиллик ҳақидаги шиоримиз, аввал буржуа демократик Туркистанни, ундан сўнг эса, қайта чегараланишдан кейин Ўзбекистонни ташкил этиш, ҳокимиятни майда ва ўрта буржуазия кўлига бериш тўғрисидаги ҳаракатимиз ана шундан келиб чиқади»¹.

Бу сатрларни Мунавваркори шўро ГПУси томонидан «миллий буржуазия» мағкурачиси ва шўро ҳукуматининг душмани сифатида қамоқقا олинган, ўз тақдирини аён бўлиб турган бир пайтда - 1930 йил ипонда ёзди. 1917 йил

¹ Абдурашидхонов М. Хотираларимдан (қўлёзма муаллифда сақланади). Биз ушибу маколани ёзишда асосан шу қўлёзмага суннадик. - X.С.

октябрь тўнгаришидан сўнг мустабид коммунистик боскин ва мустамлакага қарши халқимиз олиб борган миллий озодлик ва мустақиллик курашининг бошида жадидлар турди. Улар бу пайтда асосий қаршилик ва муҳолифат куч сифатида ўзларини намоён этди. Бирок, шўро-коммунистик ҳокимияти ўзини мустаҳкамлаб олиши биланок, унинг мустабидлашуви кучайиши билан жадидларда ажралиш юз берди. Аникроғи, ком фирмка улардаги бирликни парчалашга муваффақ бўлди. Уларнинг бир қисми «босмачилик уруши»га қўшилиб, Ватан озодлиги учун курашди ва шаҳид ўтди. Иккингчи қисми эса коммунистик таъкиб ва қатағонликдан қочди, хорижга кетиб, бегона мамлакатларда бошпана топишга мажбур бўлди. Учинчи қисми ком фирмка сафига ва шўро ҳукумати таркибига кириб, миллат ва Ватан манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлади, истиқлол учун расман ошкора ва маҳфий ташкилот ҳамда фирқаларга уюшиб, икки томонлама фаолият юритади. Туркистон мухторияти конга ботирилиши билан «Шўрои исломия» ва унинг бошқа шаҳарлардаги тармоклари ҳам тутатилди. Жадидчиликда кўзга кўринган зиёлилар ҳар хил баҳоналар, масалан, «миллий оғма-Шўроичилик»да айбланиб, ишдан олинади ва таъкиб остига олиниб, бадарға қилинади. Бу бир томондан, иккингчи томондан эса, ком фирмка ҳукумат раҳбарларини миллийлаштириш сиёсатини ҳам кўтариш билан икки юзламачилик қиласи. Бу сиёсат моҳиятини сезган жадидларнинг катта бир событиядам гурухи Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида уюшиб, коммунистик боскин ва зулмга қарши мустақиллик учун уч томонлама иш олиб боришига мажбур бўлади.

1. Миллий истиқлол учун кўтарилган «Босмачилик уруши»га ғоявий ташкилий раҳбарлик қилиш ва унинг сафида бевосита қатнашиш;

2. Маҳфий уюшган фаолият юритиш;

3. Шўро ҳукумати ва ком фирмқанинг мустамлакачилик сиёсатини демократик асосда ошкора танкид қилиш.

Булардан охирги икки фаолиятни амалга ошириш учун жадидлар куйидагилардан кенг фойдаланди:

1. Мусулмон фирмка ташкилотлари фаолиятини жонлантириш;

2. Ҳар хил фирмка ва бошқа ташкилотларнинг курултойларидан кенг фойдаланиш;

3. Махфий жадид ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини юксалтириш.

Тошкент жадидларида махфий иш олиб бориш учун «гап»ларга йигилиб туриш тажрибаси инқилобдан олдинроқ шаклланган эди. Шу сабабдан, шўро ҳукумати ва большевикларга ишонмасдан, ўлкада юз берадиган вазиятни муҳокама қилиб туриш мақсадида, 1917 йил августда жадидларнинг бир гурӯхи Тошкентда «Иттиҳоди тараққий» («Тараққий парвар уюшмаси»)га бирлашади. Бу ташкилот Туркия муҳожирлари ёрдамида тузилиб, унга Усмонбек раислик қилса-да, Мунавварқорининг мавқейи катта аҳамиятга эга эди.

Мунавварқорининг ёзишича, уюшманинг дастури дастлаб турк тилида Усмонбек билан Ҳайдар афанди томонидан ёзилган. Уни Мунавварқорининг ўзи ўзбекчага айлантирган. «Иттиҳоди тараққий» нинг асосий мақсади сиёсий характерга эга бўлган. У шўро ҳукуматига муҳолифатликда иш олиб бориб, унинг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилган, ёшларни сиёсий фаоллаштириш, турк муҳожирларига ёрдам бериш, мактаб ишларини ислоҳ килиш билан машғул бўлган.

Мунавварқорининг ёзишича, ташкилот аъзоларининг «сони 50га етмаса-да, уларнинг обрўси жуда юқори даражада» бўлган.¹ Уюшма ташки мамлакатлар демократик харакатларидан ёрдам сўраб, Туркияга икки марта маҳсус делегация юборади, лекин иккаласи ҳам муваффакиятсиз бўлди. Биринчиси, Садирхон ва Саидносир Миржалловдан иборат бўлиб, 1918 йилда Истамбулга етиб борган пайтда Ёш туркиялилар ҳукумати мағлубиятта учраб, қочиб кетган эди. Шунинг учун ҳам делегация белгиланган кишиларга учраша олмай орқага қайтади. Иккинчи делегация 1919 йилда юборилди. Унинг таркибига Тошкентдан Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжаев ва Саидносир Миржаллов, Самарқанддан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мардонкул ва Муҳаммадкул кирган эди. Бу делегациянинг яширин

¹ Турон тарихи. Тўплам. Т. 1992, 18 бет.

миссияси ва Туркистондан чиқиб кетишидан ЧК ходимлари хабардор бўлиб қолган. Шунинг учун У.Асадуллахўжаев Москвада, С.Миржалилов Тифлисда яширинишга мажбур бўлди. М.Беҳбудий ва унинг шериклари эса Шахрисабзда ушлаб олиниб, Қаршида Бухоро амирининг одамлари томонидан қатл этилади. Мунавварқори ГГУ терговига берган баёнотида бу уюшмани 1919 йилда тарқалиб кетди, деб кўрсатади. Аслида эса, ГПУни чалғитиши мақсадида, «Иттиҳоди тараққий» тарқатилди деб эълон қилиниб, расмий равищда ошкора «Бирлик» ташкилоти ташкил этилади. У икки-уч йилча фаолият юритиб, тарқаб кетади. «Иттиҳоди тараққий» эса 1920 йилда «Миллий Иттиҳод» («Иттиҳоди миллий») деб қайта ташкил этилади.

Махмудхўжа Беҳбудий вафотидан кейин Мунавварқори жадидчилик ҳаракатининг, айниқса, унинг маҳфий фаолиятининг бирдан бир йирик раҳбарига айланди. Ўша пайтлардаги катта йигилиш ва кўча намойишларида унинг номи улугланиб «Яшасин Мунавварқори!», «Яшасин ҳалқ!» деб ашула айтилди.¹ «Миллий иттиҳод» беш йил, кенг миқёсда фаолият юритди. У ҳам «Иттиҳоди тараққий» каби Туркистоннинг миллий бирлиги, ком фирмка сиёсатини фош қилиш, кишиларга истиклол ғоясини сингдириш учун курашди.

Шуни айтиш керакки, «Иттиҳоди миллий» кенг миқёсда ташкил этилган бўлиб, бошқа шаҳар ва вилоятларда ҳам унинг бўлимлари бор эди. Масалан, Самарқандда М.Беҳбудий, туркманлар орасида Хонявмудский, қозоклар орасида «Алаш» газетасининг муҳаррири иш олиб боради. Низомга кўра, ташкилотнинг Тошкентда Марказий қўмитаси, вилоятларда вилоят қўмиталари, шаҳарларда бўлимлари ва ҳатто, баъзи қишлоқларда бўлимчалари ҳам бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Уларнинг ҳар бирида раис, раҳбар ва хазинабондан иборат бошқарув органлари бўлган. Марказий раҳбар органлари маҳфийлик асосида тузилган, тармоқ маркази ва ташкилот аъзолари факат раҳбар орқали иш олиб борган, раис ва хазина-

¹ Ўша жойда, 16 бет.

бонни ҳеч ким танимаган. Куйи тармоклар ҳам худди шундай тузилган эди.

Ташкилотнинг маблағи, унинг аъзоларидан олинадиган бадал эвазига ташкил этилган. Аъзолик бадали ҳар бир кишининг моддий ахволига қараб, 100 сўмдан 250 сўмгача қилиб белгиланган. Шу нарса ҳам маълумки, Мунавварқори Бухорода шўро ҳокимияти ўрнатилганидан сўнг, у ерга ёрдам баҳонасида сургун қилинади. Шунда, ҳукумат раҳбари Ф.Хўжаев унга М.Фрунзе Москвага олиб кетган чоракам икки асрлик, Амир Олимхон хазинасидан қолган бойлиқдан 200та тиilo берган. Буни эса у «Иттиҳоди миллий» хазинасига топширган.

1925 йилда Мунавварқори ташабbusи билан «Миллий иттиҳод» («Иттиҳоди миллий») «Миллий истиқлол» деган ном билан қайта ташкил этилди. Бунга мустамлака Ўзбекистон «шўро социалистик республикаси»нинг ташкил топиши ҳамда Туркистаннинг парчаланиб ташла ниши, шунингдек, бевосита Туркистан бирлиги учун кураш ўта мушкул бўлиб қолганлиги сабаб бўлди. Ўзбекистон жадидлари энди ўз олдига мустакил Ўзбекистон учун кураш вазифасини қўяди. Лекин бу билан бирга улар умумтуркий олам бирлиги ғояси, Туркистан - қадимий она макон, умуммаданият ва қадриятлар ўчиғи эканлигини инкор этмайди. Маълумки, «Иттиҳоди тараққий» ва «Миллий иттиҳод» мустакил Туркистан учун курашган эди. «Миллий Иттиҳод»нинг ташкилий тизими, кураш усуллари сақланиб қолинган ҳамда Мунавваркорининг кўрсатмаси билан «Миллий истиқлол» маркази ва унинг вилоят ҳамда бошқа тармоклари раҳбарлари ёшлар билан алмаштирилади. «Миллий истиқлол»нинг «учлик» Марказий бошқаруви Мунавваркорининг энг ишонган шогирдлари Азиз Лазиззода, Салимхон Тиллахонов ва Фоғиржон Мусахоновдан иборат бўлди.

Азиз Лазиззода 1926 йил Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетини мустакил тайёрланиб, икки йилда тутатган ёш замонавий зиёлилардан эди. Шу йилнинг охирида у Москвадаги коммунистик университетта ўқитувчи қилиб юборилди ва аудиторияга маъруза ўқиш учун кирган биринчи куниёқ қамоқقا олиниб,

уч йилга Қалмық деган жойга сургун килинди.¹ Ташкилотнинг Наманган, Андижон, Самарқанддаги бўлимлари раҳбарлари ҳам ёшлар билан ўзгартирилди. Лекин ҳамма жойда ҳам раҳбарликни зимдан «кекса жадидлар»нинг ўзлари олиб боради. Бутун республикадаги махфий фаолиятни эса, Мунавваркори Тошкентдан туриб бошкарди. Унинг ҳакида терговга берган жавобида Салимхон Тиллахонов шундай деб ёзди: «Бизнинг ташкилотимизнинг («Миллий истиқлол»нинг-С.Х.) дастури йўқ эди. Унинг дастури ҳам, раҳбари ва илҳомчиси ҳам Мунавваркори-нинг ўзи бўлган»².

Азиз Лазиззода ҳам ўз устозининг сиёсий фаолияти ҳакида куйидагини ёзиб қолдирган: «У ташкилотнинг яккаю ягона раҳбари, теран ақллик мафкурачиси, илҳомлантирувчи стратег, уста дипломант ва бошқа шу каби жуда ижобий киши ҳисобланади. Унинг ақл-заковати ҳар доим ҳиссиётдан устун бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз ҳаракатида камданкам хатоликка йўл қўяди. Агар Мунавваркори ташкилотга раҳбар бўлмаганида, у бу қадар муваффакиятларга эришмас эди».³ «Миллий истиқлол» ва ундан олдинги ташкилотларнинг йиғилишлари унинг аъзолари хонадонларида «гап» базми, ҳар хил меҳмондорчилик кўринишида ўтказилди. Ташкилот фаолларидан бири Фатхиддин Махсум Исматуллаевнинг гувоҳлик беришича, шундай «гап»лардан бири Мунавваркорининг боғида ўтказилган. Унда Мунавваркори «Миллий истиқлол»нинг ҳамма уездларда беш кишилик раёсат (раис, котиб, хазинабон, икки аъзо)дан иборат бўлимлари тузилиганини ҳакида ахборот берган. Шу билан бирга, у эски ташкилотнинг дастури ҳозирги шароитга тўғри келмаслиги

¹ Жазо муддатини ўтаб бўлгач, Азиз Лазиззодага ўша ернинг ўзида яшаб қолишга рухсат этилади. Етти йилдан сўнг у Тошкентга келади. 1949 йилда яна қамоққа олинниб, Сибирнинг Красноярск ўлкасига доимий яшаш учун сургун килинади. Орадан беш йил ўтгач, 1954 йилда унга ўз Ватанига қайтишга рухсат берилди. - Х.С.

² СССР Ҳалқ комиссарлари қошидаги махсус Давлат сиёсий Башқармасининг Ўрта Осиё (Тошкент)даги ваколатли вакилилги архиви. 11 33391 иш, 3-ж., 15-а.

³ Ўша жойда, 706-бет.

ва янги ташкилотта ГПУни чалғитиши мақсадида, кўпроқ ёшларни жалб қилиш зарурлигини айтган ва ўз сўзининг якунида шундай деган: «Хозир мактабларда миллий руҳ қолмади. Бу масалада ҳеч қандай иш қилинмаяпти. Агар ахвол шундай давом этаверса ўзбекларда миллий руҳ йўқолиб кетади. Ўзбекистон руслар оёғи остида қолади»¹.

«Миллий истиклол» ўта маҳфийликда иш юритди. Унга аъзоларни қабул қилиш тартиби жуда жиддий, бутунлай маҳфий ва ихтиёрлик, Ватан олдидаги ўз бурч ва масъулиятини тўла ҳис этиш асосида ўтказилади. Бунинг учун, аввало, «Миллий истиклол»га кирувчига унинг бир аъзоси тавсия берини шарт бўлган. Шундан сўнг, у маълум синов муддатини ўтагач, қатъий тартиб-қоида асосида уч кишининг гувоҳлигида ташкилотга қабул қилинган. Қизиги ҳам, ҳайратланарлик томони ҳам шундаки, аъзо бўлаётган киши тавсия берган кишидан бошқасини кўрмайди, аммо уларнинг борлигини сезиб турари, кимлигини билмайди ва шу ҳолда қасамёд ичади.

Бу тўғрида «Миллий истиклол» Маркази раҳбарларидан бири Салимхон Тиллахоновнинг ушбу ёзувлари диккатга сазовордир: «Мен белгиланган муддатда, кечкурун Илҳом Исломовни Фофиржон Мусахоновнинг уйига олиб бордим. Бизнинг келганимизни билиб, дарвозани унинг ўзи очди-да, ўзини тезда четта олди. Биз қоронғи меҳмонхона орқали ичкари хонага кирдик. Парда орқасида турган Асадулла Ҳожихонов қасамёд сўзини такрорлаб эслатди. У шундан иборат эди: “Мен шу дакиқадан бошлиб «Миллий истиклол» ташкилотига кираман. Унинг барча буйрукларини ҳеч қандай эътироузиз бажараман, унинг олдидаги мақсадни рўёбга чиқиши учун керак бўлса жонимни, бутун молу дунёми курбон қилишга тайёрман. Унинг сирларини ҳеч қачон, ҳеч кимга ошкор килмайман, бунинг учун виждан ва иймону эътиқодим билан худои Карим олдида қасам ичаман. Шундан сўнг И.Исломов бу қасамёдни бир қўлини Қуръони Карим, иккинчи қўлини «маузер» тўппончаси устига кўйиб қайта такрорлади»².

¹ Ўша жойда. 706-бет

² Ўша жойда. 3-ж., I-в.

Мана шу мұқаддас қасамёд билан рус коммунистик босқинига қарши кураш масъулиятини ўз бўйнига олган юзлаб истиқлолчиларнинг аксарияти, буюк мақсад - Ватан мустакиллиги йўлида жуда ҳам оғир бир пайтда, катта жасорат билан курашиб, тарихда ўчмас из қолдирди. Бу эса, чоракам бир аср мобайнида ҳукмрон бўлган коммунистларга хос мактансоқликни, яъни шўро ҳукуматини Туркистон ҳалклари биринчи кундан бошлаб қўллаб-куватлади, комфирка эса уларни озодликка олиб чиқди, деган ёлғонни фош қилиб турибди. Ҳалқимиз шўро ҳукумати ва коммунистик якка ҳукмронликка қарши кучлар нисбати тенг бўлмаса-да, 20- йилларда ошкора ва маҳфий ҳолда жуда қаттиқ кураш олиб борди. Бу ўринда «Иттиҳоди тараққий», «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» ташкилотларига уюшган истиқлолчи жадидларнинг беминнат ва жасоратли хизмати беҳад катта бўлди. «Иттиҳоди тараққий», «Иттиҳоди миллий» ва «Миллий истиқлол» аслида бир ташкилот бўлган, зарурият нуқтаси назаридан, давр талабига кўра ўз номини ўзгартириб, бир мақсад - мустакиллик учун курашган. Бу мақсадга эришиш учун жадидлар қуйидаги реал тарихий омилларни ҳисобга олиб, катта ишонч билан ҳаракат килган:

1. Шўро ҳокимияти ва коммунистик ҳукмронлик Россия босқини ва мустамлакачилигининг янги кўриниши эканлиги. Шунингдек, социалистик ғоя, социализм қурилиши эса, қуруқ ҳомхаёл бўлганлиги. Унинг тарғиботчилари эса мугаассиб - фанатик кишилар эканлиги. Шўро ҳокимияти ва коммунистик якка ҳукмронлик ўз-ўзидан (ичидан) мукаррар равишда инқирозга юз тутиши.

2. Шўро ҳокимиятига қарши кўтарилган миллий-озодлик уруши («босмачилик») ғалаба қозонишига ишонч.

3. Жаҳон ижтимоий-иктисодий тараққиётининг асоси-эволюцион йўл ва демократик инқилоб эканлиги. Бир гурӯҳ коммунистлар раҳбарлик қилган «йўқсил инқилоби» (босқини, давлат тўнтариши) асосида бунёд бўлган шўро ҳокимиятининг хорижий (капиталистик) мамлакатлар билан тўкнашуви (уруш) ва рақобатда мукаррар равишда ҳалок бўлиши.

Мунавваркори шундай деб ёзади: «Бизлар... шўро

ҳокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўқнашувида муқаррар равишда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг йўқ қилинишига ишондик ва бунга тайёр-гарлик кўришга, шўро ҳокимияти ҳалокати юз берганида ҳокимиятни кўлга олишга тайёр туришга қарор қилдик... Шу ерда, менимча, Убайдулла Хўжаев (Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев) баёнотини мисол тариқасида келтириш ортиқчалик қилмайди, у шўро ҳокимияти ўзининг биринчи ўн йиллигига бормасданоқ, албатта, Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда ҳалок бўлади, агар биринчи ўн йилликда у ҳарбий тўқнашувга дучор бўлмаса, ахвол анча қийинлашади, деб айтган эди»¹.

Мана шунинг учун ҳам жадидлар «Босмачилик уруши»ни ягона қўмондонликка бўйсундиришга ва унга ғоявий ташкилий раҳбарлик қилишни ўз кўлларига олишга ҳаракат қилди. Уларнинг баъзи бирлари тўғридан-тўғри қўрбоши бўлиб, душманга қарши жанг қилди. Бошқалари эса қўрбошилар қароргоҳи ва хукуматларида маслаҳатчи ва ғоявий раҳбарлик вазифасини бажарди. Шу билан бирга жадидлар қўрбошилар ўртасидаги ўзаро ихтилофларни бартараф қилишга катта куч сарфлади, истиқлолчилик ҳаракатининг яширин ташкилотлари: «Иттиҳоди тараккий», «Иттиҳоди миллий» ва «Миллий истиқлол»нинг йирик намоянда ва раҳбарлари - Мунавварқори, Усмонхўжа Тўхтахўжаев, Исройлжон Ибрагимов, Обид Саидов, Тангириқул Мақсудов, Зайнутдин қори Насритдинов, Абдуллахожи Ғофуров ва бошқалар бевосита қўрбошиларнинг йигилиш ва курултойларида қатнашгани, қароргоҳларида сиёсий раҳбар, маслаҳатчи ва алока боғловчи бўлиб хизмат килганлари маълум.

«Миллий истиқлол» қарори билан Раҳмонқул қўрбоши қароргоҳига борган Усмонхўжа Тўхтахўжаев, у ердан туриб Садриддинхон («босмачилик уруши» ташкилотчиларидан бири) нинг диктовкаси билан Тошкентда иш бошлаган ком фирмка курултойига ультиматум ёзиб, Фарғонага мухторият берилишини талаб этади. 1931 йил 25 апрелда СССР Министрлар Совети қошидаги маҳсус Давлат сиёсий

¹ Абдурашидхонов М. Хотираларим. Кўлёзма. 85-86 бетлар.

бошқармаси (ОГПУ) нинг судлов коллегияси Ўзбекистонлик 87 истиклолчининг «жиноий иши» түғрисида чиқарган қарорида шундай деб кўрсатилади: «1921-23 йилларда «Миллий иттиҳод»нинг кўлгина аъзолари жойлардаги босмачилар тўдаси орасида ёки босмачилар бошликлари билан жинояткорона алокада бўлиб, совет ҳокимиятига карши курашни ташкил этишда бевосита қатнашди». Яна шу «айблов» хужжатида «Миллий истиқлол» ҳакида шундай деб кўрсатилади: «Бундан ташқари бу ташкилот босмачиликка нисбатан ижобий муносабатда бўлди. Унинг баъзи филиал (бўлим)лари, масалан, Наманган бўлими 1928-1929 йиллардаги босмачилар тўдасининг совет хукуматига қарши қуролли чиқишиларида қатнашди».¹

Истиқлолчи жадидлар эътибор берган асосий масалалардан бири, миллий рухни тарбиялаш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Бу ўринда яна Мунавварқорининг ўзи шундай деб ёзади: «Миллий чегараланиш миллатчилик (яъни ўзлигини англаш- Х.С.) майларининг кучайишига туртки бўлди. Бизлар миллатчиликнинг ўсишини ҳамма жабҳаларда - оммада ҳам, матбуотда ҳам, адабиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида кузатиб турдик. Бу ҳолатдан бизлар миллийликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишга азму қарор килдик...

Бизларга миллий гоя, миллий рухни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги тарғибот ишларни олиб бориш коммунистик кадрларнинг (савиаси - С.Х.) паст бўлганлиги сабабли осон кўчди. Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида ҳамда адабиётда Ғози Юнус, Жулқинбой (А.Қодирий), Санжар, Элбек каби миллий зиёлилар катта роль ўйнаши билан бирга, салмокли таъсирга ҳам эга эдилар. Гапнинг қисқаси, матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Масалан, Ғози Юнус, очиқдан-очиқ ёзса, бошқалар ўз миллий гояларини инқилобий сўзлар остига олган ҳолда, эҳтиётлик билан ёзади».²

Ҳакикатан ҳам, 20-йиллардаги шоиру ёзувчилар, мат-

¹ Ўша жойда. 86-87 бетлар.

² Ўша жойда, 86-87 бетлар.

буют ходимлари ва бошқа ижодий зиёлилар асосини жадидлар ташкил этди. Шунинг учун ҳам бу давр адабиёти ва дарсликларида миллийлик ва миллий рух кучли бўлди. Бу эса кейинрок, жадид ва уларнинг таъсирида бўлган зиёлиларни комфирка томонидан қатағон қилинишига асосий сабаблардан бири бўлди. Жадид ташкилотлари мустакилликка эришишининг асосий йўлларидан бири, ҳукумат ва бошқа давлат корхона, идора ва муассасалари раҳбар кадрларини маҳаллий кадрлар билан алмаштиришдан иборат деб билди. Шунинг учун ҳам улар комфирканинг «маҳаллийлаштириш сиёсати»дан кенг фойдаланди. Истиклолчи жадидлар ҳукумат идораларини маҳаллийлаштириш билан ҳокимиятни кўлга олмоқчи бўлди. Шунинг учун ҳам «Миллий истиклол» марказида маҳсус тузилган гурӯҳ маҳаллийлаштириш билан шугулланди. Унинг бири ҳукуматнинг маҳаллийлаштириш комиссияси билан яқиндан алоқада бўлди. Иккинчиси, матбуот таҳририяти, учинчиси эса ҳукумат муассасаларида ишлаб ўзларига якин миллий руҳдаги кишиларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга ёрдам беради. Шуни айтиш керакки, ҳукуматнинг маҳаллийлаштириш комиссиясини маълум бир вактда бошқарган Али Расулов «Миллий истиклол»нинг фаолларидан бири бўлган эди. «Миллий истиклол» аъзоларининг кўпчилиги юкори даражали ҳукумат ва фирмә лавозимларида ишлаб, муҳолифатлик асосида фирмә сиёсатига нисбатан ўзларининг аниқ тақлифларини билдириб ҳам турдилар. Уларнинг бир гурӯхи комфирканинг асосий ғояси синфий курашни бутунлай инкор этди.

«Миллий истиклол»нинг Наманган бўлими Зайнутдин кори Насриддинов раҳбарлигида иш олиб борди. Бу бўлим «Иттиҳоди тараккий» ва «Иттиҳоди миллий»нинг тармок бўлимларидан бири сифатида аввалдан катта фаолият кўрсатди. У ўз фаоллари Акрам Исматуллаев ва Х.Б.Ризаев орқали Тошкент ва шахсан, Мунавварқори билан доимо алоқада бўлиб, марказ кўрсатмаларини бажариб турган.

Катта хавф бўлишига қарамай, Наманган бўлимига ушбу истиқлолчилар фидокорона иш олиб борди. Булар У.Акрамий, М.Г.Дадамуҳамедов, Ф.Исматуллаев,

Х.Б.Ризаев, И.К.Атабаев, Жамол Садиев, Насимжон Махмудов, Ф.Усмонов, А.Мусабоев, А.Х.Фофуров, А.Зайнутдинов ва бошқалардир. Улар омма орасида жуда усталик билан комфирқани руслаштириш, раҳбар лавозимларга эса саводсиз кишиларни жалб қилиш сиёсати, маҳаллийлаштиришни илғор руҳдаги ўқимишли зиёлилар эвазига амалга ошириш зарурлиги, «босмачилар»га ёрдам бериш ҳакида тарғибот ишларини олиб бордилар.

Наманган бўлими, Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракатининг ўзига хос маркази ҳам эди. Унинг раҳбарлигидаги Андижон шаҳри ва Косонсой кишлоғида ҳам истиклолчилар уюшмаси ташкил этилиб, катта иш олиб борилди. Андижонда Абдуллаҳўжа Фофуров раҳбарлигидаги уюшган М.Каримов, А.К.Сатторов, Ш.К.Тошматов, М.К.Ашурев ва бошқалар, Косонда Абдуллабек Мусабоев раҳбарлигидаги И.М.Обиддинов, Абдухат Маруфжонов, Шоқобил Камолов, Ҳамроқул Камолов, Эргаш Нурмуҳаммедов ва бошқалардан иборат бўлганлиги ва, айниқса, уларнинг 1927-1929 йилларда каттагина фаолият юритганлиги ҳакида маълумотлар бор.

Коммунистик Россия мустамлака зулмига қарши озодлик учун кураш тарихида Кўкон шаҳрида «Миллий истиклол» кўрсатмаси билан ташкил топган «Ботир гагчилар» уюшмаси ҳам ўз ўрнига эга бўлди. У 1929-1930 йилларда фаолият юритди. Унинг ташкилотчи ва фаоллари Ашурали Зохирӣ, Лутғулла Алимов, У.Ҳамидов, Н.Эрматов, М.Хусаинов, А.Қаҳҳоров, К.Ортиқбоев, П.Парпиев, М.А.Салиев ва бошқалар бўлди.

Ташкилотнинг асосий мақсади, шўро ҳокимиятини ағдариш ва «халқ жумҳурияти»ни ташкил этиш бўлган эди. Бунинг учун эса улар Ўзбекистоннинг аҳоли гавжум жойларида ташкилотнинг бўлимларини ташкил этиш билан халқни қуролли қўзғолонга тайёрламоқчи бўлади. «Ботир гагчилар» «гап»га - (мехмондорчиликка йиғилиш билан) иш олиб борди, ўзаро маслаҳатлашди. Бирок, ташкилот узоқ фаолият кўрсата олмади. У 1930 йилнинг бошидаёқ ГПУ ходимлари томонидан фош этилди. Унинг 1930 йил 2, 14 ва 23 январдаги «гап»ларининг коралама ёзуви (протоколи) сакланиб қолган. Шунингдек, унга

тегишли низом, яъни аъзоликка кимлар қабул қилиниши ҳакидаги хужжат ҳам топилган.

Бу хужжат - Низом шундай сўзлар билан бошланади: «Ҳар бир онгли киши ўлкани ҳар қандай мустамлакадан озод қилишга интилмоғи ва Ўзбекистонда мустақил ҳукумат барпо этишга ҳаракат килмоғи ҳамла ҳалқни яхши турмуш шароити ва меҳнат билан таъминлашга бутунлай садоқатли бўлмоғи керак»¹.

Низомда ташкилотта қандай кишилар қабул қилиниши аник кўрсатилган. Масалан: Шўро ташкилотларида масъул ва номасъул лавозимларда ишловчи, судланмаган, сиёсий маҳбусликдан истисно кишилар ҳамда партия аъзолари:

- бошланғич ва ўрта мактаб, олий ўкув юртларининг ўқитувчилари, агар уларнинг номзодини кўпчилик ташкилот аъзолари қўллаб қувватласа;
- олий ўкув юртларининг маълум шароитида (миллий руҳда-С.Х.) тарбияланган онгли талабалари;
- мутахассислар;
- адабиётшунос, шоир ва ёзувчиларнинг маълум қисми;
- завод, фабрика ва матбаа ишчиларидан саводли тарғиботчи ва ташкилотчилар;
- деҳқонлардан: онгли ва аҳоли орасида обрўга эга бўлган кишилар, қобилиятли тарғиботчи ва ташкилотчилар;
- ҳарбий қисмлардан: миллий армияда хизмат қилган, у ёки бу даражадаги саводли шахслар, миллий командирлар;
- ҳунармандлар ва армияда хизмат қилганлар.

Низомда яна ҳар бир аъзо ташкилотнинг қўйидаги талабларига садоқат или берилган бўлиши ҳам кўрсатилган:

- аъзоликка қабул қилинаётган кишига нисбатан бирорта ҳам аъзо бефарқ бўлмаслиги;
- ташкилот аъзоси қаерда ишлашидан қатъий назар атрофдагилар ўртасида намунали бўлмоғи;
- ташкилот аъзоси, унга топширилган вазифани ҳар қандай пайтда бажариш қобилиятига эга бўлмоғи;
- ташкилот аъзоси бирорта бошқа ташкилот аъзоси

¹ ЎзР МХХ архви. 11 33391-иш, 19-ж., 276-в

бўлиши (партия, комсомол ёки касаба уюшмаси);

- ташкилот аъзоси ичимлик ичмаслиги ва «гап»ларда ўзини тута билиши.

Бу ҳужжатда ташкилотнинг низоми ва дастурини бузган ва уларга очикдан-очик қарши чиқсан аъзоларга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг тартиби ҳам кўрса-тилган.

Коидани тушунмаслиқдан бузганлар ташкилот йиғили-шида кечирим сўраганидан сўнг қатъий огохлантирилиши кўрсатилган. Шундан сўнг агар иккинчи марта қайтарилса ёки онгли равишда хато қилиб, хоинлик қилганлар маҳсус тузилган «учлик» комиссиясида муҳокама қилиниши бел-гиланган.

Махфий ташкилот - «Миллий истиклол» 1929 йил ок-тябрнинг 12 йиллик байрами арафасида ОГПУ томонидан фон этилади. 6 ноябрда 26 киши, кейинроқ, жами 87 киши кўлга олиниб, роса бир йилу беш ой олдин Тошкент, кейин Москва авахтахоналарида каттиқ азоб билан тергов қилинди. Ниҳоят, 1931 йил 25 апрелда уларнинг устидан СССР Бирлашган Бош Сиёсий Бошкармаси (ОГПУ) нинг судлов коллегияси «олий ҳукм» чиқарди. Бунинг учун бори йўғи бир неча дакиқа вакт сарфланди. Айзентерг деган кимса маъруза қилди. Шу коллегияда яна бошка 19 та ватандошимизнинг «жиноий иши» тўғрисида ҳам у маъру-за қилади. Уларга ҳам тегишли «олий жазо» белгиланди. Коллегия «миллий истиклол» иши бўйича айблангандарнинг 15 тасига отув, 6 тасига 10 йиллик концлагерга алмаштириш шарти билан отув, 25 тасига 10 йиллик, 21 тасига 5 йиллик, 15 тасига 3 йиллик концлагерга юбориш, 3 тасига СССРнинг 12 та белгилантан шаҳарларида яшаш ҳукувидан маҳрум қилинган ҳолда, қамоқдан озод қилиниши ҳакида қарор қабул қиласи.

Факат биргина киши, у ҳам бўлса, сиёсий бошкарманнинг айғоқчиси, ҳалқ хоини Мадхиддин Солихович Муҳаммедовга очилган тергов иши тўхтатилиб, қамоқдан озод қилинади. Чунки, унинг ОГПУ олдида «хизматлари» катта эди. У жадидчилликка ва элликка яқин ўз ўқитувчилари, қариндош-уруглари, бирга ўқиган ва бир хонадонда яша-ган «дўстлари»га сиёсий баҳо бериб, уларни сотган эди. У

Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультетининг 3 курс талабаси бўлган. Бу пайтда 19 ёнда бўлиб, Елдирим тахалтуси билан, шоир бўлиш орзусида шеърлар ҳам ёзиб турган. Унинг сиёсий бошқармага ёзган хатларидан айрим кўчирмаларни келтирамиз: «Агар жадидларнинг ҳозирги мафкурасига назар солсак, улар совет ҳокимиятининг ашаддий душмани эканликларини, бу ҳокимият қачон қуларкин, деб интиқ бўлаёттандарини осонгина билиб оламиз. Кулашига эса улар катъий ишонадилар. Улар совет ҳокимиятнинг (чет) душманлари билан бир сафдадирлар ва бу ҳокимиятни тугатишда иштирок этиш ниятлари бор. Душман, хоҳ ичдан, хоҳ ташқаридан қачон бу ҳокимиятга қарши ҳаракат бошлайди-ю, қачон бу кураш авжта минади - улар шуни кутмокдалар»¹.

Хулоса шуки, ком фирмка зўравонлик асосида давлат тўнгариши ясаб, ҳокимиятни кўлга олиши биланоқ, ҳалқимиз хохиш-иродасига қарши «Онангдан, отангдан тонасан», «Ўтмиш тарихинг, ўзлигинг, тилинг ва дини-диёнатнгдан тонасан» деган мустамлакачилик сиёсатини олиб борди.

Бу катта сиёсатнинг мазмун ва моҳияти Ватанпарварларни беайб камаш, қириш, таъқиб, гуноҳкор ва «халқ душмани» килищдан иборат бўлди. Бунинг учун уларга маҳаллий халқ учун етги ёт бегона бўлган, манфур сиёсий кураш ва социалистик инқилоб назарияси ва коммунизм куриш гояси асосий курол вазифасини бажарди. Коммунистик босқинчилар бу хомхаёл, утопик «гоя» ва «назария»ларни сиртдан олиб кириб, маҳаллий шарт-шароит, миллий хусусиятларни ҳисобга олмай, ҳаётга татбиқ қилиш учун алдов, фирибгарлик, икки юзламачилик, катагонлик ва сунъий очарчилиқдан усталик билан фойдаланди.

Асосий мақсад - бўйсунмас халқни бўйсундириш, тобе ва қарам қилиш, унинг миллий рухи, ҳис-туйғуси, ғурури ва иродасини синдириш, ўзлигидан ажратиш бўлди. Бунинг учун ленинчи большовойлар «Ким биз билан бирга эмас экан, у душман» деган шиорни ўртага ташлади.

¹ Ўзбегим. «Звезда Востока» журнали кутубхонаси. - Т., 1992, 171 бет.

Мундарижа

Сўз боши.....	3
Х.З.Зиёев. Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижти- моий-иктисодий замини.....	9
Н.Каримов. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши.....	23
Д.А.Алимова. Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий- сиёсий моҳияти ва жадидлар тафаккури.....	35
Е.А.Прилуцкий. Запад и Восток в философских и тео- ретических концепциях джадидов.....	53
Р.М.Абдулласв. Интеграционные процессы в мусуль- манском мире и туркестанские джадиды.....	69
Д.А.Алимова. XIX аср охири - XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик.....	83
Б.Қосимов. XX аср бошида жадид адабиёти ва тари- хий ходисалар.....	104
Ш.Ризаев. Жадид маърифатчилиги ва театр.....	118
Д.Рашитова. Жадидларнинг меросида мусика (А.Фитрат ижодига оид маълумотлар).....	128
Д.Х.Зиёева. Туркистанда ҳалқ ҳаракатлари ва жадидлар (1916 йил воқеалари мисолида).....	146
С.С.Аъзамхўжаев. Туркистон мухторияти - жадидлар	

миллий-демократик давлатчилик гояларининг амалдаги ифодаси.....	152
Қ.К.Ражабов. Жадидлар - истиқлолчилик ҳаракатининг гоявий раҳнамолари.....	174
О.Шарафиддинов. 20-30 йиллардаги ҳукмрон «мафкура» ва жадид адабиёти.....	188
С.Холбоев. Жадидларнинг мустамлака совет тузуми давридаги фаолияти ва тақдири (1917-1930 йй.).....	201

**Жадидчиллик:
ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва
тараққиёт учун кураш**

Мұхаррирлар *Ш.Юсупов, Д.Кобулова*

Мусаввир *Р.Султонов*

Техник мұхаррир *И.Розыкова*

Мусаххихлар *Т.Соатова, Г.Абдуллаева*

Компьютерчилар *Г.Абдуллаева, Д.Файзуллаева*

Теришга берилди 21.02.99 йил. Босишига рухсат этилди 27.04.99 йил.
Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Оффсет босма усулида босилди. Шартни босма
табоги 11,5 вклейка 0,5. Нашриёт хисоб табоги 11,5 вклейка 0,5.
Адади 3000. Буюртма № 20. Баҳоси шартнома асосида.

“Университет” нашриёти. Тошкент-700095, Талабалар шаҳарчаси,
ТошДУ маъмурий бино.

Янгийўл ижара пурратидаги китоб фабрикасида чоп этилди. Янгийўл
шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44. 1999.